

Шавкат НИЗОМ

Тўққиз хоқон САЛТАНАТИ

Тарихий роман-эссе



ТОШКЕНТ
«O'ZBEKISTON»
2016

УЎК: 821.512.133-1

КБК 84(5Ў)6

H57

ISBN 978-9943-28-662-7

© Шавкат Низом, 2016

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2016

Бошлама

Ҳар бир миллатнинг ҳавасга арзигулик томонлари бор. Буни туркийга татбиқ этсак, ишлари юз карра, минг карра фахрланишга муносиб бўлиб чиқади. Зеро, шон-шуҳрат илинжида ҳаллослаган элу әлатлар ичида у биринчи ўринда турса ажабмас. Биз қуида шу ҳалқ ўтмишини ёритишга ҳаракат қилдик.

Одатда дунё тарихини иккига бўлиб ўрганишади, буюк тўфондан олдинги ва кейинги даврлар. Буларнинг биринчиси ҳақидаги маълумотлар факат диний манбаларда мавжуд. Кейингисининг тафсилоти эса ҳам диний, ҳам дунёвий хабарларда сақланган. Шуларни таққосласак, янги тарих беш ярим, олти минг йилни ўз ичига олади. Демак, туркий, жумладан, ўзбек ҳам таҳминан шунча ёшда. Улар ҳақидаги илк эътирофлар эса Оссурия сопол ёдгорликларида ифода топган. Қолаверса, қадимги тараққий этган ҳалқ – Шумер ҳам аслида туркийнинг аждоди бўлгани бугун тобора тан олинмоқда. Шундай экан, биз ўз бобокалонларимиз билан ҳақли равиша фахрлансанак арзиди.

Бирок, тарихий ёзма манбаларда келтирилган номларининг ўзиёқ аслида ким эканини билдириб турса-да, кўп сонли реал ва афсонавий қаҳрамонларимизни зўрма-зўраки равища бошқа ҳалқларга боғлаш тенденцияси ҳанузгача давом этмоқда. Собиқ Иттифокда туркийлар славянлардан кейинги кўп сонли ҳалқ бўлгани боис Шўро тузуми олимлари улар ҳақидаги маълумотларни сир тутишганига, ёхуд атай билиб билмасликка олишганига тушуниш мумкин. Масалан, Шумер эпоси қаҳрамони «Билгамиш»ни сунъий равища ўзгартириб, «Гильгамеш»га айлантиришгани фикримизнинг ёрқин далилидир. Ҳолбуки, номининг ўзиёқ бу донишманд ҳукмдорнинг аслида ким бўлганидан дарак беради. Шундай ҳолатлардан яна бири туркийлар ҳақида гапирганда, уларнинг тили, қонун-қоидалари, кийиниши, турмуш-тарзи ва

ҳоказоларни мўғулларга нисбат бериб ёритишларида кўзга ташланади. Ваҳоланки, Шумер ва скифдан бошланган буюк ҳалқ эрамизнинг олтинчи юз йиллигига турук* номи билан қайта дунё саҳнига чиққанидаям ҳали мўғул ҳақида садо йўқ эди. Шундай экан, бу масалани аксинча ифодалаш, яъни бошқа ўнлаб қабилаларнинг туркий элатлар базасида шаклланганини тан олишadolatdan эмасми? Шуларни ўйлагандан беихтиёр, ҳалқимиз зиммасига алоҳида тарихий вазифа юкламаганмикан, деган хаёлга борасан киши.

Дарҳақиқат, бу элнинг азалдан ҳалоскорлик вазифаси бўлган, яъни диний манбаларда Парвардигор ўз йўриғидан тонгандарни жазолашда туркий қавмдан фойдалангани битилган. Бунда шубҳасиз рамзий маъно бор. Шундай экан, унга улуғ ишлар учун яратилган ҳалқ сифатида қараган маъкул.

Скифларни дунёнинг турли бурчакларида ўз бобокалонлари ҳисоблашлари ҳеч кимга сир эмас. Аслида эса улар турк бўлишган. Буни эрамиздан олдинги ўн учинчи – ўн биринчи асрларда яшаган илк скиф бобокалонини Тарғитой, ўғилларини Липоқсой, Арпоқсой, Қолоқсой аташгани тасдиқлаб турибди. Ҳа, гап бир ҳалқнинг турли элу элатлари, уларнинг минг йилликлар мобайнида туриш-турмуши, саркардалари, уруғлари номи билан аталганлари ҳақида кетмоқда. Дейлик, буюк Турон пасттекислигининг ўзида дастлаб киммерий, скиф, масйофут, хун, жуэжон, даҳ, усун, қангли, турук каби юзлаб ҳалқларининг яшаганлиги уларни аслида вақти-вақти билан номи ўзгарган бир қавм эканидан дарак беради. Бўлмаса-чи, бу қабилаларнинг ўхшашликлари беҳисоб. Барчалари кўчманчи бўлишган, от ва қўй гўшти истеъмол қилишган, ўтов тикиб, овулларда яшашган, тилида учрайдиган сўзлар (жағфу, ябфу, яффу; сарабара, шаравар, чолвор; барта, балта, болта; эрке, арқа, орқа ва ҳоказолар) деярли фарқ қилмаган, ниҳоят, жанг усуслари бир хил бўлган.

Дарвоқе, туркийни қадимдан жангари ҳалқ сифатида билишади. Айни дамда улар зафарёр юришлари давомида яшашга яроқли янги худудлар очишгани, ўзига хос жанг усусларини яратишгани-да, ҳеч кимга сир эмас. Бу каш-

фиётлар эса бора-бора, бошқа миллатларнинг ҳам жанговар захирасига айланган.

Дунё таракқиётида бурилиш ясаган фотихлар ичida туркийлар кўпчиликни ташкил этади. Шундан саккизтаси (учтаси афсонавий — Эрлик ҳоқон, Ўғузхон, Тарфитой, бештаси тарихий — Алп Эр Тўнга, Ишлагай, Аттила, Ис-тамихон, Амир Темур) тўғрисида ушбу асаримизда алоҳида тўхталишни лозим топдик. Улар ҳақида, Соҳибқирон ҳазратларини истисно этганда, мъълумотлар камлиги боис, гоҳ тасаввурга, гоҳ хаёлотга, гоҳ асотирларга мурожаат этишига, айрим ўринларда шахсий фараزلаримизни ўргага ташлашга мажбур бўлдик. Ифода воситаси сифатида эса реал ва фантастик услублардан фойдаландик. Илло, афсоналарни ёритиш учун афсонавий услублар даркор.

Хоқонлар баҳона, ўзидан унуглилар из қолдирган, ватан-парварликнинг олий тимсолига айланган қаҳрамонлар ҳақида ҳам гапириш жоиз. Шулардан бири — Тўмарисдир. Бу жасур аёлга боғлиқ воқеаларни таърифларканмиз, олис аждодларимиз тузук ва ясоқлари*, жанг услублари, урф-одатлари, анъаналяри, турмуш-тарзи билан бирга дунё тарихига, яъни, икки дарё оралиғида ҳукм сурган давлатларга, мидён шаҳаншоҳларига, Ахоманийларга тўхталдик. Чунки туркийнинг тақдири азалдан шу халқлар билан чамбарчас боғлиқ бўлган.

Тарихни қамраган бобларда давр руҳини бериш мақсадида замонавий ёхуд бошқа тиллардан ўзлашган сўз, исм, ном, атамалар ўрнига қадимги ўзбекча муқобилини ишлатишга уриндик. Айни дамда шу нарсага ҳам амин бўлдикки, ҳозир урф бўлган кўп сўзларнинг ўз тилимиздаги жуда гўзал варианtlари бор экан. Дейлик, мўжанлиқ (сардоба), укча (товон), қубла (бўса), жэк (шайтон), арқиши (карвон), тумса (минбар) ва ҳоказолар.

Бир сўз билан айтганда, асаримиз шулар ҳақида, мақсадимиз ўзбекнинг буюклигини таранум этиш.

Алқисса, ушбуни ўқиб чиққач, Сиз ҳам мозий хилқатлари аро бирровгина сайд этиб, аждодларимизнинг оламшумул ишлари ила фахрлана олсангиз, сўнг чор атрофга мағрур назар ташласангиз, биз мақсадимизга етган бўламиз.

Муаллиф



1 - КИТОБ

ҚҮЁШ ТАМФАСИ

*Тенгри теди: Турук бўдун ўлмазун, турук
бўдун йолуге эрмазун*...*

Қадимги турк битикларидан

МУҚАДДИМА

Қорамоллар ёйилиб ўтлаётган сайдонликка туташган адирлиқда бехос пайдо бўлган баҳайбат бўри кўкка тумшук тираб, чўзиқ ув тортди. Мудхиш садодан сесканган чўпонлар моллари томон отилиши. Пода қўрага ҳайдалгач, улардан бири шоҳ-шаббалардан омонат тикланган чайла ичра йўқолиб, кўлида катта ёй билан чиқиб келди. Гирик*ка икки кулочлик пайконни жойлаб, нишонга олди. Бироқ сал ўйланиб ёйни туширди-да, пода атрофида ҳаллослаётган шеригини чорлади. Шериги эса юқорига назар ташлаб, бирданига серрайди-колди. Чунки қўққисдан бояги жондор йўқолиб, ўрнида эти суяигига ёпишган гаройиб кимса қад ростлаганди.

Гаройиб кимса ўзига талмовсираб тикилаётган подачиларга безътибор, тизза бўйи ўтларни қайириб, супрадай жой ҳозирлаганча ёнбошлаб жиндай дам олди. Сўнг шошилмай пастга энди.

Чўпонлар узун ридосини йўллар гарди сарғайтирган гаройиб кимсани қўл қовуштириб кутиб олиши. Чайлага кириб ўтиришгач, мезбонларнинг ёшроғи сопол косада сут узатди. Йўловчи чанқорини астойдил қондиргач, каттаси гап бошлади.

– Олтмиш бош қорамол, икки нафар бебаҳт кимса мақон тутган жойларга хуш келибсан, азиз меҳмон!.. Сўйла, қайдан келиб, қайга кетурсан?..

— Камина роҳибмен. Узоклардан келяпман, борар манзилим эса олис ва бегона сарҳадлар... Шу сабаб вақтида тадоригимни кўрсам дегандим, битта буқа харид қилмоқчиман.

Хурсандлигини яшиrolмаган каттароғи такаллуф қилди.

— Хизматингта тайёрмиз, ҳазрат. Сенга буқанинг ёши керакми ёки айни кучга тўлганими?..

— Рухсат этсанг, ўзим маъқулини танлаб олсан...

— Марҳамат, аммо подани мендан яхши билмайсан. Кўшга қўшиладиган ахта дейсанми, манзилингга тезроқ етказувчи йўрга дейсанми, ўзим кўрсатаман.

Роҳиб бош чайқаб ўрнидан турди. Изидан катта чўпон эргашди, кичиги капа четидаги тош ўчоққа ўтин қалаб, овқатга уннади. Улар яйлов ўргасидаги шохи тарвақайлаган қора ахта ёнига келишди. Роҳиб эътибор бермади. Четдаги узун оёқли, бели майишган йўргага ҳам парво қилмади. Хув нарида кавш қайтарган қорни катта буқаниям кўрмагандай ўтди.

Чўпон энг яхши молларининг рад этилганидан хафа бўлиб, ихтиёрни эгасига топширди. Роҳиб олға интилаверди. Юриб-юриб, дармонсизликдан тумшуғини ерга тираган қари қирчанги ёнида тўхтади. Тиши тўкилиб, узок вакт озиқлана олмаган жонивор икки-уч кунда ҳаром қотиши аниқ. Боз устига, эти суюгига чунонам ёпишганки, сўйсанг барака топмайсан.

Подачи шарти кетиб, парти қолган молини пулига арзимаслигини исботлаш учун қўлидаги таёғи билан туртди. Ҳўқиз гандираклаб кетди. Олувчи шундаям аҳдидан қайтмагач, шумлиги тутиб, нимкала ҳўқизининг нархини ошираверди. Харидор унинг қитмирлигини англамай, ҳамёнини очди. Дастреб ўламсасини куруқ дуога алмаштиришга рози чўпон тилло тангани кўргач, оғзининг таноби қочди. Бозорда шу пулга олтита буқа беришини мусоғир билмаса керак, акс ҳолда, бунақа чув тушмасди.

У харидорнинг айниб қолишидан кўрқиб, шоша-пиша пулга чўзилди. Кейин бирдан нафси ҳакалак отди. Қўлини тортиб, ортга бурилди. Ажабланган роҳиб илдамроқ юриб унинг йўлини тўсганча, ҳамёнидан иккинчи тиллони чиқарди.


Чўпон пулларга қиё боқмади. Қайтанга қувлик билан эъти-
роз билдириди:

— Ҳазрат, айнан шу бадбахтга тегманг. Чунки пода
унинг ортидан эргашиб ўрганган. Сотсам, ишим қийин-
лашади. Яххиси, манави ювош ҳўқизни олинг. Белига
боғлашга пўстак ҳам бераман, устига ўтирангиз, манзи-
лингизга тезроқ етасиз... — Роҳиб яна бир тилло чиқарди.
Чўпон давом этди. — Хоҳласангиз, анави семиз буқани
берай, сўйиб сотсангиз, анча-мунча пул бўлади. Гўштини
қуритсангиз, ярим йил маза қилиб ейсиз... — тиллолар
тўрттага етди, ҳамёнда яна икки танга жирингламоқда. —
Сизнинг ўрнингизда бўлганимда, бунисини олардим.
Ахир, умр бўйи ридо кийиб ўтмайсиз-ку. Бир кун рўзгор
курсангиз, кун кечиришингиз осонлашади, шоҳдор кўш
ҳайдашга устаси фаранг, анча-мунча ерни якка ўзи икки
кунда молалаб ташлайди... — Қаллоб подачи кўзи ҳамён-
да тинимсиз валдирав, харидор қўлидаги олтинлар бешта
бўлгандаям тўхтай демасди. — Майли, ҳазрат, роҳиб дуо-
сини рад этиш, подшо буйруғидан бўйин товлаш, хўжайн
юмушидан бош тортиш гуноҳи азим эканини яхши билга-
ним туфайли илтимосингизни бажараман. Аммо, мени ҳам
тўғри тушунинг, бундай зотдор ҳўқиз бозорда етти тилло
туради. Сиз эса борини бера қолинг, қолганига дуоларин-
гиз кифоя...

Роҳиб охирги тангани ҳамёнга қўшиб узатди.

— Мен бозорни яхши билсам-да, айтган нархингга ро-
зиман. Фақат жониворни анави тепага элтасан. Ўша ерда
чайла қурасан. Кетгунимча сут ва нон бериб турасан. Боя
ўқталган камонингни совға қиласан ҳамда неки десам, бар-
часини киприк қоқмай бажарасан. Шунга кўнсанг, тиллолар
сеники. Йўқ десанг, бадар кетаман. Қирнинг нариги томони-
да ҳам гурас-гурас пода ўтлаган яйловлар бор.

Подачи бош ирғади. Нафсиlamри, олти тилло эвази-
га бу шартларни умрбод бажаришга ҳам рози у. Фақат
қуролидан айрилиши бироз малол ботди. Чунки, камон
унга бобомерос. Олис йиллар бурун отаси айтганидай, бир
кун эгасига, бобокалонига омонат қолдирган инсон зур-
риётига қайтиши керак. Шундай экан, кимга кетганининг
қандай фарқи бор?..



Эртаси тушгача чайла қурилди. Кечга яқин ёрдамчисидан бугунга етарли нон ва сут жүнаттагач, у тиллоларни эски чармга ўраб, тош ўчоқ ёнига кўмди.

...Роҳиб ўша тун мириқиб ухлади. Саҳар туриб, олти тиллолик арзандасидан хабар олди. Ҳозирча тирик... Бамайлихотир сопол кўзадаги сувга юзини чайди. Ўтириб нонушта қилди. Кейин йўл тўрвасидан қайроқтош чиқариб, пичорини чархлашга тушди. Бироздан сўнг ишидан кўнгли тўлиб, мудрамоққа тутинди. Тушда яна шу ҳол такрорланди, сут ва нон тановул қилди, пичорини чархлади. Шомга яқин пинакка кетгандагина ўрнидан кўзғалаётган хўқиз баногоҳ қалтис мункиди. Шу кўйи бир неча бор уринсаям, қайта туролмади. Сал ўтиб, қоқшоқ баданига титрок кирди. Ярим соатлар қалтираб аввал орқа, сўнг олд оёқларини узала чўэди. Роҳиб кела солиб, унинг бўйнидан қучоклади. Оғирлигини устига ташлаб, жони узилишига кўмаклашди. Хўқиз охирги марта оёқ қоқаётганда, боя чархлаган пичорини олиб бўғзига тикиди. Сизаётган қуюқ қонни олдин қазилган чуқурчага тўплагач, жониворни авайлаб терилай кетди. Ишини тугата солиб, пастга қичкирди. Шоша-пиша етиб келган катта чўпон вазиятни дарҳол тушунди. Тушунди-ю, ваҳимага тушди, ҳозир пулинин қистаб қолса, нима дейди?.. Аммо, роҳибнинг гапи жонига оро кирди.

«Қўрқма, — деди у, — тиллолар сеники. Мен атайин қарисини олганман, фактат сал-пал ёрдамлаш. Мана бу лошни кўмайлик?..»

Подавон лошни майдалаб, қияликдан чукур ковлади. Бўлакланган этларни ўрага ташлаб, устидан тупроқ тортди. Терини эса тузлаб, бирор ҳайвон тортиб кетмаслиги учун чайла устига ёйди-да, кўналғасига жўнади.

Роҳиб эртасига саҳарлаб уйғонди. Чайла устунига илинган кўзадан озроқ сут ичди. Кечадан қолган яримта нонни паққос тушириб, оёғи остидан бошланган сўқмоқдан тоққа ўрлади. Тушгача хилма-хил ўсимликлар терди. Йўл-йўлакай, бир четда пирпираётган қарға патини олиб, кўйнига тикиди. Шомга яқин пастга энди. Яхшилаб тамадди қилгач, терган ўтларидан айримларини чайла атрофига ёйди. Қолганини эзиб, кўзага солди.


Эртаси янада ғалати ўтди. Наҳорда суви чаккиллаган пўстак тозаланиб, қайта тузланди. Тунов ёйилган кўкатлар янчилиб, кукуни ўт-ўланлар сиқилган кўзага солинди. Устига қонялоқ*дан тўрт палахса қон келтириб ташлангач, аралашма тинитишга қўйилди...

Кейинги куни роҳиб пўстакни текис ерга ёзиб, қиррали тош билан қиришга тушди. Бирсидра айланиб чикқач, яна тузлади...

Беш кундан сўнг ошланавериб майинлашган укпа* яловдек ҳилпирав бўлди. Роҳиб икки-уч марта силкиб кўргач, уни тўрт томондан тараанг тортиб боғлади. Кўзадаги қоришмани бирсидра аралаштиргач, чордана курган кўйи кўлларини тиззасига тираб, мушоҳадага чўмди. Орадан ярим соат ўтгач, қўйнидан қайси кунги қарға патини чиқариб кўзага ботирди-да, терининг юқорисига ғалати белги қўйди. Бироз ўйланиб яна чизди. Сўнг дадил-дадил ёзаверди. Бора-бора, хаттотликка шунчалар берилдики, ҳатто, оқшом тушганини сезмади, қоронрида кўзи ўтмай қолгачгина ўрнидан турди.

Қаллоб чўпон билан илк учрашувидан роппа-роса тўққиз кун ўтгач, йўловчи сирли китобга айланадиган пўстакни ўраб, ихчам тугунга айлантириди. Кейин подавонлар билан хайрлашиб, йўлга тушди. Шу кетишда ортига бурилмади, адирларга ўрлаб жўнади. Адирлик томонда хеч қандай мамлакат йўқ, баланд-баланд қоялар, яна нарида чўққилари булутларни йиртган маҳобатли тоғлар борлигини роҳиб ҳам кимдандир эшигтан, ҳозир шунинг ростми-ёлғонлигини аниқлаш учунгина йўлга тушганга ўхшарди гўё. Унинг тинмай йўл босганидан қадоқлашган оёқларини на тиканлар, на қирратошлар конатолмасди. Қорли тоғларга яқинлашгандা, изғирин кучайди. Иккинчи тизмадан ошаётганда эса, изидан йиртқич ҳайвонлар илашди. Шунда у ғоҳи-ғоҳи пайдо бўладиган бўзбўрисини эслади. Сўнг фойибдан нажот кутиш бефойдалигини англаб, ўзга чора топди, ўра ковлаб, ичига учлик таёқларни қадади. Устига шоҳ-шабба ташлаб, бехавотир жойда ов натижасини кутди. Камонни ишлатмади, назарида, яккаю ягона ўқининг бошқа вазифаси бордай.

Ярим тунда тимирскиланиб ўлжага яқинлашган қоплон пиистирмани сезмади. Шувиллаб ўрага қулаганча, оғриқ азобидан чинқираверди. Тонг чоғи қийнала-қийнала жон берди. Роҳиб найзатаёқларга қадалган жониворни арқонга боғлаб, юқорига тортди. Шошилмай, обдан терисини шилди. Икки кун ичидә буни ҳам ошлаб енгиллаштирди-да, орқа панжаларидан чориқ тикди. Яримяланғоч баданига пўстакнинг қолган қисмини бус-бутунича ўрагач, иссиқ пойабзалини кийиб, олға интилди...



I ҚИСМ

1-БОБ

«Қадимги туркийлар ва...»

«Қадимги туркийлар ва уларнинг башарият тараққиётига таъсири...»

Ха, бир-неча йиллар мұқаддам номзодлик диссертациямга айнан шу мавзууни танлаганимдағы ғүр ва тажрибасиз эканман, тадқиқотларим мобайнида ҳали узоқ қийналишым, кутилмаган түсиқларга, барқаёт рақибларга йўлиқишим калламга келмаган. Эҳтимол, бундай бепарволигимга феълимдаги енгилтак тушунчалар сабабдир. Чунки әсимни танибманки, ҳаётий муаммолар ҳақида бош қотиришни бекорчи юмуш ҳисоблайман. Ҳатто, ўрта мактабни «Олтин медал»га битириб, дорилфунун бўсағасига қадам қўйганимда ҳам зиммасига масъулият юкланган ўспириндан кўра ишлари ўз-ўзидан битишига ўргангандан ўйинқароқ болакайга ўхшардим кўпроқ.

...Медалга тайёрланганлар икки киши эдик. Шеригим математикадан илгор, камина адабиёт, яъни гуманитар фанлардан яхшироқ ўқирдим. Шунга қарамай, зарҳал аттестатдан гап очилганда вужудимни беихтиёр ваҳима босар, бу йўлда анча-мунча терлашга тўғри келишини бор вужудим билан ҳис этардим. Бироқ ўша бекарор рухиятим бўлса-бўлар, бўлмасга ғовлаб кетар, қабилида иш тутишга ундағач, яна бепарво ҳуштак чалиб юраверардим.

Хуллас, адабиётдан иншо ва математикадан мураккаб ҳисоб жараёнларини ўзимга ишонмай қофозга туширсам-да, баҳтимга иккаласи ҳам муваффақиятли чиқиб, мақсадимга эришдим. Сўнг мактабни Олтин медалга тугатганлар Олий ўқув юртларига сұхбат асосида қабул қилинаркан, сентябрь ойида талабалик гувоҳномаси қўлимга тегди.

Үқишим ҳам ўшандай осон ва масъулиятсиз ўтди. Рости, беш йил мобайнида институтга борган кунларимдан бормаган кунларим кўп эди. Ажабланарлиси, имтихонларни муваффақиятли топширар, ҳатто, уззукун тайёрланган шерикларимдан устунроқ баҳоларга эришардим. Шу сабаб, мени омадли талаба, деб аташарди. Бу чиндан омадмиди, ёхуд думбул тасаввуримга сифмайдиган ўзга кучларнинг кўллашимиди, номаълум, аммо институтни якунлаётганимда курс раҳбаримиз ёзган тавсифномани ҳанузгача кўз қорачигимдек асрайман.

«Талабалик – олтин даврим»дан эсадалик қўнғир дипломатимда сақланаётган ўша бир парча сарғайган қоғозда ноёб қобилияти, шу билан бирга, болаларча енгилтаклигим ҳам битилган. Устоз шогирдига нақадар тўғри баҳо берганига, аввалига унчалик ишонмаганман. Кейинчалик характеримдаги мазкур қусурни сезсан-да, ундан қутулиш нари турсин, узоқ вақт сақланишигаям кўникканман.

Хуллас, ўша кезлари археологиядан дарс берган домлам қистови натижасида бир-икки марта номзодлик диссертацияси устида иш бошладим-у, аммо ҳар гал дангасалигим тутиб, аро йўлда ташлаб кетавердим. Юкоридаги мавзуум эса, бу борадаги учинчи уринишими натижаси.

Вақтики, яна бир нарсани айтиб ўтмоқчиман, камина тақдири азалга ишониб улғайганман. Эҳтимол, енгилтак феъл-авторимнинг шаклланишигаям ана шу иримкашлигим таъсир этгандир. Шу сабабли ҳар гал аспирантурадан қўнглим совигач, бекарорлигимни сирли тушунчаларга тўнкардим-у, иккиланмай ташлаб кетавердим. Охирги ишимни йигирма олти ёшимда бошладим. Аввалига танлаган мавзуум унчалик қизиқтирмаса-да, тарихни севганим боис, қолаверса, ҳурматли домламнинг қистови билан розилик берганиман. Боз устига, феъл-авторимда ўтмишга қизиқиш ҳамда ватанпарварлик туйфулари устувор бўлган.

Ёшим ўттизга яқинлашганда, диссертациямнинг ярмигина битаёзганди. Уни аллақачонлар якунлашим мумкин эди-ю...

Мен сизга айтсам, айни масалада ҳам тақдири азалнинг роли бекиёс. Негаки, мавзу тасдиқлангандан кейин узоқ вақт жиддий ишлолмадим. Нихоят, орадан беш-олти йиллар ўтиб, хушбичим, хушмуомала ва ҳалимдек юмшоқ қўнгилли

профессор — Илмий текшириш институтимиз раҳбари билан сұхбатлашдим-у, вужудимда исенкор безовталиқ уйғонди. Бирдан энди ёзмай яшолмаслигимни англадим. Сабаби, мен доимо аждодларимизни ер юзидағи илк одамлардан санаганман. Раҳбаримизнинг эътиrozлари эса хаёлларимни остин-устун қилиб юборди. Унинг айтишича, туркийлар тарихи атиги, әрамизнинг беш юз қирқ бешинчи йилидан бошланаркан, холос.

Түгри, мен ҳам худди ўша йили «Турқутлар» деб аталған Марказий Осиё қўчманчиларининг беш юз уйли ашина* уруғи Олтой ўлкасига борганини ўқиганман. Лекин, ҳозир хаёлимни бошқа савол банд этган. Наҳотки, улардан олдин ер юзида туркийча сўйлаган бирорта кимса яшамаган? Қолаверса, бутун бошли ҳалқнинг ҳе йўқ-бе йўқ, тўсатдан бир кунда пайдо бўлиб қолиши ғалати ту-юлмаяптими?..

Бу фикрларимни аллақачон изҳор этардим-у, аммо институтимиз раҳбари Аззо Кабирович Сулаймоновнинг саволлари қаршисида тилим тутилиб, ҳатто, лом-мим дейишга кучим етмай қолади.

Ҳаммаси қўйидагича бошланди. Илмий раҳбарим (Максим Азизий) иккимиз, қайта-қайта чиғириқдан ўтказавериб, деярли тайёр бўлаёзган ишимни тақдим этганимизда, натижани икки-уч ой кутишимизга ишонганмиз. Бор-йўри, келаси куни шу масалага қайтишни зинҳор ўйламаганмиз. Ҳа, эртаси эрталаб домла мени институтга чақирди. Чорак соатча ўтирувдикки, профессор Сулаймонов ташриф буюорди. У аввал домлани, сўнг мени самимий табриклади.

— Ишингиз тайёр бўлиб қопти-ку... — хурсандчиликдан оғзимнинг таноби қочди. Аммо, кейинги жумлалар устоз-шогирдни бирданига сергаклантирди. — Айни пайтда, айрим камчиликлари ҳам йўқ эмас... — хўш, «айрим камчиликлар» нима эди? — Хусусан, бақтрияликлар форсларга қариндош. Жумладан, сугудни ҳам, сак ёки массагетни ҳам туркнийнинг аждоди дейиш, мутлақо нотўғри. Чунки улар киёфаси жиҳатидан европоидга мансуб!

Тарвузим қўлтиримдан тушди. Негаки, диссертациям, асосан, шу бепоён ҳудуддаги барча давлатларни туркнинг олис аждодлари барпо этишган, деган қатъий нуқтаи-

назарга қурилганди. Түғри йўлдан бораётганимни узлуксиз таъкидлаб турган устозим ҳам директорнинг эътироzlарига жавобан лом-мим демади. Чунки, Сулаймоновнинг фикрига қарши чиқиши учун пичоққа илинарли далил йўқ. Ростдан, бохтар, сугуд, массажет, сак, даҳ, эфтал, ниҳоят юэчжи ҳам шарқий эрон лаҳжасида гапирган, деган мавҳум маълумотлар мавжуд. Чаноғи тикланганда эса уларнинг ҳеч бири монголоид эмаслиги тасдиқланган эмиш...

Майли, шундай ҳам бўла қолсин. Аммо мен ҳурматли профессорнинг далил-исботларига қўшилолмайман, неғаки, қадимги Туркистон воҳасида жойлашган давлатларни бутунлай бошқа миллат вакиллари яратганини тан олсан, аввало, беш-олти йиллик изланишларимни йўққа чиқарган, қолаверса, ватанпарварлик туйғуларимни камситган бўламан. Боз устига, ич-ичимда уйғонган аллатовур хиссиётларим, барабири, ҳақлигимни таъкидламоқда.

...Кувонч ва қайғу ёнма-ён яшаркан, Аззо Кабирович ҳузурида кечган ноҳуш сухбатларнинг биридан сўнг пойтахт кўчаларида гарангсираб юрганимда рўй берган бошқа воқеа нафақат кайфиятимни кўтарди, балки тўғри йўлдалигимга ҳам тўлиқ ишонтириди. Ўша куни жиндай тамадди қилиш мақсадида «Мовий гумбазлар» ошхонасига йўл олдим. Катта кўчани кесиб ўтар-ўтмай, қаршимдан лўлилар галаси чиқди. Авваллари уларни узокроқдан айланардим. Ҳозир эса олдимга яқинлашган дуркунгина қизни кўриб, сал талмовсирадим. Шу арзимас сониялар ҳамма нарсани ҳал қилди-қўйди.

Қиз қўлимдан тутиб, нари бошлади. Биз дарахт панасидаги ўриндиқقا бориб ўтиргач, фол очмоққа тутинди ва кафтимни ўгириб, негадир сакраб тушди. Аввалига, эсар ҳолатига эътибор бермадим. Ҳадеганда ўзига келавермагач, бекордан-бекорга сесканмаганига ишондим. Ниҳоят, у ҳушини йириб, кетишга шайланди. Мен йўлинни тўсдим. Осоинликча қўйвормаслигимни сезгач, у жойига қайтди, ерга термилиб сал сукут сақлагач, мудҳиши сирни очаётгандек қўзларини аланг-жаланглатиб, шивирлади.

— Сен ростдан ҳаммасини билишни истайсанми?..

Сўнг иккинчи бор синовчан тикилиб, қўлини ёзди. Мен нақ пешонамда очилган кафтига тушунмай қаровдим, омили-гимдан жаҳли чиқиб, бақирди.

- Ўзингнинг кафтингта қара!..
- Нима бўпти?.. — баттар гарангсирадим мен.
- Чизикларини кўр!..

Мен шошиб кафтимга тикилдим. Бармоқларим орасидан бошланган учта из ўтадаги нуқтада бирлашиб, кейин ягона йўл бўйлаб юқорига давом этган...

Биз болалигимизда кўлларимизга қараб «фол очардик». Ўшанда ҳар кимнинг ўзига хос чизикларига эътибор берган бўлсам бор. Аммо, қанчалик аҳамиятга моликлигини билмаганман. Энди эса дуркунгина бир жонон шундай чизиклар туфайли талвасага тушмоқда. Бу нархни ошириш мақсадида ўйланган найранг бўлганидаям, майлийди. Ростдан, ниманидир сезиб қолгани лўппигина юзига кўлчиган хавотирдан маълум. Қолаверса, боягина шаддод қарашлари билан маҳлиё айлаган санам энди қаршисидаги нотавондан кўзларини яширмокда. Бу ерда қандайдир сир бор, ўшани билишим керак.

Мен қизнинг момиқ билагини маҳкам гижимлаганча туравердим. Тақдирiga тан беришдан бўлак чораси қолмаган фолчи, қўлимдан тутиб шивирлади.

— Эшитадиганларинг менинг гапларим эмас. Сўйлаётган ҳам бошқа одам... Сени қачондир учратишмни билардим. Аммо айнан бугун, боз устига, сендай тасқара кимсада қадимий тилсимга йўлиқиши етти ухлаб тушимга кирмаган. Иккиланишм шундан. Энди эшит, тўғри йўлдасан! Бошқа нарсани сўрама. Янада қизиқсанг, тушларингта ишон. Са-фарга отлан, исбот қидир!..

Кейин у ҳеч нима бўлмагандай сакраб турди-да, қах-қах урди.

— Ҳақини чўзиб қўйинг, яхши йигит!.. — Чўнтағимни ковладим, пулни олаётганда, қиз ғамзали нозланиб пичирлади. — Иншооллоҳ яна учрашамиз...

Қотиб туравердим. Нарироқ кетгач, зўрра хушимга келдим. У шериклари орасига кириб, кўздан йўқолди. Изидан боришга қўрқдим. Яқинлашсам, бор пулимдан ажralишим тайин. Бир пайтлар шундай бўлувди. Лўлилардан

уч-түрттаси ўртага олиб, аввалига роса бошимни қотирган, кейин чўнтағимдаги охирги тангагача шилиб кетишганди. Камина бўлса, яхшиям устозим бор экан, тўрт-беш сўм олиб, зўрға Термизга етволгандим. Энди яна пул сўраш ноқулай.

...Поездда эрталабгача мижжа қокмадим. Бир томондан вагонларнинг тарақа-туруки уйқумни учирса, иккинчи томондан лўлининг сирли гаплари дикқат-эътиборимни эгаллаган. Ухломмагандан сўнг нима биландир машғул бўласан, мен тонггача кеча эшитганларимни мушоҳада қилдим. Айниқса, унинг «Тўғри йўлдасан...» дегани таажжублантириди. Нимага шама қилдийкин? Ахир, илмий ишимдан бутунлай бехабарку. Шундай экан, яна қайси масалада тўғри йўлдан боришим мумкин?..

Эртасига икки хонали уйимга кириб келганимда ҳам, ўша чалкаш ўй-хаёллар калламни тарк этмаганди. Ўрнимда бошқа одам бўлса, аллақачон унутарди. Мен ундан эмасман, юқорида айтганимдай сал-пал иримкашлигим бор. Бу одатим ҳозирча панд бермаган. Шундай экан, лўлининг айтганларини қайта-қайта такрорлаб, керакли маъноларни қидиравердим. Охири, сирли жумлалар диссертациямга тааллуқли, деган фикрда тўхтадим. Энди унинг айтганларини бажаришим, сафарга чиқмоғим даркор.

Керакли манбаларни Холчаён*дан излашим лозимлиги инобатга олинганда, йўналишим ҳам аниқ. Узил-кесил аҳд қилгач, икки ҳафталардан буён илк бор роҳатланиб ухладим. Оқшом ётганимча, куёш тиккага кўтарилигдан уйғондим. Мириқиб дам олганимдан кайфиятим аъло даражада. Муздек сувда ювиндим. Кофе дамлаб ичдим. Кейин ўйга чўмдим-у, бехосдан нимадир ёдимга тушиб, кўнглим хижиллашди. Ҳа, камина тинчгина ухладим деб, адашаётгандим, рухиятимдаги дилхиралик кечаги тушим туфайли. Энди ўшани эслаш ниятида диванга чўзилдим. Ярим соатлар хаёл сурувдимки, уйқудаги рўёлар уйғондими ёки унут хотираларим жонландими, ажиб бир дунёларда кўрдим ўзимни.

...Учи-кети кўринмайдиган саҳро эмиш. Мен ҳолдан тойиб судралмоқдаман. Атроф бийдай далаю заҳил шафак, бирор томондан најот йўқ. Имиллай-имиллай, бу макондан уни сига етаётганда, бехос гаройиб тилсимга — биёбон ўртасида

қаққайган ёғоч эшикка йўлиқаман. У гоҳ очилиб, гоҳ ёпи-либ, бағрига чорлайди. Олдинига саросимага тушаман. Сўнг айланиб ўтиш учун чапга ўгириламан. Эшик ҳам ўша ёқда ҳозиру нозир бўлади. Ўнгга қайриламан. Яна шу ҳол... Жисми жонимни аллатовур ваҳима босади. Ўйлай-ўйлай тутқичга узаламан. Эшикни очиб улгурмай, манзаралар қоришиб ўзгача тус олади. Мен жазирамаларни тарк этиб, салқин воҳага тушиб қоламан. Диққатимни ғалати воқелик торгади: Маҳобатли шаҳар... Марказий майдонда башанг либосли норғул йигит қандайдир иншоот тархини чизмоқда. У қуражак иморати баланд ва улуғвор бўлишини истайди. Шу сабаб қайта-қайта одимлаб, мўлжал олади. Мен унинг умрини ёлғиз машгулотга тикканига қойил қоламан. Сўнг ўзимнинг килажак ишларим ҳам ҳеч кимницидан кам эмас-лигини сезиб, бадар кетаман...

Дафъатан хаёлларим чалкаши. Аммо, шунинг ўзи ҳам фалсафий хаёлларга чўмишим учун етиб ортди. Тушим одатдаги алаҳсирашга ўхшамасди. Бироқ, ярмида узилгани учун ундан тайинли маъно чиқара олмадим. Сўнг бу мавзуга яна қайтишни ўйлаб, беҳафсала ўрнимдан турдим. Ташқари чиқиб, машинамни ўт олдирдим. Тўғри, кишига сафарга отланиши учун аниқ мақсад керак. Менда ҳозирча ўша мақсад йўқ, қалбимнинг нимадандир даракманд ҳаприқишигина тасалли бермоқда, холос. Жиллакурса, озроқ сайр киларман. Зотан, ҳар гал Холчаённи айланганда, хаёлан минг йиллар ортга қайтиб, мозий хилқатларида яшай бошлайман. Ажабмас, бу гал ҳам шундай таассуротлар туфайли илҳомим жўшиб, анчадан бери тўхтаган чала ишимни ёза кетсам!..

Йўлга тушдим. Холчаён Термиздан бир юз эллик беш чақиримча ғарбда жойлашган. Мен кўлиг*имнинг «жиловини бўшатиб», хаёлларга бериламан.

Ўтмишда қабилалар манзилдан-манзилга кўчиб юришган. Шу боис бирор-бир худудни азалдан фалон миллат ёки элатга тегишли бўлган, деёлмаймиз. Колаверса, дунёдаги кўпгина тилларнинг ўзаги битта. Шуларни ҳисобга олсак, Бобил минорасига алоқадор афсона* — лаҳжаларнинг бир кунда аралашиб кетгани рост чиқади. Мазкур фикрнинг туркийга унчалик ёпишавермаслиги эса халқимизнинг мудом

алоҳида ҳудудда яшаганидан нишона. Акс ҳолда, ташқи таъсир яққол сезилган бўларди.

Буларни аввалдан ўйлаб юрсам-да, Аззо Кабировичга тушунтиrolмайман. У дарди-ҳолимни мулойим жилмайиб эшитади. Кейин кўзларини бақрайтирганча киприк қоқмай, уқтира-уқтира сўзлай кетади. Шунда қорачигларида ялтираган совук учқундан баданим жимиirlаб, ғалати ҳолга тушман. Гёё бу нигоҳ менга азалдан таниш. Бироқ алоқ-чалоқ туш монанд чала таассуротлар оний лаҳзада хотирамни тарк этгач, туйқус уйқудан уйғонгандек сесканиб, бояги фикрларим нотўғрилигига ўзим-да ишонаман-қоламан. Унинг хузуридан чиққаним заҳоти эса яна ҳак йўлдалигимга имон келтиравераман. Бу ахвол мана неча йилларки, тинимсиз такрорланмоқда...

Шўрчида жиндек тўхтадим. Бекатнинг ёнидаги дўкондан иккита сомса олиб, нонуулта қилдим. Устидан сув ичгандим, чарвиси кўп эканми, ёғи танглайимга ёпишди. Оғзимдаги нокулай ҳолат менда аллатовур ибтидоий таассуротларни уйғотди. Беихтиёр, одамга жон кираётганда шундай ҳолга тушса керак, деган ғайритабиий фикрга бордим. Кейин ҳамма нарсани фалсафага бураётганимдан хижолат тортиб, нокулай ютина-ютина манзилга етдим. Машинани йўл четида қолдириб, юқорига ўрмаладим. Қаршимда бир вақтлар буюк империянинг пойтахти бўлган азим шаҳар кўланкаси ёйилди.

Олдинги сафар тепаликнинг шимолида ишлагандик. Ўша томонга йўналдим. Йироқ ўтмишдан гувоҳлик берадётган ўйдим-чуқурлардаги янги очилган катта-кичик иншиотлар пойдеворини айланиб ўтарканман, тўсатдан кўнглимга ёрқин бир шуъла оралаб, юрагим ҳаприқа кетди ва ўз-ўзимдан енгил тортиб, чаққон ҳаракатлана бошладим. Бора-бора югуришга тушдим. Сўнг ҳам жисмонан, ҳам руҳан қайгадир интиларканман, сахармардондан бу ерга келиш истаги бекорга уйғонмаганига ишондим.

Мана, ўтган дафъа қазилган каттакон ўрага яқинлашдим. Атрофда сочилган майда-чуйда сопол ва ғишт бўлаклари толган асотирларимиздан дарак беради. Аммо, ҳозир бошка фикр ҳаёлимни ўғирлаган, ўшанда қазиш учун мен нариги, домлам бу томонни тавсия этгандик. Гарчанд, кўп ўтмай

Максим Азизийнинг ҳақлигига тўлиқ ишонган эсамда, неғадир кўнглим ҳамон ўзим истаган ёқда...

Кўзланган жойга етиб, бирданига ихтиёrimни йўқотдим. Оёқ остидаги сопол парчасини олиб, диаметри икки метрлар чамаси айлана тортдим. Сўнг шошиб, қазишма асблобари миз бекитилган бутазорга югурдим. Куриган шох-шаббалар орасидан дастаси синган белкурак ва кетмонни топиб, ишга тутиндим.

Тунов кун мўлгина ёмғир ёққанидан ернинг нами қочмаган — ковлаш унчалик қийинчилик туғдирмайди. Одатда, Сурхондарё шароитида баъзан икки метр чуқурликдаям қуруқ тупроқ ёки қумдан бўлак ҳеч вақо топилмайди. Инчунин, минг йиллик тарихга етиш учун обдан терлашга тўғри келиши мумкин.

Хуфтон чори адашганимни сезиб, ҳафсалам пир бўлди. Энди бемалол бошقا жойга ўтишим мумкин, домлам ўшандага таклифимни бекорга рад этмаган экан.

Асблобарни жойига яширгач, пастга тушдим. Машинамга ўтириб, Деновдаги уйимизга жўнадим. Баҳонада онамни кўриб қайтаман...

Лоқайдлигим боисми ёки яна ўша тақдири азалми, билмадим, ёшим ўттиздан ошса-да, ҳалигача уйланиш ҳақида ўйламаганман. Шу сабаб, онамга кўринишга юрагим довладмайди. «Қачон уйланасан?.. Сочинг оқаргунча, юраверасанми?.. Гул вақтида очилади...», деганлари-деган. Охирги пайтларда бу дийдиёлардан кутулишнинг осон йўлини топганман. Онам билан бирров аҳволлашаман-да, укамнинг уйига жўнайман. Эртаси хумдай бошимни осилтириб қайтганимда, дастурхонда қатиқли ош кутаётган бўлади...

Хозир эса машинамни газларканман, уйда бемалол ётиб, келгуси ишларимни режалашибишини ўйлардим. Чунки истасам-истамасам, аниқ қарорга келишим даркор, бугуни жойдан фанга алоқадор тайинли буюм чиқиши гумон бўлса-да, қандайдир куч ич-ичимдан мудом ўша чуқурга унダメқда...

Ана шундай қарама-қарши фикрлар таъсирида уйга етдим. Онам билан ярим соат гурунглашгач, ичкари хонага кириб, хаёл сурганча мудрай кетдим. Уйку аралаш кечган ўйларим эса тахминларимда собит туришга ундаи. Дарҳақиқат, осон

ечиладиган жумбок йўқ. Шундай экан, ҳар сиқим тупроқни шошилмай, синчилаб кўздан кечиришим зарур.

Эрталаб апил-тапил ионушта қилиб, машинамга ўтиридим. Холчаёнга етгач, ортиқ иккиланмай, кечаги жойда ишни давом эттиридим.

Уч соатларда ўра бўйимга бараварлашди. Мен чарчоқдан мадорим курисаям, ҳаёт-мамотини сўнгги зотга тиккан қиморбоздек жон-жаҳдим билан кетмон урарканман, мабодо ҳаракатларим абас кетса қай аҳволга тушишимни тасаввур этиб, бирдан Аззо Кабировични ёмон кўриб қетдим. Йўқ, беш-олти йиллик меҳнатимни чиппакка чиқаргани учун-мас, айни дамда, қалбимнинг туб-тубида қарши муносабат кўкаргани учун. Унинг илдизини қидирганда эса қўнглимда фалати кечинмалар уйғонди, гўё ўзаро рақобатимиз минг йилликлар қаърига бориб тақаладигандек.

Ўзи шунаقا, ахён-ахён қайсиdir воқеликларда аввал ҳам иштирок этгандек бўламан. Онгимнинг чекка хилқатларида аллатовур пала-партиш хотиралар ожизона йилтирайди. Аммо, бехос нимадир чалғитади. Қарабисизки, эслашга ури-ниш бефойдалигини англағач, барини хомхаёлга йўйиб қўя қоламан. Ҳозир ҳам миямда шундай хиссиётлар тентирай бошлади. Назаримда Аззо Кабирович менинг ишларимни аввалдан инкор этиб келаётгандай, орамиздаги зиддият абадият қадар чўзиладигандай.

Туш маҳали ёнқишлоқлик Сори бобо иккита иссиқ нон ва қумронда чой келтирди. Маҳаллий аҳоли мени яхши танийди. Айримлари, ҳатто, шаҳарга тушганда, кулбамга қўнишади. Шу боис, кўрган заҳоти иззатимдан чиқишиади.

Бирга чой ичдик. Сори бобо кечқурун бизникида қол, гурунглашиб ётамиз, деди. Мен ишим битса қайтишимни айтдим.

...Шомга яқин белкуракнинг учи қандайдир қаттиқ жисмга тегди. Даставвал қулоқларимга ишонмадим. Бўғик садо иккинчи марта такрорлангач, юрагим орзиқди. Коронифда нималиги кўринмаса-да, сопол эмаслиги аник. Машинадан фонарни келтириб ёритгач, беихтиёр қийқириб юбордим. Аллақандай ҳайкал!..

Тўғри, Сурхондарёдаги археологик қазишмалар давомида кўплаб ҳайкаллар топилган. Бироқ, мен учун айнан шуниси

ҳаддан ташқари бебаҳо туюлмоқда. Аввал бундан қадрлироқ асотирлар учрагандаям шу даражада қувонмаганман. Ҳозир эса умримнинг асосий топилмасини топгандайман.

Яна ярим соатларда ҳаммаси ойдинлашди, каминани тақдири азалга тобора ишонтираёттан нарса – Будданинг бюсти экан. Уни чиқарип олишим учун, энди кимнингдир ёрдами керак. Майли, пича дам олай, Сори бобони чақираман...

Оёқ остига чўзилдим-у, сакраб тушдим. Чунки қаватимда улкан тошбақа судралмоқда эди. Унинг беозорлигини билсам-да, аъзойи баданимга титроқ кирди. Бир зум тош қотгач, хушимни йифиб, синик белкурак билан жониворни нари ҳайдадим. Сўнг ётволиб хаёлга берилдим. Биқинимдан кечки шудринг салқини ўтгандан кейингина ўрнимдан туриб, ўрага қайтдим. Минг йилликлар гардини тозалагач, у ёқ-бу ёқка сурувдим, бюст сал-пал қимирлаб, ёнбошига қулади. Гисдан ичи ғовак қилиб ясалганга ўхшайди, унчалик оғир эмас. Амаллаб машинагача олиб боролсам, бўлгани...

Бебаҳо топилдиқни кучоқлаганча, алпанг-талпанглаб кўчага чиқдим. Кейин уни авайлаб орқа ўриндиқقا ёнбошлатдим. Машина ўбир-дўққида силкингандан қимирламаслиги учун хавфсизлик камарини тортиб маҳкамладим ва ҳайё-хуй дея ўйлга тушдим. Термизгача ҳеч жойда тўхтамадим.

Шу кеча донг қотиб ухладим. Ўйғонганимда кўнглимдаги аллакандай ҳиссиёт ёрқин шуъла сочар, мен деярли ярим мақсадимга етганимни ич-ичимдан сезиб турардим. Аммо масаланинг бошқа томони жиндек ўйлатмоқда, нега бюст?..

Чинданам, оддий Ўлкашунослик музейидан тортиб, токи Эрмитаж ёхуд Лувр омборигача энг кўп ҳайкал Будда-га тегишли бўлса, ажабмас. Бироқ, бундайи тушимга ҳам кирмаган. Одатда, қадимий файласуфни ё ўтирган ёки тик турган ҳолда тасвирлашарди. Шундай экан, фавқулодда хурсандчилигим асослими?.. Мен ҳозиргача кўнглим алдамагани сабаб, ушбу топилмадан ҳам қандайдир ғайриоддий тилсим кутардим.

Ҳайкални ўрганишга киришдим. Эринмай мўйқаламда гардини тозалагач, латта билан артувдим, қоронгиликда кўринмаган айrim қусурларига назарим тушди. Чунончи, унинг боши ва кўкраги бир-бирига номутаносиб. Анчадан

бери археология билан шугулланаётганимдан бу ҳолат эриш туюлди. Негаки, қадимда Буддани тасвирлаш моҳир усталирга юклатилган. Шундай экан, қўпол хатонинг боиси нимада?.. Мабодо, уларни бошқа-бошқа усталар ясаган, ёки алоҳида тайёрланган қисмлар ўзга ниятда туташтирилган бўлса-чи? Шундай деб ўйласак, нимани яшириш мақсадида қилинган бу иш?..

Мулоҳазаларга шўнғиб, масаланинг тубига етгандек бўлдим. Ҳайкал бекорга нисбатан енгил эмас. Акс ҳолда, шу туришининг ўзи камида юз кило чиқарди. Янаям аниқлаштириш учун уни очиб кўришим лозим. Аммо, камина бошловчи олим эсам-да, бундай номақбул ишларга юрагим бетламайди. Кўҳна асотирни синдириш нари турсин, ҳатто, тирнашни тасаввуримга сифдиролмайман. Лекин, у ҳозирги ҳолатида тадқиқотларим учун умуман аҳамиятсиз матоҳга айланади. Демак, икки кун давомида чеккан машакқатларим зое кетибди-да?..

Ана шундай хаёллар гирдобида сигарета тутатиб, диванга чўзилувдим ҳамки, телефон жиринглади. Гўшакни кўтардим. Симнинг нариги томонидан чала таниш овоз эшишилди. Кимлигини билмай, бироз гарангсирадим. Кейин илкис, аъзойибаданимга чумоли ўрмалади. Сулаймонов!.. Қизик, телефон рақамимни қаердан олди? Бунинг устига, танишганимиздан бери илк бор сим қоқиши.

— Ишларингиз яхшими, азизим?.. Изланишларингизда силжиш борми?..

Овозидаги ташвишли оҳангта қараганда... Йўқ, бўлиши мумкинмас, шунчаки қизиқаётгандир, ҳар ҳолда, институт директори... Бирок, гапларидаги қатъият кайфиятимни хижиллаштирум оқида, саволлари илмоқли...

Тайинли жавобга тилим келишмай, нималарнидир ғудрандим. Сўнг Максим Азизийга сим қоқиб, ҳозирги воқеаларни оқизмай-томизмай сўзладим. Домлам андак сукут сақлади. Унинг сукутида ҳам аллатовур ваҳима бордай. Ишқилиб, диссертациям деб, эсим оғмасайди... Боз устига, Холчаёнда ҳайкални ўрадан чиқариш олдидан чўзилганимда шундок ёнимдан ўрмалаган тошбақани эслаб, кўнглим баттар хиралашди. Беихтиёр, профессор, лўли қиз, ялков судралувчи ва Будда ўзаро борлик, деган зўрма-зўраки фикрга келдим.

Аммо, устознинг хотиржам овози кўнглимга тасалли берди. У изланишларда давом этишимни, директорга ўзи ҳаммасини ётири билан тушунтиришини айтгач, қайтадан ишга шўнгидим. Олдин ҳайкални кўтариб, чамаладим. Кейин унинг бўғзи бўйлаб қаламтарошда доира ясадим-да, шошмай қиртишлашга тушдим. Чизик етарли даражада кентайгач, аста кўтарувдим, бюст иккига ажралди.

Адапмапман, гавданинг бегоналиги шундок кўриниб қолди. Алалхусус, бошга атай шу жусса ўрнатилган, деган қарорга келдим. Энди мен излаган тилсим унинг қайси қисмида жойлашган? Икки сониялик мушоҳададан сўнг танага энгашдим. Худди шу пайт телефон боз жиринглади. Гўшакни кўтариб, яна ўша овозни эшигдим.

— Ҳайкалга тегма!..

Оёқларимдан мадор кетди. Аъзойи баданимга титроқ иниб, оҳиста йиқилдим. Сўнг иягим шаққиллаб, эс-хушимни йиришга беҳуда уринарканман, зўр-базўр фикрлаётган онгимда бир-биридан совук ҳиссиётлар уйронди. Ҳалокатли ўйин бошлаганимни ниҳоят тушундим, Аззо Кабирович ҳаммасидан огоҳ...

Ярим соатларда амал-тақал ўрнимдан туриб, чўлтоқ танага яқинлашдим. Чап илкимни бўйин тепасидаги тешикка тиқиб, пайпасладим. Қарангки, бу гал ҳам кўнглим алдамабди. Ҳайкал деганим аслида қандайдир дарахт пўстлоғи экан. Пўстлоғ ичida эса... Кўлимга замонлар гардига беланган кўхна тутун илашди. Мен шу заҳотиёқ, топилдигим ноёблиги жиҳатидан мумиёланган фиръавнлар ёки ўзга сайёраплик ажнабийларга тенглашадиган кашифётлигини, қолаверса, номзодлик иши нари турсин, докторлик даражасиданам баландроқ увонларга арзирли асотирга эга бўлганимни ҳисэтдим.

...Ўртага тоза чойшаб тўшадим. Устига тугунни қўйиб, ичидагини чиқардим. Ошланиб, ипак ҳолига келтирилган буқа териси. Худди янгидай сақланибди. Ҳатто, димоғимда анкиган хиддан ўзимни қишлоқда юргандек ҳис қила бошладим. Янаям ажабланарлиси кейин содир бўлди. Мен терини ёйиб, ичida ярим тухум шаклдаги феруза тош ва ғалати битикларга дуч келдим. Мана буни тилсим дейдилар!..

Асрлар гардини мўйқаламда тозалаётиб, битиклар икки алфавитда эканини илғаб қолдим. Пўстакнинг юкорисидаги гаройиб ҳуснихат дастлаб нотанишдек туюлди. Сўнг эсладим, хинд фильмлари титрларида шундай ёзувлар чиқарди. Наҳот, санскрит бўлса? Ишонмай яна тикилдим, улкан саҳифанинг юкорисига сочилган жимжимали белгилар фикримни тўла тасдиқлади.

Кейинги ярмида эса...

Бу ёғи энди ҳеч қандай тасаввурга сифмайди. Не ажабки, пўстакнинг пастида кирилл алифбосига жуда-жуда ўхшаш ёзувлар сочилганди* Салгина уриниб, илк сўзни ўқидим... Кейин ҳарфлар қалқиб,чувалашаверди.

Жиндек тин олгач, яна термилсам-да, ҳалигидан бўлагини англолмадим. Ноилож бунда ҳам бирор синоат бор, деган фикр ила ўзимни овутдим. Кейин қайтадан жимжимадор нақшларга кўз юргутираётиб, илк жумла устидаги ажиб шаклга назарим тушди. Бу беш-олти қовурға асосига чизилган доира сурати эди. Қовурғалар қок ўртадан бошланиб, ташки томонга ҳам ўтган, кеманинг штурвалига ўхшайди. Дафъатан, шундай расмни аввалроқ ҳам учратганимни эсладим. Шоша-пиша, бояги тошни кўтардим. Пишиқ кўн* чилвирга тақилган феруза бир қараща дикқатни тортмасада, нимаси биландир сирли туюларди. Топдим, унинг тептекис қирқилган остки саҳнида мовий осмонда ловуллаган куёшмонанд думалоқ шакл бор!..

Энди икки асотирнинг ўзаро боғлиқлигини сезсан ҳам моҳиятини идрок этолмаяпман. Шундай экан, аввало, уларнинг ўхшашлигини томмоқ жоиз. Синчиклаб тикилдим, филдиракнинг қовурғалари саккизта, куёш тиллари эса тўққизта. Узвий давомийлик. Тасодифми?..

Фалати жумбоқни ечолмай, чаккаларимга лўқиллаш кирган маҳал телефон яна жиринглади. Бу гал гўшакни кўтармаёқ англадим, Аззо Кабирович!.. Ҳали-вери ўз ҳолимга қўядиганга ўхшамайди...

Вужудимни мубҳам ваҳима қоплади. Бир маҳал ўнгимдами-рўёмдами, унинг ороста қиёфаси гавдаланди. Аввал қок ўртадан икки ёнбошига силлиқ таралган соchlарини кўрдим. Кейин четлари юқорига қайрилган бароқ қоплар

тагидан синчков тикилган нигоҳи этимни жунжиктириди. Қорачигларида аллатовур ёвуз шуур жилваланмоқда...

Беихтиёр, эшикни занжирлаб келдим. Назаримда, ҳозир кимдир жонимга қасд қиласынан...

Хаммасига мана шу пүстак сабабчи. Унда нима ёзилган? Шунчалик ваҳимага арзирли сир бўлса-ку, яхши? Ишқилиб, диссертациямга алоқадор ҳам дейлик. Лекин, бундан Аззо Кабирович нега ташвишланяпти? Қолаверса, яна бир фан номзодининг кимга зарари бор? Наҳот олий мартабали профессор оддий аспирантдан шу қадар хавотирланса?

Ўйлай-ўйлай барча синоатлар калити битикларда, деган хуласага келдим.

Кечикмасдан ишни бошлишим керак. Жавондан буддизмга оид китобларни олиб варакларканман, кўзим яна ўша шаклга тушди. Тўғри, эрамиз бошидан уч асрча давом этган Кушон империясининг дини буддавийлик саналган. Шундан келиб чиқсан, ноёб терининг қадим салтанат пойтахти Хол чаёндан топилиши табиий ҳол. Аммо, бунинг туркийларга қандай алоқаси бор?..

Ҳар ҳолда, улкан сахифадаги ёзувларни ўқий олсам, бoshимни қотирган жами жумбокларга жавоб топаман. Бироқ, ажи-бужи ҳарфларни танишнинг ўзи оғир мешақатта айланганда, гирт бегона алифбода ёзилган бутун-бутун матнларни қандай тушунай? Тагига етиш учун ҳинди билан шуғулланган моҳир тилшунос ҳам камида икки-уч йил қийналиши аниқ. Менга ажратилган муддат эса, атиги олти ой, нари борса, бир йилга чўзилиши мумкин. Ўшанда ҳам ҳурматли Аззо Кабирович халал бермаса...

Эшикни қулфлаб, деразаларга қора парда тутгач ишга шўнгидим. Даставвал, сатрларнинг қай тарафдан бошлишини, ҳарфларнинг сўздаги ўрнига қараб, жаранглашини ўргандим. Сўнг мазкур камтарона тажрибамга таяниб, ўқишга тутиндим. Илк сўэни ҳижжалаганимдаги ҳайратимни кўрганингизда эди...

Ишонасизми, тўрт соатлар давомида қийнала-қийнала ўқиганим ҳаммамизга таниш «Тенгри» сўзи эди. Демак, баҳайбат пўстакнинг юкорисини эгаллаган ёзувлар туркийда битилган. Ушбу иқрорим эса ҳайратимнинг асосий сабабига

айланди. Бўлмасам-чи, қарийб икки минг йиллар бурун ерга кўмилган кўлбола китобга қараганда, туркийларнинг келиб чиқиши 545 йилдан анча олдинроқقا тақаларкан. Демак, Аззо Кабировичнинг хавотирлари бежиз эмас. Шу фикрни ўйладим-у, навбатдаги саволларга йўлиқдим. Хўш, тарихимизнинг йигирма асрлардан ошишининг нимаси ёмон?.. Нега институтимиз директори тўсатдан ваҳимага тушиб, оёғи куйган товуқдек типирчилаяпти?..

Чаноғига симай лўқиллаётган миямда уйғонган жумбокларнинг мантиқий боғланишини ахтариб қийналарканман, беихтиёр профессорнинг нигоҳидаги узоқ ўтмишга тақалувчи шуурни эсладим. Шунда борлиғимни ўз исканжасида ушлаган мудхиш ҳиссиётлар калитини топдим. Ҳа, Аззо Кабирович шунчаки, олим эмас. Оддий одам ўзини бундай тутмайди. Унга зиммасига ўзгача вазифа юклатилган шахс сифатида қарамоғим керак. Зеро, Тошкентда туриб, олис Сурхондарёда кечётган воқеалардан хабар топишини бошқача изоҳлаб бўлмайди?.. Қолаверса, унинг ораста сиймосида кутилмаган ёвузликлар ҳам яширган-у, қамина аҳён-аҳёнда ўша ёвузликлардан азоб чеккан жабрдийда ҳолига тушаётгандайман.

Мен яна анча мушоҳада килдим. Ярим тунга яқингина ҳайкални асл ҳолига қайтармоғим даркор, деган қарорда тўхтаб, ухлашга ётдим. Эртаси пешинга яқин уйғондим. Ноңуштани ҳам унубиб, Будда бошини гипс танага ўрнатишга тутиндим. Икки соатларда ўз ҳолига келгач, ямоқларини оҳаклаб, балконга чиқардим. Устига қанор ёпдим. Пўстакни эса чойшабга ўраб, пастта тушдим. Гаражга бориб, машинамнинг юхонасига жойлаштирдим. Эртага сахарлаб Деновга жўнайман. Ўша ер бехавотирроқ. Файрат қилсан, уч-тўрт ойда сирли битикларни ўқиб улгурман.

Уйга қайтиб, овқатга уриндим. Қозонга масалликларни солиб юборгач, ярим пиёла ароқ ичдим. Дастурхон бошида яна озроқ қултиллатдим. Баданим қизиб, қорним тўйгач, диванга чўзилдим. Бошим ёстиққа тегар-тегмас кўзим юмилди. Қанча ётдим билмайман, ногоҳ эшикнинг безовта тақиллаши уйқумни бузди.

Келишди!.. Рости, уларни олдинроқ кутувдим. Майли, кечикишгани ҳам бир ҳисобдан яхши. Озроқ дам олвол-

дим. Энди ўзимни ҳеч нима бўлмагандай тутишим керак. Ҳаяжонимни яшириш учун сигарета тутатиб, бепарво овозда қичқирдим. «Ким у?..» Сукунат!..

Шубҳаларим тўғрига ўхшайди. Эшикни очдим. Кўзим пўрим кийинган икки норғул йигитга тушди. Бўйнимни чўзиб, орқаларидан муҳтарам профессорни қидирдим. Кўринмади. Четлашиб, йўл бўшатдим. Чакирилмаган меҳмонлардан бири индамай балконга йўналди. Иккинчиси жойида, мени назардан қочирмай турди. Шериги чойшабга ўралган хайкални кўтариб чикқач, қўлини чўнтағига тикиди. Чап кўкрагимга қадалган ўткир тиф зарбидан гуппа қуладим. Хушимдан кетаётиб, эшикнинг қарсиллаб ёпилганини эшитдим. Бошқасини билмайман, қанча ётганим номаълум...

Бир маҳал баданимга ёйилган совук титроқдан хушимга келиб, қўлларимни кўтаришга уриндим. Эплолмадим. Оёкларимни чўзмоқчи эдим, тор даҳлизда фужанак отганимдан буни ҳам уддалолмадим. Беихтиёр қачондир эшитганим, совук мақолни эсладим: «Ўлсанг ҳам – гўринг кенгроқ бўлсин...». Шундагина ўлаётганимни сездим. Жон бериш қийин кечади, дейишарди, мен кўпам азобни сезмаяпман. Эҳтимол, ёмонроғи беҳушлигимда ўтиб кетгандир. Ҳар ҳолда, сёклиарим тобора музлаётганини ҳисобламаса, унчалик кўрқинчли эмас. Янаям ким билади, дейсиз?..

Қалтирай-қалтирай ўнг кўлимни базур кўтардим. Бунга нима мажбур қилди, билмайман, аммо пешонамга яқинлашгач, илкимда нимадир борлигини сезиб қолдим, қарасам, ҳалиги тош. «Қизик, ферузанинг яшил таркибидан сариқ ранг қандай ажралди экан?.. Бунинг устига, аниқ шаклга айлангани-чи?.. Уланган жойи бўлса ҳам майлийди...»

Бир маҳал қулогим остида даҳшатли гумбурлаш янгради. Вужудимга илоҳий бир таҳлика оралаб, умримни сарҳисоб этишга тушдим. Атак-чечак дамларимдан ҳозиргача кечиргандарим кўз олдимдан кинотасмадек пириллаб ўтди. Қойил, олдинлари икки-уч сонияда ўттиз йиллик ҳаётимни қайтадан яшашни тасаввур этолмасдим. Қарангки, онгимизнинг тўлиқ имкониятлари оғир дамлардагина очиларкан.

Бироз ўтгач, кўрган-кечиргандаримни киприк қоқарлик лаҳзаларга сиғдира олганимдан ҳайратланиб, тебрана бошли-

дим. Олдинроқ, ҳатто, оёғимни чўзолмовдим. Энди бемалол ҳаракатланаяпман. Вужудимга ҳузурли бир ором ёйилган, гўё умрбод тор идишга қамалгандим-у, ҳозир озодликка чиқдим.

Мана, чалқанча ётган кўйи оёқ-кўлларимни силкидим. Кейин енгил умбалоқ ошиб, юзтубан ағдарилдим-да, ҳаракатланишда давом этдим. Шунда ғаройиб ҳодисанинг гувоҳи бўлдим. Мен сузяпман... Ҳакиқатан жуссам енгил парга айланниб ҳавода чайқалмоқда. Пастда ўзимга жуда-жуда ўхшаш кимса ғужанак отган. Нурини йўқотаёзган кўзларида ғалати маъно зоҳир, илтижо қилаётганга ўхшайди, ортга қайт, деб ялинмоқда гўё.

Баландроқ кўтарилиб, янаем синчиклаб қарадим. Карадим-у... Эвоҳ, парга айланган вужудимдан икки газ тубанликда ётган жусса менинг лошим эди!.. Демак, аллақачон ўлганман. Совук кўзларнинг ўтинчи бекорга эмаскан?..

Эшикдан чикдимми, деразаданми, билмайман, бир маҳал ўзимни ташқарида кўрдим ва борлиғимни эгаллаган аллатовур куч истаган томонига йўналтира бошлади. Аввал кўп қаватли уйимиз гирдида доира ясадим. Сўнг жуссам узра яна бир айланниб, қайларгадир суза кетдим. Тўғриси, сузаётганимга да шубҳам бор, чунки ўйлаган жойимда дарҳол пайдо бўляпман. Наҳот, арвоҳга айланниб қолдим?.. Аста разм соламан, кўлларим ўрнида қоп-қора қанотлар, оёқларим эса қўнғир панжаларга айланган...

Кўз қиrimда бесўнақай тумшуғимният қўргач, қиёфамни тўлиғича тасаввур этдим. Арвоҳ деганлари тумшуғи гавдасига номутаносиб қора қуш бўларкан. Унинг оти тилим учida турса-да, аниқ эслолмаяпман. Чунки энди оний тезлик или нотаниш манзиллар узра сузарканман, бекорчи хаёллардан чекиниб, текин томошалар сабабини билишга уринардим.

Мана, жисмимни бошқараётган куч қандайдир сув ҳавзасига элtdи. Соҳилда ғимирлаётган икки йигитга кўзим тушиб, нега бу ерга келганимни англадим, руҳимни исканжада тутган қафасни парчалаган ботирлар шулар-да, ахир. Улар чойшабга ўралган ҳайкални қайиқقا ортиб, жадал сузиб кетишиди. Кўлнинг ўртасига етгач, уни чўқтиришиди. «Нега?..» Мен воқеаларни бошидан хотирлай кетдим. Ҳаммаси ай-

ланы-айланана яна ҳўқиз терисидаги ёзувларга тақалмоқда, «халоскорлар»имнинг асл мақсади ўша саҳифалар... Энди мен ҳам яхшиликка яхшилик қайтаришим, пўстакнинг қаердалигини айтишим керак. Чўчитиб юбормаслик учун оҳиста гап қотдим. Эшитишмади. Қаттиқроқ бақирдим... Ҳайҳот, бор овозда қичқирсам-да, улар бепарво эшкак эшишмоқда. Шундагина барча уринишларим атиги, ночор чиркиллашга айланганини сездим...

Арвоҳ шундай бўларкан-да, бирор эшитмаса, бирор кўрмаса?..

Аммо, мени кўришди... Боягиларга пўстак бекитилган жойни очишига беҳуда урингач, саёҳатни давом эттириб, институтимизда пайдо бўлдим-да, негадир Максим Азиэйга эмас, директоримизга учрашгим келди. Шунда у менга бақрайиб қаради. Нигоҳи ракибининг ҳаётдан бевакт кўз юмганига қувониб, совуқ нур таратарди. Сўнг бирдан қиёфаси тундлашди. Эҳтимол, шотирлари қидирган нарсасини тополмаганини сезгандир...

Ортимга қайтаётиб, институт эшиги олдида яна қандайдир танишимни ҳам учратдим. Эсладим, кафтимга қараб фол очган лўли...

Кейинги лаҳзада уйимга етдим. Тўпланган оломонга эътибор бермай, ичкари отилдим. Лошим узра оний лаҳза чайқалиб видолашгач, қадрдон хонадонимни тарқ этдим. Йўл-йўлакай уч-тўрт милиционер етовида келаётган бояги пўрим йигитларга кўзим тушгач эса, беихтиёр буқа терисини эсладим. «Тенгри...»

Кизик, яна нималар ёзилган экан унда? Жуда муҳим гаплар бўлса керак. Акс ҳолда, Аззо Кабирович мени ўлдиришни истаб қолмасди.

Тўсатдан онгимда чақнаган ёрқин фикр кўнглимга ёруғлик олиб кирди. Ахир, ўша ёзувлар тилсимига ҳозир ҳаммадан кўра яқинроқман-ку, истасам кўз очиб юмгунча... Аммо қайси даврларга?..

Мана, кетяпман... Аввалига машиналар ғужрон қатнаган шаҳарлардан ўтиб, чанг босган қўчаларини от-аравалар тўлдириган кўхна кентга етдим. Унданам нарида азим шахристон гавдаланди. Кўркига-кўрк кўшган улкан миноралари ўзга даврларни эслатади.

Шопманг, шошманг... Агар ростдан ҳам шундай бўлсанчи? Ростдан ҳам минг йиллар ортга қайтиб, қадим-қадим замонларда юрган бўлсам-чи?.. Ахир, киши арвоҳга айланганидан кейин хаёлига келмаган нарсаларни кўради-да. Дейлик, манави жиннисифат кимса, чор тарафга тинмай югуради, неларгадир овора...

Яқинлашиб, кўзларига тикилдим. Тикилдим-у, сесканиб кетдим. У ростдан ақлдан озганга ўхшар, фикру хаёлини битта нарсага қадаб ҳаллосларди. Айни пайтда телба нигоҳида ўзимга таниш бошқа туйфу ҳам мавжуд. Бу нималигини эслагач, кўнглимга ҳайҳотдек армон чўкди, нўраётган улугвор бинолар пойида сочилган гиштларни териб, ўз иморатини тиклаётган кимса мен Тошкентдан қайтгач, тушимда кўриб ҳавас қилган, эртаси хатти-харакатларидан ўзимга тааллукли фалсафий маъно қидирган ўша зот. Унинг ҳозирги сиёқи мавҳум мақсадга интилавериш, бир кунмас бир кун аянчли ахволга солиб қўйишидан нишона. Бирдан кўнглимга нохуш фикр оралайди. Мен ҳам қачондир шу касга ўхшаб қолсам-а?..

Афсус аралаш яна қарайман. Бу сафар унинг мош-гуруч соч-соқоли, тилка-пора зарбоф жомалари диққатимни тортади. Сўнг топган-тутгани етти пуштига етадиган зодагоннинг азият чекиб, мавҳум амалларга андармонлигидан зарур маъно туйаман. Чунки чолнинг кўзларидаги бежо шуур энди ўзгacha ифода касб этади. Сабот-матонат, файрат-шижоат... Умрини шарафли ишга багишлаган ҳар қандай кимса таҳsinga арзийди...

Мен ўзим излаган ўша фалсафага элтувчи йўналишни энди топганимда, туйкус хаёлларим чалкашади. Кимлигими, не мақсадда юрганимни унутаман. Яна уч-тўрт лаҳзада ақлдан озишим мумкин... Нимадир қилиб диққатимни йиғишим керак.

Авваллари тирноғимга тикилиб, фикримни жамлаб олардим. Балки шу усул ҳозир ҳам ёрдам берар?.. Оҳиста на зар ташлаб сесканаман. Чунки, айни дамда, на қанотлар, на панжалар, на бесўнақай тумшугим кўринмайди. Барчасининг ўрнида бир ҳовучгина шаффоғ нур жилваланмокда.

Пешонамга нурга айланиш ҳам ёэилган экан, начора?..

Хаёлларим баттар қоришади. Пастга кўз югуртираман. Хув олислардаги куррайи замин тутаб ётганда... Сўнг шувиллаб қулайман. Қулаётуб, сап-сариқ чанг тўён қоплаган азим сахроларда кўраман ўзимни...

2-БОБ

Улар қуёшга сифинадилар

Заргалдоқ тусли биёбонни ўртасидан ажратган сўқмоқдан йигирма қадамлар четроқда, сарғайган ўт-ўлланлар орасида дунёнинг шаклу шамойили, зерикарли турмуш тарзи ва ўқтин-ўқтин янграб қоладиган шовқин-суронларидан бехабар ғалати кимса ётиби. Унинг кимлиги яратгандан бошқага қоронғи. Ҳар замон-ҳар замонда ўтадиган савдо карвонлари уни илғамайди. Йиртқичлар ёки зоғлар яқинлашса, даҳшатли гувуллаш ортидан қуюқ чанг қўтарилиб, қиёмат кўпади. Ёмғир мавсуми устига томчи сув тушмайди, қуёш тиккага келганда, бир қучоқ оппоқ булут боши узра соябонга айланади. Аҳён-аҳён пайдо бўладиган улкан бўзбўри ҳам бу ерга бекорга келмайди, унинг тумшугидан томчилаган сўлаги мурданинг қақроқ лабларини хўллайди...

Озиб-тўзиб, қоқшоқ устихонга айланган аянчли лошнинг қуруқ терисидан бўртиб турган томирларидағи жўшқин оқим аллақачон тўхтаса-да, бадани айниш ёки идрап аломатларидан холи. Ҳолбуки, авратини бекитган кафтдек матонинг титилиб ултурганига қараганда, унинг ёбонда ётганига анча бўлган.

Мана, уфқларда аллақандай одам кўринди. Унинг нигоҳи олисларда саробдек жимиirlаган баҳайбат дарахтга қадалган... Орадан яна икки ҳафта ўтиб эса кўк тоқида хунукдан-хунук қорақуш пайдо бўлди. Куш чалажон дунё узра уч-тўрт бор доира ясагач, туйкус шаффоф нурга айланиб, алмисоқ жасадга сингиди. Ва мўъжиза рўй берди, мурда киприк қоқди. Тирилдими ёки уйғондими, ўзига-да қоронғи, бироқ кўз очганда осмон тиник ва мусаффо, бинобарин, ёруғ очунни туйганидан ёқимли жимиirlаётган хотираси ҳам ўша осмон каби чароғон ва ҳайҳотдек бўм-бўш эди. Ўзга ҳеч нарсани ҳис этмаяпти. Қўлини қўтариш нари

турсын, бармоқ қимирлатишга мажоли йўқ. Бироқ, миясидан бошланган илик ҳарорат бутун жуссасига таралмоқда. Астасекин очилган димофига хушбўй тароват урилгач, у қийнала-қийнала тоза ҳаводан симирди. Аъзойи баданига ёйилаётган оқим ҳалқумига етганда оғзи нордон ва ачимсиқ таъмни сезди. Бемажол тамшанганди, бўнзига тиқилган беёқим тугун нафас олишини қийинлаштириди.

Бу орада ҳароратга айланиб, баданига тарқаётган жони кўкрак қафасигача борган ва у даҳшатли оғриқдан қийналаётганди. Ўша азоб боисми ёхуд зўр-базўр ёруғ дунёга ўрганганди онги фаолроқ ишлай бошладими, нотавон каллада мубҳам савол уйғонди. «Нега?..» Ростданам нега бу ерда?.. Нега ҳеч нарсани эслолмайди?.. Кўксидаги оғриқ нимадан?.. Оёқ-қўлига қачон дармон инади?.. Энг асосийси, у ким?

...Белигача тушиб борган ҳарорат қўлларини ҳам илитди. Бармоқларига жон кирди. Ҳаётбахш оқим тезлаша-тезлаша тиззалиридан ўтиб болдирига, ниҳоят укчаси* ва панжаларига етганда, кўнгли чароғон туйғудан ёришиб кетди. «Мен — тирикман!..» Кувончига қувонч кўшилди, чунки фикрляяпти. Фикрлаш эса инсонга хос. Бироқ борлигини чулғаган шодлик нақадар ҳаётбахш бўлмасин, кўкрагидаги оғриқ ва ҳаракатсизликдан изтиробда. Устига-устак, муттасил чалқанча ётганидан куракларига санчиқ оралаган...

У хаёлан оғриқдан қутулиш йўлларини излаётганда, кўққисдан чинчилоги қимирлаганини сезиб қолди. Сўнг тирсакларида нимадир ғимирлагач, қалбида аниқ мақсад уйғонди, модомики, қачондир ўрнидан кўзғалиши, яйдоқ ётоғини тарк этиши лозим экан, бунга ҳозироқ урингани маъқул.

Бор дармонини йигиб кучанувди, қўллари ростакамига жонланди. Ўзига тўла ишонч ҳосил қилгач, мадорини оёқларига жамлаб, бармоқларини букиб кўрди. Кейин ўнг илкини зўр-базўр кўтариб, кафтига қаради. Аввалига хира нигоҳи чувалашди. Тикилавергач, бармоқлари орасидан бошланиб, кафти ўртасида туташган чизиқларни илгади. Бироқ, бунга ортиқ аҳамият бермади. Диққатини сал дадиллашган оёқларига қадади. Энди ўрнидан туриши лозим. Қолаверса, елкасидаги санчикдан қутулишнинг ягона йўли ҳам шу.

У дармон инган күллариға таяниб бошини күттаргач, нигохи қуириоқларни ҳам илгайверди. Аввал сал наридаги самонинг ерга туташган нуқтасини, сўнг қаршисида ёйилган учи-кети бепоён сахрони кўриб, вужудини нимадир ёндира кетди. Жонини мудом асрраган оқ булут аллақачон олисларга сузиб кетганидан коқ тепасида қаққайган оловли баркаш шуълалари тани-жонини азобламоқда. Атрофга аланглади. Ўнг тарафда тилини осилтириб ҳарсиллаётган бўзбўри, чапда, анча олисда баҳайбат дарахт кўринди. Қизик, осмоннинг ерга туташган этаги тўрт қадам нарида, жонини асрайдиган хилватгоҳ эса шунчалар йироқ?..

Зиддиятли хаёллар оғушида яна тикилиб, дарахт панасида-ти кимсани илғаб қолди. Овоз беришга уринувди, қичқириғи ночоргина «ох!»га айланиб, соядаги кимсагача етиб бормади. Кейинчалик англаганидек, қаттикроқ бакирганда ҳам бошини куйи эгиб, мушоҳадага берилган зот эшитмаскан.

...Кўллари ярим гавдасини кўттаргач, оёқларини ишга солди ва ҳозирча қад ростлашга кўнимаганидан бехос ўнг томонига оғди. Қулаётib ёнбош қолишга ҳарчанд уринмасин, уddeалолмади. Юзтубан ағдарилганда оғзини тўлдирган тупроқ бояги нордон ва ачимсиқ таъмни босиб кетди. Тўғрироғи, у тупроққа қўшиб, ўша бемаза ҳисларини ҳам тупуриб ташлади. Бироқ, эришган ҳузур-ҳаловати узокқа чўзилмади. Энди нафас олаётганда бурнига кирган кум зарралари диморгини қичитгач, ғайриихтиёрий ҳовлиқиши-ла оёқ-кўлига таяниб, ожиз гавдасини базур тиклади-ю, юзини қуёшга тутиб, акса уриш баробарида гурсиллаганча қайта йиқилди. Йиқилаётib ичига ёрқин бир туйгу оралаганини ҳам сезди. Ўйлай-ўйлай ўша туйрунинг нималигини англомай, устига-устак, ноқулай ҳолатда ётавериш жонидан бездиргач, инқиллай-синқиллай ўрнидан қўзғалишга уринди. Дастлаб букчайди. Андак тин олгач қад ростлади. Беш-ўн сония мағрут котиб, оламга маъсумона термилаётганда хира нигохи яна дарахт соясидаги одамга тушди. Айни дамда тинмай қиздираётган офтоб ҳализамон миясини қайнатиб юборишини ҳам сезди.

Охиста биринчи қадамни ташлади. Рости, буни қадам деб бўлмасди. Негаки, ўнг пойини ярим қаричгина судраб кўя олди, холос. Шунинг ўзиям энди атак-чечак қилаётган

ожиз банда учун катта муваффақият. Иккинчи қадамдан сўнг бироз чарчаб, ҳансирашга тушди. Аллақачон олдинга интилган бўрисига ҳавас билан термилганча беҳол чўккалаб, оралиқ масофани чамалагач, маъюс кўнгли таскин топди. Бироқ шундай имиллайверса, манзилга етгунча қуёш тафтида қоврилиб қолиши ҳеч гапмас... Учинчи қадами олдингиларидан дадилроқ кечди. Кейингиси янаям. Сал ўтиб чинакамига алпанг-талпанг одимлайверди. Минг азобда манзилига яқинлашаркан, назари ажид манзарага тушди. Дараҳт шохларида қизил-кўнғир шокилалар осилган...

Ичи қулдирамоқда, очиқсанга ўхшайди. Етиб боргач, авввало, маза қилиб қорнини тўйдиради... Дараҳтга яқинлашганда бошқа нарсаниям сезди. Ўша зот чордана қуриб, номаълум нуқтага узлуксиз тикилганидан боши эгилгандек кўринмоқда.

Унга бошдан адок кўз юргутириб, йўловчининг безовта қалбига ожизгина илинж оралади. Кейин қархисидаги каснинг маъносиз туюлган хира нигоҳида бот-бот йилтираётган мулоим шуурдан бутунлай тасалли топди. Шу ҳолатда узок қолишиди. Донишманд кимсан демади. Йигитча салқинда маза қилиб ўтираверди. Қорни таталаётганини хисобламаса, ундан бахтли одам йўқ. Қанча вақт ўтди, номаълум. Бирнече бор кун ботиб, тонг отгани ёдида. Аниқ эслолмаганинг сабаби шундаки, ора-сирада ўтирган жойида мудраб олмоқда.

Ёруғ қунларнинг бирида донишманд уйғонди. Аниқроғи, бехос ўтирилиши чўчиб уйғонган одамни эслатди. Унинг энди анча-мунча шуълаланган ўткир нигоҳларига дош беролмай, йигитча ўрнидан туриб кетди. Салқинда вужуди қувватга иниб, ўзини тута оладиган даражага етибди чоги, бу гал ииқилмади.

Донишманд дастлаб нарироқдаги бўрига, сўнг унга синчиков назар ташлади.

- Кимсан?..
- Билмайман.

У тепасида осилган муштдай мевани юлиб узатди. Олиб тишливоди, оғзи боя тирилганидаги аччиқ таъмдан-да бўлмағур мазани сезди. Шоша-пиша туфлаб ташлади. Донишманд норози тўнғиллади.

— Есанг, қорнинг тўяди, емасанг — очликдан ўласан.

Ноилож ҳалқуми ачишсаям чайнайверди. Дастреб таҳир туюлган мева бора-бора ёқиб қолди. Ҳам тўйди, ҳам чанқоғи босилди. Сўнг улар дунё тўғрисида сухбат қуриши. Шеригининг гапириши-ю, ўзининг дикқат билан тинглашига қурилган жараёнда йигитнинг онги тиниклашди.

Охирги ҳафтада у ёзишни ўрганди. Олдинига устози чизаётган жимжимадор белгилар бемаъни эрмакдек туюлсада, кунлар ўтиб илк сўзни биттанида, роса қувонди. Кейин дарахт ҳақида сўраб, ғалати жавобни эшилди.

— Ҳақиқат дарахти.

«Меваси бежизга аччик эмаскан...»

Ногоҳ осмони фалакдан хунук сас келди, кўқ тоқида улкан күш айланмоқда.

— Қарға!.. Келажакка сафар қиласиган яккаю ягона жонивор...

Ўйноқи тасаввурларига берилдими ёхуд аслида шундаймиди, бунга ишонди. Сўнг нимжон вужуди қалтирайверди, у батамом ўзига келиб улгурмасдан ажиб бир мўъжиза туфайли қушнинг энг пинҳон тилсимларига кириб бораётганди. Қарға яқинлашганда, чағир кўзларда ўзига жуда таниш туйғуни илғагандек бўлди...

Талвасада донишмандга термилди. Устозининг сирли нигоҳи тахминларини исботлади. Аммо шугина таассурот умрининг сархисобига камлик қиласди, у ҳали янада кўп нарсаларни эслали, хотирасидаги ўпқонни тўлдириши лозим.

Устоз кўп нарсадан боҳабар, акс ҳолда, маъноли қилиб сен бўри авлодисан. Исминг — Бўзқурт*. Олис йўлда бўри ишончли ҳамроҳ, демасди. Унинг кейинги гаплариям дикқатга сазовор: «Оч одамга яланғоч ҳақиқатдан кўра бир парча нон берганинг уйдирмаси афзал. Илло, бенуқсон одам бўлмас! Йўлингда сон-саноқсиз хатарлар учраса-да, жонингта қасд қилишга ҳеч кимга руҳсат йўқ. Фақат мақсаддан оғдиришга, ўтмишингни йўқотишга рағбат бор...»

Бирок, энди йигит уни эшилмасди. Чунки унут хотиралари тўсатдан қалкиб, назарида турли-туман воқеликларнинг сидирға бўлаклари гавдалана бошлади. Мавжланиб, шиддат билан ўрин алмашаркан, мавҳум манзаралар гирдобидан гоҳ оёқ остига қилич сермаётган баҳодир, гоҳ саҳролар ўртасида

қоядек қотиб, улкан камондан тўрт тарафни мўлжалга олаётган паҳлавон кўланкаси кўриниб қоларди. Кейин булар кўздан йўқолиб, соч-соқолига хас-хашак ёпишган ифлос каллани қонли мешга солаётган хушбичим аёл қиёфаси гавдаланди. Яна лаҳза ўтмай, жисми жонига ҳузур бағишлаган илохий қироат янгради. Кўз ўнгида узундан-узун карвон намоён бўлди. Карвон ўртасида олтин филдиракли аравага юкланган тобут келмоқда... Айқаш-уйқаш кўргиликларидан талвасага тушган Бўзқурт ўзини кўлга олишга уринаётганда, манзаралар баттар қоришиди. Ва охирги илғагани қуввайи ҳофизасида дафъатан қад ростлаган қора тулпорли жангчи бўлди. У дикқатини йиғиб, таассуротларига яқинлашиди. Яқинлашиб эса жангчининг нигоҳида ҳам боя тепасида айланган қушники монанд шуурни кўрди. Кўрди-ю, сесканиб ўзига келди.

Устоз ҳикоясини тугатди...

Фикри хаёlinи эгаллаган айқаш-уйқаш тасаввурлари чаккасида кутилмаган санчик уйғотди. У бошини чангллади. Оғриқ қанчага чўзилди, номаълум, бир маҳал кўргиликлари қайта жонланди. Бироқ, энди назаридан нафақат устози, балки олдинги алоқ-чалоқ ҳодисалар ҳам узоқлашган ва ўзи отлар дупурию жанг «урҳо»лари гулдираган майдонга тушиб қолганди. Мана, вактида ақлини йиғолмади, чоғи, кураклари ўртасига урилган ойболта зарбидан эсини йўқотди. Бирдан «жонингта қасд қилишга ҳеч кимга рухсат йўқ», деган каломни эслади. Афсуски, устози адашган экан. Хаёлидан ўтган охирги фикр шу бўлди. Сўнг тулпори нақадар авайламасин, эгардан оға бошлади. Яна сал ўтса қулайди. Ана унда тирик қолиши даргумон. Сайҳонликда шамолдек елаётган минглаб отлар туёғи остидан омон чиқишини умид қилиш нодонликдан бўлак нарсамас...

Вужуди мадорсизланиб, қомати тобора майишаётган жангчи эсини йўқотиб улгурмай, ногаҳон ёнбошида улкан жонзот қад ростлади. У ақли ҳушини зўрға йиғиб, каватига кирган халоскорга қаради. Қаради-ю, энди уйғонган ҳаётбахш илинжи боис қайтаётган мадори яна тарк этаверди. Кўркувдан баданига аянчли қалтироқ ёйилди. Чунки, ҳозиргина одам деб ўйлагани шохлари тарвақайлаган ҳўқизбош махлук эди...

Кулғи тагида гулдираёттан шовқин-суронлар тингач, у күзини очди. Күзини очиб, улкан дараҳт тагида чордана курган эски танишини күрди ва бу воқеалар рўёлигини англади. Нокулай аҳволдан кутулиш учун «кўзим илинибди», дея ўзини оқлади. Донишманд эса: «Бу тушинг эмас, келажак ёки ўтмишинг», — деди. У кўрганлари ўтмишга айланишини истади. Келажак бўлса, умрбод ўша кунни кутиб илиги узилади. Илло, энди тулпоридан йиқилар они но маълум махлук ёрдам беролмайди ва у минглаб аргумоқлар шамолдек елган қонли майдонда эгасиз улоқкан қайсиdir дулдулнинг оғир туёқлари остида боши мажақланиб, ҳалок бўлади...

Хайрлашиш онлари яқин. Устоз унинг чап кўксидаги митти шаклга тикилиб, кўзига ёш олди. Йигит тушунмади. Сўнг ўзи ҳам бирров назар ташлаб, мўъжаз расмни кўрди. Тўққиз тилли қуёш сурати...

Донишманд хаёлга чўмди: «...Жуда-жуда олисларда, икки дарё оралиғидаги серҳосил далалар ортида бепоён сахролар бор. Ўша яйдоқ далаларни сахроий алплар мақон тутган. Кўзидан ўт чақнаган аёллари камондан бехато отишади. Эркаклари — ўнлаб душманга басма-бас уришадиган ботирлар. Улар бирлашса -- дунёни титратадиган, тарқалса -- бир-бирини қирадиган ҳалқ. Бу элнинг худоси Тангри, маъбути қуёш, қиличга топинади, бўрини мұқаддас санайди!»

Устоз кўзда шашқатор ёшлари ғилтиллаб қадрдонини кузатаркан, қўйнидан ярим тухумга ўхшаш яшил тош чиқарди.

— Бу мушкулингни осонлаштирадиган улги. Чарчаганда қарайсан... — сўнг ўйланиб, қўшиб кўйди. — Нихоят уни эгасига топширдим...

Йўловчи дараҳт соясига келганидан бери ҳаракатланмагани боис иккиланиб, оёқ остига тикилди. Тикилди-ю, хаёли чалғиди. Тўрт қадам наридаги бўзбўри қайгадир йўқолиб, ўрнида тошкосаси ҳовучдек махлук ғимирламоқда. Тошбака!.. Келажакка етадиган яккаю ягона жонивор. Ҳозир ҳам минг йиллик умрига сифмайдиган буюк-буюк замонларга отланган.

Маъюс хайрлашишди...

Мара* ва Тамора

Хукмдор уйқудан уйғонганда, негадир ўзини лоҳас сезар, күнгли аллатовур хижиллигидан қаватидаги маҳбубасини тамом унуттанды. Чунки узок йиллар давомида эришган тинчлигига бугун дарз кетди, асрий жавотирлари қайтадан бошланды. Тұшакни түлдириб түлганаёттан аёл қучогида роҳатланиш ўрнига бесаранжом хаёлларга берилганининг сабаби шунда.

Хожасининг тушкун кайфиятини ўзининг бемаврид нағмаларига боғлашдан ўзга чораси қолмаган канизак ўтган тунни муфассал эсламоққа уринди. Бироқ, нозли ғамзаларида тұшакдошининг қаҳрига арзийдиган ортиқча қилиқ топмай ажабланды. Унинг озғин юзига күпчиган ташвиш тарқ этавермагач, ҳаммасини бемаҳал алахсирашга йўйди. Кечаси бўсалардан чарчаб, мижжа қоққан маҳал эркаги нималарни дир алжираганди.

...Канизак олти ойдан бери ҳарамда яшаб, бугун иккинчи бор гулгун ётоқни обод қилди. Олдинги сафар сарой гумашталари ота-онасини зор қақшатиб, оқ филнинг кажавасига ортиб келган кундан уч ҳафта ўтгач, рожанинг қучогига кирганды. Ўшанда ҳукмдор уни бағрига босмоқ учун энгашиб, тўсатдан сакраб турган, кейин сирли қиёфада ётоқни тарқ этганди.

Қизалоқ аввалига ўша тун учун Яратганга минг бора шукронда ўқиса-да, вақт ўттани сайин ёшлик орзуладига чек қўйган ишратпараст тўғрисидаги аламнок фикрлари ижобий томонга ўзгараверди. Чунки саройда кечган умри давомида камчилик кўрмади. Ҳатто, хизматчилар орқали ота-онасига яширинча оз-моз пул ҳам жўнатди, бекаму кўст яшамоқда. Бироқ, ташвишларига-да асоси бор. Масала шундаки, у ўзига бегона кас қўл теккизолмаслигини, ҳукмдор унутса, муҳташам саройда жуфтсиз ўргимчак каби қуриб-қақшаб, умрини якунлашими тушуниб етган. Шу сабаб бурунги ҳафта ҳарам оғаси бармоғидаги олмос кўэли узук эвазига гулгун ётоқни вაъда берганда қандай бўлмасин, Маранинг суюкли жазманига айланишга қарор қилди. Висол тунида ширин эн-

тикишлар, оташин эркалашлари-ла хүшторини бўйсундиришга уринади. Бу муваффакиятларнинг ярми. Қолганига ўтган олти ой мобайнида ҳарамдаги гурунглардан ўргантан макрлари ёрдам беради. Мана, у узок эркалашларидан кейин унсиз йиғлаб, жазманининг узун, жингала соchlарини силамоқ учун чўзилди. Аммо, ўйлагани сароб экан кўли бормади. Қайтанга ўзини эзғилашдан нари ўтолмай ухлаб қолган эркакка нисбатан қалбида улуғ бир нафрат уйғонди. Саҳарда қулоғига ғалати алаҳсираш чалинди, рожа хуш-бехуш алланималарни валдирап, ётган жойида сакраб-сакраб тушаётганди.

«Турлар!.. Куртлар!.. Турқутлар!..»*

...Мара уйқудан ноҳуш кайфиятда уйғонгач, тушини эслаб жиддий тортди. У, одатда, канизакларининг қабиласини сўраб-суриштирмасди. Бугун эса олти ой бурунги ҳодисани қаватида тўлғонаётган паривалга алоқадорлигини ҳис этди. Хожасининг беёқим йилтираётган савол аралаш нигоҳига йўлиқкан канизак каловланиб, кўзларини яширди. Аммо қай томон боқмасин, ёвуз истеҳзога дуч келаверди. Мара иккичи марта сўрагач, ҳол-бехол жавоб берди.

«Шакман!..»

— Исминг?..

— Тамара... Отам борган жойингда мустаҳкам ўрнашгин деб, шундай атаган.

— Тамора... Илдиз, демак...

У гулдор ёпинчиқни елкага ташлаганча, хонани тарк этди.

Ҳали қадам товушлари узоқлашмай, қиз ҳўнграб юборди. Дафъатан у энди ҳеч қачон бу ерга қайтолмаслигини англаб қолганди. Шу қўйи такимини ўпган куюқ соchlарига кўмилиб, узоқ йиғлади. Тушга яқин кечаги энага олдига ҳарир кийимларни ташлади. Пуштиранг матони бокира қоматига иларкан, у беканинг нигоҳида афсусдан ўзга ифода топмай, ҳиқиллаганча эшик томон йўналди. Деворига азим муҳорабаларни ифодаловчи суратлар чизилган узун йўлакдан одимлаётганда эса бехосдан чукур «оҳ!» тортди. Негаки, ҳовлига чиқадиган эшиқдан уч-тўрт қадам берида рожа ва чўкки қалпоқ кийган чавандозларнинг жанг саҳнаси тасвирланган, тагига «Шакларнинг енгилиши!» деб ёзилган эди. Тамора эрталабки ноҳуш саволлар сабабини ниҳоят англаса-

да, ўзга фикрдан таажжубланди. Ахир, Мара ким билан уришмаган-у, кимни бўйсундирмаган? Қолаверса, ҳарам, асосан, рақиблари кафилликка берган асиralардан иборат-ку. Наҳот, ҳаммасидан нафратланса? Йўқ, бу ерда бошқа гап бор, чунки қачонлар тарихга айланган жангларни деб, ким-дандир аразлаш ақлга сигмайдиган хол.

Ўша кун Тамора ҳеч кимга қўшилмади, бир четда кўкрагини ерга бериб ётди. Ҳатто, чўмилишгаям чиқмади.

Чўмилиш канизакларнинг қунлик одати. Рожа кузатув минорасидан яланғоч аёлларга термилишни ёқтиргани сабаб, айни туш чоги сарой санамлари таранг қоматларини кўз-кўзламоқ учун ховузга шўнғишарди.

Улар ҳарир ёпинчиқларини ечиб, тубини дур, юзасини атиргул ва наъматак япроқлари қоплаган шаффоғ сувда сузаётганда, четдаги ярим айлана бинодан мунгли куй янграб қолар, шунда ажиб оҳангдан роҳатланиб, илиқ сувга тўш ураётган қизлар беихтиёр қишлоқларини, севган йигитларини, ота-оналарини эслашар, унсиз оҳ тортиб қисматга лаънат ўқишишар, кейин барчасини унтиби ўзгача ҳиссиётларга чўмишаркан, ўксик хаёлларида уйғонган армон бора-бора тақдир ризолигига айланарди.

Канизаклар сархуш ҳолга келгунларича синчиклаб кузатган ҳарам оғаси вақт етганини сезгач, ораларидан ўнтасини танлаб ўзга хонага, чор атрофи юмшоқ ўриндиқли отхонага олиб чиқарди. Занжабил ачитқиси аралаш хушбўй пиchan еб, тобига келган қасрак* ва чакмоқдек арғумоқнинг эрка қувлашмачоғидан пар ёстиққа ёнбошлаб, шароб ҳўплаётган сархуш гўзаллар ожиз энтишишар, томоша тугагач, қулваччалар тўлғана-тўлғана адо бўлаёзган шўрликлар ичидан рожа назарига тушган қизни олиб, иссиқ ҳаммомга, қайрағоч ёғочидан ясалган тоғора ёнига элтишар, бу ерда ҳозиру нозир бека уни гулобли сувда ийдириб, ишрат кечасига тайёрларди.

Ана шундай хузурдан бенасиб Тамора ғужанак тортиб ҳиқиллаётганда, хона эшиги очилиб, Бэнжу кирди. Барча канизаклар хукмдордан кўра шу кўсадан кўпроқ қўрқар, сабаби, тақдирлари айнан унга боғлиқ эди. Ҳозир Таморани ташқарига бошларкан, у ниятини сездирмади. Тамора эса кишида на аёллик, на эркаклик ҳиссиётларини уйғотмайдиган

хўппа семиз қўлларга таяниб, ўрнидан турганда ҳам, та-ранг қоматига ёпишган соchlарини турмаклаш учун сикимиға сифдиrolмаганда ҳам ва ниҳоят, билаги яна ўша совуқ панжалар исканжасида қийналиб, ташқари йўналганда ҳам ҳеч нарсани тушунмади. Фақат дарвоза олдидаги икки йигитни кўрганда ҳушидан кетаёзди. Йигитлар қизил кўйлак кийишган, бетларига ниқоб тақишиганди.

«Жаллодлар!..» хаёлидан ўтди қизнинг. Нега? Шак бўлгани учунми?..

У оёқларидан дармон узилаётганини сезди. Тиззалири майишиб, баданига титроқ югурди. Кимнингдир билагидан шаҳд тутган дағал илкини ҳам зўрға илғади. Бу панжа ҳарам оғасига тегишли эмаслигини ҳис этгач, бир сескаанди. Сўнг назарида дастлаб ҳур болалиги, кейин ота-онасининг илтижолари, ўша қора кун ҳамда оқ фил устидаги ҳашамдор кажава гавдаланди. Шунда ҳушёр туйфулари уйғониб, рожа кўнглини хушлаш учун тугилмаганини англади ва қалбида энди ўэига нисбатан нафрат кўкарди. Зеро, оний лаҳзалик фароғатга кўз тикиб яшаш ҳақиқий умр учун камлик қиласди. Ҳатто, ҳамма сингари кун кечириб зурриёт қолдириш, арзимаган ютуқлар ила жумлаи жаҳонга мақтаниш ҳам шунчаки вақт ўтказиш демакдир. Қиз ҳаёллари оғушида қийналаркан, туйкус калласига урган фикрдан хушига келди. Мабодо, буюкрок ишлар учун дунёга келган бўлса-чи?.. Қисмат деганлари ўзга йўлдан кетганда, у ҳарамда яшаган кезлари вужудидаги қарама-қарши ҳиссиётлардан туну кун азоб чекмаган, аллақачон Мара отлиғ ўшал жондорнинг курбонига айланган бўларди... Шулардан омон қолибдими, билингки унинг худо белгилаган ўз тақдири бор.

Кўзларини очди. Ҳалигина қалбида кўкарган митти нафрат натижаси ўлароқ, билагидан тутиб судраётган нор йигитларга жирканиб қаради.

Кўчага чиққанда эса чақноқ нигоҳини уфқларга қадаган, руҳиятидаги бояги тушкунлик тамом йўқолган, билагидан чангллаган жаллодлар ҳам, саройдаги айшуғ фароғатлар ҳам ўткинчи эканлиги тобора аёнлашиб бораётганди. Йўқ, у ўлимини бўйнига олмаган, аксинча, ҳадемай улуғ мўъжизалар юз беришини, қисматида янгича умргузаронликлар бошланишини сезмоқда.

Худонинг арзандасини иблис қатл этолмайди...

Мара гўзал Тамора хокисор ҳиқиллаётган тўшакни тарк этгач, қабулхонага кириш олдидан эшик оғасига канизакни «Ўлимдара»га улоқтиришни, сўнгра уч кун бурун меҳтарбодулари* ушлаб келган мусофири ҳузурига келтиришни буюрди. Негаки, нихоят олти ой муқаддамги ишрат кечасида кекирдаги устида жарини шаққиллатган баҳайбат бўрининг пайдо бўлиши, бугун саҳарлаб телба-тескари алаҳсирагани сабаби ойдинлаши.

Асир киргач, аниқ қарорга келган Мара, агар рози бўлса, бекаму кўст умр кечиришини кафолатлаб, уни саройда қолишга унлади. Рад жавобини эшитгач имо қилди. Ноз-неъматларга тўла патнис кўтариб табуғчи* кирди. Уч кундан буён зинданда ётиб роса қийналган, ташналик ва очлик туфайли пўрсиллаб шишган лаблари тонгдан тарса-тарса ёрила бошлаган Бўзқурт ўзини тўхтатиб туролмади... Рожа тантанавор қаҳқаҳа отди.

«Оч одамга қуруқ сафсатадан кўра, бир бурда нон берган иблис азиэроқ...»

Бўзқурт бирдан англаб қолди, устоз башорати такрорланмокда. Демак, унинг бошқа айтганлари ҳам ҳақиқат, «Жонига қасд қилишга ҳеч кимга рухсат йўқ!..»

У кўлинини патнисдан тортиб, рўпарасига мағрур кўз ташлади. Фазабланган рожа жаллодни чорлади...

Ярим соатлардан сўнг шаҳар ташқарисида бораркан, Бўзқурт тақир бошини силаб, мийигида кулимсиарди. Аммо, қувончи узоқ чўзилмади. Туйкус маъюс жиринглаган ажабтовур оҳанг дикқатини тортди. Қайрилиб, «Ўлимдара» томон кетаётган икки шотир қўлтиқлаган сулув бир қизни кўрди. Бояги садо ўшанинг тўпигига боғланган қўнрироқли қўзмунчоқлардан таралмокда. Қалби ҳаприқиб кетди. Кейин бирдан тарвузи қўлтиғидан тушди, тўргт лаҳза ўтиб, пуштиранг ҳарирга ўранган нозанин тубида йўлбарслар ўкираётган даҳшатли ўнгирга қулайди. Нозик бадани емиш илинжида кўкка талпинган очофатлар ўртасида хомталаш бўлади. Ўлаксахўр сорлар тозалаган устухони минг йиллардан буён тўпланган сўнгаклар орасига сингиб йўқолади...

Бирок, худонинг арзандасини иблис қатл этолмаскан...

Соҳибжамолни элтаётган йигитлар яширинча кўз уришиб, нималарнидир хуфёна режалаштиришаётганда кўз кўриб, қулоқ эшигмаган ҳодиса рўй берди. Тўсатдан осмону фалакдан сакраб тушган баҳайбат бўри уларнинг иккаласини ҳам ағанатиб, нақ пепоналарида қозиқ тишларини иржайтириди.

Жондордан Тамора қўрқмади, қалбига тинчлик бермаётган сирли энтикиши шу туфайлидир, эҳтимол.

...Бўри рўпарасида чўккалаган қизнинг тиззасига бошини қўйиб, итоаткорона ғингшиди. Тамора эса унинг дагал ёлини силаётиб, жон талвасасида жуфтакни ростлаётган жаллодларни масхаралаб, қаҳ-қаҳ урди. Сўнг нарироқда интизор тикилган Бўзкуртга бирров қаради-ю, тотли титроқ огушида тўлғаниб, ойдек чеҳраси оловланди.

Ёқимли ҳиссиёт йигитни-да бир неча сонияга асир айлади. Бўзкурт қисқа вақт мобайнида минг йилларга арзигулик ҳодиса юз берганини дилидан ҳис этса-да, ҳозирги воқелик абадий ҳамроҳига айланишини ҳалигача тушуниб етмаган, айни сабаб нима қилишни билмай иккиланмоқда эди. Мана, эсини йиғиб, журъатсиз одимлаганча қизга яқинлашди. Уни авайлаб турғизаётганда, бўри сон-саноқсиз митти нуқталарга айланди. Аввалига Тамора бунга тушумади. Бояги нуқталар жимиirlай-жимиirlай ҳавога сингигач, тақдирга тан берди. Чунки қаршисидаги ғалати кимсанинг сирли нигоҳига қараганда, айни воқеликлар мўъжизадан бўлак нарсамас...

Яна озрокдан сўнг улар айри йўллардан бошқа-бошқа тарафларни мўлжаллаб жўнаганларида, қиз охирги олти ой давомида иблис томошаларидан қийналиб, эр қучоғига отилишини нақадар истамасин, пок вужудига сарой айш-ишратлари бекорга дахл этолмаганини тушуниб, йигит эса суйгани билан қачондир қайта топишиш илинжида қадам ташлашарди.

5-БОБ

Шакъямуни «Шаклик донишманд» дегани

«Нафас олинг!..»

«Нафас олинг!..»

«Нафас олинг!..»

Кулоғим остида гумбурлаётган вахшат момақалдириқлари тиниб, элас-элас жумлалар онгимга етганда, мен сўёзиз бўйсунишим лозимлигини англадим ва чукур-чуқур энти-киб, кўзларимни очишга уриндим. Бироқ киприкларимни кўтаришга мажолим етмади, гумбурлаган товушлар тобора кучайиб, қайтадан хушимни йўқотдим. Сўнг зудликда ўзимга келмасам умрим рўёга айланишини тушуниб, алоқ-чалоқ даъватларга кулоқ тутдим.

Бу уч-тўрт марта такрорланди. Яъни, гоҳ уйғониб, гоҳ ақлдан мосуво ҳолда анча ётдим. Бир маҳал аъзойи баданимга тарқалган даҳшатли азоб тамомила ўзимга келтирди, ютақиб-ютақиб нафас ола кетдим. Қовоғим очилди. Фираширалиқда аввал тепамда нур сочаётган олти кўзли лампа, кейин бошим узра энгашган кимсалар кўринди...

Назаримда, мени Яратганинг ўзи асрари. Йўқса, қон кусиб, аллақачон нариги дунёга равона бўлган мурда тўсатдан тирилармиди? Мен жонимни асрайдиган илоҳий кучлар борлигига имон келтирдим. Энди фойдага қолган умримни оқлашим лозим. Ахир, зиммамга шунчаки юмушлар юкланмагандир?..

Муқаррар ўлимдан омон қолишим ва келгусидаги мавхум ҳаётим ўртасидаги узвийликни тополмай қийналарканман, бирдан калламга урган бошқа фикрдан кўнглім батамом ёришди. Ҳамма гап диссертациямда бўлса-чи? Ахир, мудҳиш саргузаштларим айнан шундан бошланди-ку. Ҳолчаёндан то-пилган эски матоҳ эса баҳонайи сабаб. Чунки санскрит ёки грек алифбосидаги матинни ўқидиган мутахассислар етарли. Демак, менинг елкамдаги масъулият ёлғиз шугина эмас.

...Анча равон нафас ола бошладим. Тепамдагилар ҳам рўйрост кўринишиди. Икки жарроҳ, уч ҳамшира. Аммо, буниси-чи?.. Ажабо! Тўсатдан врачлар ичида соchlари силлиқ таралган ҳурматли Аззо Кабировичга кўзим тушди. Наҳотки?..

Шифохонада нима қиляпти?.. Бунинг устига, оқ ҳалат ўрнига аллатовур ялтири-юлтири ридога ўранган. Операция хонасига киришга ким рухсат берди?..

Синчков тикилиб, профессорнинг нигоҳида салобатига ярашмаган ташвишни илғадим. Бунга сабаб — ҳаётга қайтишим. Ахир, азалий душманинг тирик юрса, қайғурмай бўларканми?..

«Азалий душман...» Қизиқ, бу фикр калламга қаердан келди?..

«Жонингга қасд қилишга бизга рухсат йўқ!..»

Кулогим остида жаранглаган ҳаётбахш жумла хаёлларимни тўзитди. Шошиб, яна тепага боқдим. Бироқ, энди Аззо Кабирович кўринмади. Шифокорлар эса бамайлихотир тарқалишмоқда...

Эртаси куни ҳузуримга бош врач қузатувида ёшгина бир йигит кирди. У оёқ томонимдаги курсига ўтириб, ўзини таништириди:

— Хуршид Низомович, вилоят прокуратурасининг катта терговчиси...

Терговчи дастлаб жонимга қасдлашганларни таниш-танимаслигимни сўради. Бош чайқаб, рад жавобини бердим. Кимдан шубҳангиз бор, деган саволига эса елка қисдим. Гумондорларнинг афт-ангортарини тасвирлашга келгандаги на шошилмай сўзлашга тушдим. Аммо ҳикоям ниҳоясида калламда ўринли савол уйғонди, ахир жиноячиларни қўлга олишган-ку, бу тафсилотлар кимга керак?

Афсус, адашибман. Хуршид Низомовичнинг айтишига қараганда, улар ўша куниёқ жуфтакни ростлашибди.

— Мумкин эмас!.. — эътиroz билдираман мен. Чунки қорақушга айланиб, кўчама-кўча кезганимда милиционерлар олиб кетаётган қотилларга назарим тушувди. Қўлларидаги кишанларини ҳам илғагандим...

— Аммо, сиз кўрқманг, — дейди терговчи, — уларни, албатта, тутамиз. Ҳозирча палатангиз эшиги олдида битта кўриқчи қолдирамиз. Ҳар эҳтимолга қарши...

Менга кўриқчи керакмас, энди жонимга қасд қилишолмайди. Аммо, буларни бирорга айтольмайман. Айтсан, жиннига чиқаришади. Жилла курса, кўксимдаги асоратнинг таъсирига йўйишади. Яхшиси, индамаганим маъкул. Вақти-соати билан ўзлари билиб олишар. Қолаверса, жиноячиларнинг шунча соқчилардан қутулиб кетганига қойилман. Терговчига эса тушумаяпман. Негаки, ўрни бўлмаса-да, қотилларнинг кийими ҳақида сўрамоқда. Адашмасам, иккаласи ҳам қизил... йўқ, оч қизил... янайам аниқроғи, оловранг костюм-шимда эди...

Терговчи хонамни тарқ эттач, эшитганларимни Аззо Кабировичга боғладим. Чунки, ҳурматли профессорнинг кўмагисиз

шунча кишининг орасидан пашша ҳам учиб чиқолмайди. Хўш, энди-чи, энди қандай йўл тутади у? Овини давом эттирадими ёхуд кураш услубини ўзгартирадими?.. Ҳар ҳолда, масалани пичоқ билан ҳал этолмаслигини тушунгач, янги режа тузатгандир. Мен ҳам бўлғуси ҳаракатларимни батафсил ўйлаб олишим керак...

Шундай хаёллар билан пинакка кетдим. Қанча ётдим — номаълум, бир маҳал кимдир бошимни силади. Кўзимни очмасдан сездим, устозим... Беихтиёр энди оддий одам эмаслигимдан, Тошкентдек шахри фулгуладан йўқлашибдими, дурустгина ҳурмат-эътиборга эришаётганимдан фурурланиб кетдим. Айни пайтда домланинг кутилмаган ташрифиға қизиқишим ҳам ортди. «Ноқобил шогирдининг аянчли аҳволидан уни ким огоҳлантириди?..»

Уйғонганимни кўриб, Максим Азизий оҳиста пицирлади.

— Кечиринг, бўтам. Ҳаммасига мен айборман. Сизга топширмаслигим керак эди... Олдин ҳам аспирантларга таклиф этганман, аммо бу мавзуни ҳеч ким хоҳламаган. Фақат биттаси истар-истамас ишга киришганда, автоаварияга учраган. Ўшанда бевакт ҳалокатни тасодифга йўйганман. Энди билсам, сабабчиси...

— Аззо Кабирович!..

— Биламан, бўтам, биламан... Мен розиман... Хоҳласангиз, бошқа мавзуу олинг. Хоҳласангиз, диссертация деган дардисарни умуман йиғиштиринг...

— Йўқ! Шу мавзуни давом эттираман! — Рад эта-ман мен. — Қўлларидан ҳеч иш келмайди. Жонимга қасд қилишолмайди, улар. Фақат чалғитишлари мумкин...

Устоз пайдар-пай жумлаларимга тушунмай, башарамга ҳайрон тикилганча хонани тарк этди. Мен хаёлларимни йиғиб, бошдан ўйлай кетдим: «Аввало, Сулаймонов ким?.. Нега оддий аспирантни тинмай таъқиб этмоқда? Қолаверса, ҳали ўлим билан олишаётганимда (аслида арвоҳга айланиб, дунё кезганимда) кўз олдимда гавдаланган воқеалар нимага ишора?..»

Беихтиёр ўшаларни эсладим. Зарғалдоқ тусдаги бепоён саҳро, карвон йўли четидаги алмисоқ мурда, дараҳт сояси-даги донишманд, шоҳона сарой, сулув аёлларни ийдириш ўйлидаги иблисона найранглар, Тамора, бўри...

Бирдан охирги марта институтни тарк этаётганимда қаршымда учраган лўли қизни эсладим. Қизиқ?.. Нега худа-бехуда тақдиримдан фол оча кетди?.. Тўғри йўлдалигимни қаердан билди?..

Қарангки ҳозир ортиқча фикрларга берилмай рожа саройидаги саёҳатимни давом эттирганимда, эҳтимол вужудими ни эгаллаган сон-саноқсиз жумбоқлар калитини топардим. Аммо, хаёл қурғур кераксиз томонларга кўпроқ учаркан. Йўқса, айни шу дамда қандайдир лўлига бало бормиди?..

Бошқа томонлама эса лўли қизни эслаш ҳам унча бекорчиликка ўхшамайди. Негаки, қўнглимнинг туб-тубида унга нисбатан аллатовур туйғу кўкарган. Боз устига, шу қиз йўлимда такрор-такрор учрашига ҳам ғойибона ишончим бор.

...Ниҳоят эсимни йифиб, хўқиз терисидаги сирли ёзувларга қайтдим-у, туйқус шууримда чақнаган фикрдан ўйнаб юборай дедим. Қалтис ҳаракатим туфайли кўкрагимдаги битмаган ярадан қон силқиб, баданимга аёвсиз санчиқ ёйилди. Тилимни тишлаб, додлаворищдан зўрга ўзимни тийдим. Оғриқларим тарқағач, фавқулодда кувонч уйротган ўша фикрни давом эттирдим. Ҳа, камина баногоҳ Будда ва дарахт соясидаги зот ўртасида чамбарчас уйғунлик борлигини сезиб қолгандим. Наҳотки, тахминларим ҳақиқатга айланса?..

...Буддани Шакъямуни — Шаклик донишманд дейиша-ди. «Шак» эса «сак»нинг ўзгарган шакли. Шундай экан, жумлайи жаҳонга маълум файласуф аслида... Йўқ, бунга юз фоизлик исбот даркор. Эҳтимол, хиндиstonлик шаклар маҳаллий қабилалардандир?.. Ахир, бу масала хусусида менгача ҳам бош қотиришган-ку.

Ортиқча хаёллардан чекинишга нечоғлик уринмай, ба-рибир, инқилобий фикр миямда айланавергач, ички ҳис-сиётларим ҳеч қачон алдамаганини эслаб, ҳозир ҳам тўғри йўлдаман, дея ўзимни овугишидан бўлак чорам қолмади.

Икки дақиқалардан сўнг ўйлай-ўйлай эътиборимни бошқа нарсага, аниқроғи, Будданинг яна бир исмига қаратдим. Ўша даврда хукм сурган шак подшолари сулоласининг умумий номи Гаутама ёки Готама. Баъзида буюк донишмандини ҳам шундай аташади. Бу — яхши чўпон ёки чўпонларнинг

аълоси дегани. Энди ўйлаб кўринг, ҳеч замонда Фарбий хиндистонлик ҳукмдорлар шажараларини чорвадорга боғлаб фууруланишганми? Бу атама фақат кўчманчилар маънавий дунёсига тўғри келади-ку...

Фикрларимдан қониқиб, енгил тин олдим, энди ўша халқларнинг ҳинд элига қачон борганини аниқласам, ҳамма тахминларим исботини топади...

Бироқ, буни номзодлик ишимга қандай алоқаси бор?..

Жудаям-да... Ахир, турклар тарихи беш юз уйли Ашина аймоғидан, яъни 545 йилдан анча олдинроққа тақалишини исботламоқчи эканман, юқоридаги тахминлар тадқиқотларимга боғланмасинми? Қолаверса, диссертациямга асос сифатида эрамиздан аввалги даврларда буюк Турон пасттекислигига от сурган қадимий қабилаларни келтирмоқчиман. Хусусан, хунлар, тоҳарлар (дахлар), саклар, массагетлар, жузжонлар (юэҷжи)...

Буларнинг қайсисидир олис аждодимиз бўлиб чиқиши аник.

Ўз ўтмишини билмайдиган халқ маънавий сўқирликка маҳкум. Шундай экан, илмий изланишларим миллатимиз йўлини ёритувчи машъалнинг бир учкунига айланса, бунинг нимаси ёмон?..

Шошманг, шошманг!.. Нималар деяпман?.. Миллатимиз йўлини ёритадиган машъала дедимми? Чиндан мозий — келажакка элтувчи ягона йўл экан, беором тунларим бекорга ўтмапти-да. Инчунин, нега муқаррар ўлимдан омон қолганим энди тушунарли. Қолаверса, Сулаймоновнинг изланишларимга жон талвасада қаршилик кўрсатиши сабабиям аниқ — тарихини унугтан элни бўйсундириш, бошқариш, қулдай ишлатиш ортиқ қийинчилик туғдирмайди. Шу боис барча халқлар ўтмишларини асраб-авайлашади, аждодлари билан фахрланишади...

Хозир касалхонада ётганимдан хурсанд ҳам бўлдим, саломатликда бундай фикрлар нотавон калламга келармиди-йўкми? Шуларни ўйлаётib эса беихтиёр ўзга жумбокқа йўлиқдим. Агар мазкур гаплар рост чиқса, Аззо Кабирович-нинг ўтмишимииздан хавотирланишининг боиси не?..

Турли фикрларни ўртага ташлаб, чуқур мушоҳадага чўмдим... Сулаймонов миллатчилик қилмаётганмикан?.. Мум-

кин эмас, чунки унинг қадимги туркий уруглардан бирига тааллуклилиги билан фахрланганини неча бор эшитганман. Ўз ўтмишига кўз юмиши асоссиз... Алалхусус, ягона тахмин қолади, ҳурматли директоримиз туркийлар тарихининг бошланиш нуқтасини белгилаган кашшоф олимлардан. Мабодо, менинг думбул изланишларим исботини топса, нуфузли академикнинг барча меҳнатлари чиппакка чиқади. Шунга караганда, у шахсий манфаати – худбинлиги туфайли тадқиқотларимни рад этаёттандай. Бироқ, масаланинг иккинчи томони бор. Нақадар мутаассиб бўлмасин, ҳеч ким ҳалигача «очилмаган кўриқ» баҳона гумроҳона таваккалчиликка ботинолмайди. Поёнига етмаган диссертация учун бир бечорани асфаласофилинга жўнатиш ўта кетган ахмоқлик ахир. Хушимга келганимда врачлар орасида тургани, кулорим остида жаранглаган сирли жумлалари-чи?..

Қизик, биз дегани кимлар экан?.. Ҳалиги шотирларими?..

«Жонингга қасд қилишга бизга рухсат йўқ!..»

Энди шунга бошим қотди. Бу гапни аввал ҳам эшитгандим. Менимча, сирли садо кўхна асрлар қатидан янграмоқда...

6-БОБ

Энагаси бўри...

Ўша кундан сўнг Зармо анча вақтгача ўзига келолмади. Қалбидаги қарама-қарши түғёнлар гоҳ йиғлатса, гоҳ кулдирди. Ороми кетиб, уйқусизлик дардига чалинди. Ана шундай бедор тунларда нега ўшанда ўзини ғайритабиий тутгани, ноихтиёрий жумлалардан тилини тия олмагани хусусида ўйлар бўлди.

Аслида у ҳақиқатан ҳам фол баҳона уч-тўрт сўм ишлаб олмоқчиди. Бироқ, «ўлжасининг кафтига қаради-ю, нохос боши ғувиллаб, нигоҳи қоронгилашди. Чаккаларида аёвсиз оғриқ турди. Бир маҳал эсидан айрилдими, алаҳсирадими, кўз олдидан ғаройиб манзараплар ўта бошлади. Аллақандай жаннат боғларида, гурас-гурас ҳуру ғиломонлар ичida соллана-соллана қадам ташлармиш. Сўнг бирданига фикру хаёличувалашиб, тилига осилган сирли каломлар иродасига бўйсунмай, маржондек тизилаверди. Нихоят, эс-хушини

йифиб бундоқ қараса, қаршисида ўша йигит, вақт ғанимат пулни олди-ю, жуфтакни ростлади. Шу-шу, оромини йўқотди, кунни фаромуш, тунларни тўлғаниб ўтказаверди. Бора-бора чидолмади, бемаврид дардини унтиш ниятида қишлоғига қайтди. Момоси ҳам роса соғинган экан, бағрига босганча, ҳадеганда қўйвормади. Ҳаяжонлари босилиб, супада ҳол-аҳволлашишгач, тортина-тортина кўрган-кечиргандарини сўйлади. Ҳикоясини тугатганда, кампирнинг ранги оқариб, лаблари бежо пириллар, жонсарак кўзларини неварадан яширишга уринарди. Қиз ҳам қувгинамасми, дарров тушунди. Тушунди-ю, савол назари-ла тикилди. Хипчабел момо эйдиги ҳаракатлари беҳудалигини англағач, чойнак кўтариб ўрнидан қўзралди. Зармо чорак соатча танҳо қолди. Кейин ярим қумрон сув қайнатиш шунча қийинми, дея ажабланиб, ошхонага кирди... Тўрдаги хонага яқинлашувди, момосининг ҳиқиҷоқ аралаш пойинтар-сойинтар ғудирлагани эшитилди. «Бўри», деган сўздан бошқасини англолмади.

Эшикнинг бевакт гийқиллашидан ўзига келган кампир апил-тапил ўрнидан қўзғалиб, сездирмай кўзини артди-да, гўёки ҳеч нима бўлмагандай, ташқарига йўналди. Аммо, хонадан чиқар они невараси йўлини тўсди. У қўлга тушганини англаб, ерга тикилди. Сўнг ҳорғин «уф» тортди.

— Майли, болам... айтсан, айта қолай...

Момонинг ҳикояси Зармонинг ҳаётини баттар ағдар-тўнтар қилди. У ўзини лўлилар уругидан деб ўйларди. Энди билса...

...Ўша йили қиши узоқ чўзилди. Изғиринда чор теварагини яйдоқ дала ўраган қишлоққа бўри оралайди. Буни яхши билган лўлилар кўй-кўзиси борми, эчки-улоғию қорамоли борми, оғилхонага қамаб, эшикларини танбалаб ётишарди. Шундай кунларнинг бирида Хипчабел момо ҳам шомга яқин бисотидаги икки қўтирир такани ошхонага ҳайдади. Кейин тонгтacha безовта бўлмаслик учун бир қучок пайрахани уйга киритиб, ортидан эшикни ёпди.

Кампир ёлғиз яшайди. Чоли уч-тўрт йил бурун қазо қилган. Бола-чақасиз сўққабош аёлни ҳамқишлоқлари боқишиади. Қариллик кучини кўрсатмагунча, у бирорнинг марҳаматига зориқмади. Гадой тўрвасини елкасига илиб, шаҳарма-шаҳар изғиди. Баҳоли қудрат кун кечирди. Мана, энди илгариги

куч-кувати қолмагач, ҳамсоялари берган егуликлар билан кифояланишга мажбур. Ахён-ахёнда ёлғизлиқдан қийналади. Лоақал, биттагина фарзанд туғиб олмаганидан изтироба тушади. Шундай кезлари кирдан яирлашган болишга юзини босиб, ҳикқиллай-ҳикқиллай уйкуга кетади. Эртасига тақдирдан нолиши ношкурлик экани ёдига түшиб, яна кундалик юмушларига овора бўлади.

Бугун ҳам печкага тараша ташлагач, чирокни пулаб ўчирди-да, бекорчи ўй-хаёлларга берилди. Беихтиёр болалиги ёдига тушди. Ўшандаги шаддодгина саҳти-сумбатини эслаб, мийифида жилмайди. Кейин турмушга чиққани, тўдага қўшилиб, илк сафарга отланган қунларини хотирлади.. Борабора, айни ҳаётига яқинлашди ва ҳайҳотдек ҳовлисида ке-заётган изғиринга қулоқ тутиб, бехос яна ёлғизлик азобидан қийнала кетди. Кўкрагидан нимадир сурила-сурила бўғзига қадалди. Бир-икки ютисаям, қайтмади. Ноилож ўтли фиғон чекиб, чукур уф тортди. Уф тортди-ю, ўкириб юборди, бояги бемаза тугун аламли фарёдга айланди. Тўйиб-тўйиб йиғлади. Ярим соатларда мижжалари қуригач, кўнглида ёлғончи юпанч кўкарди. Хўрсина-хўрсина пинак қилаётувди, мудҳиш увиллаш эшитилди. Эти жунжикиб, кўрпани бошига буркаб олганча индамай ётаверди. Сўнг қўтириш әчклиаридан хавотирланди. Ошхона эшигини маҳкам бекитганини эслагач, кўнгли таскин топди. Яна қулоқ тутди. Ҳаракати бесамар кетган бўри увиллай-увиллай узоклашмоқда...

Жондорнинг совуқ саси энди ўчувдики, изидан шохол* пайдо бўлди. Мана, у аввал чақалоқмонанд чинкирди. Ҳозир ингичкарок товушда ув тортади. Аммо, йиғлаш давом этмоқда. Қачон тинади?.. Бунинг устига, ёлғизга ўхшайди. Улар, одатда, тўдаланиб изғишарди. Бу ерда бошқа гап бор...

Туйқус калласига келган фикрдан момонинг бадани совуқ жимиirlади. Сўнг қўрқувдан титрайверди. Йиғи ҳали-вери тўхтайдиган эмас, нақ қулоги тагида жаранглаб, кўнглида жон олгудек ваҳима уйғотмоқда.

Аёл – барибири, аёл экан, чидолмади. Амал-тақал ўрнидан кўзалиб, раҳматли чолининг жулдур чопонини елкасига илди. Оёқ учida келиб, илгакни кўтарди. Йиғи кучайди, чиндан чақалоққа ўхшайди. Кўрқа-писа эшикни қия очди,

тизза баравар қор, түрт тараф кафтдагидек яққол күзга ташланади. Остонадан икки қадам нарида қандайдир тугун ётибди. Кампир оёрига йиртиқ калишни кийиб, ўша томонга отилди. Тугунни құлтиғига қистирди-ю, зиппиллаб изига қайтди. Шоша-пиша илгакни илдириб, печка олдига келди. Каловланиб чирокни ёқди. Фира-ширада гүдакнинг совуқдан қызарган лўппи юзига қараб йиғлаб юборди.

Бўри токи эрта баҳоргача ҳар куни момонинг уйига келишни канда қилмади. Аввалига кампир увиллашни эшитса, қизни қучоқлаб кўрпага бекинарди. Бора-бора қоровуллик қилаётган ҳайвон ўзига зарар етказмаслигини англади. Ҳатто, бир-икки марта эшиги тагидаги итялоққа ювинди ҳам солди...

Момосининг ҳикояси тугагач, қиз бир неча лаҳзага ҳушини йўқотиб, бошини чангллади. Сўнг беихтиёр ўлик хотиралари жонланиб, қайси кунги рўёларига қайтди. Мана, муаттар боғларда сайр қила-қила баногоҳ бийдай далага тушиб қолди. Қизил либосли икки йигит етовида судралмокда. Ногоҳ ердан чиқдими, осмондан тушдими, баҳайбат йиртқич пайдо бўлди. Кейин хаёличувалашди... Тамом!.. Бошқасини эслолмайди.

Нима бўлгандаям, энди бир нарса аён — Хипчабел кампир унга етти ёт бегона. Янаям аникроғи, Зармо аслида лўли эмас. Шуларни ўйлади-ю, қизнинг мурғак қалбида тушкунгина ўқинч уйронди. Ва бу бир кунмас-бир кун поёнсиз дардга айланишидан чўчиб, эшитганлари тушга айланнишини хоҳлай кетди. Ҳа, ҳаёти шундай қолгани маъқул...

Зармо ўша тун сира мижжа қоқмади. Кўзини юмдими, қишининг қаҳратонида бўсағада қолдирилган чақалоқ гавдаланаверади. Ахир, унинг ҳам тукқанлари бордир. У ҳам ота-онасиз келмагандир фоний дунёга?..

Қайтанга, тинчгина фолини очиб юраверса яхшимасмиди?.. Бунинг иложи йўқ экан. Чунки, уларни қисмат отли хилқатнинг ўзи учраштириди. Демак, у шу дамлар учунгина яшаб келган. Норасида гүдакнинг йиртқич ҳайвон томонидан сўққабош аёл хонадонига ташлаб кетилишиёқ, айни гаройиб тилсимотларга ишорадир. Кафт йўллари ўхшаш йигитга йўлиқиши ҳам аввалдан белгиланган. Тамом-вассалом!.. Энди қандай бўлмасин, ўша тасқарасини топади. Акс ҳолда,



умри мазмунсиз кун кечиришга айланади. Ана шундан худо арасин!..

Нафсиlamрини айтсак, ўтган умрининг ўзи бемаъни кун кечириш эмасмиди? Ахир, дарду хаёли уч-тўрт сўм пул топишга банд-ку. Нега бирданига ўзгача турмушни истаб қолди? Йўқ, шу тахлитда давом эттираверади. Икки ой бурун аймоқ йўлбошчиси ўғлига сўратганидан огоҳ. Шуниси яхшимасми?.. Кимсан, оқсоқолнинг келини... Тўғри, бундан шароити ўзгармайди, лўлилар хаёти бир маромга мослашган. Бошқа томонлама эса ўз оиланг бўлади. Беш-олтита туғиб олсанг, атрофингда куймаланиб юришади. Бора-бора, кимсан, Зармо кампирга айланасан. Бундан ортиқ баҳт борми?.. Аммо... Бу ёрини айтолмайди, энди ҳарчанд уринмасин, одатдагидек яшолмаслиги аник!

У қатъий қарорида тўхтаб, ҳоргин тин олгач, жиндак мудраш учун кўз юмди. Бироқ, ухлаш ўрнига айқаш-уйқаш воқеалар гирдобига ботди. Аникроғи, ўша учрашув сабаб кўз ўнгига аҳён-аҳён гавдаланиб қолаётган мавҳум хотира-лари давомига йўлиқди. Аммо, бу гал ўзини қизил кийимли қотиллардан қутқарган улкан бўрини эмас, аллатовур кимсани кўрди. Тузукроқ разм солса, соч-соқоли силлиқ қирилган гаройиб зот қўлидан тутиб, олисларга етакламокда. Бир сиёки танишдай. Ажаб!..

Киз дастлаб бу синоатларга тушунолмади. Сўнг бирдан антиқа туши билан момонинг ҳикоясидаги воқеа ўртасида аллақандай уйғунлик борлигини сезиб қолди. Бўлмасам-чи, унда ҳам жондор, бунда ҳам... Демак, шу ҳайвон унинг балогардони. Бироқ, ким учун асрамоқда?..

Саҳармардонда момо-невара баб-бараварига ўринларидан туришди. Иккаласи ҳам бир-бирларидан қўзларини яширишга уринаркан, хаёлларида ёлғиз савол айланарди. «Нима деб гап бошласам?..»

Журъатлари етмай анчагача талмовсирашди. Орада Зармо кўрпаларни йиғди, юз-қўлини наридан-бери ювиб, чой дамлади. Момо дастурхон ёзди. Интизор сукунатда нонушта қилишди. Даствурхонга дуо тортилгач, кампир томоқ қирди.

- Бугун ҳам қоласанми?..
- Боришим керак...
- Яна қачон келасан?..

Қиз индамай күкраклари ўртасидан митти тугун чиқарип, дастурхон четига қистирди. Момо тутунга парво қилмади, чунки дийдор ғаниматта айланганини сезиб қолган, бундан бу ёғи қандай яшашини ўйлаб, йиғламоқдан нари-бери қизғана-қизғана жон боласига термилаётганди...

Қиз ҳам худди шундай ҳиссиётлардан холи әмаса-да, сир бермай, момосини күнгиллантиришга уринди.

— Келаси дафъя сизни ҳам олиб кетаман...

Ташқари чикишди. Бўсағадан уч-тўрт қадам ўтмай, кампир тўхтади. Невара тушунмай, унга юзланди.

— Гўдак мана шу ерда ётганди...

Зармо ортиқ чидолмади. Фарёд чекиб момосига отилди. Кўз очиб кўрган меҳрибонининг шалдироқ жуссасини маҳкам қучоклаб бағрига босди, изиллаб йиғлаганча, шоша-пиша шивирлади.

— Сиз ўзимнинг момомсиз!.. Сизни ҳеч кимга бермайман!..

Кампир лом-мим демади. Эркатойини авайлабгина сурдида, эшикни итарди. Зармо кўз ёшларини артди ва тўсатдан кувноқ тусга кириб, шаккиллади.

— Ўша бўрини кўрсангиз, миннатдорлигимни билдириб қўйинг...

Кейин ўзининг ноўрин ҳазилидан уялиб, ерга термилди.

Хипчабел момо унинг елкасига қоқиб хайрлашгач, индамай ичкари кирди.

...Зармо чанг сўқмоқдан юриб, асфальт кўчага чиққанда ҳам, лағари автобусга ўтириб, район марказига йўналганда ҳам лоакал бир марта бош кўтариб изига боқмади. Ҳатто, қандайдир бола ҳазиллашиб, пахта жамалакка қўшиб ўрилган узун кокилларига тегинганига-да эътибор бермади. Бошқа пайти бўлса, шунақа шармандасини тортардики...

Темириўл бекатидан Тошкентта чипта олди. Ярим соатларда тарақа-туруқлаб поезд келди. Қиз индамай вагонга чиқди. Бўш жойга кир кўрпачани наридан бери тўшаб, ҳоргин чўзилди.

У ёшлигидан шаҳарма-шаҳар кезавериб, фирибини олган. Бекор ўтиrmайди. Вагонма-вагон изғиб, йўловчиларнинг бoshини айлантиради. Бирорта лақма илиниб қолса-ку, ундей-бундай деб охирги тангасигача қоқиштириши аниқ. Бироқ

ҳозир кайфияти хижил, чўзилганча индамай ётаверди. Оёқ томонига кимдир келиб ўтирганига ҳам эътибор бермади. Кечга яқин ўрнидан кўзгалиб, тўрвасидан қотган нон чиқариб еди. Назарида бугун йўловчилар камроқдай. Умумий вагонда бундай ҳол камдан-кам учрайди...

У боя оёғи учиға чўккан кишининг кимлигини билмоқчидай, тўрт томонига эринчоқ назар ташлади. Ҳамма ўзи билан ўзи овора, бировнинг бировга иши йўқ. Шундай экан, яна чўзилади-да, кўзларини юмиб хаёлга чўмади. Шу тобда калласини ягона фикр банд этган. «Ўша йигитни топиши керак!.. Аммо, қаердан?.. Ахир, Тошкент катта шаҳар, кунига миллионлаб одам келиб-кетади. Миллионлик издиҳомидан кимнидир излаш эса сомонхонадан игна қидиришга тенг. Бироқ, у умидсизликка тушмайди. Боиси, ўша тасқара юриш-туришидан мусоғирлиги яққол кўриниб турса-да, шаҳарнинг ҳавосини олганга ўхшайди. Акс ҳолда, бунчалик ўқтам қадам ташламасди...»

Зармонинг ўзига хос «ўлжа» танлаш усули бор, узоқдан келаётган йўловчига бир қарабоқ кимлигини сезиб олади. Киши шахдам одимлаб, аниқ мақсад сари ҳаракатланяптими, яқинлашиб ўтирманг. Яхшиси, иккиланаётган, журъатсиз касни қидиринг. Бундайларда ҳиссиётта мойиллик кўпроқ бўлади.

Нотаниш йигит эса андак паришон кўринса-да, шаҳри азимда бегона эмасди. Аммо у таваккалчиликни лозим кўрди, тескари бурилиб кетолмади. Атрофида юзлаб лақмалар туриб, айнан ўшангага интилди...

Хуллас, йигит Тошкенга боғлиқ. Муқим яшамаса-да, мунтазам қатнайди. Демак, умид узишга ҳали эрта. Шундай экан, манзилга етгач ўзлари илк учрашишган жой — «Мовий гумбазлар» ошхонаси ёнига боради. Ҳар куни ўша атрофда санғиб, йўл пойлайди. Жисми жонини ёндирган ошиғини кўзлари нигорон кутаверади, кутаверади... Мабодо дийдор учун юз йил керак бўлса, юз йил кутади. Модомики унинг насл-насаби номаълум-у, энагаси бўри; хотираси гаройиб тафсилотлар макони-ю, кафтдаги такдир чизиқлари бегона ким-саларга туташ экан, сирли йигитни топиши ҳам муқаррар...

Алаҳсираб тонг оттирган Зармо Тошкентга қандай етганини сезмади. Ҳатто, хаёлларига чунонам бандлигидан вагондан

тушаётиб, перронда сандирақлаган гузардошларигаям эътибор бермади. Саломлашиш ниятида ёнига яқинлашган дугонаси Зулпиной уйқусизликдан кўзлари киртайган шўрликка ҳайратланиб тикилди-ю, нигоҳидаги аллатовур бегона туйфуни илғаб, бехос қўлини чўқقا босгандай, шартта тортиб олди. Шундагина Зармо ҳушига келди. Хижолат чекиб, кечирим сўради. Уч-тўрт кундан бери дуруст ухломаганидан нолиди. Сўнг бекатдаги трамвайга ўтириди-да, тўппа-тўғри манзилига жўнади.

«Мовий гумбазлар» ошхонаси ёнидаги бошқа шериклари қизнинг алмойи-алжойи ҳолатига эътибор беришмади. Чувиллашиб қишлоқлари ҳақида сўрай кетишиди. У бора солиб қайтганини баҳона қилиб, шовқин-суронга чек қўйгач, ҳар ким ўз юмушига тутинди. Зармо ўша кунги ўриндиққа қараб жўнади. Назарида фақат шу ерда мақсадига эришадигандай. Бироқ қўзи аланг-жалаңг, ўтган-кетганга ҳарчанд термилмасин, кутгани келмади. Тушга яқин шериклари давра ясад, тўрваларидан егулик чиқаришиди. Зармонинг томоридан эса сув ўтмади. Кечқурун ҳам шу тахлитда ўтираверди. Қоронги тушгач, лўлилардан айримлари ижарахоналарига қайтишиди. Колган беш-олтитаси хиёбондаги ёғоч ўриндиқларга чўзилиб, кундузги ҳангомалардан лақиллай кетишиди. Хуллас, бирор мургилаб, бошқаси ноумид шайтон, атрофга аланглаб тунни ўтказишиди.

Зармо сахарга яқинлашиб мижжа қоқса-да, айтарли ором ололмади. Негаки, кўзини юмибоқ яна ўша айқаш-уйқаш рўёларига йўлиқаверди. Йўқ, бу галги туши роҳибга эргашган жойидан бошланмади. Аксинча, вужудидан дармони кетиб беҳол йиқилганда, келиб суйканаётган баҳайбат бўрини рўй-рост кўрди. Аввалига қўрқди. Бироқ йиртқичнинг бе-заарлигини сезиб, хотиржам тортди. Бир маҳал уйғонаётиб, яланроҷ оёғига ростданам нимадир текканини ҳис этди. Сўнг қитифи уйғониб, тасодифий сурурдан юзига табассум инди. Хуморланиб кўзларини очди. Эриниб керишида, атрофга разм солди. Ҳали қуёш чиқмай, шериклари тарқалишибди. Кейин... Энди бунисига ишониш қийин, оёқ учida аллақандай махлук ётарди. Узала чўзилган жонзот итми, бўрими, номаълум, бироқ ёввойи кўзларида хайриҳоҳ шуур ялтирайди...

Аввалига сесканди. Сўнг ўзини қўлга олди. Бундай караса, кўнглида ажиб бир осойишталик уйғонмоқда. Демак, армонлари ушалар кун яқин...

Энгашиб жониворнинг бўйинин силади. Дағал жунларнинг кафтига беозор қадалишидан роҳатланиб, кўзларини юмди. Беихтиёр, айни хиссиётни олдин ҳам кечирганини эслаб, бадани жимирлади. Аммо қаерда, қачон?..

Энди бояги хотиржамлик ўрнини безовта таҳлика эгаллади. У чор теваракка интизор термилиб, кимданdir тасалли истаркан, йўловчиларнинг на ўзига, на пойидаги кўк йиртқичга эътибор бермаётганларидан ажабланди. Сўнг дардига ўзидан бошқа даво йўқлигини англаб, бўшашиб-қолди. Шунда жонивор қизнинг тушкун кайфиятини сезгандай кўзғалиб, нари кетди. Зармо қотиб туравергач, қайтиб келиб атрофида доира ясади-да, тағин лўккиллаб жўнади. Тушунарли, изидан бориши керак...

Йўл-йўлакай қизнинг таажжуби баттар ортди, гурас-гурас оломон оралаб кетаётган бўрига бирор парво қилмасди. Демак, ўзидан бўлакка кўринмаяпти. Шундай экан, буни илохий ишора сифатида тушунмоқ керак?.. Янаям худо билади, бораверса, ҳаммаси аёнлашиб қолар...

Улар кўп юришмади. Катта кўчани кесиб ўтишиб-ю, бошқа хиёбонни оралаб тўрт қаватли ҳашаматли бино қошидан чиқишибди. Эслади, аввалроқ ҳам икки-уч бор келиб «ови» унмаган, шундан сўнг қайтиб бу ерларга яқин йўламаганди.

Жондор ниманидир биладигандай ҳарсиллаганча бир айланиб бино эшиги ёнбошига чўзилди. Ички хиссиётларига сўзсиз бўйсунайтган қиз каловланди.

«Наҳотки дам олиш учунгина у хиёбондан-бу хиёбонга келишиб?..»

У иккилана-иккилана ҳамроҳидан уч-тўрт қадам берироқдаги ёғоч ўриндиққа чўкди. Энди жиндак сабр даркор. Бу хусусият эса Зармода истаганча топилади. Зоро, кутадиган одамга қаердалигини нима фарқи бор?..

Куёш терак бўйи кўтарилган маҳал бирин-кетин папка қўлтиқлаган шляпали кишилар пайдо бўлишибди. Изма-из бинога киришаркан, Зармо улар ичидан ўша тасқарасини кидирди. Нихоят, қатнов сийраклашибди. Бора-бора ойнаванд

әшик охирги ходим орқасидан аста ёпилгач, қиз ростакамига умидсизликка тушди. Бўрининг бемалол ётишига қараганда, ҳали кетишига эрта...

Адашмапти. Кўп ўтмай, бино олдида ҳашаматли қора машина тўхтади. Зармо дикқатини жамлаб, ўша томонга тикилди. Кўлиқдан сочи ўртадан икки ёнга силлиқ таралган, бароқ қошларининг чети юқорига қайрилган ораста кимса тушди. Зармонинг баданида «чумоли ўрмалади». Негаки, худди шу кас билан йўллари такрор ва такрор кесишишини у машинани кўргандаёқ ҳис қилганди.

Аззо Кабирович одатича викор билан атрофга назар ташлаб олға юрди-да, уч-тўрт қадам босар-босмас, таққа тўхтади. Ранги оқариб, бошига оғриқ кирди. Оёқлари қалтираб, юрагида ногоҳоний санчик турди. Сўнг сал кечикса ўзидан кетишини сезиб, илдам-илдам одимлайверди. У хаёлларини шоширган лўлини ҳам аянчли аҳволга тушганини сезди. Шундай бўлиши тайин. Негаки, айни дамда, уларнинг хотиралари жонланиб, факат иккалаларига аён воқеалар тизими гавдалана бошлаганди.

Зармонинг кўз олдида баданига ёқимли титроқ тарқатаётган қилич өҳанглар изидан соғинчли кишинашиб қувлашаётган чақмокдай қасрақ ва дўнон* айғир гавдаланди. Бора-бора бокира вужудда аёвсиз ишрат туйғуси уйғонди. Шулар таъсирида ўзига эриш равишда қисқа-қисқа ҳансираркан, орасирада аянчли аҳволидан ҳайратланаверди. Чунки ҳозир илк бора йўлиқса-да, бу туйғу жуда қадрдондек туюлмоқда. Сал бўлмаса, ўрнидан тура солиб ўша каснинг бағрига отилади. Йўқ, пойидаги бўри ириллаб, ширин хаёлларини тарқатиб юборди.

Аззо Кабировичнинг ҳолати эса ўзгача, баданида ажабтовор ваҳима уйғониб, ғазабданми, азобданми бетиним қалтирамоқда. Мана, эшик дастасидан зўрға тортаётганда қоровул кўлтиридан сужди. Шу алфоз ичкари киришди. Зинадан кўтарилаётганда илмий ходимлардан бири ёрдамга келди.

...Ташқаридаги бегона шовқин-суронни эшитган Махсим Азизий ҳам шоша-пиша хонасидан чикиб, уларнинг изидан югуруди. Иэма-из қабулхонага кириб, диванга ёнбошлиған жабрдийдага музлаткичдан совуқ сув олиб ичирди.

Бироқ шундайам ўзига келмаган институт директори оғзи кўпикланиб, нималарнидир ғулдирашга тушди. Максим Азизий «Турлар!.. Куртлар!.. Турқутлар!..» деган пайдар-пай сўзларнигина англади. Аммо мавриди эмаслигидан ортиқ эътибор бермай, раҳбарининг юзига беозор шаппатилашга тутинди. Беш-олти дақиқада у кўзларини очди. Дастрраб чор теваракка ҳайрат аралаш тикилди, сўнг шошиб ўрнидан қўзғалди. Хижолатини яшириб, ерга тикилганча ўзини оклади.

— Орагим... даволанмасам бўлмайди.

— Зарари йўқ, ҳаммаси ўтиб кетди, — юпатди домла.

Ходимлар жой-жойларига тарқалишди. Азизий ҳам кабинетига йўналаркан, қоровулга миннатдорлик билдириди.

— Сизга раҳмат, вақтида ёрдам бердингиз.

— Бу биринчи марта эмас. Раис негадир охирги пайтларда тез-тез шунаقا ҳолга тушяптилар. Икки-уч кун муқаддам ҳам сал қолувди...

— Тушунтириброқ гапиринг, Аҳмад оға...

— Нимасини тушунтирай, домла... Қайси куни икки нафар бақувват йигит ҳай-ҳайлаганимга қарамай, шундоқ ёнимдан ўтиб қабулхонага йўналди. Мен ҳам апил-тапил изларидан чиқсан, директор қаттиқ-қаттиқ бақиряптилар. Эшикни тортсан ҳалигилар пойгакда қўл қовуштиришган. Аззо Кабирович эса қизарип нималарнидир уқтироқда. Ҳайкал дейдими-ей, хўқиз териси дейдими-ей...

Раҳбарни олдин бунаقا жаҳлдор қиёфада кўрмагандим. Оҳиста бурилдим. Изимдан боягилар чиқиши. Бормисан-йўқмисан демай, яна шошиб жўнашди. Орқаларидан кузатиб, қизик ҳодисага йўлиқдим. Эсласам, ҳалиям баданимдаги тукларим тикка туради. Чунки зинадан тушгач, тўхтамай кўчага отилишди ва эшикни очмай ташқарида бўлишди. Ишонаверинг, домла, ҳозир ёнимдан ўтган йигитлар дабдурустдан ойнаванд деворга сингиб кетиши. Кўриб хушимдан айрилдим. Дир-дир титраб, оғимдан мадор йўқолди, оғзи-бурнимни учук босди. Асорати ҳалигача сақланган, мана... Кейин яхшиям зинанинг тутқичи бор экан, зўрға ушлаб қолдим. Акс ҳолда, Аҳмад оғангиҳни асфаласофилинда кўрардингиз. Амаллаб ўзимга келгач, раҳбарнинг хонасига

югурдим. Қарасам, важоҳатлари сўнган бошларини чангальаб, у ёқдан-бу ёққа тебраняптилар...

Максим Азизий оғанинг ҳикояси нақадар ўтрик туюлмасин, калаванинг учи топилганидан қувонди. Сўнг ўзини атай бепарво тутиб, гап қотди.

— Қаричиликда, Аҳмад оға...

— Бе, нималар деяпсиз? Раисда ҳали тўрт йигитнинг куввати бор. Менимча, тинчи йўқолган. Мана, ҳозир ҳам туппа-тузук машинадан тушдилар. Тўғри келдилар-да, эшик ёнидаги скамейкада ўтирган лўли қизга қараб, бирданига хушларини йўқотдилар. Мен ойнадан кузатиб турувдим.

— Қанака лўли қиз?..

— Танимайман. Бугун биринчи марта кўрдим. Саҳармар-дондан келиб олган...

Коровулнинг гали чала қолди. Максим Азизий ярим соат муқаддам ишхона остонасида назари тушган қизни эслаб, зинадан икки-уч ҳатлаганча ташқарига отилди.

Бу пайтда боягина инон-ижтиёрини йўқотиб, ниҳоят ҳушини йиғган Зармо нима қиласини билмай талмовсираётганди. Бўрининг ерга тумшуқ тираганига қараганда, шу синоат учунгина бу ерга келмаган...

У зерикарли кайфиятдан қутулиш ниятида дикқатини йифиб, қишлогини ўйлай кетди. Момосининг хайрлашув чоғидаги чехрасини кўз ўнгига келтириб, иложини топса, беш-олти кунда уйига қайтишга аҳд қилди. Майли, нари борса, салгина оч яшашар. Мухими, меҳрибони ёнида бўлади. Манави даҳмазалардан қутулади. Оқсоқолнинг ўғлига турмушга чикса-ку, нур устига аъло нур...

Унинг ширин ўйларини эшикнинг шарақлаб очилгани бузди. Ичкаридан соч-соқоли оқарган нуроний отахон чиқди. Зармонинг кўнгли тўсатдан мақсадига етгандай, ҳаприкиб кетди. Максим Азизий ҳансираганча яқинлашди.

— Кимсан?..

Қиз пинагини бузмади. Домла такрор сўрагандан сўнгтина nochор шивирлади.

— Уни кўришим керак!..

Максим Азизий гап ким ҳақида кетаётганини дарҳол сезди. Сезди-ю, кўзига филтиллаб ёш қуйилди.

— У бу ерда эмас... Ўлим тўшагида ётибди..

Зармо ҳар қандай вазиятга тайёр эди, унчалик довдира-
май илтижо қилди.

— Мени унинг олдига оборинг!.. Мен унга керакман!..

Домла бунга ишонди, чунки анчадан бери қандайдир
мўъжиза рўй беришини кутаётганди.

Аслида Максим Азизий файриоддий синоатларга бепарво
шахс. Аммо, сўнгти пайтларда юз берган ҳодисалар уни ҳам
иirimкаш баんだга айлантириб юборди. Айниқса, шогирди-
нинг маҳфий ишларидан директорнинг дабдурустдан хабар
топиши нафақат мўъжизаларга, ҳатто, «тақдири азал» деган
илоҳий хилқатга-да ишонтирди. Шу сабабли, ҳозир пойтахт
кўчаларида кезиб, ҳар қадамда садақа сўрайдиган, ёхуд фол
баҳона бор пулингни шилишга тайёр лўлилардан бирига
жон қулоғини тутди. Бошқа чораси йўқ, эҳтимол қиз унинг
охирги нажотидир. Шуниям кўлдан чиқарса, ўзини зинҳор
кечирмайди?

...Зармо изига қайтиб, йўл бўйидаги кийим-кечак
дўконидан қадди-қоматига мос кофта-юбка, оёрига бежирим
туфли харид қилди. Сўнг деярли юргилаб ижаҳонасиغا
келди. Супур-сидир учун қолдирилган аёл билан саломла-
шиб, хонасиغا кирди. Зум ўтмай усти-бошини алмаштириб
душхонага йўналди. Ярим соат маза қилиб чўмилгач, юзлари
қизариб, ҳўл соchlарини силкиганча ҳовли саҳнида пайдо
бўлди...

Шомга яқин кечаги овқатдан тамадди қилиб, хонасиغا
кирди. Наридан бери жой тўшади. Неча кундан бўён би-
ринчи марта донг қотиб ухлади. Шу алфозда тонг маҳали
уйғонди. Тунда келиб ётган шериклари орасидан авайлаб-
авайлаб ташқарига чиқди. Юзини енгил чайиб, янги либос-
ларини кийишдан олдин чап оёрининг тўпигига боғланган
қўнғироқли кўзмунчоқлар шодасини тунов кун вокзалда уч-
раган гузардошининг ёстиғи тагига тиқди. «Ҳаваси кетиб
юрганди, уйғонгач хурсанд бўлади...»

Шундан кейин яримлашиб қолган жайдари пардоз
кутисини очиб, юз-кўзига оро берди, кийимлардан бўшаган
пакетга паспорти ва охирги пулларини ўраб, кўчага йўналди.
У домла билан аэропортда учрашишга келишган. Иншоол-
лоҳ, икки соатларда Термизда бўлишади...

Қўнғироқли кўзмунчоқлар

Аззо Кабирович лўли қиз туфайли пайдо бўлган тутқаноғи натижасида таажжубланган ходимларининг савол тўла назарига юрагини пеш қилган куни кечгачаям ўзига келолмади. Буни сиртдан ўзини бепарводек кўрсатишга уринса-да, холи қолган заҳоти беихтиёр ўрнидан туриб хонасини ҳам бўйига, ҳам энига қадамлашидан сезиш мумкин эди. Уни ҳозир ҳаёт-мамоти тикилган кураш майдонида мутлако кутилмаган «жангчи»нинг пайдо бўлиши ташвишга солмоқда. Тезда чорасини топмаса, масала янада чигаллашади. Томири олис ўтмишга тақалгувчи зиддиятнинг янги иштирокчиси ҳам ўша аспирант сингари Оллоҳ ёрлақаганлардан.

Кейинги куни Аззо Кабировичнинг қарори аниқ бўлсаям, туни бўйи пиширган режасини амалга оширишга шошилмади. Эрталаб ишхонага келди-да, одатича кабинетидаги ёғоч кутига экилган лимонга сув қўйди. Пуфлаб, яшил баргларга кўнган гардларни тозалади. Сўнг ўтириб тин олди. Қисқагина ҳордик давомида эса қарорини яна бир марта ўйлаб кўрди.

Сулаймоновнинг азалий одати бор. Эшикдан кирибоқ чор теваракка бирров синчиклаб назар ташлайди-да, бекор ўтирган маҳали беш-үн минут вақтини аямай, кўрган билгандарини сарҳисоб этади ва ўзи йўқлигида ишхонада юз берган воқеаларни тўлигича тасаввуринга келтиради. Ахир, уззукун давомида ходимларнинг феъл-атворлари ўзгариши ёки кимдир раҳбарга ўзгача назарда қарай бошлиши ҳам мумкин-да. Масалан, эшик оғзидағи дарбон икки ҳафтаки, ундан нигоҳини яширишга уринади. Ҳолбуки, раҳбарнинг муносабати бу ходимга нисбатан ўзгармаган...

Қолаверса, Максим Азизий ҳам кеча унга ола қаради. Йўқ, эрталабки ҳодиса туфайлимас, ишдан қайтар маҳали эшик олдида тўқнаш келишганда... Буниям ўйлаб кўриш кепрак. Айниқса, домланинг ўша аспирантга илмий раҳбарлигини ҳисобга олсак, ҳозирча бу энг долзарб масала. Шундай экан, темирни қизигида босмоқ даркор.

У ўнг томонига хийла чўзилиб, стол тортмаси тагидаги тутмачага тегинди. Зум ўтмай хонага икки бети анордек, кўзлари хумор боқувчи котиба кирди.

«Хайрият, бу гал кечикмабди...»

Мана шу икки юзи анордек котибанинг ёмон одати бор. Ишга раҳбаридан кейин келиб ўрганганд. Раҳбаргаям шуниси маъкул, ҳеч ким йўғида хонасини синчилаб кўздан кечиради. Бирор нарсадан шубҳаланса, чорасини топади...

- Домла Азизийни чақирсангиз...
- Домла Азизий ҳали келмадилар...
- Келганларидан менга хабар қилинг.

Котиба чиққач, Аззо Кабирович ўйланиб қолди. Боиси Максим Азизийнинг кечикканимас, институтнинг иш услуби шунаقا, ходимлар аниқ кун тартиби асосида ишлашмайди. Ҳозир уни сергаклантирган нарса — кечаги режасини қачон амалга ошириш масаласи...

У шошилмай шкафдаги китоблардан бирини олиб, портфелига солди. Кейин эшикка қараб юрувдики, рўпарасида котиба пайдо бўлди.

- Домла бугун келмасканлар...

Сулаймонов котибанинг изидан қабулхонага чиқиб, «Бирортаси сўраб қолса, мен икки соатларда қайтаман» деди-да, ташқарига йўналди. Кеча Зармо келган йўлкадан қарама-қарши томонга юриб, шоҳ кўчадан ўтгач, ўнгга қайрилди. Беш-олти дақиқада «Мовий гумбазлар» хиёбонида пайдо бўлиб, хилватроқдаги скамейкага ўтириди. Сўнг портфелидан бояги қалин муковали китобни олиб вараклашга тушди.

У сиртдан қараганда мутолаага машғулдек қўринса-да, аслида қулогини динг қилиб кимнидир пойлаётганга ўхшарди. Ҳар замон-ҳар замон саҳифаларга нималарнидир ёзаётганини инобатга олсак, эҳтимол бир вақтда ҳам ўқиб, ҳам пойлаётганди.

Қўлидаги тарихшунос олим Лев Гумилёвнинг «Қадимги турклар» китоби. Қизифи, у бош-адоқ таҳрир этилганга ўхшайди. Гоҳ жумлалар тагини, гоҳ устини безаган қизил чизиқлар варакнинг ҳошиясигача давом этиб, шу ерда «Бўлмағур гап», «Турган-битгани — сафсата!..», «Гирт аҳмоқчилик!..», «Нотўғри!», «Бекорларни айтибсиз, хур-

матли Л. Н!», «Мана, мен — гувоҳман!», «Буларни сиз кўрганмидингиз?..» каби жумлаларга айланган.

Туйкус, шунаقا ажабтовур машғулотга андармон профессорнинг диққатини нимадир тортди, шекилли, бирдан китобдан бошини кўтариб, ҳозиргина ёнидан ўтган йўловчининг изидан қаради. У — ўн тўрт-ўн беш ёшлардаги лўли қиз. Унинг чап оёғига қўнгироқчали қўзмунчоқлар шодаси боғланган бўлиб, Аззо Кабировични сергаклантирган нафис жиринглаш ўшандан таралаётганди. Қиз узоклашгач, Сулеймонов китобни ёнига қўйди. Чўнтағидан қора сигарета чиқариб, шоша-пиша туташтириди. Сўнг чуқур-чуқур тортиб, оғзидан паға-паға тутун бурқсита кетди. Чекишга шунчалик берилдики, чор теварагини бетиним пуфлашдан ҳосил бўлган қуюқ туман ўраб олганигаям эътибор бермади. Бир оз ўтиб, четроқдан қаралганда ҳурматли академик ўтирган скамейка тугул, орқасидаги дараҳт ҳам кўринмай қолганди.

Уч-тўрт дақиқадан кейин тутун тарқаб, теварак атроф аслига қайтди. Бирок энди ҳалигина домла мутолаага берилган ўриндиқда оловранг костюм-шим кийган икки навқирон йигит ҳам пайдо бўлган, Аззо Кабирович чаккасини ғижимлаб ерга тикилганча, уларга ниманидир уқтириарди. У сўзини тутатгач, чорак соат бурун қиз ўтган томонга ишора қилди.

Йигитлар индамай ўринларидан туришди-да, шахдам одимлаб ўша тарафга жўнашиди. Профессор эса шошилмай яна бир саҳифага обдан қалам урди. Ана шундан кейингина китобни портфелига жойлаб, келган йўлига равона бўлди.

* * *

Хиёбоннинг катта қўчага туташган қисмида ўралашаётган тўда чурқ этмай яқинлашаётган фалати кимсаларни кўрганда, негадир бир қалқиб тушди. Сўнг ўтказиб юбориш ниятида шоша-пиша иккига ажралди. Хиссиз кўзлари ноаниқ бақрайган йигитлар худди шуни кутгандай, ўртадан ўтавериб, ичларидан бояги қизни ҳеч бир машаққатсиз сууриб олишди-ю, бамайлихотир йўлда давом этишди. Кутилмаган ҳодисадан тилини ютган лўлилар уч-тўрт дақиқадан сўнг хушларига келиб, қий-чув қўтаришди. Аммо, кеч бўлганди. Турли машиналар зувиллаб қатнаётган шоҳ қўчада на оловранг

либосли шотирлар, на тўпифига кўзмунчоқ тақсан қиздан асар қолмаганди. Шундай эса-да, тўданинг бир қисми улар изидан югурди. Иккинчи қисми чор тарафга сочилганча, «ёрдам беринг!» дея қичкиришга тушишди.

Хиёбонни гурра одам босди. Беш-ўн дақиқада милиция ходимлари ҳам етиб келишди.

Оломон амал-тақал тинчигач, воқеалар ойдинлашди. Атрофдагилар аввалига эшигтганларини лўлиларнинг навбатдаги найрангига йўйиши. Сўнг уларнинг астойдил йиғлаганларини кўриб, шубҳаларидан қайтиши. Милиционерлар эса тўданинг иккита ёши улуғроқ аёлини машинага миндириб, участка пунктига жўнашди. Ўша ерда ҳамма гапни ёзиб олганларидан кейин, оловранг костюм-шимли кимсаларни қидиришга фармон берилди.

Бу пайтда улар ўрталарида шалпайган ўлжанинг оёғини ерга теккизмай олға интилишар, қизгина бирор нима дебёлмас, ногаҳоний ваҳимадан тили тутилиб, хушини тамом йўқотганди. Учраган битта-яримта ўткинчи антиқа учовлонга қизиксиниб тикилар, лекин ҳеч ким кийиниши жиҳатидан бир-бирига мутлақо номутаносиб кимсаларнинг шубҳали ҳолатидан таажжубланмасди. Ҳатто, дафъатан рўпараларида пайдо бўлган ДАН ходими ҳам хуштагини чуриллатиб кўйди, холос. Ваҳоланки, улар чорраҳанинг белгиланмаган жойидан кесиб ўтгандилар. Учовлон шу кўйи метро бекатини айланиб, четида асрий чинорлар қад ростлаган тароватли йўлақдан чикиши. Нарироқда аллақандай институт жойлашган. Шу сабаб, сахнига тангадай ёруғлик тушмайдиган салқин кўча доимо талабаларга гавжум. Мана, улардан бири атайинми ёки ҳазиллашиби мигитларнинг йўлини тўсиб чиқаётувди, кўкрагига шувиллаб урилган кучли шамолдан қалқиб кетди. Юқорироқда йиқилган икки нафар шеригига кўзи тушгач эса юрагини ваҳима босиб ёқасига туфлади.

Улар ҳам бехуш қизни кўриб муддаога тушунишган, шўрликни халос этиш ниятида отилишганда, туйқус кўтарилган қора қуонга ўралашганча чирпирак бўлишганди. Талабаларни чор тарафга итқитган пўртанадан бошқа йўловчиликлар дарҳол четга қочишса-да, айюҳаннос солишдан ўзларини тўхтатишолмади. Шундагина оёғи ерга тегиб-тегмай судралаётган қиз хушига келди. Бир-икки талпиниб,

кутулишдан бутунлай умид узгач, атрофдан мадад кутиб кўзлари жавдиради. Жон талвасасидаги одамлар қўрқа-писа бурчак-бурчакка тиқилган кўчада эса ёрдам берадиган ўзга мард қолмаганди.

...Кўринмас пўртана чирпиратган талабалар ўқийдиган институтни айланиб ўтилгач, ўнг томон юрилса, шарқираб оқаётган анҳор кўринади. Оқим бўйлаб кетаверилса, дарёнинг ўзани пастлашиб, қирғоғи баландлашиб боради ва беш юз метрлардан сўнг улкан ўпқон пайдо бўлади. Бу – Бўрижар, олис-олисларда гувиллаётган шаршара садоси шу ерда ростакам увиллашга айланади.

Алқисса, ярим соатлар ўтиб, бояги йигитлар қўлтиқларидағи ожиза билан шу ерга етиб келдилар. Атрофда уларнинг асл ниятини ўзгача тушуниб, қуюқ буталар орқасига яширинган беш-олти ўйинқароқ болакайни демаса, ҳеч ким йўқ. Шунаقا овлоқда офатижон ўлжалари-ла юзма-юз қолган ҳирсадай ҳирсадай барзангиларнинг эндиги ҳаракатларини тасаввур этиш унча қийинмас, бинобарин, бояги зумрашалар бекорга пойламаётгандилар. Аммо, қўққисдан ҳеч ким ўйламаган воқеа рўй берди. Қароқчилар тиккасига тушган соҳилда бир зум тўхташди-ю, «жон акажон!»лаб йиғлаётган қизгинанинг илтижосига парво қилмай пастга сакрашди. Шу заҳоти ўпқондан қандайдир ҳайвоннинг наъраси, изидан қизғаниб ўлжа талашаётган йиртқичларнинг фириллашлари эшитилди.

Кутилмаган воқеадан хайратга тушган тирмизаклар хилватгоҳларидан чиқиб, қўрқа-писа қирғоққа якинлашганларида, жар тубида – анхорнинг илонизи ўзани ўртасидаги шоҳшабба қоплаган қорамтир яриморолчада зоғ кўринмас, оёқ остидан ўн газлар пастда, сув юзасидан ҳам чамаси шунча баландда, яъни ўпқоннинг қоқ белида эса иккита алвон шарпа варрак каби силкина-силкина учиб борарди.

8-БОБ

Бўрижар

Оловранг костюм-шимли кимсаларни қидиришга фармон берилгач, милиция ходимлари иккига бўлинишди. Биринчи гурух дархол хиёбонга келиб, лўлилар қўрсатган шоҳ

күчани кесиб ўтди-да, четида азим чинорлар қад ростлаган соя-салқын йўлак бўйлаб кетди. Иккинчи гурух ҳам хиёбонга қайтди. Улар, оддий фуқаролар каби кийинган терговчи – Карим Ниёзович Боймуҳаммадов ва олти-етти милиционер шубҳали туюлган ҳамма нарсани суриштиришга тушишди. Ўғриларнинг доимий жиноятчиларга ўхшамаслиги терговчи диққатини тортди. Лўлиларнинг айтишича, қароқчилар маҳаллий аҳолидан эмас, кўринишлари аллатовур ажнабийларни эслатаркан. Кўркқанга кўша кўриниши рост, аммо аёллар алоҳида-алоҳида сўроқ қилинсаям натижа такрорлана-вергач, тажрибали терговчи ишонишга мажбур бўлди. Чунки сулув кизлар йўқолиб қолган ҳоллар олдинлариям рўй берган, лекин оддий лўлини башанг кийиниб, галстук боғлаган жиддий йигитлар томонидан куппа-кундузи ўғирланиши кўз кўриб, кулоқ эшитмаган воқеа эди.

Терговчи бошқа нарсани ҳам билади. Одатда бундай жиноятлар товоң сўраш, ёки бояқиши зўрлаб, одам топмас хилватларга ташлаб кетишлар билан тугар, аҳён-аҳёнда аянчли якун топиши ҳам истисно эмасди. Бироқ бутунги ҳолатга ҳар учала тахмин ҳам тўғри келмаяпти, шунга мос мотив йўқ. Хозир хиёбонда жонсарак кезаркан, терговчи ана шу мотивни излаётганди.

Мана, нариги ўриндиқда ўтирган рус кампир кўзига илкис шубҳали кўринди. Негаки, у пойидаги ғингшиб-ғингшиб акиллаётган кучукласини бесаранжом эркалар, силаб-сийпар, дам-бадам «Бўлди жонвор, тинчлан, улар кетишди, энди қайтишмайди» дея жавраб ҳам кўярди. Гап ким ҳақида бораётганига қизикқан Боймуҳаммадов андак фикрлаб, айнан излаган одамига йўлиққанини тушунди. Сўнг ҳаяжонини босиши мақсадида чўнтағидан сигарета олиб тутатди. Одатicha паға-паға тутун пуфлаб, икки қадам босар-босмас, орқасидан беш-олти ёшдаги болакайнинг дафъатан: «Ойи, қаранг, ҳозир қушлар яна одамга айланади!» дея қичқирганини эшитди. Ажабланиб ўша тарафга ўгирилди. Тўрт метрча нарида боласи оғзини бекитишга уринаётган ранги бўздек аёл турарди. Терговчи учун итига андармон ўрис кампирдан булар ғаниматроқдай туюлди.

Аёл шоша-пиша ўғлини кўлидан тортиб, кетишга чорланди. Тахминларида адашмаганини сезган Боймуҳаммадов жадал одимлаб, уларни қувиб етди-да, жиддий тусда гап қотди.

— Узр, синглим, болангизнинг бояги галига тушунмадим?.. — Унинг бесаранжом назар ташлаётганини кўриб, чўнтағидан ҳужжатини чиқарди.

Ана шундагина аёл ҳоргин уф тортиб, оёқ остидаги ўриндиққа чўкди. Сўнг сигаретини аллақачон четта улоқтирган амакига ҳамон қизиқсинаётган жажжи ўғилчасини кўрсатиб, гап бошлади.

— Икки соатлардан бўён хиёбонни айланиб юрибмиз. Ҳар кунги одатимиз... Анави кўп қаватли уйда яшаймиз. Бугун ҳам энди чиқувдикки...

Тўсатдан нариги йўлакдаги ўрис кампир ўрнидан туриб, мушукдан авлороқ лайчасини судрай бошлади. Аммо ни-мадандир кўркқан ит тинмай ғингшир, боз устига, оёғини ерга шунчалик астойдил тираб олганники, эгаси бечоранинг бот-бот гудраниб, ипни қоқшоқ елкаси оша тортишдан ўзга иложи қолмаганди.

Боймуҳаммадов шоша-пиша қаршисидаги аёлнинг адресини ёзиб олди-да, ўша ёққа отилди. Кампир аввалига дабдурустдан олдини кесиб чиқсан касдан кўркиб, таққа тұхтади. Сўнг бу одам ўзига хавф туғдирмаслигини сездими, тихирланаётган итини судраганча тўппа-тўғри бостириб келаверди.

Боймуҳаммадов уни ҳовлиқтириб юбормаслик учун тавозе билан ўтингди.

— Илтимос, бир дақиқага тўхтасангиз...

Кампир тушунмагандай елкасини кисди. Кейин ўзини янада бошқача тутди, уч-тўрт соат бурун юз берган ҳодиса юзасидан сўралганда, «Мен ҳеч нарсани билмайман», деганча тескари бурилиб жўнади. Карим Ниёзович унинг ортидан эргашди, кампир ҳам аёл айтган кўп қаватли уйда яшаркан, манзилгоҳни ён дафтарига қайд этиб, ортга қайтди. Кабинетига киргач иккита чакирув қофози ёзиб, навбатчига топшириди. Орадан кўп ўтмай, эрталаб хиёбонга тарқалган милиционерлар кўрсатмаси бўйича яна уч-тўртта чакирув қорози битди. Сўнг бугунги ишларни тугатмоқчиди, биринчи гурух келтирган хабар режаларини барбод қилди...

Бўлимнинг деярли ярим таркиби шомга яқин учта оператив машинага ўтириб Бўрижарга жўнади. Бу ерда уларни олдинги гуруждан қолган тўрт нафар ходим кутарди. Янги келганлар ўзлари билан икки ўрам арқон, беш-олти қўл

фонари, ҳар эхтимолга қарши, күчма проҗектор ҳам олво-лишганди. Проҗектор маҳсус оёқларга ўрнатилиб, олдинги машина аккумуляторига уланиши билан бетиним ўкираётган ўпқон куппа-кундуздек ёришиб, белига арқон боғлаган даст-лабки икки әпчил йигит изидан яна олти милиционер паstга сиргалди.

Проҗектор әнгаштирилгач, жарлик тубидаги яриморол-ча қисман ёришди. Қўл фонарлари қуриб қақшаган шох-шаббалар орасига йўналтирилганда эса кутилмаган манзарага дуч келишди, пистирмада аллақандай скелет ётарди.

Оёғидаги қўнфироқли кўзмунчоқларни истисно этганда, бу скелет лўли қизга тегишли бўлиши мумкинмас. Аммо бир иш изидан ўзга жиноятлар очилган ҳоллар тез-тез учраб туриши инобатга олинса, хиёбондаги антиқа ўғирлик ҳам кутилмаган воқеликларга боғланиб кетиши мумкин. Хуллас, мана шу алмисоқ сўнгаклар боис ходимлар тунни қирғоқда ўтказишиди. Бу орада яриморолчани бошдан адoқ қаричма-қарич текширишса-да, лўлининг на ўлиги, на тириги топилмади. Тонгда етиб келган сураткаш шох-шаббалардан тозаланган майдончадаги устухонни тўрт томондан такрор-такрор расмга олгач, қайтишга чоғланишиди. Бироқ ногөҳ ўзга муаммога дуч келишди, топилма шу даражада эски эдики, қўл тегса уқаланиб кетарди. Айни сабаб ёзилган чойшабга уни авайлаб жойлаштиргунларича ярим соат ўтди. Ўн беш-йигирма метр юқорига кўтарилигунча скелет барибирам майдаланиб, ярим қоп кесакка айланиб қолди. Шунга қарамай изқуварнинг кайфияти ёмонмас, бедор кечган тун бесамар кетмади..

Суякларни дарҳол судмедэкспертиза лабораториясига жўнаташиди. У ердан маълум хulosалар келгунча, Бойму-ҳаммадов кечаги чақирув қоғозлари бўйича ташриф буюрганларни сўроқ қилишга тушди. Аммо тергов давомида маънили тахминга келолмади, гувоҳлар ёлғон-яшиқларни шунаقا қотириб ташлашдики, бунақасини Карим Ниёзович етти ухлаб тушида кўрмаганди. Масалан, биринчи гувоҳ — ўғилчаси билан хиёбон кезишни ёқтирадиган Розияхоннинг айтишича, она-бала айланиб юриб бундай қарашса, хилват ўриндиқда китоб ўқиб ўтирган зиёлисифат кимса тўсатдан чунонам си гарет чекибдики, тутун бирпасда чор атрофни ўраб, қуюқ

туманга айланибди. Шу пайт осмони фалакдан аллатовур қушларми, кўланкаларми учиб келиб тўппа-тўғри ўша ерга кулашибди. Жувон қичқириб юбормасин деб, боласи оғзини кафти билан бекитганча қўрқа-писа буталар орасидан кузатиб тураверибди. Тутун тарқагач, аввал скамейкадаги ораста кимса, сўнг икки ёнида қизил либосли навқирон йигитлар кўринибди. Кўп ўтмай улар қўзғалиб, хиёбоннинг қўйи тарафига жўнашибди. Бояги зиёли эса қўлидаги китобга яна алланималарни белгилагач, ўрнидан туриб юқорига равона бўлибди.

— Бирор нимаям дедими ўша кашанда?.. — Сўради Карим Ниёзович аёлнинг уйдирмаларидан энсаси қотиб.

— Палон, деди. Писмаддон, деди... — бамайлихотир жавоб берди Розияхон...

Иккинчи гувоҳ — ўн тўққиз ёшдаги дуркунгина қиз Шоҳиданинг айтишича, кеча хиёбонда дарс тайёрлаб ўтирган пайтда кўзи шубҳали касларга тушибди. Бехос дикқатини шу нарса тортибдики, бир-бирига жудаям ўхшаш кимслар сиртдан қадам ташласалар-да, аслида ер сатҳидан яrim қарич баландда сузиб келишар, маъносиз боқувчи қўзлари тўғрига йўналган бўлиб, атрофдагиларга бормисан-йўқмисан деб, қараб ҳам қўймаскан.

Аня Кирилловна янада ошириб юборди. У шоҳ кўча ёнбошидаги ўриндиқда итини арқондан бўшатиб, хаёлларига машғул ўтирган маҳал арзандаси бежо акиллашга тушибди. Бундай одати йўқ эди-ку, деб ажабланган кампир ўша томонга қараса, иккита сўлоқмон нозиккина қизчани қўлтиқлаб келаётганмиш. Қиз деярли бежуш эмиш. Буни сезганининг боиси йигитлар пардек сузармиш-у (буни Шоҳида ҳам таъкидлаганди), қизчанинг оёқлари ер тирнармиш...

Кучук вангиллаганча олдиларини тўсганда, ҳалигилардан бири қаҳрли назар ташлабди. Шунда унинг қорачиғиз малла қўзларидан алламбало қизғиши нур отилиб чиқиб, Маруся (итнинг лақаби)га қадалибди. Бечора лайча кутилмаган зарбадан шанғиллаб қолаверибди. Мана, ҳалигача ўзини тўхтатолмаётганмиш. Ҳозир бу ердан, чикқач кампир эркатойини ветеринарга кўрсатаркан...

Карим Ниёзович эшитганларининг қарийб тўқсон фоизи «ёлғон»лигини бор вужуди билан ҳис этса-да, расмиятчи-

лик учунгина оқизмай-томизмай ёзиб оларкан, гувоҳларнинг бир хил сафсата сотаётганларигагина тушунолмай, орасирада елка қисиб кўярди, холос. Булар ҳақиқатдир, деган тахмин унинг етти ухлаб тушигаям кирмаган, бинобарин, бугунги терговдан чиқарган ягона хулосаси лўлини оловранг кийимли йигитлар ўйирлагани эди. Тамом!.. Бошқа гапларда заррача ҳақиқат йўқ.

Нима бўлсаям, иши шу, кўрган-билганларни батафсил сўроқ қилиши лозим. Шундай экан, битта сигарета чекадида, навбатдагиларни чорлайди...

Хонага бирининг афт-башарасини яра-чака босган, иккичисининг тирсаги тахтакачланиб бўйнига осилган, учинчиси эса сезиб-сездирмай оқсоқланаётган чапани йигитлар киришди. Боймуҳаммадов жами дикқатини йигиб, навбатдаги «үйдирма»га қулоқ тутди. Булар, оловранг либосли барзангилар четини чинорлар безаган сўлим кўча бўйлаб боришаётганда йўлиқкан ўша ҳовлиқма талабалар, шармандали жанг тафсилотини қизара-бўзара сўйлаб беришди. Карим Ниёзович ҳозиргина чекканига қарамай, яна сигарета туташтириди...

Пешинга яқин отасию акаси ҳамроҳлигига икки тирмизак — лўли қизни тириклигига кўрган охирги гувоҳларнинг энг кўрқмаслари ташриф буюришди. Уларнинг анҳор юзаси бўйлаб учган шарпалар ҳақидаги беғараз афсонасидан кейингина Карим Ниёзович эшитганларини яна бир карра обдан ўйлаб олиши лозимлигини хис этди. Чунки ҳар куни ўрилчасини етаклаб, хиёбон кезадиган Розияхоннинг ҳикоясидаги сигарета тутуни ҳосил қилган туманга сингиган кўланкалар болакайларнинг үйдирмаларига мантиқан боғланарди. Қолаверса, жами гувоҳлар бараварига такрорлаётган сафсалардаям нимадир бор. Тўғри, буларнинг ҳақиқатдан кўра «ёлғон»и кўп, деган фикрдан Карим Ниёзович ҳалича қайтгани йўқ. Айни пайтда у барча гувоҳларнинг бир мусиқага ўйнаётганлари сабаби «галлюцинация» ёки «оммавий гипноз»га тақалишини аниқ билса-да, тергов бошидаги шахсий тахминлари тўлиқ исботланмагани боис гувоҳлар томонига ҳам қисман ён босишга мажбур эди.

Тушдан кейинги воқеалар терговчини янада ажаблантириди. У гувоҳларнинг кўрсатмаларини таҳлил қилаётганда лабораториядан экспертиза хулосалари келди. Қарангки, му-

раккаб радиоуглерод анализлари Бўрижардан топилган суюклар камида икки минг(!) ёшдалигини кўрсатибди...

Кизиги, антиқа кўзмунчоқлар ҳам қадимийлиги жиҳатидан олис замонларга тақалса-да, скелетнинг тўпифига атиги икки кун бурун боғланибди. Атрофдаги шох-шаббаларга камида ўн беш йиллардан бери одамзод қўли тегмаганлиги инобатга олинса, масала баттар чигаллашади. Устига-устак, буталарга илашган қора-қизил жунлар мушуксимонларнинг энг баҳайбат турига тегишли экан. Тошкент ҳудудида ҳеч қачон йўлбарслар яшамаганини аниқ билган терговчи экспертиза хulosаларини рад этиб, қайта текширишга жўнатди. Чошгоҳга яқин уч-тўрт мизриб олишни мўлжаллаб, кўчага чиқди. Бироз юргач, муюлишдаги кафега бурилиб, икки кружка муздеккина пиво ичди. Сўнг биринчи учраган таксига кўл кўтарди. У пиво ичаётганда ҳаммасини обдан ўйлаб олди, эртага кела солиб вилоятларга қўнғироқ қиласди. Ажабмас, шунга ўхшаш ҳодиса бошқа жойларда ҳам учраган бўлса...

* * *

Сулаймонов ишларидан қониқиб институтга етиб келгач, қайсиdir муҳим юмушларга машғулдай, анча вақт кабинетда ўтирди. Сўнг хиёбонда таҳrir этган ўша «Қадимги турклар» китобини бироз вараклаб чарчади чоги, котибага «Ким сўраса, вазирликда мажлисдаман» деди-да, паришонхотир қиёфада уйига жўнади. Махсим Азизийни суришириш ҳам ёдидан кўтарилиди. Фақат бинодан чиқар чоги Аҳмад оғанинг яна кўзини яшираётганини кўриб, ҳол-аҳволлашиш баҳонасида тўхтади. Ана шу тўрт-беш дақиқалик «тасоди-фий» сұхбат ҳамма сирни ошкор этди-кўйди. Қарангки, Аҳмад оға Махсим Азизийга хуфёна таъкидлаганидек, но-таниш барзангиларнинг айрим сирларидан қисман воқиф бўлиб, айни синчковлиги туфайли институт директорига янги муаммолар, ўз жонига ҳаёт-мамотига тенг хавф-хатарлар туғдираётганди.

Эшик қоровулига қандай чора кўриш мақсадга мувофиқлигини ўйлаётиб, Аззо Кабирович кутилмаган хulosага келди. Муаммоларига ўша ишонгандари сабабчи эмасми? Ахир, ҳалигача бирор юмушни қойиллатиб бажаришмади-ку.

Олдинги сафар бўрини рўкач қилишувди. Кейинги марта тақиқланган кимсага билмай пичоқ санчишибди. Хўш, ҳам-маси тасодифми?..

Бирдан бўшашибди. Бироқ, хаёлига келган бежо фикрларидан на тавба деди, на астағфирулло. Қайтанга, барини у ёқ-бу ёққа қарамай, томоғида қотган балғамга қўшиб туфлаб, рўпарадан одимлаган олифта йигит ва қўлтиридаги ишвали соҳибжамол эгнини булғашига сал қолди. Киз афтини буриштириб, ўзини четга олди. Йигит ҳам ижирғаниб норози пўнриллади-да, ортига қарай-қарай қадамини тезлаштириди. Ҳа, айни пайтда институтни трамвай бекатига улайдиган соя-салқин йўлакчадан биз билган ораста профессор эмас, машъум режаларига андармон аллақандай жирканч махлук судра-лаётгандики, ошиқ-маъшуклардан ўзга йўловчилар ҳам уни айланниб ўтаётгандилар. Жирканч махлук эса шошмай олға интиларкан, боя уйғонган шубҳалари қор уюмидек каттала-шавериб, даҳшатли ҳақиқатга айланаётганди: «Яна хато!..»

Тун бўйи мижжа қоқмади. Гоҳ тўшагида тўлғаниб, гоҳ ётоқхона бурчаклари ўртасида қадамлаб тонг оттирди. Ваннага кириб эса обдан ювениш ўрнига, уйқусизликдан киртайган кўзлари гижим башарасига хунук тус бераётганидан хавфсиради чофи, қовоқларини уқалаб текислади. Кейин уйдан чиқиб, подъезд ёнида кутаётган хизмат машинасига ўтириди. Институтга боргунча миқ этмади. Ҳатто, одатича ғоз туриб саломлашган дарбонга ҳам қиё боқмади.

Кабинетда қовоғи янада уйилди. Илк бор лимонларга сув пуркашни, пуфлаб, бўлиқ баргларни гарддан тозалашни унудди. Котиба Максим Азизий киришига изн сўраётганини айтганда ҳам хижил кайфиятини тўғрилаб олмади. Азбаройи нохуш хаёлларига машғуллигидан домланинг тунов куни нега ишга келмагани сабабини суриштирмади. Холчайдаги қазишмаларга жалб этилган гурух рўйхатини ҳам текширмай имзолади. Бош ирғаб хайрлашаётганди эса унга на оқ йўл тилади, на муваффакият...

Сулаймоновнинг ташвиш чекканича бор, кечаги топшириқ хамирдан қил суғургандай енгил амалга ошди. Ҳолбуки, худо ёрлақаган одам бу қадар осон ўлим топмаслиги лозим эди. Наҳот, қисматни алдай олди? Алдадим деб, ўзи доғда қолмадими, мабодо?..

«Шак турурман, ҳукмдорим, шак...»

Ҳикоям ибтидосида тақдири азалга ишонишум-у, фавқулодда омадим ҳақида ёзгандим. Мана шулар муқаррар ӯлимдан асраб қолгандан кейин уч-тўрт кун мобайнида тирик мурдадай жон сақладим. Бироқ аянчли аҳволда ёттанимдаям, барибир, ҳушимни йигишим, кутилмаган ишлар учун тирилишим лозимлигини ҳис қилғанман. Айниқса, устозимнинг қадам ранжидаси борлиғимга ҳаётбахш руҳият бағишилагач, кайфиятим кўтарилиб, ўзимни тамом соғайғандай сездим. Навбатчи врачлар ҳам энди хотиржам аҳволлашадиган, баъзи-баъзида сал-пал ҳазиллашадиган бўлишди. Бошда уларни ҳайратлантиргани томирим уришдан тўхтаганидан анча вақт ўтиб, туйкус ҳушимга келишим экан. Ростдан, бунга ажабланмасликнинг иложи йўқ. Беш-үн минутни қўяверинг, тўрт дақиқа юраги тўхтаган кимсани ҳаётга қайтариш манаман, деган реаниматологни ҳам шошириб қўяди. Камина бўлса, роса ярим соат нафас олмапман. Ҳатто, баданим совиб улгурибди. Турмуш қурмагани ғамзали табассумидан сезилиб турган ҳамшира Барчинойнинг айтишича, аллақачон қоним қуюқлашиб, умидлар чок-чокидан сўкилгандা, ногоҳон кўз очишум бошқалар-ку, майли, тажрибали врачларният чўчитиб юборибди. Айниқса, бурунги йили медицина институтини тутатиб келган Зухра Мамедовна қаттиқ қўрқибди. Шу даражада қўрқибдики, уч-тўрт лаҳзада юз-кўзини яра босибди. Тили калимага келмай, бир-икки чайқалибида, гуппа қулабди. Охири, шўрликка нашатир спирти ҳидлатишибди. Шундан бери кўринмаётганмиш. Соғайса, бошқа бўлимга ўтиб кетармиш...

Барчиннинг ҳикояларидан ўзимни сир бермагандай тутсамда, ич-ичимдан хурсандман. Чунки ўлиб-тирилиш шунчаки афсона эмаслигини исботладим. Қолаверса, шунга ўхшаш ғаройиб воқеаларга такрор-такрор учрашимни ҳали ўзимдан бошқа ҳеч ким билмайди...

Йўқ, мана шу ерда озроқ адашяпман. Келгуси ҳаётимни менданам яхшироқ биладиган яна бир одам борки, у ҳақда алоҳида тўхталмоқчиман...

Хаётга қайтганимнинг олтинчими-еттинчи куни тушга яқин андак мудрадим. Мудрадим-у, одатдагидек алоқ-чалоқ туш кўра кетдим. Нима эмиш, номаълум сафарга отланган-мишман. Юра-юра аввал қуюқ ўрмонлардан, сўнг чўққисини оппоқ қор босган баланд-баланд тоғлардан ошибман. Ниҳоят, қуёш тандирдек киздирган биёбонга энибман-у, қалбимда ҳайҳотдек армон уйғониб, яшашдан умидимни узибман. Ногаҳон ердан чиқибдими, кўқдан тушибдими, рўпарамда бир хурлиқо қад ростлаб, кўнглимдаги сарғайган умид че-чакларини яшнатиб юборибди. Кейин тушим чала қолди, кимдир пешонамни силади. Устозим...

Адашмапман, тепамда нафақат домлам, балки тушимдаги ўша хурлиқо ҳам турарди. Уни дарров танидим. Танидим-у, беихтиёр кўзимни юмдим. Тўғриси, ҳозир нигоҳимни яширишимга асосий сабаб ногаҳоний қувончимни ўзгаларга сездирмасликми, ёхуд Зармога қарашга уялганимми, аниқ билмайман. Уч-тўрт сония шу алфозда ётдим. Охири сабрим чидамади, бошимда йиғлаётган қизга назар ташлаб, оғизмнинг таноби қочди. У бирдан аламзада қиёфада ўшқирди.

— Нега тиржаясиз?..

Ноўрин қилиғимдан хижолат тортиб, Максим Азизийга қарадим. Домла нимтабассум билан шогирдини юпатди.

— Хотиржам бўлаверинг, бўтам, ҳаммаси ўтиб кетди...

— Раҳмат!..

Бизнинг самимий муомаламизни Зармонинг шаддод оҳангига бўлди.

— Бу киши энди шундай ётаверадиларми, домла?.. Айтинг, кутишга вақт йўқ. Тезроқ тузалсинлар, ҳали манзилимиз узоқ!..

Аввалига силкинганимда битаёзган кўкрагимда оғриқ турса-да, роса кулдим. Сўнг охирги жумласи ҳақида ўйлаб қолдим: «Манзилимиз узоқ!..», дейдими?

Э воҳ, мен одатий ҳаётга қайтишга нечоғлиқ уринмай, тақдири азал измидан чиқолмасканман. Демак, орқага йўл йўқ. Гоҳи-гоҳида кўнглимни овутиш учун тўқиганларим ёлғон. Шундай экан, ҳозир Зармо айтганларни тўғри маънода тушунмоғим, машаққатли умргузаронлигимда учрайдиган уқубатларга тайёр турмоғим даркор.

...Улар ярим соатча ўтиришди. Орада домлам билан келгуси ишлар ҳақида гаплашдык. Максим Азизий шу ҳафтада Холчаёнга келишини айтди. Мен-ку, хотиржам эшитдим, аммо қыз негадир күзларини алант-жаланг ўйнатауды. Фавқулодда ҳодисаларга анчайин күниги қолганимдан ортиқ ажабланмадым. Устоз менга зимдан тикилиб, гурухға Зармони ҳам қүшишини айтди. Аввалдан келишиб олганларини дархол англасам-да, сир бермадым. Бойиси, бу қизнинг мозийшуносликка яқынлашиши ўлда-жүлда ишларимнинг тезрок силжиши демақдир. Буни домлам ҳам тушунган. Йўқса, исмини эплаб ёзолмайдиган дайдини мамлакат миқёсидаги қазишималарга жалб этармиди?

Шулардан андаккина тасалли топсам, бошқа нарсадан ташвишдаман. Гурух таркибини ёлғиз Максим Азизий белгиламайди. Охирги гапни Аззо Кабирович айтади. Инчунин, бу масалани ижобий ҳал этиш унчалик осонмас.

Икки-уч кунда учрашишга келишиб, домла хайрлашди. Зармо ёнимда қолди.

Кечга яқин икки санитар палатам эшиги рўпарасига каравот қўйиб, қўшимча жой хозирлади. Шундай қилиб, маъшуқам уззукун ёнимда ўтирадиган, кечаси ўша каравотда тунаидиган бўлди.

Ўтган кунлар мобайнида бир-биримизга янада ўргандик. Умри кўчама-кўча санғища ўтган лўли анчагина уқувли экан, энагаликни эплаб кетди. Вақтида овқатлантириш, дори-дармонларни ичириш, нокулай қимирлаганимда ярамдан оқадиган қонни авайлаб артиш сингари ишларни бенуқсон бажара бошлади.

Зармонинг ёнимда қолишидан айримлар норози ҳам бўлди. Хусусан, турмуш қурмагани ғамзали табассумидан яққол се зиладиган ҳамишира энди ҳузуримга зарурат түғилгандагина кирар, ишини чала-чулпа бажарибоқ шартиллаб чиқиб кетарди. Унинг қовоқ солиши «энагам»нинг назаридан четда қолмади, биринчи кунданоқ, «ўртада Қоработир бўлибмизда»дека кулди. Ўзимни тушунмагандай тутдим, Барчинни умидвор қилганим йўқ, шундай экан, хижолатга на ҳожат?..

...Биз одатда бекорчилик баҳона у ёқ-бу ёқдан гурунглапсак-да, асл муддаога яқинлашолмай қийналардик. Назаримда, биринчи учрапувимиздан гап очилса, азоб-уқубатларим

қайтадан бошланадигандек туюлар, боз устига, у ниманидир яширмоқда эдики, сабабини билолмай баттар тўлғанардим. Бундан ташқари, оддий лўлининг шерикларидан ажралиб, етти ёт бегона кимсага қаровчилик қилаётганидан ажабла-нардим ҳам. Эртага ота-онасига нима дейди? Тўдасидан айро кун кечироладими?..

Тўғри, уни ташлаб кетмаслигим аниқ. Модомики кафтишимиз чизиклари туташ экан, тақдиримиз ҳам боғланишига ишона-ман. Аммо, лўли ўз ўтмишини унута оладими? Қачонлардир қон-қонига сингиган эски одатларини қўмсамайдими? Қолаверса, хеш-ақраболари орамиздаги ишкӣ муносабатга қандай қарашади? Хуллас, кишини ўйлантирадиган саволлар анча-мунча. Неча бор шулардан гап очмоқчи бўлдим-у, ти-лимни тийдим. Бечорани ранжитишдан кўрқдим.

Гоҳ-гоҳида эса калламга ғалати хаёллар келади. Нега-дир, Зармо аслида лўли эмас, дея ўйлаб қоламан. Қийик кўзлари, бодом қовоғи, оппоқ юзини ёндирган қип-қизил ёноғи ўзгача наслу наسابидан нишона. Айниқса, тақимини ўпган икки ўрим сочи ва дуркун қоматига ёпишган бежирим либоси туфайли кечаги дайдини замонавий толибалардан фарқлаш қийин.

Бундан ташқари, чехрасига узоқроқ тикилганда вужудимда инжа хиссиётлар уйғониб, тилла топган тентак-нинг ахволига тушаман. Ба бехос энтикаётганим сабаби-ни дурустроқ тушуниш учун диккатимни йигишга чунонам уринаманки, беихтиёр бошим тарс ёрилгудай лўқиллайди. Сўнг истарааси иссиқлиги боис ҷалими таниш туюлаяпти, деб ўзимни овутсам-да, эртами-кечми нималарнидир билиб олишдан умид узмайман. Гурунглашаётганда эса илк учра-шувимиздаги ошуфта ҳаяжонини излаб, рухсорига тикилга-ним-тикилган. Аммо айтганлари тўғрига ўҳшайди, ўшанда фол очган қиз ҳозирги Зармо эмас...

Домла Холчаёнга қайтишидан икки кун олдин вужудимга мадор иниб, анча-мунча ўзимга келдим. Ҳатто, ўрнимдан туришга уринаётib йиқилишинга сал қолди. Яхшиям Зармо бор экан. Йўқса ҳолим не кечарди, ёлғиз худога аён.

Хуллас, маъшуқамнинг, энди бу сўзни бемалол айти-шим мумкин, эпчиллиги туфайлигина қуруқ ерга гурсиллаб йиқилмадим. Авайлаб жойимга ётқизгач, у устимни кўрпа

билин ёпмоқ ниятида энгашувди, беихтиёр бошимга түкилган хүшбүй соchlари ақл-хүшимни олди, юрагим гурсиллаб ура кетди. Баданимга ажабтовур титроқ югурди. Ана шу тотли ҳиссиятлар таъсирида қўққис ўзимни унутиб, тепамдаги соҳибжамолга ёпишдим. Қиз олдинига рўйхушлик бермади. Сўнг қаршилик кўрсатиш беҳудалигини сездими, ё ўзи ҳам шуни истаганмиди, бирдан инон-ихтиёрини тасқара оширига топшириди-кўйди. Дуркун жуссасидан кучорим тўлиб, бир-биримизга чунонам чирмашдикки, кўкрагимда симиллаган оғриқ турганини пайқамадим, ҳатто. Қайтанга, фавқулодда висолдан қўз ўнгим қоронфилашиб, осмони-фалакларга парвоз қилдим. Бироқ, роҳат онлари узоққа чўзилмади. Зармо ҳуш-беҳуш валдирашга тушди. Аввалига тузук-куруқ бирор гапини илгамадим. Фақат қулогим остидаги ўтли нафасги на титроқ вужудимга туташаверди. Кейин қўксимга томаётган иссиқ қўз ёшлари ҳүшимга келтирди. Бундоқ эсимни йигсан, «Саройда олиб қолинг!» дейдими-ей... «Рожам...» дейдими-ей...

Бирдан анчадан бери тарк этган рўёларим қайтиб, Эрам боғларидаги хилват гўша ва гулгун ётоқ гавдаланди. Кейин кўрганларимдан ақлим баттар шошли. Пар тўшакда пуштиранг ҳарирга чулғанган бир гўзал тўлғанмоқда. Бу қандай синоат? Наҳот, ўша жонон ҳозир бағримда гуркираган маҳбубам бўлса?..

Тўсатдан сескандим чоги, Зармо ўзини тортди. Сўнг эсарбесар шивирлади. «Шак туурман, ҳукмдорим, шак...»

Яна хаёлларимчувалашиб, бошим лўқиллашга тушди. Бор қучимни йигиб, чаккамни босдим. Жон азобида қийналаётганимда Зармо аста-аста ўзига келиб, соchlаримни силади. Эркалашларидан миямдаги санчиқ йўқолди. Бироқ, ўрнига аллатовур шубҳалар кўкарди. Назаримда, маъшуқам эр қучогига биринчи марта кирмаётгандай. Одатда, бундай эҳтирос тажрибали жувонларда учрайди. Бошқа томонлама эса шубҳа-гумонларим ортиқчадек туюлмоқда. Чунки бўса аралаш шивирлаётганда унинг ақли жойидамас, сархушиги меникидан-да кучлироқ эди. Шу сабабли кўксимни поралаган жумлаларини ўзга нарсаларга боғлашим мумкин. Чунончи, мўъжизавий каломлар, алжираш, алаҳсираш ва ҳоказолар...

Эриш ахволимдан тамомила ҳушига келган Зармо ўрнидан туриб, соchlарини йифиштириди. Хижолатдан ёноклари ловуллаб, кўзларини яшираркан, калламга урган шубҳалардан уялиб кетдим. Унинг одатдагидай бехос шанғиллаши эса кўнглимдаги губорларни бутунлай тарқатиб юборди.

— Бу дейман, ако, сал тузалсангиз, энагангизни ҳам тинч қўймайсиз шекилли?

Унинг характеристидаги кескин ўзгаришларни сарҳисоб эта бошладим. Нега бу қиз гоҳ уятчан, гоҳ андишасиз, гоҳ бокира нозанин-у, гоҳ қип-қизил фоҳиша?..

Лекин, нима бўлгандаям, бизни Оллоҳнинг ўзи учраштиргани рост. Шундай экан, шубҳа-тумонлардан воз кечиб, кўпроқ ишимга асқатадиган нарсаларни ўйласам яхшимасми? Масалан, унинг фавқулодда жумлалари... Кўш алифбода битилган кўхна асотирни Зармо кўмагида топгандим. Ҳозирги алаҳсирашини ҳам озроқ мушоҳада этсам, зарар қилмас? Дейлик, «шак»ни қандай тушунмоқ керак? «Рожа»ни-чи?..

Мен мазкур сўзларга бошқа томондан назар ташладим-у, беихтиёр қичкириб юборай дедим. Ахир, «шак» «сак»нинг ўзгарган шакли-ку. Рожа эса Хиндистон ҳукмдори. Бундан буқа терисидаги битиклар, Будда, лўли қиз ва рожа ўртасида ўзаро боғлиқлик бор, деган фикр келиб чиқмайдими?.. Демак, бу синоатлардан камина ҳам четда эмас. Унда ҳар замонда хаёлимда гавдаланадиган зарғалдоқ тусли саҳрордаги алмисоқ мурда ва баҳайбат бўрини қандай англамоқ керак?..

Жумбок!.. Жумбок!.. Жумбок!..

Барига диссертациям сабаб...

Бошқа фикрдан эса каллам гангийди. Негадир, мазкур персонажлар орасида ҳаётимда мудхиш роль ўйнай бошлаган Аззо Кабирович кўринмаяпти. Чамаси, занжирнинг етишмаётган ҳалқаси бордек. Бироқ, шу йўналишда давом этсам, ажи-бужу хаёлларим бутунлай йўлдан адаштиради. Устига-устак, буларнинг илмий ишимга қандай нафи бор?..

Мушкул саволлар миямни кемиравергач, вақти-соати билан барининг тубига етарман, дея ўзимни овутдим. Олдимдаги машаққат шундан иборатки, қизгина хоҳлаганида алжирайвермайди. Бунинг учун у фақат Оллоҳга аён ғайритабиий

аҳволга тушиши лозим. Шунда тилидан кишининг тушига кирмаган каломлар тўкилади. Масалан, «Мовий гумбазлар» хиёбонидаги тарихий башорат, тунов кунги «Ҳали манзилимиз узок...» жумласи, нихоят бугунги гаройибот...

Булардан битта хулоса чиқади. Умргузаронлигимнинг қоронги манзилларида Зармонинг кечинмалари йўлчи юлдузга айланиши мумкин. Шундай экан, ўлда-жўлда тахминларни бутунлай унутмоғим, дикқат-эътиборимни ягона нуқтада жамлаб, қизни ўша қайфиятга қайтариш йўлларини изламоғим даркор. Бироқ, Сулаймонов ҳам тинч ўтирумайди, менга кучи етмагач, аламини ундан олади, экспедиция сафига қўшмайди.

Бошқа даҳшатлироқ фикрлар ҳалича калламга келгани йўқ. Лекин, шунгаям институт раҳбарида асос бўлиши, яъни лўлининг ўзи учун хавфлилигини ҳис этмоғи лозим. Хўш, бундан ютуқ ва йўқотишларим мувозанати ўзгарадими?..

Тўғри, Зармодан айрилишим илмий ишимни сусайтириши аниқ. Бироқ, ҳеч ким билан бекордан-бекорга пачакилашмайдиган Сулаймоновнинг эътиборини тортиши гаройиб тарихимиизда қизнинг роли бениҳоялигидан дарак беради. Бу – тўғри йўлдан бораётганлигимнинг навбатдаги далилидир.

...Орадан икки кун ўтиб, палатага Максим Азизий ташриф буюрди. Режамиз муваффақият қозонганини қиёфасидан дархол англашим. Домла салом-алиқдан сўнг, одатдагидек нимтабассум билан жилмайди.

– Табриклайман, бўтам. Ишларимиз аъло даражада!..

Аввалига хурсандлигимдан «дўппимни осмонга отдим». Чунки маъшуқам экспедиция таркибига қўшилганди. Сўнг директорнинг ортиқча хархашасиз рўйхатта имзо чекканини эшишиб, тарвузим қўлтигимдан тушди. Модомики, Сулаймоновга аҳамиятсизми, бизнинг умумий занжиримизда ҳам Зармонинг ўрни йўқ. Шундай экан, мудом ишонган ички туйғуларим ёлрон. Янада ёмони, фойибона тахминларга эргашиб амалга оширган саъй-ҳаракатларим бекор...

Эртасига Оллоҳдан шифо тилаб, домлам ва Зармо Холчайнга жўнашди. Мен ҳам согайгач, улар сафига қўшиламан. Ҳозирча касалхонада эканман, диссертациямнинг фалсафий қарашларга алоқадор қисми ҳақида ўйлай қолай. Чунки ка-

лаванинг учи аник, ногаҳоний хаёллари орқали қадим замонларга тушган Зармонинг айнан ўша давр тилида сўзлагани шубҳасиз. Бу эса «шак» ва «сак» аслида битта тушунча эканлигидан далолат! Бундан қуидаги хулоса келиб чиқади. Модомики, Ҳиндистонда яшаган шаклар туркийда сўзлашишган экан, икки ярим минг йил муқаддам Буюк Турон пасттекислигида от сурган қабилалар ҳам шу тилда гапиришган.

Аммо, тўсатдан хаёлимга келган бошқа фикрдан бўшашиб кетдим. Хўш, мен диссертациям ҳимоясида янгича фикрларим исботи сифатида кўчама-кўча санғиган дайдини кўрсатаманми? Кўрсатган тақдиримдаям, унга бирор ишонадими, қолаверса, гайриоддий алжирашларидан қизнинг ўзи хабардорми? Сўраб қолишса, қайтадан такрорлай оладими?.. Билмадим, ҳар ҳолда, бутун бошли номзодлик ишини бир бетайин лўлининг эсар-бесар жумлалари асосига қуриш учун арзирли сабаб керак. Янада ёмони, ҳозир ўзим ҳам алаҳсираётган, яъни онгим истаганларимни гавдалантираётган бўлса-чи?..

Чарчагандайман. Озроқ мизғиб олай, кейин қайтарман ўша ўйларимга...

Кўзимни юмид мудрашга ҳарчанд уринмай, калламдаги фикрлар, барибир ухлатмади. Яхшиси, бошқа бирор юмушга чалғийман. Масалан, ўрнимдан туришга уриниб кўраман. Бироқ, бунинг хавфли томони бор. Йиқилсан, суяб қоладиган халоскорим бу гал ёнимда эмас. Шундай бўлсаям таваккал қиласман, чумчуқдан кўрқсан тарик экмайди...

Даставвал қўлим, кейин оёғим бармоқларини қимирлатиб кўрдим. Ногаҳон, айни ҳаракатларим ёдимга ғалати хотираларни солди. Олдин ҳам шу ҳолатни бошдан кечиргандайман... Модомики, ўшанда уddeлабман, энди ҳам эплайман. Мана, устимдаги кўрпани четга сурдим. Амалтақал тирсагимга таяниб, ўнг ёнбошимга ағдарилдим. Сўнг оёғимни каравотдан осилтириб ўтирдим. Ниҳоят сал дам олиб, ўрнимдан кўзғалдим. Худога шукур, уринишларим зое кетмади, қаддимни ростладим. Илло, инсон қилолмайдиган иш йўқ дунёда... Шундай хаёллар оғушида қадам қўйишга чоғланувдимки, бирданига бошим айланиб, тиззаларимдан мадор қочди. Ҳадемай, гурсиллаб қулайман... Нима, кимдир қўлтиғимга кирдими?..

Ён-веримга алангладим, зор кўринмайди. Бўлиши мумкин эмас!..

Мумкин экан. Айни дамда ёнбошимдан қандайdir кўзга кўринмас зот суяб турарди. Ўшанинг қудратли илкига таяниб, нафас ростладим. Сўнг у мени тарк этди. Шунда ҳам йиқилмагач, илк қадамни босдим. Тўғриси, бу қадам дейишга арзимайдиган ожизона харакат эди. Яъни, ўнг оёrimни атиги яrim қаричгина судрай олдим холос. Иккинчи қадамимни каттароқ ташладим. Кейин хонада ростакамига айланиб юравердим. Айланиб юравериб, кўкрагимдаги яранинг оғримаётганини-да ҳис этдим. Қизиқсиниб, кафтимни босувдим, юрагимнинг гурсилашидан бошқа нарса сезилмади. Тутмаларимни ечиб қарасам, ҳалигина симиллаётган жойда на чандик кўринади, на кон. Ўрнида тангадек шакл пайдо бўлипти. Бу мўъжизадан бехтиёр баданим жимиirlаб, оёкларим бўшашибди. Гурсиллаб йиқилдим. Зум ўтмай палатада пайдо бўлган шифохона ходимлари бири ачиниб, бири койиб, ярадор мижозларини турғизишга уринишаркан, ўз-ўзимдан уялиб кетдим. Чунки менга энди ўзганинг ёрдами шартмас, қувватим шу даражадаки, боя тўшакка михланган бечорага умуман ўхшамайман.

Кўмакчиларнинг қўлларини нари суриб, ўрнимдан турдим. Бош врач ярамни кўздан кечириш мақсадида каравотга ўтиришимни буюрди. Унинг қизиқиши бехудалигини англасам-да, бўйсундим. Кўйлагимнинг ёқасини чап томондан белимгача туширдим. Кимдир «воҳ!» деди, кимдир «оҳ!» Охир-окибат, бошқа биттаси гурсиллаб полга қулади. Энди ўша шўрликка овора бўлишди. Ёқамни тўғрилаётib бехосдан йиқилган жувонни танидим. Бу – бурунги йили тибиёт институтини битириб келган Зухра Мамедовна. Мўъжизавий тирилганимдан бери кечагина ишга чиқсан аёл бугун яна юз-кўзини учук босиб ночор ахволда чўзилиб ётар, хув нарироқда дир-дир титраётган Барчин эса рафторидан муҳим бир гапни айтишга тараддулланарди-ю, аммо тилини ютгандай лом-мим дёёлмасди.

Зухра Мамедовнани замбилда кўтариб кетишибди. Изидан бошқалар чиқишибди. Хонада бош врач иккимиз қолдик. Зўрга эсини йиғган олтмиш беш ёшлардаги бу басавлат қария кўзи гўлайиб, пичирлади. «Қандай синоатта йўлиқдим, болам? Бунақасини сира кўрмагандим...»

Очиғи, бунақасини ўзим ҳам кўрмаганман. Вале, недир дейишими лозим.

— Ҳаммаси худодан...

Тамом! Бошқа гапирмади. Оёғини зўр-базўр судраб, ташқарига йўналди. Мен эса бу талатўплар оғушида кийналиб, борликни унутдим. Бошимни чанглаб, каравот четида ўтираканман, ийманиб Барчин кўринди. У менга ҳадиксираб назар ташлади-да, рўпарамдаги табуреткага чўқди. Нимадир демоқчи. Лаблари пириллаб, анча вақт дудукланди. Ниҳоят бутун иродасини йиғиб, тилга кирди.

— Ўтган гал тирилишингизни момомга айтгандим... Яна шунга ўхшаш ҳодиса рўй берса, олдимга келсин, дегандилар. Момом билан учрашишингиз шарт!..

На момосини суриштирдим, на манзилини. Чунки узоқ йиллар муқаддам хотирамда жонланган воқеликни айни дамдаги ҳолатимга узвий уйғунлигини дарҳол англаб етдим. Демак, хоҳласам-хоҳламасам Деновга жўнашимга тўғри кела-ди. Йўл-йўлакай қайсиdir саволларимга ҳам қисман жавоб топаман.

10-БОБ

Жалайир кампир

«Эрлик хоқон — тирик! У туркнинг ilk подшоси!.. Кейин Ўғузхон ўтди. Уни Ўғузбек ҳам дейишади. Бора-бора, Ўғузбек — ўзбекка айланган. Гапларимни яхшилаб эшит, халқинг туб илдизи шу зотга боғланади. Ўғузбек элининг довругини оламга ёйди. Мағрибдан Машриққача — Энасойдан Ҳабашистонгача бўлган худудлар Турон тулпорлари туёғи остида гурсиллади.

Учинчи хоқон Тарғитой жангарилиги билан донг таратди. Дунёнинг ҳамма бурчагида Тарғитойни ўзига бобокалон билиб, фуурланадиган одамлар бор. Аммо, Тарғитой турк бўлган. Яхшилаб қидирсанг, бунинг исботи топилади.

Турқутнинг яна битта ўғлони Алп Эр Тўнга йўлбарс келбатли, шер юракли паҳлавон эди. Шу боис уни Тўнга — йўлбарс аташди. Муқаддас китобларда эса Афросиёб дейишади. Бадфеъл ва номард инсон сифатида келтиришади. Ле-

кин булар ёлғон, Алп Эр Тўнга халқини қузгуни қашқирга едирмаган, тупроқдан яралган инсонни аслига* қайтарган. Шу сабабли уни қоралашган...»

Мен охирги мавзуни олганимдан сўнг Термиз давлат университетининг бир домласи билан диссертациям тўғрисида сухбатлашгандим. Сурхондарёни бош-адоқ яёв айланиб чиқсан бу фольклоршунос олим Жарқўронда ғалати кампир борлигини, мурожаат қилсан, туркийлар тўғрисида ноёб маълумотлар бериши мумкинлигини галирганди. Тезда уни топдим. Бироқ ҳузурига бораётганимда сўқирлигини эшишиб, қароримдан қайтдим. Бундан ташқари, маҳалладошлиари салгина эси оғиб қолганини ҳам таъкидлашганди. Шу-шу эсламай қўйгандим. Аммо, кеча Барчиннинг қатъий талабидан кейин тонгданоқ йўлга тушиб келиб олдим. Кўриб турганингиздек, хато қилмалман.

«Сен Ҳиндни илк бор ғорат қилган саркардани биласанми?.. Унда эшит, Эр Тўнгадан тўрт юз йил ўтгач, Шапағай дунёга келди. Унинг жаҳонгирлигини туғилмасидан илгари каромат қилгандилар...»

Энди Румни титратган ҳоқон ҳакида... Бувак*лигидан от устида улғайгани учун уни Отулли* аташган. Отулли элини бегона юртларга эргаштириб борди, туркнинг авлодини бутун Оврупога ўйди...

Жаҳонгирликка интилган кейинги зот Истамихон эди. У дунё туркни унугтан замонда улкан салтанат тиклади. Турк ҳоқонлиги икки аср оламни титратди.

Саккизинчи ҳоқон — буюк Соҳибқирон туфайли темурийзодалар ҳам икки юз йил давру даврон суришди. Аммо, ҳеч ким абадий эмас. Дунё — келма навбат, вақти-соати билан улар ҳам таҳтни ўзгаларга бўшатишди...

Туркийнинг нега жаҳонгирликка интилгани боисини билансанми?.. Эшит, мен айтган саккиз ҳоқоннинг мақсади аслида битта — дунёга юртининг довруини таратиш бўлган. Уларга шон-шұҳрат керак эди. Илло, бойликнинг умри қисқа. Шұҳратта эришган мангу яшайди.

Эрлик эса — тирик! Ер қаърида инграмоқда. Тўққизинчи ҳоқонни кутаяпти...»

Даставвал, бу ҳикояларнинг моҳиятини англамадим. Тўғри-да, бошдан-адоқ топишмоқ афсоналарнинг кимга кера-

ги бор? Лекин, шаштини туширмаслигим, раҳмат айтмоғим лозим. Шу ниятда момонинг афт-ангорига назар ташлаётиб, ғалати ҳодисанинг гувоҳи бўлдим. У ҳикояни тугатгач, илкис нурсиз нигоҳини чақчайтирди. Бирдан сўқирнинг файриоддий ҳолатидан баданим жунжикиб, калламдаги фикру хаёлимни йўқотдим, маънили боқаётган кўзлардан қочишга уриндим. Момо эса тўққиз қаватли лачаги* устидан омонат ташланган бекасам желаги енгига муттасил тикилишдан пайдо бўлган икки томчи ёшини артиб, пиёладаги совиган чойни ҳўплади.

Пайтдан фойдаланиб, яхшироқ разм солдим. Букчайиб ўтиришига қараганда, кампир дарозгинага ўхшайди. Желаги тагидан устма-уст боғланган ранго-ранг пешанабоғлари чўққидек юксалиб, қиёфасига ўзгача улуғворлик бағишиласада, нақ қовоғидан пастга — иягига сирғалган қават-қават қорамтири териси кишида ғарибона таассурот ўйнотади. Эҳтимол, тўсатдан Холчаёнда Будда ҳайкалини қазиётганимда ёнимдан ўтган тошбақани эслаганим сабаби шундандир. Аммо, алмисоқ кампир ва Тупрокқўрғондаги ўша судралувчи ўртасидаги уйғунликни тополмай, бошим қотди. Шу вақт момо кўнглимдан ўтганларни тушунгандай, бехол минғирлади.

«Неча ёшдалигимни ўзимдан бошқа ҳеч ким билмайди. Бир юз олтмиш тўртга кирдим, болам. Уруғимиз аёллари тошбақа мисоли имиллаб яшашади. Зиммамиздаги вазифамиз оғир...»

Ана энди сухбатдошимга қизиқишим баттар ортди. Боз устига, зиммасидаги ўша оғир вазифанинг ўзимга ҳам алоқадорлигини фаҳмладим. Айни сабаб, дилимдаги саволларни тилимга чиқаролмай ўтиракманман, кампир давом этди.

«Исмимни уруғимиздан олиб қўйишиган. Менинг момомни ҳам, момонинг момосини ҳам Жалайир кампир дейишган. Эрга тегиб ували-жували бўлгач, шу исм Барчинга ҳам ўтади. Бу — минг йиллик одатимиз...»

Кампир қўлидаги пиёлани дастурхонга гириллатди-да, ёшланган кўзларини яна бир марта артиб, сўзини тугатди. Менинг назаримда эса ҳикоянинг давоми бордек. Негаки, Жалайирлар зиммасидаги вазифани, қолаверса, Эрлик ҳоқон

тұғрисидаги ривоятнинг индаллосини ҳалича тушунганим йўқ...

Эшикнинг гийқиллаб очилиши дикқатимни бўлди. Икки коса овқат кўтариб Барчин кирди. Кампир адашмай, ўзига узатилган косага чўзилди. Сўнг тобора ҳайратланаётганимни сезгандек, изоҳ берди.

«Кўр бўлиб қолганимга юз йилдан ошди, болам. Ўрганиб кетганман».

Бир маромда яшайвергач, сўқир ҳам соғдек ҳаракатланиши ҳаммага маълум. Бироқ, кампирнинг дилимдаги саволларга бехато жавоб топаётгани-чи?..

Иккинчи косани менга узатгач, Барчин чиқиб кетди. Тахминан ярим соатдан кейин дастурхонга дуо тортиб, ўрнимдан турдим. Момо бепарво қўл силкиди, эшикка яқинлашувдим, ортимдан хирқироқ овозда минғирлади.

«Сен кўзингни юмиб боравер, кўксингда порлаган қуёш ўйлингни ёритади...»

Нима?.. Изимга қайрилдим, кампир аллақачон ёнбошига ўгирилиб олганди...

Ташқарига чиқдим. Чорпояда омонатгина ўтирган Барчин шошиб ўрнидан қўзғалди. Сўнг башарамдаги саволларни уққандек, ташвишли пичирлади.

«Момом ҳакиқатни айтади!..»

Менга афти тиришган кампирнинг гаплари ростми — ёлғон, фарқи йўқ, ҳозир остоңада эшитганларимни ўйлајпман. Кўкрагимда қандай қуёш порлайди?..

Холчаёнга жўнадим. Йўл-йўлакай, Шўрчида тўхтаб яна сомсахўрлик қилдим. Қорнимни тўйғизиб, устидан мириқиб кўк чой ичдим. Сўнг машинани Деновга бурдим. Бу гал томоримга сомсанинг чарвиси тиқилмади. Аёнки, мен ҳам энди ноқулай ютиниб, танглайимга қотган тугунни суришга беҳуда уринмадим. Шу сабаб, ўтган сафаргидек ибтидий хаёлларгаям берилмадим. Аксисгча, бошқа нарсаларни, турк қабилалари ҳакидаги афсонаю асотирларни ўйлашга тушдим. Бироқ, икки-уч соатда камтарона умрим давомида кўрган-билганларимни тўлиқ эслаш осонмас. Қайтанга, ботбот ўйлајвергач, миямда аллатовур ноxуш хотирот йилтиради. Энди бекорчихўжа ўшаларни тиклашга чоғландим ва сурункали уринишларим натижаси, қачондир кўрганимми-

эшитганимми, күз ўнгимда ёвуз махлук гавдаланди. Йўқ, уни Эрлик хоқонга боғламоқчимасман. Кимлигини билгач, туркка сира алоқаси йўқлигини ўзингиз ҳам сезиб қоласиз. Аммо, Жалайир момонинг ҳикоясини эслабоқ, хаёлимда шу қиёфанинг пайдо бўлганига ўзим ҳам ҳайронман. Илло, калламни қотирган махлук қадимий юон афсоналари қаҳрамони Минотавр* эди...

11-БОБ

Мидён* шаҳаншоҳи охир-оқибатни билмасди...

Холчаёнга етгач, сигнал бериб, назаримни тепаликка қададим. Илк кўрганим ошиғига интилаётган Зармо бўлди. Капалакдек пириллаб, пастга энаёттан қизнинг афт-ангорида узоқ ҳижронга уланган висол иштиёқи ва аллатовур но маълум ҳиссиёт ҳам мавжуд эдики, бунга аввалига унча эътибор бермадим. Чунки, фикру хаёлим бошқа саволга машғул. Ҳозир маҳбубам етиб келгач, ўзимни қандай тутишим лозим? Кучоқ очайми, ёхуд жиддий равища қўл чўзиб саломлашайми?..

Шифохонадаги тасодифий бўсаларимиз ҳакида гапирганди, ўша журъатсиз қубла*лар аллақачон ўзаро муносабатларимизда янги йўл очган эса-да, салгина иккиланишим туфайли ҳозир аниқ қарорга келолмаяпман.

Аммо, кутилмаган вазиятнинг ўзи бир лаҳзада бу муаммони ҳал этди-кўйди. Етиб келишига уч-тўрт қадам қолганда қизнинг тезлиги фавкулодда ошаверди. Шу кетища ўзини тўхтатолмаслиги, улгурмасам, машинамга бориб урилиши аниқ. Чакқон ҳаракатланиб, йўлини тўсадим. Қарабсиэки, севгилим оғушимда...

Имкониятдан фойдаланиб уни бағримга босарканман, димоғимда сезилар-сезилмас тупроқ ҳиди анқиди. Шунинг ўзиёқ ҳайкал ичига бекитилган хўқиз териси ҳакидаги хотиротларимни уйғотишга етарди-ю, фикримни қизгинанинг саркаш ҳазили чалритди.

— Бу дейман, ако, энагангизни ҳам унутиб юбордингиз, шекилли, келишингиз роса қийин бўлди?..

«Шундай энагани унутиб бўларканми?..»

Чинданам, ушбу сафаримни бошқа нарсага боғлолмайман. Негаки, мен оёғим остидаги мозий қабристонидан излаганимни аллақачон топғанман. Бинобарин, тадқиқотларим тақдириям энди ёлғиз ўзимнинг саъй-харакатларимга боғлиқ. Демак, Холчаёнга бугунги келишимдан асосий мақсад — маҳбубам. Бирок, бунга сабаб сифатида ишқ ҳиссиётларию ўзаро муносабатларимизнингина кўрсатсан камлик қилади. Ёдингиздадир, аввалроқ лўли қиз келгусида изланишларимни ёритгувчи ёрқин машъалага айланади, дегандим. Ҳозир Зармога интилишимдан иккинчи мақсадим ана шу...

Бошқаларнинг олдида бемалол гаплашолмаслигимизни сезганимдан қизни имкон қадар пастда ушлаб туришни истаяпман. Буни тушунган Зармо гоҳ кўзларимга тикилиб, гоҳ қимтиниб, нималаргадир лаб жуфтлайди. Мен эса маҳбубамнинг ногоҳ жумласи ширин хаёлларимдан ажратишни пайқагандай, гапиртирасликка уринаман. Ниҳоят у бағримдан чиқиши истаб, кўкрагимга кўлларини тиради. Кучофимни ёздим. Хижолатдан юзлари ловуллаётган Зармо нарироқ бориб, машинамга суюнди. Шу пайт унинг ҳалигина қувонч балқиган қиёфасида яна қайси кунги талваса уйғонди. Киприклари пирираб, лаблари омонат учаркан, чехраси мурданикидай кўкараверди. Индамасам, йиқилиши аниқ. Отилиб билагидан ушладим. У буни сезмади, қайтанга, бесаранжом нигоҳини мавҳум нуктага қадаб, шоша-пиша алжирай кетди. Аввалига бутун жуссасини тутган асабий титроғидан ташвишланиб, ҳеч нимани англамадим. Кейин бирдан афтода ҳолатидаги алоқ-чалоқ жумлалари илмий ишм учин асқатишини хис этиб, қулоғимни тутдим.

«Мидён* шаҳаншоҳи охир-оқибатни билмасди. Акс ҳолда, соҳибжамол Мандана*ни форс сатрапи Камбиз*га узатмаган бўларди...»

Жойимда қотиб қолдим. Зармо ҳеч кимнинг тушига кирмаган янги ҳикояни бошлаганди. Шунисиям ҳайратта моликки, шифоҳонада Ҳинд ҳукмдорига қарата гапирса, энди Мидён шоҳи ҳақида алжирамоқда.

«... Коҳинларнинг башоратидан сўнг Иштувок* ёнига шавкатли саркардаси Гарпагни* чорлади. Гарпаг чақалоқни олиб, тоқقا жўнади... Тоғда Митридат* яшарди...»

Тамом!.. Шу ерга келганды у сесканиб аслига қайтди, мен ўзимдан кетдим. Илло, Мидён шаҳаншохи ва номаълум чақалоқ ҳақидағи ғаройиб афсонанинг давоми ҳам бошқа әшиятганларим каби лўли қизнинг тақдир сирларидан бирига айланиши ақли-хушимдан айирганди...

Зармо эса ҳеч нима бўлмагандай, қўлимдан тортқилаб, тепаликка ўрлади. Муҳим имкониятни бой берганимдан тамомила бўшашиб, ортидан эргашдим. Бизни юкорида Максим Азизий, Тамара Содиковна ва тўртта ёлланма ишчи кутиб олди. Ҳаммаси таниш. Домланинг асистенти Тамара Содиковна билан беш йилдан бери қазишмаларда биргамиз, мардикорлар атрофдаги қишлоқдан. Кўрган-кечирганларимдан огоҳ, шекилли, мени авайлаб бағирларига босишиди. Соғлом қиёфамдан устознинг боши осмонда. У қўлтиқлаб, тепалик ортидаги чайлага бошлади. Изимиздан Тамара Содиковна эргашди.

Аслида, тўрт-беш ёш кичик асистентни Тамара деб ҳам ҷақиришим мумкин. Бироқ қўжликкина чехрасига ярашмаган босиқлиқ, нигоҳидаги табиий салобат ҳар қандай кишини шошириб қўяди. Шу боис олдида ўнғайсиз ҳолга тушаман.

Бошқа томонлама бирор қаромат кўрсатганини эслолмайман. Мен қатори олган мавзуси якунланмаган. Аҳён-аҳёнда кўзлари ёниб, диссертацияси ҳақида гапириб қолса, эртадин номзодликни ёқласа керак, деган фикргаям бораман. Қачон турмушга чиқишини сўраганимда эса ғайритабиий ишонч ила илмий ишим химоясидан сўнг, фан номзодига, деб аниқ жавоб қайтаради. Шундай дамлар бу қариқиз умрини олдиндан қурилган маҳсус режа асосида яшамаяптимикан, дея ўйлаб қоламан.

Бир сафар қизиқ бўлган. Тошкентта борган қунларимнинг бирида, домлам жиддийлашиб, уйланишимдан гап очди. Бундай пайтда ҳар қандай бўйдоқ ҳам жиндай хижолат тортиши ҳеч кимга сир эмас. Айниқса, савол ўттиздан ошган сўққабошга берилганда қандай аҳволга тушишини тасаввур қиласкеринг. Хуллас, мен кўзимни яшириб минфиirlарканман, домлам мақсадга кўчдилар.

«Айбга буюрмасангиз, бўтам, шу масалада камтарона тақлифим бор. Мабодо бошқа танлаганингиз бўлмаса, Та-

мара Содиқовнага уйлансангиз... Ҳар ҳолда, кўз олдимиизда ўниб-ўси. Сизга нафақат хотин, маслақдош ҳам даркор. У эса бир эркакка ярашикли аёл, бир рўзгорга арзирли бекадир...»

Ёмон таклиф эмас. Аммо, мени қийнайдиган айрим муаммолар бор. Масалан, уйлангач, унга қандай мурожаат қиласман? Хотин, деб чақиролмаслигим аниқ. Исмини айтишни эса, асти сўраманг. Шундай экан, бир ёстиққа бош кўйган жуфти ҳалолим доим Тамара Содиқовна бўлиб юрадими? Ахир, турмуш фақат расмиятчиликдан иборатмас-ку. Аччиқ-чучук гаплар... Кейин шўхлик онлари, дегандай... Ўшанда ҳам қучоримда ётган аёлимга Тамара Содиқовна, деб иршаяманми? Йўқ, яхиси бирор оддийроқ қизга уйланаман.

Боз устига, Тамара Содиқовнанинг аниқ режа асосида умр кечириши феъл-авторимга мутлақо эид. Камина пала-партиш яшайман. Масалан, эртага қандай юмуш билан шуғулланишимни бугун айтольмайман. Кутилмаган ходисаларни ҳам одатдагидек қабул қиласман. Энди шуларни обдан таққосласангиз, бизнинг қовушишимиздан нақадар зерикарли оила пайдо бўлишини англайсиз-қоласиз.

Албатта, буларни айтиб ўтирумадим, ўйлаб кўришга рухсат сўрадим. Домлам ҳам муддаони дархол англадилар, бу мавзуга бошқа қайтмадик.

Хозир ҳам Тамара Содиқовна азбаройи одамгарчилик юзасидан ортимиздан эргашди. Чайла соясидаги кўрпачага ўтиргач, аввал домлага, кейин менга чой қуйиб узатди. Сўнг бирпас у ёқ-бу ёқдан гурунглашиб ўрнидан турди. Холи қолгач, шифохонада содир бўлган охирги воқеаларни батафсил ҳикоя қилдим. Кўкрагимдаги асоратнинг изсиз йўқолишига келганда, устознинг кўзлари сирли чараклади. Кейин мендан ниманидир яшираётгандай, мавзуни бошқа томонга бурди. Назаримда, ўтган беш-олти кун ичидан домла Зармо билан анча-мунча сухбатлашган, эҳтимол бежо алаҳсирашларини ҳам эшитган.

Ажабланишимнинг яна бир сабаби, эндики бажарадиган юмушларимдан гап очилмаяпти. Одатда, домла ҳол-аҳволлашибоқ, қилинар ишларга тўхтарди. Сезишимча, бу сафарги қазишмалардан озодман. Бир ҳисобдан, шуниси

яхши, Деновга бориб, беш-үн кун дам оламан. Зериксам санс-крит билан шуғулланаман. Ахир, ўтган сафар айрим белги-ларни ўқий олдим-ку... Қолаверса, Зармонинг бояги узук-юлуқ жумлалари ҳақида ҳам ўйлаб кўраман.

«Мидён шаҳаншоҳи оқибатни билмасди. Акс ҳолда, соҳибжамол Манданани форс сатрапи Камбизга узатмаган бўларди...»

Қизик, Мидён шаҳаншоҳи ва форс сатрапининг туркий халқлар тарихига оид илмий рисоламга қандай алоқаси бор экан?..





II ҚИСМ

МАЛИКА ВА ШАҲАНШОҲ

12-БОБ

Буюк Кир иккинчи Ахоманий*

Не азоблар билан охирги тизмадан ошган роҳиб, ниҳоят энг баланд чўққига кўтарилди. Бу ёғи энишлик, тойиб кетмаса бўлгани, сакраб-сакраб тушаверади. Фақат озроқ тин олиши керак.

У қоплон терисидан тикилган чоригини ечиб, ҳоргин ёнбошлаганча бироз дам олди. Кейин ёнидаги тугунни очиб, ичидан чиқсан терини бор бўйича ёйди. Ажи-бужи белгиларга бир карра назар ташлагач, укпани буклаб, қаддини ростлади. Кўлини манглайига соябон қилиб, узоқ-узоқларга термилди. Оёғи остидан бошланган нишаблик гоҳ кўкка сапчиб, гоҳ ҳовуридан тушиб метин эпкинларни ҳосил қилганча, қиру адирларга уланган. Ундан нариси Бақтрия. Бақтрия ортидаги икки дарё ўртасида эса алпеклбат одамлар яшашади. Роҳиб ўша ҳалқ дийдорига ошиқмоқда...

Туйқус адирлар пойида курт-қумурска мисол ғимирлаётган издиҳомга кўзи тушиб, кайфияти бузилди. Сакраб туриб, чориқни оёғига илганча асрий чарчоқларга ҳам, тилка-пора пойабзали йиртикларидан тизиллаётган қонга ҳам парво қилмай, тошдан-тошга ҳаттай кетди. Шу кўйи аввал биринчи тизмадан, кейин иккинчисидан ошди. Эртаси тушга яқин қояларнинг учинчи қатори ҳам ортда қолди. Ниҳоят охирги сарҳад забт этилгач, аслаҳаларини шикирлатиб ғимирлаётган оломон кўринди.

Уни қир этагида икки барзанги кутиб олди. Роҳиб ноилож камони ва ёлғиз пайконини топширгач, қўшин оралаб қароргоҳ марказидаги шоҳона чодирга яқинлашишди. Соқчилардан

бири ўша томон йўналди. Асир бекорчиликдан нарироқдаги чор тевараги оқ мато билан ўралган майдончага назар ташлади. Ўртадаги оташдонда ловуллаётган олов атрофида айланаетган атраван*лар қандайдир маросим ўтказишмоқда. Зўрга эшитилаётган дуолариға қараганда, жангчилар ва коҳинлар ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Бунинг устига, зикрдаги узуқ-юлуқ қаломлар ҳам танишдай. У чалкаш жумлаларни эслашга уринаётганда, чодирдан чиқсан эшик оғаси ичкарига чорлади.

Ичкарида бутунлай ўзгача ҳаёт ҳукмрон. Тилло қандилларда ўнлаб чироқлар милтиллайди. Тўрдаги олтин тахтда ўтирган барваста қоматли, хушбўй мойлар суриб жингалакланган соч-соқоли кўркига-кўрк қўшган ҳукмдор, тахт пойидан остонаяча чўзилган оловранг патгиамларда қўл қовуштирган сарой аъёнлари мислсиз ҳашаматга янада улуғворлик, тантанаворлик бағишлияди.

Олий зот эҳтиромига нечук ноил бўлганини англолмай, саросимага тушган асири ёнбошидаги ёвқур шотирлар тиз чўктиришди. У атрофига савол назари ила алангларкан, ёнидан ўтаётган сарбознинг қўлида ўзининг ўқ-ёйини илғаб, баттар ажабланди. Камон тахт рўпарасидаги курсига қўйилгач, шоҳ хирилдоқ, аммо ҳукмрон овозда сўради.

- Исминг нима?..
- Бўзқурт!
- Бу қуролни қаердан олдинг?
- Ҳиндикушнинг нариги томонидаги чўпонлардан сотиб олдим.
- Ҳиндикушнинг нариги томонидаги чўпонлар неча тангага сотишди, саклар жатанини?..*

Ана шунда хаёлида уйғонган саволлар ечимини топди, бу

- оддий камон эмас!
- Олти тиллога...
- Арзийди...
- Ҳўқизга қўшиб беришди...
- Шунчалик арзонгами?
- Шунчалик қимматга.
- Нечук?
- Қари ҳўқиз ҳаром қотиш арафасида эди.

— Ҳаром қотиш арағасидаги қари ҳўкизни сен нима қилдинг?

- Терисини шилиб олдим.
- Терини нима қилдинг?
- Китобга айлантирдим.
- Қандай китоб экан у?
- Йиллар китоби...

Хукмдор озроқ тин олди. Сўнг бир тўхтамга келиб, шартта ўгирилди.

- Бу китобни кимлар ўқийди?
- Менинг халқим...
- Сенинг халқинг кимлар?
- Ўқуз* ортидаги буюк текислик чавандозлари.
- Саклар!..

Подшонинг пешонаси тиришиб, ўткир кўзларида заҳарли ифода ялтиради, баногоҳ, қалтис вазиятга йўлиққанини Бўзқурт икки тарафидаги шотирларнинг сергак тортиб, маҳкамам чангллаганларидан англади. Бироқ, уларнинг кейинги дағал харакатларига хожат қолмади. Хукмдор «қўяверинг» дегандек, қўлини кўтарди. Ўртага ўлик сукунат чўқди. Асир хозир ҳаёт-мамоти ҳал бўлишини сезди. Яна ўша хукмрон овоз янгради.

- Китобга нималарни ёзасан?
- Ҳақиқатни.
- Қандай ҳақиқатни?
- Дунё ҳақиқатини...
- Унда ёё!

Шу заҳоти сарой ходимларидан бири олтин лаганга солинган ҳўкиз терисини келтирди. Иккинчиси тоғ бағридан доривор ўсимликлар тераётиб топиб олган ўша қарға патини узатди. Бўзқурт пўстакни рўпарасига ёйгач, қўйнидан митти тугун чиқариб, ичидаги кукунни эриган шам томчилари гиламга тўкилмаслиги учун қўйилган зар пиёлалардан бирига солди. Устидан сув қуйиб қориштирди. Сўнг ёзишга шайлануб, ҳукмдордан амр кутди.

Подшоҳ тиззаларига қўлларини тираб, ҳайбатли тусга кирди-да, мағрур нигоҳини кўкка тикиб, тантанавор оҳангда гапира бошлади.

«Мен Кир иккинчи, буюк шоҳ, шоҳлар шоҳи — шаҳаншоҳ, форс шоҳи ва ўзга мамлакатлар шоҳи, Чишишининг набираси, Ахоманий...» У оғир тин олиб, синовчан нигоҳини икки томонида қўл қовуштирган мулоҳизимларига қадади. Мулоҳизимлар енгил таъзим орқали ваъзни тасдиқлаб, ерга термилишидди. Бўзкурт эса айтганингизни ёзиб бўлдим дегандек, тўлғаниб қўйди. «Шоҳ Кир иккинчи айтади: менинг падарим Камбис, Камбиснинг падари Кир биринчи, Кир биринчининг падари Чишиши, Чишишининг падари Ҳахоманишдир. Шу боис бизни Ахоманийлар, деб аташади. Шу боис биз қадим-қадим замонлардан бери ҳурмату эъзозга ноилмиз. Қадим-қадим замонлардан бери ҳукмдорлар авлоди ҳисобланамиз. Менга қадар сулоламиздан тўрт киши юрг сўради. Бешинчиши — мен! Биз — бешовлон бирин-кетин дунёга ҳукмронлик қилдик...»

Бўзкурт қарға патини қўлбола сиёҳга ботириб, эшитганларини хўқиз терисига битаркан, калласи фикрлашдан бир лаҳза тўхтамас, бинобарин, бу фавқулодда ҳодисадан қалбининг туб-тубларида кўкарган миттигина хижиллик улғаяётган, лак-лак чериқдан омон қутулиб кетиш илинжи эса тобора кичрайиб, қисматга бош эгишдан ўзга чораси қолмаётганди. Иккинчи томондан эса, тақдир уни айнан Кир Ахоманийнинг ўзига учраштирибдими, буни Парвардигор тухфаси сифатида қабул этмоқ жоиз...

«...Мен Ахурамазда* иродаси ила шоҳман. Менга салтнатни Ахурамазда берди. Ахурамазда иноятидан ушбу мамлакатлар менга тегди ва улар устида ҳукмронлик қилдим: Форс, Элам, Бобил, Оссурия, Лидия, Иония, Арахозия, Мидия, Арманистон, Каппадокия, Парфия, Саттагидия, Гандҳара, Дрангиана, Мака, Бактрия, Сүғдиёна — жами ўн етти мамлакат...»

Бўзкурт мазкур юртлар ҳақида бир неча йиллик сарсон-саргардонлиги давомида кўп марталаб эшитган, энди эса айни ҳолатидан на қувонишни, на қайфуришни билмай талмовсираса-да, ҳалиги «Яратганинг ўзи учраштирди», деган порлоқ фикр туфайли буларни бир кунмас бир кун ўз қисматига, ўзининг жанговар ҳалқи қисматига боғланишини чуқур ҳис қилас, шу сабабли шоҳнинг оғзидан чиққанларни оқизмай-томизмай ёзаркан, ҳикоя дебочасида кўнглида

кўкарган митти хижиллик улканлашиб тоғдек шубҳаларга айланар, тоғдек шубҳалар таъсирида уйғонган таҳлика эса титроқ вужудига тобора сингиб борарди.

«...Ахурамазда иродаси билан Бобилни фатҳ этиб, бузғунчилик, жиноят, фаҳш ва барча ёмон иллатларга чек кўйдим. Энди бўлса, ягона Парвардигорим буйрувига биноан бошқа мамлакатларга йўл тутдим...»

Бўзкурт кўққис ёзишдан тўхтади. Шоҳ фикри бўлинганидан норози эснади.

- Сўйла!..
- Ахурамазда Яратгандан буюкроқми, шаҳаншоҳ?
- Ахурамазда Яратганинг ўзи!
- Унда нега мамлакатларни вайрон қилишни буюради, у?
- Чунки, ўша мамлакатларда Ангроманью* уя курди.
- Ангроманьюга сен тенг келармидинг?
- Ангроманьюга биз тенг келамиз!..
- Ахурамазда шундай дейдими?
- Мобеданмобед* шундай дейди. У Ахурамазда муждасини етказгувчидир.

Кир эшик оғасига имо қилди. Эшик оғаси парда ортида фойиб бўлгач, кўп ўтмай усти очиқ кападаги атраванлардан бири — узун бўйли коҳин кирди. Шоҳ оҳангини юмшатиб, буюрган бўлди.

— Мобеданмобед Ахурамазда каломларини манави гумроҳга тушунтиурсин.

Коҳин эшитилар-эшитилмас шивирлади.

— Хумата, хухта, хваршта!.. Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал!..

Бўзкурт ажабланди, Ахурамазда динининг устоз айтган саккиз таълимотдан учалик фарки йўқ экан.

— Эзгу онг, эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу хулқ, эзгу ҳаёт, эзгу дикқат, эзгу мақсад, эзгу оқибат*. Бу — жами башариятга хос...

Мобеданмобед ва шаҳаншоҳ бараварига Бўзкуртга ўгрилишди. Уларнинг айни ҳолатларида ўзларидан билимдонроқ зот олдидаги маънавий ожизлик акс этса-да, мағлубиятни тан олмаган коҳин раддияга баҳона излаб онгининг энг хилват қатларига оралай кетди.

- Улар ўликларни кўмадилар. Ҳолбуки Ер, Сув, Ҳаво, Олов муқаддас унсур саналади.
- Тангри эса барчани тупроқдан яратган ва тупроқقا қайтаришни буюради.
- Бўри деву инс-жинсларга қондош ҳайвон. Сенинг халқинг бўрига эҳтиром билдиради.
- Халқим ўз аждодини хўрлатмас!..

Мазкур савол-жавобдан кейин ҳашаматли қўналғада мурракаб вазият юзага келди. Шаҳаншоҳ ва мобеданмобед билан баҳслашган ҳар қандай таваккалчи ўлимга маҳкум этилиши ҳеч кимга сир бўлмаса-да, дангалфеъл Кир зуваласидаги ҳақиқатпарварлиги сабабми, бу гал жиддий мулоҳазага берилди. Аллақачон тирриқлик йўлига ўтган коҳин эса ҳукмга интизор бетоқатлана бошлади.

Ўртага тушган қалтис сукунатни яна Бўзқуртнинг ўзи бузди.

— Модомики шундай экан, шаҳаншоҳ, сен зўрма-зўраки баҳоналарни рўкач қилибгина Ўкуз ортига бостириб боролмайсан. Бойлик орттириш илинжида бўлмасанг, албатта...

Тамом-вассалом!.. Соқчилар асирни қароргоҳдан чиқариб, нариги чайлага элтишди. У тақдирига тан бериб, ўртага сочилган похолга чўзилди ва кўэини юмганча бояги мунозарани дилдан такрорлашга тушди. Орада она халқи билан Кир Ахоман ўртасидаги адоват сабабиниям излай бошлади. Бу зиддиятлар эса юз йиллар бурун дунёни титратган Мидияга тақалишини ҳалича билмасди у.

13-БОБ

Агридар*

Эрамиздан олдинги тўққизинчи-саккизинчи асрларда янги ватан илинжида кўчиб юрган мидёнлар Ҳиндикуш этакларидан Месопотамия худудига эниб, серҳосил ерларга жойлашишди. Бироқ осуда ҳаётлари узоқча чўзилмади, тезда замонанинг қудратли империяси — Оссурия хужумига учраб, қулликка маҳкум бўлишди. Орадан икки аср ўтиб, азалдан давр сурган шумерлар, аккадлар, гуттийлар, халдейлар, хурритлар, хеттлар, аморейлар, оромийлар, кассийлар, лулу-

бейлар, эламийлардан сүнг навбат уларга етди, Каштарити бошчиллигида күзөлон күтариб, мустақилликка эришиши.

Хукумат тепасига Дейүккү келгач, Мидиянинг чинакамига шавкатли даври бошланди. У мунтазам қўшин ташкил этиб, Форс ва Эламни қўшиб олди. Бироқ, дафъатан қуюндай ёпирилган ёввойи қабилалар икки дарё оралиғида янги салтанат тиклашди. Уларнинг саркардаси Ишпагай давлатига Ишакуза, деб ном берди ва ярим аср давом этган скифлар ҳукмронлиги бошланди. Бу кўчманчилар мидёнларга бегонамас, улар ҳали тарихий ватанлари – Хиндикуш бағрида умргузаронлик қилган дамларидан саклар билан курашиб келишар, зиддият тафсилотлари, ҳатто Авестода ҳам таъкидлаб ўтилганди.

Азалий қарама-қаршилик айбори аслида кимлиги но маълум, аммо муқаддас саҳифаларда кўчманчилар бош-адоқ қораланиб, рақиблари мазлум эл сифатида ёритиларди. Авество мазмунини асрлар давомида авлоддан-авлодга етказаётган мидён коҳинлари саъй-ҳаракати натижасида диний таълимотнинг моҳияти шундай ўзгарган бўлса, ажабмас. Бошқа томонлама эса сакларнинг айрим урф-одатлари ҳам бор эдики, зардушлар буни куфр санашарди. Хусусан, инсон жасади ифлос жисм ҳисобланиб, на ёкиш, на кўмиш мумкин эмасди. Яъни, Ер, Сув, Ҳаво, Олов дахлсиз экан, жирканч манбани азиз унсурга аралаштиришдан зиёд гуноҳи азим йўқ. Бунинг устига, жами ҳайвонлардан факат бўри эзгуликка қарши курашувчи ёвуз руж – Ангроманью тарафдори. Саклар эса бўрини аждод санар, мурдани иззат-икром ила дафн этишарди.

Бироқ, мобедлар томонидан атайин унутилган бошқа омил ҳам бор эдики, шу ҳисобга олинса, азалий кураш мазмун-моҳиятини йўқотиб, бемаъни зиддиятга айланиб қоларди. Чунончи, маздаизм*да Аҳурамазда ва Ангроманью қарама-қарши куч сифатида ёритилиб, қай бирини ёқлаш кишининг ўзига ҳавола этилган, яъни эътиқод масаласидаги эркинлик кафолатланганди. Шундай экан, икки халқ ўртасидаги асрий курашларни диний келишмовчиликка боғлаш ҳам ноўрин. Унда ўртага адovат уругини сочган бир афсона қолади.

...Илк одамлар чор тарафга тарқалиб, эндинга миллат сифатида ажралаётган дамларда Траэтон*нинг икки ўғли Тур

ва Салм ҳукмронлик талашиб, кенжа укалари Эражни қатл этишади. Кўп ўтмай, марҳумнинг невараси бобоси ўчини олгач, қасос гали энди бу томонга келади. Қарабисизки, навбат-ма-навбат отадан болага ўтаётган хундорлик занжири ўзини Эражнинг зурриёти ҳисоблаган мидёнлар мустақилликка эришиб, давлатларини барпо этиш йўлида кудратли Оссурия билан шохлашаётган дамларгача давом этади.

Аслида мазкур афсонани мидёнларигина жиддий қабул қилишар, сакларнинг вақти-вақти билан қўшни давлатларга босқин уюштиришларига сабаб эса бор-йўғи қон-қонларига сингиб кетган сахрои жангарилик эди. Албатта, юришлар натижасида бепоён текисликларда омонат тикилган капаю ўтовлардаги соғлом қуллару сулув жориялар сони кўпайсада, жангчиларни ёт ўлкаларга йўллаган ўзга туйфулар ҳам бўлган. Мағрур кўчманчилар сафар олдидан аждодлари шиорини такрорлаб, наъра тортишарди. «Қайтиш учун йўлга чиқмоқ керак!..»

Ана шунда томирларида чўл шамолидай қайноқ ва бекарор қонлари гупуриб, ярим ёввойи онгларини дунёга доврук та-ратиш ҳиссиётигина эгаллар, алалхусус, ойлар давомида от суриб, манзиллари сари қуюндеқ елаверишарди.

«Қайтиш учун йўлга чиқмоқ керак!..» дея хайқирган Ишпагай ҳам Ўкуз ва Яксарт* оралиғидаги сарҳадларда ўтов тиккан эл-юртини ортда қолдиргач, бепоён заминда от сурасура Гиркон* дengизини айланиб, Танаис* соҳилидан чиқди. Воҳадаги қардош уруғлар ҳисобига черикни тўлдириб, йўл-йўлакай Понт*бўйи халқларини босиб, осмонўпар Қофқаз* ортидаги кўхна заминда ўз туғини қадади. Сўнг Форсдан чиқиб, Қобулистон ва Гандхарани, Инд дарёси соҳилларидағи катта-кичик давлатларни Ҳимолай этакларигача истило этди. Бу адад дунёнинг бешдан бирига тенг бўлиб, кейинча Ахоманийлар, Искандар Мақдуний, Чингизхон ва Темургина бу жаҳонгириликни такрорлай олган.

...Мидияда қолган саклар истилочилик йўлини тутишиди, эркакларни қул, аёлларини чўрига айлантириб, доимий равишда Туронга жўнатиб туришди. Маҳаллий халқ босқинчилар назарга илмаган хотин-халажларгагина уйланиши мумкин эди. Шу тариқа, мазкур жараён қарам элларнинг қаҳр-ғазабига сабаб бўлди. Бунга навқирон авлоди ҳайдаб

кетилгап давлатнинг ҳам маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан қашшоқлашувини қўшсак, фожия кўлами нечоғлиқ экани ойдинлашади.

Юрготалари ушбу фалокатли жараённи пинҳона кузатиб, пайт пойлардилар. Хусусан, Фраорт^{*}нинг ўғли Ваҳшатра (юонча Киаксир) узокни кўзлаган шахс эди. У сакларга қарши яккама-якка кураш инқирозга маҳкумлигини англа-гач, Бобил салтанати ила хуфя битим тузади, қизи Амитас (Семирамида)ни шаҳзода Навуходносирга узатади ва икки давлат умумий душманга қарши қўзғалишга келишишиади.

Эрамиздан олдинги 625 йилда мидён қабилалари оёққа туради. Олти ойда скифлар ҳукмронлиги тугатилиб, давлатнинг мустақиллиги тикланади. Кўп ўтмай, Ваҳшатра куёви Навуходносирга қўшилиб Оссурияга ҳужум қиласди. Бу иттифоқ натижаси ўлароқ, ўн беш аср ҳукм сурган башарият тарихидаги илк империя қулайди. Бобилга Жанубий, Мидияга Шимолий Месопатамия тегади. Шундан кейин у Урарту, Парфия, Гиркания, Каппадокия ва Кичик Осиёдаги кўплаб шаҳар-давлатларни босиб олади. Бақтрияда камол топган маздаизмни давлат динига айлантиради. Натижада дунё саҳнасида янги салтанат — Мидия, янги ҳукмдор — шаҳаншоҳ, янги дин — Зардуштийлик пайдо бўлади.

Ваҳшатрадан кейин таҳтга ўтирган Иштувоқ мамлакатни сатраплик^{*}ларга ажратиб бошқаришни йўлга қўяди. Айни пайтда, давлат инқирозига ҳам замин яратади. Мидён шаҳаншоҳи дунёнинг ишлари нақадар тескари-ю, оқибатнинг қанчалар бешафқатлигини билмасди. Акс ҳолда, соҳибжамол қизи Манданани форс сатрапи Камбизга узатмаган бўларди.

Ҳаммаси вассал давлатларни маҳкамроқ ушлаб туриш истагидан бошланди. Иштувоқ Форснинг мавқеи бошқаларга нисбатан баландлашаётганини анчадан буён сезиб юрас, мабодо, бу вилоят мустақилликни истаб қолса, Мидия учун ортиқча муаммолар түғдеришини-да ҳис этаётганди. Айни сабаб, ёлғиз қизини ривожланётган вилоятнинг ёш ҳукмдорига турмушга узатиб, қариндошлиқ ришталарини боғлаш энг мақбул чорадек туюлди унга...

Эламни босиб олган зафарёр дамларда у ғалати туш кўради, чароғон осмонда тўсатдан пайдо бўлган митти учқун катталаша-катталаша куёшга айланган, бошқа юлдузлар

унинг ёрқин нурлари соясида кўринмай кетганмиш. Иштувоқ мазкур ҳодисани тобора кенгаяётган салтанатига қиёслайди. Бироқ, тахминига янам тўлиқ ишонч ҳосил қилиш ниятида ҳузурига аҳли уламони чорлайди. Шаҳаншоҳнинг ҳикоясини эшитган мунахжимлару маглар тафсирга келганда сукут сақлашади, негаки ҳақиқат айтилса, ҳукмдор пайтавасига курт тушиши мумкин...

Нихоят, мобеданмобед томоқ қиради... Иштувоқ эшитгандарини бир муддат мушоҳада қилиб, аниқ қарорга келади. Митти юлдуз бўлажак невараси — қизи Мандана ва сатрап Камбиснинг тезда туғилажак фарзанди.

Зудликда Форс томон от чоптирган саркарда Гарпаг икки ҳафта деганда, тахтиравонда малика билан қайтади. Содда қиз ота ҳузурида яшай бошлайди. Тўлроқ чорида у ҳушини йўқотади. Ўзига келганда, ҳомила ўлик туғилганини айтишади. Совуқ хабар тезда Камбисга ҳам етиб боради. Оналик бахтидан эрта айрилган Мандана йиғлай-йиғлай Эронга қайтади. Мидияда эса ҳаёт ўзгармай давом этади. Аммо, аслида бундай эмасди. Маликани дард тутган кун сарой эшигидан ғалати тугун кўтариб чиқсан Гарпаг зудликда тоғ томон елиб кетади. Унга маҳфий вазифа — киндиги кесилмаган норасидани ўлдириш буюрилган. Саркарда жанг жадалларда дийдаси қотган эса-да, бир бегуноҳни бўғиб ташлашга кўли бормайди, шавкатли аъмолини булғашни истамайди.

Тоғ бағрида сарой подавони Митридат яшарди. Гарпаг шоҳ буйругини айтиб, гўдакни унга топширади. Шу куни чўпон хотинининг ҳам кўзи ёриган, бахтга қарши, бола ўлик туғилганди. Митридат сихни ҳам, кабобни ҳам куйдирмайди, фармонни бажарган бўлиб, чақалоқларни алмаштириб қўяди.

Зийрак, аклли, кучли ва жасур бўлиб ўсаётган Агридар* отаси ҳукмдорнинг хос молбоқари эканлиги боис мулошимзодаларга берилган айрим имтиёзлардан маҳрум эмасди. Жумладан, Экбатан*га келган кезлари сарой боғида аслзода тирмизаклар билан турли-туман ўйинлар ўйнашаркан, аксар давра етакчисига айланарди. Бир куни болалар подшоҳ ва мулошимлар хусусидаги қалтис ўйинга машғул бўлишади. Навбати келганда Агридар «шахсий қўриқчи»си шахзода

Мотрудга энг баланд дараҳтдан ўзини ташлашни буюради. Жўраси унамайди. Амридан бош тортган «соқчи»ни у ўн дарра уришга маҳкум этади. Тақдир тақозоси ила жанжал тафсилоти шоҳга етиб, айборни саройга келтиришади.

«Тансоқчи»ни аёвсиз жазолаган тирмизак шаҳаншоҳга мағрур назар ташлаб, мулоғимини жазолаш хўжайиннинг шахсий иши эканлигини, бинобарин, ўйин давомида у ўз вазифасини бажарганини, агарки ҳукмдор фармонидан ҳар ким бўйин товлайверса, энг буюқ салтанат ҳам инқирозга юз тутажагини айтади. Аввалига мурғак боланинг фавқулодда қаттиқўллигига тан берган шаҳаншоҳ, бора-бора оддий чўпон зурриётининг теран фикрлаётганидан таажжубланди ва яхшироқ тикилиб, унинг қизи ва куёвига ўхша什 жиҳатларни сезиб қолади.

Иштувок буйругини бажармаган саркардани шафқатсиз жазолайди, унинг норасида ўғлини қатл эттиради. Сўнг ахли уламони кенгашга чорлади. Мунажжимлар хавф-хатар чекинганини айтиб, шоҳни тинчлантиришади. Чунки энди ўн йил бурунги башорат амалга ошган, форс вориси болалар ўйинида бўлса-да, бир марта ҳукмдорлик қилганди. Бундан бу ёфи, нари борса, сатраплик мавқеига эришиши мумкин. Шу-шу шаҳаншоҳ салтанат ишларига машғул бўлиб, мазкур воқеани эсламай қўяди. Агридарнинг ота ўлимидан сўнг сатраплик таҳтига ўтирганига ҳам, шавкатли бобокалони Кирномини олганига ҳам эътибор бермайди.

Нақадар донишманд бўлмасин, Иштувок арзандасини аёвсиз савалаган ўша болакайни сўроқ қилган куни иккинчи хотога ҳам замин яратганди. Отани жазолаш мақсадида бегуноҳ ўғилни қатл эттириб, обрўли қабила йўлбошчиси, қолаверса, салтанатнинг нуғузли саркардасини хундор душманига айлантириб қўйганди. Мудом пайт пойлаган Гарпаг ўғли ўлимидан ўн тўққиз йил ўтгач, ўзга норози аслзодалар билан тил бириткириб, қўзғолонга тайёрланади. Аммо, аксар жангчилар шаҳаншоҳга содик бўлиб, бир-икки қўймондоннинг қўлидан ҳеч нима келмас, исёнчиларни қўллаб-қувватлайдиган ташки қўшин даркор эди. Гарпаг эса бу масалада ҳам келажакни олдиндан кўра билган – ёш Форс сатрапига гўдаклигига ўлмай қолиши тасодифмаслигини аллақачон шипшишиб ултурганди.

Буюк түйондан икки минг етти юз беш йил ўтгач*, форс сатралы Экбатанга қўшин тортади. Шундагина Иштувоқ невараси юрагида таҳтга талпинаётган очкўз бир ҳиссиёт борлигини сезиб қолади.

Биринчи тўқнашув Форс ва Мидия чегарасида кечади. Томонлар уч кунлик бемаъни қон тўкишдан кейин ўз ватанларига қайтишади. Орадан олти ой ўтиб, Пасарғада* шахри ёнидаги иккинчи жангда неваранинг қўли баланд келади. Иштувоқ ортга чекиниб, Экбатан ҳимоясига киришади. Гарпаг вақт етганини англайди. Қамал қилинган шаҳар дарвозаларни очиб беради. Алалхусус, йигирма тўқиз йил бурунги каромат амалга ошади. Осмоннинг олис бурчагида хира милтираган митти учкун юлдуз тусини олади. Мидия ўзининг қарийб бир юз эллик йиллик умрига якун ясади.

Аммо, энди ғолиблар олдида янада мушкул вазифа турарди. Давлатни ким бошқаради?.. Гарпаг учун ҳозирча Кир маъқул. Кир ҳам Гарпагнинг ниятини дарҳол англайди, мамлакат ҳукмдори доим мидёнлардан бўлган, шундай экан, тезда шу саркарда ташабуси билан таҳтга акли қосир тоғаси Вахуштири, ёхуд унинг ўғли Мотруд ўтиради.

Ўзи ўн даррага маҳқум этилган воқелик сабаб Кирни ҳалигача кечирмаган, боз устига, оддий сатрапнинг салтанат илинжида от сураётганидан хавотирга тушган Мотруд ҳечдан кўра кеч, дея отини қамчилаб колишни маъқул кўради. Хуфёна учрашувда салтанат қўлига теса, Гарпагни олий рутбалардан бирига кўтаришини айтади. Кир олдинроқ ҳаракат қиласи, маккор рақибини бош вазирликка тайинлаб, қўшиндан четлатади. Унинг асл мақсадини сезса-да, Гарпаг лавозимни рад этмайди. Аммо имкон туғилса, бир-бирларини ғажишга тайёр эканликларини иккисиям яхши билар, орадаги муносабат эса вақтинчалик такаллуфлар эди, холос.

Туб мидёнлар ичидан бирор обрўли кимсага таяниб иш тутиш ҳозирча айни муддао эканлигини яхши билган шоҳ барча ишларни Гарпаг билан бамаслаҳат амалга оширади. Масалан, собиқ ҳукмдорнинг зиндонга ташланиши – Гарпагнинг таклифи эди. Туллак вазир шу орқали ўғли учун қасос олишни, кейин Мотруд таҳтга чиққач, бобо ўлимидан наби-

рани айлашни режалаштирганди. Унинг пинҳона ўйларидан бехабар Кир давлатни бой беришдан эмас, Иштувоқнинг ўлими саройда норозилик туғдиришидан ҳайкиб қатл кунини кечиктираар, боз устига, маҳбуснинг она томондан бобоси эканлиги унинг қалбида аллақачон оқибат туйғусини уйғотиб ултурганди.

Янги ҳукмдорнинг омонатлигига мидёнларнинг ишончлари комил. Кирнинг ўзи ҳам ворисликни хаёлига келтиролмасди. Унинг орзуси бегона давлат эмас, ўз салтанатини яратиш. Шундай экан, бу мақсад учун жанг жадаллар камлик қиласи. Болалигида бот-бот кўриниб, дунё сирларидан сабоқ берувчи маг айтганидек, маккорлик ҳам даркор.

Мана шу маккорлик натижаси ўлароқ, сарой амаллари мидёниларга, қўшин ихтиёри эса форсийларга берилди. Муаммони қилич орқали ҳал этиш мақсадга мувофиқлигини Кир яхши биларди. Шу сабабли, биринчи навбатда, давлатнинг ҳарбий салоҳиятига эътибор қаратилди, асосий жойларни қўриқлаш ишончли сарбозлардан сараланган ва шахсан шоҳга бўйсунувчи «Барҳаёт жангчилар»га топширилди. Бора-бора амалдорлару сатраплик нозирлари тансоқчиларигача мазкур гурухдан танланадиган бўлди. Натижада бепоён ҳудуднинг энг овлоқ бурчакларидаги мишишлар ҳам элдан бурун саройга етар, алалхусус мамлакат тўлалигича шаҳаншоҳ ихтиёрига ўтганди.

Ҳукмдорлигининг ойти Кир бобосини зиндандан чиқариб, Араҳозия вилояти ноиблигига жўнатди. Норозилик билдирган Гарпаг ўша кечасиёқ тансоқчилари томонидан бўғизлаб ташланди. Даҳшатли қотилликдан талвасага тушган аъёнлар энди шоҳ измисиз киприк ҳам қоқолмасликларини англаб, тақдирга тан беришди. Қўшин бутунлай ўз назоратига ўтиб, асосий душмани маҳв этилгач, шаҳаншоҳ башарият тарихида кескин бурилиш ясаган тарихий фармонига имзо чекди. Мамлакатнинг барча узок-яқин шаҳару қишлоқларига тарқаган жарчилар уч кеча-кундуз давомида ёлғиз бир ҳабарни такрорладилар: «Эшит, аҳли халойиқ!.. Шоҳлар шоҳи Кир Ахоман мамлакатни — Эрон, унинг шарафли халқини — форсийлар, деб эълон қиласи. Энди фақат Ахоманийларгина улкан салтанатни бошқарин ҳукуқига эгадирлар!.. Эшит, аҳли халойиқ!..»

Кўп ўтмай, пойтахт Экбатандан Пасарғадага кўчиб, Мидия ўрта сатрапликка айланди. Бу худудни бегона кимсага топшириш халқ орасида ҳақли норозилик уйғотишини яхши билган шаҳаншоҳ навбатдаги таваккалчиликка кўл уради, азалий ракиби Мотрудни сатрапликка тайинлади. Собиқ империянинг бошқа аслзода вакиллари ҳам вилоят миқёсидаги рутбалар билан чекланишга мажбур бўлишади. Ўша болаликдаги ўн дарра натижаси ўлароқ, ҳанузгача Кир олдида қалтирайдиган Мотруд эса тақдирга тан бериб, тазим бажо келтиради.

Шоҳ ҳақиқатан мардлик ва шафқатсизлик, зукколик ва қатъият, айёрлигу тадбиркорлик, жасорату матонат каби камдан-кам одамга насиб этадиган қатор сифатларга эга бўлиб, давлат устуворлигини кўп ҳолларда дин пешволари ҳал этишини, уламолар тинчлиги салтанат барқарорлиги эканини тушуниб етган биринчи хукмдор эди. Шу боис, олдинроқ унинг Бобил шоҳи сифатида қайтадан тож кийишига Бэла Мардук* тарафдорлари қарши чиқмагандилар. Негаки мамлакатда, ҳатто бутпарастларнинг ҳам ғазабига гирифтор бўлган иллатлар авж олганди.

Ершалаимдаги қадимий маъбадни* қайта тиклаганидан сўнг эса яхудий руҳонийлари Кирни юз эллик йил илгари пайғамбар Ишаъё* каромат қилган дин ҳалоскори сифатида тан оладилар. Боз устига, вассал мамлакатларга туб эл вакилларини сатрапликка тайинлаши, белгиланган ўлоннлар билан чекланиб, маҳаллий аҳолининг шахсий турмушига аралашмаслиги шоҳнинг обрўйини тамомила ошириб юборади. Энди кўплаб майда-чуйда давлатлар ҳам ихтиёрий равишда қудратли Ахоманийлар қарамоfigа ўта бошлайди. Бундан ташқари, у вассал элатларга зудликда қариндошлиқ илларини боғлар, ўзи мағлуб ўлка маликаларига уйлангани ҳолда, жангчиларини ҳам қуруқ қолдирмас, натижада, биринчидан, кечаги золим истилочилар мазлумларнинг қариндошига айланса, иккинчидан, муҳорабалар сўнгидага шахсий ҳарамларини янги-янги канизларга тўлдираётган сарбозлар навбатдаги сафарни интизор кутар, қолаверса, мислсиз салтанатнинг барча бурчакларида форсийзабонлар авлоди кўпаймоқда эди. Бу сиёsat натижасида Ахоманийлар давлати кенгайиб, ривожланиб, қудрати ошиб борарди. Хусусан, Мидияга қарашли

мамлакатлар аллақачон унинг ихтиёрига ўтган, Кичик Осиёдаги Юнон ва Ўрта Осиёдаги Бақтрия, Суғдиёна ўз хохиши билан форс сатраплигини қабул қилганди. Империя бўйлаб от чоптирган кас энди ҳеч бир хавфу хатарсиз ўз манзилига етар, савдо-сотиқ тобора гуллаб яшнаётганди. Кир шу тариқа наинки форсийзабонлар, балки бегона элларнинг ҳам ҳурмат-эътиборини қозонди.

Салтанатни эгаллаганининг иккинчи йили унинг аянчли қисматини ҳал этган воқеа рўй берди. Қаршисида тўсатдан болалик кезлари ҳар замон-ҳар замонда дунёning ишларидан сабоқ берган қария пайдо бўлди. Содиқ «Барҳаётлар» қўриқлаётган саройга бегона одамнинг тап тортмай кириб келганидан аввалига шоҳнинг капалаги учди. Сўнг чақирилмаган меҳмон ўзининг устози эканини кўриб, кўнгли бироз таскин топса-да, сирли ташриф барибирам хаёлидаги энг мураккаб жумбоқقا айланди. Устоз саройни тарк этгач, у соқчилар бошлиғи, эшик оғаси, ҳаттоки, дарбонларини алоҳида-алоҳида тергов қилди. Аммо, ёт кимсанинг ҳукмдор ҳузурида бўлганини ҳеч ким тан олмади. Кир эса буни илоҳийликка йўйиб, магта чинакамига эътиқод қўйди.

Ҳақиқатан ҳам, Гаумат^{*}нинг ҳар галги ташрифи қайсиdir муаммонинг ҳал этилиши эди. Тадбиркор устоз шогирдидан муҳим йўл-йўриқларини аямасди. Бу маслаҳатлар Бобилни истило этишда, айникса, асқатди. Уч ойлик қамалдан сўнг ҳам ғалабага кўзи етмаган Кир тарвузи қўлтиғидан тушиб, икки оёғи бир этикка тиқилган чоғ пайдо бўлган маг атрофни тўртта бедов қўшилган аравада айланиб чиққач, шашти синган шогирдига маъноли тикилди-да, ногоҳ турган ерида эриб, бир ховуч ифлос кўлмакка айланди ва шаҳарни сўл ёнда қолдириб оққанча дарёга қуйилди. Устозининг илму амалларига ўрганиб қолган шоҳ дарҳол қўмондонларни машваратга чорлаб, Бобилни эгаллаш хусусидаги янги ғояларини ўртага ташлади. Натижада, эртаси аzonдан черикнинг ярми қамални давом эттири, қолганлари ўнг биқиндан, кечаги кўлмак йўналган из бўйлаб улкан хандақ қазишга тутинишди.

Қамал аҳли форсларнинг тушунарсиз^{*} ва бемаъни ишларини роппа-роса олти ой томоша қилди. Шаҳарни айланиб, дарёning куи оқимиға туташтирилган ўн уч чақиримлик

сунъий ўзан битгач, Кир дамбани очишни буюрди. Ёгийнинг асл муддаосини ниҳоят англаган Бобил подшоси Набонид энди тўрт томонга нечоғлиқ зир югурмасин, тарози палласи рақиб фойдасига босиб кетганди. Гап шундаки, Фурот шаҳарлар шахри*нинг қок ўртасидан оқиб ўтар, Кир уни янги изга бошқаргач, Эрон қўшинлари қурган эски ўзан ўрнида очилган баҳайбат тирқиши орқали бориб, Бобилни забт этгандилар.

Шундан кейин Гаумат Ахоманийлар саройининг ҳам, буюк ҳукмдорнинг ҳам олийнасаб меҳмонига айланди. Шаҳаншоҳ, баъзан, ҳатто, муҳим кенгашларини тўхтатиб, фақат у билан суҳбатлашар, айрим ҳолларда, ҳукумат ишларини ҳам ташлаб қўярди. Шундай кунларнинг бирида устоз шогирдини қасамга тиради. Даставвал, биргаликда қилинган оламшумул ишларга тўхталиб, хизматларини эътироф этди. Кир миннатдорлик сифатида унинг ҳар қандай тилагини бажо келтиришини таъкидлади. Айнан шуни пойлаётган Гаумат ҳозирча ҳеч нима керакмаслигини, шогирд ростдан устозни мукофотлаш ниятида экан, давлатни янада мустаҳкамлаши, қолаверса, аждодлари руҳини шод этиши лозимлигини айтиб, максадга кўчди. Тажрибали Кир бу маслаҳат ногўрилигини, енгилмас кўшин муқаррар ҳалокатга йўлланаётганини дарҳол англади. Аммо бошини қаёққа урмасин, ғишт қолипдан кўчган, у шоҳона қасами билан ўз оёқ-кўлини ўзи боғлаб берганди. Шу-шу бемаъни сафарни орқага силташдан ўзга чораси қолмаган ҳукмдор устозга кўринмасликка урина бошлади. Гаумат эса бехос кутилмаган жойларда пайдо бўлар, заҳарханда табассум билан шоҳона онтни эслатиб, кўздан йўқоларди.

Майда-чўйда мамлакатларни забт этишга андармон Кир навбатдаги сафардан қайтиб, ўғиллари ила суҳбат қураётганда, маг яна пайдо бўлди. Бузрукворнинг гаройиб устози ҳақида бурунроқ эшитганларига қарамай, шаҳзодалар ҳалича уни яқиндан кўрмагандилар. Шундай шарафга ноил бўлгач, сиртдан мулоим ва ораста Гаумат негадир нохуш тасаввур уйғотса-да, азбаройи отага ҳурмат юзасидангина сукут сақлашди. Маг уларга эътибор бермай, эски таваллосини бошлади. Ёш Ахоманийлар – Камбис ва Бардий* сирли мунозарани аввалига тушунишмади. Гап олис Бактрия ортидаги

ўлкалар ҳақидалигини англагач эса ҳайратдан елка қисиши. Чунки дунё яралгандан бүён ҳеч ким бу заминни забт этолмаган, боз устига, ҳар қандай босқинни кўчманчиларнинг ўзлари яхшироқ амалга оширишарди. Йўқ, фотиҳлар халқи жанговарлиги учунмас, бу бемаъни ва бесамар иш эканлигидан ўша юргларга юрмасди.

Ростдан ҳам скифлар салтанати иморатсиз шахристонлардан, шахристонсиз мамлакатлардан иборат эди. Бошдан-адоқ қуёш тифида ёнган қумтепалардан ташкил топган ҳудудларда ўзларидан бошқа одам яшолмас, табиийки бундай яланроҷ ерларга ҳеч ким даъвогарлик ҳам қилмасди. Шундай экан, бу бемаъни босқинни бошлиш учун кишига аниқ мақсад ва маънавий тасалли керак. Шу куни Гаумат ҳаётбахш таскин манбаини очди. Очди-ю, келтирган далиллари Кирни руҳлантириб юборди. Ҳа, у шоҳнинг энг нозик пардасини топган, энди шуни қитиқлаб, мақсадига етаётганди. Саҳрайилар форслардан фарқли ўлароқ, ўликларни дафн этишарди. Бу маросимнинг шаҳаншоҳ ғурурини поймол этган жихати шундаки, улар марҳумга қўшиб қул ва жорияларни ҳам кўмишарди. Ўша бегуноҳ қурбонларнинг аксари мидёнийлар эди...

Суҳбат давомида шоҳ қалбida уйғонган ўч ҳисси ғимирлай-ғимирлай тобора катталашар, отанинг мағруона худбинлигини яхши билган ўғиллар энди уни орқага қайтариш мушкуллигидан нафратга тўла нигоҳларини маккор Гауматга тикишдан ўзга иложлари қолмаганди.

Эртаси куни оммавий сафарбарлик эълон қилинди...

Тўғри, шаҳаншоҳ қалбининг ҳам қайсиdir бурчида бу ишлари унчалик тўғри эмаслигига миттигина ишонч баркарор. Аммо, қарши фикрлари каттароқлиги сабабли ниятидан қайтолмайди. Илло, ҳамма гуноҳни кечирсаям, аллақандай бетайин кўчманчилар орий ҳалқни тириклай кўмганини кечиrolмайди. Бошқа томонлама эса нақадар ҳақ бўлмасин, олис йўлга даъват этаётган асоси кифоя эмас. Ўша пасттекисликка етиб боргач, душманни қаердан излайди? Бебошвоқ тўдаларни кувиб, сахроларда улоқиб юраверадими? Енгган такдирида, эвазига нимага эришади? Сакни эгалладим, деб қайси маконни кўрсатади, янтоқдан бошқа ўсимлик ўсмайдиган биёбонними ёки саноқсиз қумтепалардан иборат

ғаройиб шахристонларними? Мушоҳада учун мавзулар етарли, бироқ ҳукмдор энди сўзидан қайтолмайди.

Ана шундай зиддиятли фикрлар ичра яшётган Кир сафарга чиққанинг иккинчи ойи Бақтрияга етиб, Балхга кириш олдидан уч-тўрт манзиллик йўлда дам олаётганда, Ҳиндикушдан тушган роҳибнинг даъватларига қисман қўшилди. Уни олиб кетишларини буюргач, узоқ мушоҳада қилди. Саҳарга яқин асирни жазолашдан кўра муроса тадбирига жалб этишни маъқул билиб, уйқуга кетди.

14-БОБ

Унинг исми Тўмарис...

Ҳали заргалдоқ тусли биёбонни иккига ажратган карвон сўқмоғи четида чўзилган кимса тепасида осилган кафтдек булат соясида на тириги, на ўлигини билмай донг қотганда, ҳали Мидён шаҳаншоҳи Иштувоқ Форс шаҳзодаси – Кир Ахоманинг келгуси режаларидан бехабар даврон суратданда Туроннинг улуғ дарёси* қуий оқимида макон тутган масйофут* қабиласида бир чақалоқ дунёга келди. Одатда саҳройилларда қиз туғиладими, ўғил туғиладими – ҳаммаси тўю тантаналарга боғланарди. Шу сабаб, уруғ башған*и Гўйлихон ўксинмади. Аксинча, яйловдан тўққиз от ва тўқсонта қўй келтириб сўйишни, тўққиз кун ўтгач, халққа дабдабали тўй бериб, фарзандига муносиб исм қўйишини эълон қилди. Соҳилдаги оувулларга чопар жўнатилди.

Ҳафта ўтиб, тонгдан қабила йигитлари дарёга чиқишиди. Улар текис ходалар маташтириб боғланган солларда сузиб, қамиш чамбаракларда балиқ тутишга тушдилар. Ов унумли бўлди, саксовул новдаларидан тўқилган ёйик саватларда келтирилган балиқлар тезда сараланиб, чавоқ*лар шўрвага, катталари қовуриш учун ажратилди. Индини сўйилган отларнинг гўшти мис қозонларга ташланди. Қўй гўштлари эса тузланиб, даланинг хушбўй ва доривор кўкатлари сепилгач, ивитилган каттон* парчаларига тутиб, ўтов керага*ларига осилди.

Эртага маросим, деган куни хотин-халажлар тонггача ўчоқ ёнидан аришмади. Чўриларнинг аксари (мидёнлар)

от ва қўй гўшти истеъмол этмаганлари сабаб, масйофтлар уларни қозон-товоққа йўлатмай, супур-сиdir, чорвачилик, уйғона бошлаган ўсмиrlар бўшуг*ини қондириш ва марҳум жангчиларга қўшиб қўмиш учун сақлар, пишир-куйдир эса бекаларнинг ўзидан ортмасди.

Тун ярмидан оққанда от гўштидан мўлжалланган таомлар пишириб бўлинди, хисоб. Шундан кейин суви сиздирилган қази-қарталарни тапчан*ларга ёйиб, устидан қамиш чамбаракларни тўнкаришди.

...Кўёш уясидан мўраламай, биёбон узра буғ* чалинди-ю, овулда ҳаёт қайнай кетди. Кеча ярим тунда етиб келган баҳшилар барбат* чалиб, бобокалонлари ҳақидаги термаларни куйлашга тушишди, атрофда давра ясаган ёш-яланлар қалбларида аллатовур қаҳрамонлик ҳиссиётини туйиб, ҳаёлга чўмдилар.

Ҳуллала, ҳуллала, ҳуллала...*
Тураннинг буғро эли,*
Элининг ёвқур ули,
Ўгузхон!.. Ўгузхон!..

Шибани жойлаб жатанга,
Ўқ отар тўрт томонга,
Ёгий босиб келганда,
Билдиринг Ўгузхонга, ҳуллала!..

Бўзбўриси алдинда лўқиллар,
Астидаги тулпори гурсиллар,
Буғро элнинг ўғлони, Ўгузхон
Юлдузларга от қўяр, ҳуллала!

Чериги бор ўн туман, Ўгузхон,
Узоқларни кўзлаган, Ўгузхон,
Қайтиш учун отга мин жон элим,
Бошингдаги алп хоқон – Ўгузхон!..

Сал нарироқда эса бир тўда йигитлар кўкка сапчиган тулпорларини совитиб, улоққа тайёрлана бошлишди. Улар эрталабдан жишим* кийган жалма*ларини эгар қошига илиб, мусобакага ҳозири нозир турардилар.

Қабила қизларининг уч-тўрт нафари алоҳида тайёргарлик кўрган, аллақачон эркакча кенг сарабара* ва эчки терисидан тикилган чориқ кийиб, белини сириб боғлаганча йигитлар илиа беллашишга тайёрланаётган баланд бўйли қотма қиз атрофида куймаланардилар.

Куёш найза бўйи кўтарилиганда, илк меҳмонлар пайдо бўлишди. Улар овул атрофида бир қур айланиб секинлашгач, кўриниш берган Гўйлихон қўлларини кўкрагига чалиштириди. Аввал йигитлар, сўнг ёши улуғлар отдан тушишди.

Дастлаб эгарни тарқ этганлар қарама-қарши томонга ажралиб, ўртада уч-тўрт кишига лойиқ йўлак ясаши. Ана шу из бўйлаб бир томондан мезбоң, иккинчи томондан меҳмонлар олға юришди. Қариялар қучоқлашиб кўришгач, ёш-яланг ҳам ўзи билгандай саломлашди. Этаги ярим белга кўтариб боғланган ўтовларга таклиф этилгач, барчалари хом теридан тайёрланган камарларини қиличлари билан остоноада қолдиришди-да, қурга киришди.

Худли шундай илтифоту мулозамат ила орқа даштдаги яна икки сак қабиласи ва дарёнинг нари бетидан ташриф буюрган қўшни уруғ кутиб олинди.

Тантана қатнашчилари жой-жойларини эгаллагач, сопол косаларга салқин хаома* куйилди. Изидан ўтган тун тайёрланган қази-карта ва тонгда сўйилган қўй гўштидан сўқилма* тортилди. Меҳмонлар дастурхонга андармон эканлар, кеча зиравор сепиб тузланган этнинг ярми атрофидан олов ёқиб қиздирилган товасимон тошларга ёйилди. Қолган бурдалар хўл саксовул буталарига осилиб, тагидан ўт қалангтан маҳсус тандирларга босилди. Ўралар устига шоҳ-шабба тўшалиб, устидан лой шувалди...

Коринлари тўйгач, хушбўй хаома таъсирида масиқкан меҳмонлар ташқарига шамоллашга чиқдилар. Катталар тўдаларга бўлиниб паст овозда нималарни дир гурунглашаркан, ёшлар чор атрофдаги тўй юмушларига овора бўй қизларнинг хумор нигоҳларини излай бошлишди.

Қариялар ўтовидан чиқиб келган Гўйлихон тўй тантаналарига бағишлиланган мусобақалар бошланишини эълон қилгач, меҳмонлар орасидан ёргучилар* сайланди. Ёш-яланлар рўпаратаги сайҳонликнинг олис бурчагига, тахминан юз-юз эллик



қадам нарига одам бўйи баробар ходаларни тиклаб, учига кечаги қўйларнинг калла суюкларини қоқиб келишди.

Олдинга елкасига ўқ-ёй солинган қурмон* илиб, меҳмонлардан тўрт йигит, мезбонлардан эса бояги хипчабел қиз чиқди.

...Гўйлихоннинг учар отларининг довруги нафақат яқин атрофга, балки узоқ Суғд ва Бактриягача ёйилган бўлиб, тублур* тулпорлар илинжидағи қирриқ актаси*лар дунёнинг тўрт томонидан бу қақроқ биёбонларга тез-тез ташриф бу юришарди. Айни тантаналар шу масъулиятни бирмунча енгиллаштирганди. Негаки, бояги тўрт нафар йигиту сарвқомат қиз ялангликка чикишлари билан дашт томондан сайислар етовида гижинглаган бешта яйдоқ той пайдо бўлди. Сўнгра ижозат берилди. Чопаронлар бурнидан ўт пуркаб, кўкка сапчиётган фўнон*ларга отилишди. Жиловдорлари бўшатган тулпорлар тўсатдан, сакраган чавандозлар залворидан беллари бир майишиб, жон ҳолатда олға интилишди. Шамолдек елиб жўнаган аргумоклар, йўл-йўлакай канадай ёпишган эгаларини итқитишга ҳарчанд уринмасин, на йигитлар, на қизгина бўй бермади. Қайтанга отларининг турнабўйинларига энгашганча, йирокларда сарғайган кумтепалар ортида ғойиб бўлишди. Чорак соатлар ўтиб, узун соchlари яловдек ҳилпираған илк чавандоз — Гўйлихоннинг қўкалдош*и Хулугнинг қизи Дубчароқ қўринди. Унинг қадди-қоматини ғоз тутиб, юганни ўз ҳолига қўйганча, қўлидаги ёйни яланглик этагидаги ходаларга тўғрилаб елишига қараганда, той жиловланганди.

Томошабинлар ёнидан ўтаётганда гирик бўшатилди. Шувуллаб учган ўқ чаноқقا санчилди.

Қизга изма-из елаёттан йигит ҳам оломонга тенглашиш баробарида мўлжалга бехато урди. Сўнг яна икки ва ниҳоят охирги отлик қўринди-ю, ўзга чаноқлар ҳам оний зарбадан дириллаб силкинаверди.

Ёрдамчилар нишонларни келтиришгач, натижа эълон қилинди. Ўқларнинг ҳаммаси мўлжалнинг қоқ пешонаси-га санчилганидан мусобақанинг биринчи тури олий дараҷада ўтди, деб ҳисобланди. Бироқ, ўйин тугашига ҳали эрта. Энди елкасига баҳайбат жатан илиб, яккама-якка куч синашиш ниятида олға интилган дастлабки икки ғолиб кумтепалар бағрига сингиб кетди. Нафас олмай кутаёттан

халойиқ, ниҳоят барханлар ортидан бирваракайига отилиб чиққан чавандозларни кўрганда, бўрондек гувуллади.

Суворийлар олдин-кетин от суришаркан, оралиқ масофа жўрттага қилгандек беш юз қадамда атига икки қарига* ҳам ўзгармас, анча вакт бундай муросасиз томошани кўрмаган оломон гоҳ ҳайҳайлар, гоҳ чапак чалар, чавандозлар эса кўллари куролда, нишондан кўз узмай шамолдек елишарди. Улар мўлжалга яқинлашгач, бехосдан чириллаган садо янгради ва икки қулочлик ўқларнинг даҳшатли зарбасидан титилган чаноқлар парча-парча бўлиб тўрт томонга сачради. Оломон баттар гувуллади. «Хуллала!..»

Чавандозларга ўзлари жиловлаган тулпорлари мукофот тариқасида берилди. Боз устига, сўнгги икки қахрамонга тўрттадан совлиқ ҳам тухфа этилди. Аммо, бу ҳали ҳаммаси эмас. Халойиқ тинчигач, Гўйлихон олдинга чиқди. У бояги қизни ёнига чорлаб, хитоб қилди.

— Эй, Хулугнинг зурриёти! Сен ўзингни улуғ момоларимиз — эммисоқларга* муносиб эканингни исботладинг. Масйофутнинг зўр жангчиси Хулуг қизалоги билан ҳар қанча фахрланса арзиди. Энди сенда ҳеч кимнинг ҳақи қолмади, истасанг, шу йигитлардан бирига қўшилиб кетишинг, истасанг овулда қолиб, отанг танлаган рўзгорда Табиту рут* хизматида бўлишинг мумкин...

Киз ёнидаги ўтинчли термилаётган йигитга беписанд қараб олди-да, мағрур нигоҳини Гўйлихонга қадади.

— Эй, қабиласини эзгу йўлларга етакловчи башған!.. Эй, чорвасини майсалари ҳазонга айланмаган яйловларга етказгувчи чўпон, элати рўзгори учун қуллар ва қирнак*ларни асир этгувчи улуғ жангчи, рухсат эт, истагимни сўйлай!.. — У ҳалқига чуқур таъзим бажо айлаб, давом этди. — Мени онам ўзга юрт учун туғмаган. Аёзларда қўшни қабиланинг мақтанчоқ жангисини оғушига олсин, деб улрайтиrmаган. Ёт элнинг момосига айлансин, деб тилак тиламаган. Мени отам юртнинг тўмар*и бўлсин деб, элининг ҳимоячиси бўлсин, деб ўстирган. Қаватимдаги алпоғут* нақадар паҳлавон бўлмасин, масйофутнинг ботирларини унга алишмайман! Рухсат эт, овулда қолай!..

Унинг тантанали нутқини дикқат билан эшитган оломон бирдан гувуллади.

«Тўмарқиз! Тўмариз! Тўмарис!..*»

Гўйлихон қизил турқага* ўралган чақалоқни қўшқўллаб баланд кўтарганча, хитоб қилди.

— Хулугнинг қизи!.. Хоҳишинг билан менинг фарзандим Тўмарис аталди. Қўйган исминингга рози бўл!..

Дўбчароқ чақалоқни авайлаб бағрига олди-да, эрка оҳангда шивирлади.

-- Менинг жажжи синглим, Тўмарис!.. Исминг жисминингга муносиб бўлиб ўс! Ўз халқинг меҳрибони бўл! Ўз халқинг фамхўри бўл! Ўз халқинг кули бўл!..

Шу билан чақалоққа исм қўйиш маросими тугади. Энди оломон баландроқ жойдан қабилалар ўртасидаги улоққа кўз тикди. Гоҳ у, гоҳ бу томоннинг қўли баланд келган кўпкари чошгоҳгача давом этди. Кейин меҳмонларни қайтадан қўнал-фаларига чорлашди. Дастурхонга совуқ қимиз, эрталаб тандирга осилган, ясси тошга босилган эт, изидан чавоқ шўрва ва қовурилган балиқ тортилди. Базм тонгга яқинлашиб, соғинч алёрларига уланди:

*Ҳуллала, ҳуллала, ҳуллала!..
Биёбонлар бағридан урсиллаб,
Арқиши* келар отлари гурсиллаб.
Яҳши савчи* бор бўлсин, от қўйисин,
Кутуб олинг, ҳуллала, ҳуллала...*

Тусқавуллар, ким ўша желкинлар*?
Липоқсой*нинг баласи, ҳуллала.
Арпоқсой*нинг баласи, ҳуллала.
Колоқсой*нинг баласи, ҳуллала...*

15-БОБ

Дубчароқ

Дубчароқ Хулугнинг яккаю ягона фарзанди эди. Шу сабабли қизи бегона йигитни рад этиб, овулда қолиш истагини билдиргач, ота арзандасини алқай кетди. Бу пайтга келиб, унинг деярли барча орзулари ушалган, энди бемалол қариллик гаштини сураверса ҳам бўлар, негаки эркатоий ақлли чиқиб, эл ичида катта обрў-эътибор қозонганди.

Нафсиlamри, Дубчароқ ўша ўғлонни танлаган такдирда ҳам ҳеч ким монелик килмас, очиқкүнгиллик билан узатган бўлишарди. Аммо, у ҳолда қиз нақадар жасур ва зийраклигига қарамасдан, бор-йўғи оддий бекага айланарди. Энди эса қабилага йўлбошчилик қилиш каби шон-шуҳратдан-да умид узмайди. Фақат ботир жангчига турмушга чиқса, бас.

Шундай бўлди ҳам, кечаги ёйандозлик мусобақасида қиз билан баб-баравар беллашган Догон Дубчароқ овулида ўз ўтовини тикишини айтди. Бундан боши кўкка етган Гўйлихон четроқдан шамолгоҳ жой қўрсатди. Орадан ўн-ўн беш дакиқа ўтар-ўтмас, масйоғут куртға*лари Хулугнинг куллари келтирган янги ўтовни тиклашга киришдилар...

Гўйлихон ва Хулуг келин-куёвга ўзлари мусобақада эришган совринларидан ташқари олтитадан қўй, иккитадан қорабош* ва иккитадан жория ҳадя этишди. Айни пайтда, Догоннинг йўлдошлари ҳам қараб туришмади. Ўнови уловларини совға сифатида қолдириб, шерикларига мингашиб кетишли. Маросимнинг ўзга иштирокчи қабилалари ҳам иккитадан йилқи, тўрттадан совлиқ бағишладилар. Шу тариқа мусобақа учун берилган ёй ва жатанларни қўшганда, оиласининг бор бисоти курол-аслаҳаларигача тайёр бўлгач, маросим қатнашчилари уларни буғ ва кумруг* садолари остида кузатиб қўйишли.

Йил ўтиб, туғилган фарзандларига от қўйиш маросимида яна бурунги базму зиёфатлар, қизгин ўйинлар тақрорланди. Бу гал чақалоққа исм бериш ҳукуки қабиланинг бўз йигити Шуменга насиб этди. У Догоннинг синглиси Қарлиғоч* билан беллашиб, тенг курашдан сўнг меҳмон қизга қўшилиб кетишини маъқул кўрди. Унинг хатти-ҳаракатидан келиб чиқиб, бувакни Кўнуктоз*, деб аташди.

Тўмарис ва Кўнуктоз бирга улгайди. Улар совут кийиб, курол кўтарадиган ёшга етгандан бошлаб, маросим ва тўйлардаги беллашувларда фақат ғалабага эришавердилар. Тезда чор теграга Гўйлихоннинг гўзал ва жасур қизи ҳақидаги овозалар ёйилди. Дарёнинг нариги бетидаги масйоғут ва теваракдаги ўзга уруғ йигитлари ҳам энди булжар*ларга Тўмариснинг назарига тушиш учун ташриф буюардилар. Бироқ қизнинг ишончли шериги анчайин ўсмирлигига қарамай, нордай-нордай йигитларга имкон қолдирмас, усти-

га-устак, унинг ўзи ҳам ҳар қандай жангчидан мохир ва кучлироқ эди.

Қиз ўн бешга, йигит ўн тўртга қадам босганда Дубчароқ қабиланинг урагут* йўлбошчилигига сайланди. Энди у барча ишларда Гўйлихон билан тенг овозга эга эди. Келгуси йили эса Тўмарис ва Кўнуқтознинг тўйи бўлди. Мазкур никоҳ натижасида икки башған қариндошга айланганлиги туфайли бирори истеъфога чиқишига тўғри келди. Саҳройиларда уруғ улуғлари овоз бериш йўли билан сайланса-да, қариндошларнинг биргаликда юрт сўрашларига руҳсат этилмасди.

Анча қариб, кучдан қолган Гўйлихон ўз ўрнига Эртуз ўғлини таклиф килди. Оқсоқоллар қенгашида Тамиртош бошчиликка сайланди. Янаги йил Кўнуқтоз ва Тўмарис фарзанд кўриб, янги меҳмонни Сипархан деб аташди. Сипархан ўн тўртга кирганда уруғ бекалиги Тўмарисга ўтди. Худди шу кунларнинг бирида Эрон шоҳи Кир иккинчи Ахоман катта кўшин тўплаб, йўлга чиққани ҳақидаги ташвишли хабар тарқалди. Совуқ мұждани етказган сұнд савдогарлари орқага қайтишлари билан, мидёний қуллар ғимирлаб қолишиди.

Вактида чораси кўрилмаса, пинҳоний норозиликлар кўзғолонга айланишини ўз вактида хис этган Тамиртош ҳар қайси оиласдан бир қорабош, бир жория, умумий ҳисобда мингта қулни овулга туташ барханлар ортига элтиб, сўйишга буйруқ берди. Саклар одати бўйича жазони жанг кўрмаган ўспириналар амалга оширишди...

Азалий анъаналарни қонуний санагувчи Тўмарис оммавий жазони одатдаги ҳолдек қабул килди. Сўнг уни Эрон фотиҳининг дарё ортига назари тушиши сабабларига боғлаб, бирдан бошига таёқ теккандек бўлди. Негаки, аёл тонгда қатл этилганлар ўрнига ўз қабиладошларини қўйиб кўрганди. Бекорга султон суюгини хўрламас, дейишмаскан, ич-ичидан исёнкор ғалаён уйғонди. Кўзлари қизариб, бетига алам изтироби кўпчиди. Бироқ охирги дамда буларнинг атиги ноҳуш хаёл эканини эслаб, ҳушини йиғди-да, индамай ортига бурилди.

Тўмариснинг фикрича, ҳали ҳеч ким қўчманчиларни бўйсундирган эмас, боз устига, бу қақроқ чўлларда бегона

халқларни ўзига тортадиган на бойлигу на серунум ерлар, на бокий шаҳарлар бор. Шундай экан, ярим дунёни эгалланган шоҳ не мақсадда форатга отланди?..

Ўйлаб ўйига етмади. Охири отасига маслаҳатга жўнади. Гўйлихон мушкул саволга жавоб беришдан олдин тарқоқ хаёлларини йиғмоқ ниятида чукур тин олиб, гапни узокдан – Ўғузхондан бошлиди. Сўнг Тарғитойга, Алп Эр Тўнгага алоҳида-алоҳида тўхталди. Нихоят, муддаога яқинлашиб, форслар ўтмишдаги мағлубиятлари учун ўч олмоқчилигини айтди. Отасининг гаплари ўзининг сал бурунрок ўйлаганларига мос келса-да, Тўмарис ҳайрон, наҳотки Куруш*дай тажрибали саркарда олис ва бемаъни сафарларга бобоси замонидаги босқинлар сабаблигина отланса? Қолаверса, бундай масалаларни энг қаттиққўл мустабид ҳам ёлғиз ҳал этмайди. Шундай экан, туман-туман кўшинни номаълум элларга йўллагувчи бошқа баҳона ҳам бўлиши керак!..

Бу сафар Гўйлихон уч юз йил илгари сахро этагида пайдо бўлган «Даъватлар китоби»*, ўша китобни тарғиб этган Зардушт ҳақида гапирди. Сўнг Хиндикуш орқасидаги мидёнлар бу таълимотдан элатларини жипслаштириш мақсадида фойдалангандарини, кўчманчилар келтирадиган шафқатсиз оғатларни ўйлаб топганларини, уйдирмаларини муқаддас Авесто воқеилкларига мослаштириб, ялавоч*нинг сўзлари сифатида тарғиб эта бошлаганларини сўйлади. Шундан бери китоб воқеалари икки ҳалқ ўргасидаги урушлар манбаига айланган экан. Кўшинни эндиғи сафарга ҳам коҳинлар илҳомлантирган бўлса, ажабмас!

Тўмарис модомики ишга маглар аралашибдими, жанг муқаррарлигини яхши биларди. Шу сабаб отаси хузуридан қайтгач, Тамиртош иккиси бош-адоқ жанг анжомларида отларига минишди-да, олис қумтепаларга йўртиб кетишиди.

Улус таҳликали дамлар етганини тушунди. Негаки, йўлбошчилар муқаррар жанг арафасидагина биёбон бағрига чекинардилар.

Улар маслаҳатлашиб, аниқ қарорга келгунларича офтоб ботишга яқинлашибди. Чўл бағридан оқиноқ*ларини яланғочлаб чиққан қўмондонларни кўрган жамоа уруш ҳолатига кирганини сезди ва келаси ой қўшон* қабилалар курултойини ўтказишига келишиб, бепоён сахронинг тўрт тарафига элчи

жүнатди. Кенгаш арафасида қардош вакилларни кутишга тайёргарлик бошланди, ялангликка тирандозлик нишонлари қоқылди. Уюлардан түпчок* тойлар танлаб олинди. Чоллар Эфидра шарбатига қимиз аралаштириб хаома тайёрлаши. Жонлиқлар сўйилиб, қозонлар қайнади. Гарчанд осуда ҳаётга бемаҳал таҳлика оралаган эса-да, хотин-халаж сир бермай меҳмоннавозлик тадоригини кўрди.

Дастлаб дарёning чап соҳилидаги, изларидан эса аввал яқин ўртадаги, кейин

нарироқдаги, охирида олис манзиллардаги кўчманчи қабила башғанлари етиб келишди. Уларнинг орасида буюк Турон пасттекислигини макон тутган ўнлаб улус ва аймоқ вакиллари бор эди. Деярли барчалари келиб чиқиши жиҳатидан ягона халқнинг турфа уруғлари эканликлари, қолаверса, узок йиллар давомида борди-келди қиласвериб ўрганганиклиари сабаб, бир-бирларининг лаҳжаларига бемалол тушунишар, тил ўгирувчига ҳожат йўқ эди, ҳисоб.

Биринчи бўлиб Гўйлихон сўзга чиқди. У ёшулли мезон сифатида ҳаммани ҳордик олишга, еб-ичишга чорлади. Кенгашга қўйилган масалалар ҳал этилгач, тирандозлик ва ча-вандозлик мусобақалари ўтказилишини, совринга энг зотдор тойлар тикилажагини билдириб, меҳмонларни руҳлантирди. Аммо Тамиртош тановулдан сўнг туғилган хавф-хатар умумий муаммо эканини айтиши билан, барча сирли сукутга чўкди.

Зудликда олди олинмаса, айни сукунат бебошвоқликка айланишини Тўмарис дарҳол англади. Меҳмонларнинг иккilonanäётганликлари юз-кўзларидан яққол сезилиб турарди. Шу сабаб шартта ўриидан турди-ю, аҳли мажлисдан асосий масалага ўтишдан олдин бошқа муаммони ҳал этишда ёрдам сўради.

Кутилмаган илтимосдан барча сергак тортди. Қабила бошликлари бу бўйдор, хипчабел, қора сочи белига чулғанган, қийик кўзлари мудом чакнаб турувчи жасур аёлни иззат-хурмат қилас, ҳатто, кўпчилиги ўз вақтида унга совчи ҳам кўйганди. Энди ўша армонларига юзма-юз келгач, эҳтиром илиа сукут сақлаб, довруги аллақачонлар Турон ортигача ёйилган маълуму машҳур маликага жон қулоқларини тутишди.

Тўмарис қапиғ* олдидаги Сипарханга ишора қилди.

Хонўтовга оёқ-кўли бўқовланган бешта бандини судраб киришди. Тўмарис уларнинг тўртгасини кенгаш аҳлига топшириб, муносиб жазо тайинлашларини сўради. Қабилабошилар розилик бергач, соқчиларига бешинчи жиноятчини судратиб, ўтовни тарк этди.

Орадан чорак соатлар ўтга, машваратгоҳ қаршисидаги майдонда тўпланган издиҳом олдига чиққан Моден Гул ўзига топширилган жиноятчининг жазоси ўлим эканлигини эълон қилди. Оломон жунбишга келди, чунки масйоғутларда ҳам элига хиёнаткор кимса ўлимга маҳкум эди. Қабила ақтасиси Эсермаснинг мидён жориясидан бўлган ўғли Говургон икки ҳафта бурун форс қўшинларига саклар ҳақида ахборот элтаётганда қўлга олинган ва бугун хунлар томонидан муносиб жазога мустаҳиқ этилганди.

Иккинчи бўлиб ҳалойик олдига чиққан Могур ўзига топширилган бебошвоқ Текешнинг тақдирига ортиқча завол етказмади. Йигитча ёш қизни зўрлагани натижасида бўқов*га солинганди. Жазо мукофотдан ҳам ошиб тушди, даҳнинг зукко башгани сербушуғ жиноятчи учун мақбул жазо номуси топталган қизга уйланиш эканлигини таъкидлаб, хайриҳоҳ хитобларга сазовор бўлди.

Саклар ҳукми эса ўта шафқатсизлиги билан дикқатни торти. Бугун тақдири қардошларига ҳавола этилган кал Кўкен уч-тўрт кун бурун хаома ичиб, ҳаддан зиёд масиққан, оқибатда ҳамтвоклари билан роса тепалашгани майли, далага чорва изидан борган Эркли bekani мажбурлаб хирсини қондирган, маломатга чидолмаган аёл бор гапни эрига айтиб, ўз жонига қасд қилганди. Бундай кимса қўчманчиларда қандай жазоланиши ёш болагаям аён, бинобарин, Эрвуздан ҳам ҳалқ норози бўлмади, зўравонга ўлим жазоси берилиди. Бебош жиноятчининг бошини танидан жудо этиш ҳамда жами мол-мулкию хотинига эгалик қилиш ҳуқуқи марҳуманинг тўрт боласи бошида ёлғиз қолган аламзада эрига топширилди.

Жузжонлар ҳам от ўғриси Жибалчини ўлимга ҳукм этишди.

Навбат Тўмарисга етди. У ихтиёридаги банди, коҳин Будуркеннинг невараси Бўлдуз табақаланиш қоидасига* мувофиқ қабила бошчилигига сайланолмагач, мидёний кул-

ларни қўзғолонга чорлагани учун оила аъзолари билан биргалиқда қатл этилишини эълон қилди. Издиҳом такрор гувуллади.

Тўмарис оломоннинг тинчишини кутиб, сабр қилди. Ниҳоят ўртага пашша учса билингудек сукунат чўккач, ажиг сирни очаётгандек паст, аммо вазмин оҳангда давом этди.

— Эй Ўғузхон авлоди! Кўрдикки, барчамизнинг турмуш тарзимиэдан тортиб яшаш шароитимизгача, давлат тутиш ясоқларимизу тўй-томошаларимизгача ўхшаш экан. Сўзлашимиз, жанжалимиз, куйлайдиган алёру қўшиқларимиз, от чопишимиз, жанг қилишимиз, ҳатто, жиноятчига берадиган жазоларимиз бир-биридан фарқ қилмаскан, нега бугун айри-айри йўлларни танлашимиз керак?.. Агар шундай қилсак, минг йиллардан буён нола чекаётган Эрлик хоқон бизни тинч кўядими?..

— Йўқ!.. — ҳайқирди халойик яқдил овозда.

— Унда келинг, бугун масйофутни, эртага жузжону сакни, индин даҳ ва хунни маҳв этишни истаган Курушга қарши бирлашайлик!

— Ҳуллала!.. — маъқуллади оломон.

— Буюк аждодларимизни ёд этайлик. Қайтиш учун йўлга чиқмоқ керак! Ҳаёт-мамот жангига отланинг!..

— Ҳуллала!..

Максадига етган Тўмарис чор атрофга мағур назар ташлаб, ҳануз денгиздек гувуллаётган издиҳомни тарқ этди. Изидан ўзга буролар эргашди. Барчалари кенгаш ўтовида қайтадан жой-жойларини эгалашгач, ўртага чўккан бешолти лаҳзалик сукунатдан сўнг чеҳрасида олдинги иккиланышдан асар ҳам қолмаган Могур ўрнидан турди.

«Дахлар Курушга қарши бирлашадилар!..»

Даврага жон кирди. Жузжон, сак ва хун дахга қўшилди. Фақат сугуд ва бохтар*лар жавоби номаълум. Рости, Тўмарис бу масаладаям ўз фикрига эга. Йигирма йил бурун Эрон эндинина Мидияни забт этиб, уфқ ортига назар ташлаган дамларда Бақтрия ва Суғдиёна ихтиёран форс қарамлигини олганди. Ўшанда ўтрок қўшиларининг кўрқоклигини кўпчилик қоралаган, ҳатто, ушбу юртларни босиб олишга отланишган, бироқ Гўйлихоннинг қатъий эътирози туфайли

юриш тўхтатилганди. Ҳали-ҳануз шу масала хусусида бош қотириб юрган Тўмарис, ҳозир уларни қоралашга ўзида асос йўқлигини сезди. Чунки Балх ва Маракент* Кирга қарши чиққан тақдирда обод кентлар култепага айланарди-ю, охир-оқибат, барибир, бўйсунарди.

Маракент аслида ўтроқлашган сакларнинг ватани, уни бир неча замон бурун Эр Тўнга барпо этган. Суғудлар эса кейинчалик Ҳиндикуш ортидан келишган, бора-бора бу ерга мустаҳкам ўрнашиб, ўз уйларига айлантиришган.

Энди кўхна шаҳристоннинг саклар жамоасигина Ватани вассалликдан халос этиш вақти етганини айтиб, наъра тортди. Илкис, икки ҳалқ ўртасида тафовут кўкарди. Чунки уруш бошланса, касофати, биринчи наъбатда, савдо-сотиқ ва тижоратта машғул суғудларга уради...

— Эй, Ўғузхон авлоди! — мавзуни бошқа томонга бурди Тўмарис, — биз бугун мушкул аҳволдамиз, олдимиизда икки йўл бор. Биринчиси, алоҳида-алоҳида тўқнашиб, тинка-мадори қуриган душманни сахрода адаштириш. Иккинчиси, буғро аждодларимиз сингари муҳорабалар олдидан бирлашиб, қўшон черик-ла душманни маҳв этиш! Учинчи йўл йўқ ва буни ўзингиз ҳам яхши биласиз!

— Хунлар ҳеч қачон қулликда яшамаган! — ҳайқирди Модэн Гул узил-кесил.

— Жузжонлар сен билан, Тўмарис! — қўшилди Бадлук.

Сўнг даҳ ва сакнинг хайриҳоҳ хитоблари янгради. Оташин нутқи ҳамманинг қалбида фурур алансини ёққанини кўрган Тўмарис бохтарлар ва суғудларга зимдан назар ташлаб, мақсадга келди.

— Мен Дамнун ва Перғозни мажбур этолмайман. Илло, обод ватанинг улкан култепага айланиши катта фожиа. Бироқ, Маракентни аслида шавкатли катта дода*миз қурганини ҳисобга олсан, — Шемоққа юзланиб давом этди у, — сиз ҳам инжудай товланган шаҳарнинг вайрон бўлишини истамаган чиқасиз. Шу сабаб, бу икки қўшнимизнинг ортиқча хижолатсиз кенгашни тарқ этишларига рухсат берайлик.

Рости, Тўмарис воқеаларни шундай тус олишини сезгани боис ҳалиги жазо тайинлаш жараёнига мазкур йўлбошчиларини аралаштиргмаганди.

...Хар иккала саркарда ўринларидан кўзғалиб, қурултой аҳли ила хайрлашди-да, кетмоққа чоғланди.

Маракент саклари бошлиғи маъноли шивирлади.

— Шэмок Дамнун ва Перғозни кўқалдош ҳисоблайди...

— Кўнглинг тўқ бўлсин, Шемоқ, бизнинг дўстлигимизга уч юз йил бўлди, Эрон шаҳаншоҳининг қаҳр-ғазаби эса уч кунлик...

Улар ўтовни тарк этишгач, Модэн Гул Шемоққа синовчан тикилди.

Гапнинг индаллосини сезган Тўмарис уларга юзланди.

— Мабодо Шемоқнинг улуси Маракентни тарк этишни истаб қолса, масйофт овуллари ёнида ўтов тикишга арзийдиган хушҳаво яйловлар етарли. — Сўнг бошқаларга юзланиб фикрини якунлади. — Модомики, бўлак чорамиз йўқ экан, икки йўлдан маъқулини танламоқ учун бир-икки пасил ўйлаб олишимиз керак. Эртагача танаффус, марҳамат еб-ичинг, тушдан кейин томошалар бошланади...

Барча вакиллар ўзларига ажратилган ўтовларига жўнашди. Улар жойларини эгаллашлари билан дастурхонга хушбўй хаома ва қази-қарта, изидан қайноқ сўқилма тортилди. Икки соатдан сўнг коринлари тўйиб, юз-кўзлари қизарган меҳмонлар рўпарадаги сайҳонликка тўпланишиди, томоша бошланди.

От устида гоҳ ёнбош қайрилиб, гоҳ орқага бурилиб нишонни бехато ураётган йигит-қизларнинг маҳоратини олқишилаган ширакайф меҳмонлар чапак чалиб, ҳайҳайлашаётган маҳал олдинга Кўнуқтознинг онаси — ўша машхур Дубчароқ чиқди. Елка баравар соchlари оқариб, қомати хиёл буқчайган эса-да, кайфияти ёшлигидагидай ўқтам ва магур...

Гўйлихоннинг ишораси билан ёрдамчилар четдаги қозиқни икки юз қадамча нарига суриб келишди. Узокдан элас-элас қўринаётган мўлжал рўпарасида қад ростлаган аёл кўз кирида масофани чамалаётганда, томошабинлар ўртасида мунозара бошланди. Баъзилар у мерганлик палласидан аллақачон ўтганлигини айтса, кимдир ўқ ярим йўлгача ҳам етиб боролмаслигини башорат қилди.

Бутун дикқат-эътибори нишонга қадалган Дубчароқ қулоғига етаётган узук-юлук гапларни писанд қилмай, совуқонлик ила оғир жатанни салмоқлади-да, шошилмай икки газлик

пайконни жойлаштириди. Сўнг мўлжалга чап қайрилиб, кулочини қулогигача тортди. Теваракка сув сепгандек сукунат чўкиб, халойик нафас ютди. Ниҳоят, ширтиллаган сас чириллаган шиба*га уланди. Оний лаҳза ўтар-ўтмас, олислардан аллатовур қарсиллаган садо янгради.

«Хуллала, хуллала!..» — қичқирди меҳмонлар.

«Хуллала, хуллала!..» — қичқирди мезбонлар.

«Хуллала, хуллала!..» — қичқирди ёшу қари бараварига.

Дубчароқ ортига ўгрилиб, чукур таъзим қилди-да, баланд овозда ҳайқирди.

— Эй Турон фарзандлари! Масйоғутнинг Улуг Әнасиға қулоқ тутиңг!.. Эрон биз тарафга отланибдими, билингки кураш оғир кечади. Чунки уларга қақроқ даштларимиз эмас, шу даштларда гурсиллаган саноқсиз йилқимиз керак. Биз эса учар тулпорларимизни ҳеч кимга бермаймиз!

— Бермаймиз!.. — қичқирди кенгаш аҳли.

— Эй Турон фарзандлари!.. — давом этди Дубчароқ. — Душман саҳролар сари йўлга чиқибдими, билингки уларга чўлни ватан билган элимиз керак. Биз эса жасур элимизни ҳеч кимга бермаймиз!

— Бермаймиз!.. — такрор гуруллади халойик.

— Агар душман фақат биёбонларимизни эгаллашни истаб бизга интилган эса, уларга шуни-да бермаймиз. Ҳар туп янтоғу юлғун учун жондан кечамиз!..

— Жондан кечамиз!..

— Токи ёғий ер билан яксон бўлмагунча, оқиноқларни қинга солмаймиз!.. Конхўр Курушни ҳалок этмагунча, отдан тушмаймиз...

— Онт ичамиз!..

— Отишга тишимиз қолмаса, тишларимиз, тирноқларимиз билан ёв бўғзига ёпишамиз!..

— Онт ичамиз!..

Тўмариснинг тўрт соат бурунги тадбиркорлиги, устиста-устак, Дубчароқнинг тантанавор нутқи натижасида оммавий қасамёдга айланган томошалар тугагач, меҳмонлар яна қурларига қайтиб, масйоғут марҳаматидан баҳраманд бўлишди.

Кенгашнинг иккинчи куни душманга қарши курашнинг жами йўл-йўриқлари келишилди. Аввало барча улуслар ўз

овулларини чўл тўрига кўчирадиган сўнг қурол кўтаришга яроқли кас ортга қайтиб, икки-уч кунлик манзилда рақибни кутадиган бўлди. Черикни бошқариш кечаги тадбиркорлиги билан кўпчиликни ягона мақсадга йўналтира олган Гўйлихоннинг эркаси Тўмарисга топширилди. Шундан кейин вакиллар маликага садоқатли бўлишга қасамлашиб, юртларига қайтишди. Орадан бир ой ўтиб, барча қабила қўшинлари икки дарё бир-бирига яқинлашадиган манзилда тўпланди.

16-БОБ

Элчи

...Бирлашган Турон қабилалари жанг режаларини муҳокама этишаётганда, Ўкузнинг чап соҳилида чодир тиккан Кир, ниҳоят, аниқ қарорга келиб, Хиндлик мусофирини элчиликка жўнатишга аҳд қилди. Мусофири эса ҳукмдор ўзини не мақсадда ракиби қошига жўнатаётганидан бехабарлиги майлику-я, эрлик аёлга совчилик қилиш сахрода муқаррар ўлим билан тугашиниям ҳис этмаётганди.

Ҳаммаси шоҳ саройида тўсатдан Гауматнинг пайдо бўлиши ва унга маъноли тикилганча, сендан яхши элчи чиқади, деганидан бошланди. Ўша тонг Бўзқурт паришонхотир уйғонди. Гарчи, ҳалича мобеданмобеднинг барзанги соқчилари қорувуллигига яшаётса-да, энди оёқ-кўли тушовланмас, аҳён-аҳён қароргоҳда айланиши ҳам мумкин эди. Шунга қарамай, бўрон олдидан осмонни қора булат қоплагандек, бирдан кайфиятини аллақандай хижиллик эгаллади.

Бевакт кўнгилхижиллик боис қалбига безовталик инган Бўзқурт соқчилар келгач, охирги терговга бораётгандек шахдам одимлаб жўнади. Саройда магни кўрганда эса эти жимирлаб, аъзойи баданига «чумоли ўрмалади». Сабаби ўзига коронғи-ю, дафъатан мана шу кимса қаршисида анча йиллар муқаддам Мара қошидаги совуқ ҳиссиётлари уйғонди. Бу ўшанинг ўзи, деган фикргаям борди. Аммо, ундаги сиполикни ишратпараст рожага таққослагач адашганини сезди. Гаумат ўзини хотиржам тутар, вазмин сўзлаб, фикрларини аниқ ифодаларди. Боз устига, Мара асирни саройда

қолдиришга, зинхор ватанига жўнатмасликка уринганди, маг элчиликка йўллаш тарафдори. Шундай экан, уларнинг ўзаро ўҳшашлиги оддий тасодифдан бўлак нарса эмас.

Эртасига сафарга отланди. Унинг бажонидил розилик берганининг сабаби шундаки, элчилик озодликка чиқишининг осон йўли, соғ-омон етса, зиммадаги вазифасини адо этадими-йўқми, ватанида қолиши мумкин.

Аммо, бекорга хом сут эмган банда, дейишмаскан. Кир гўё унинг ичидагини сезгандек, буюмлари ҳозирча ўзида туришини, эгасига сафар интихосида топширишини айтди. У мусофирининг олти тиллолик хўқиз териси учун нариги дунёданам қайтиб келишини яхши биларди.

Бўзқурт йўлга тушди. Уни саркарда Теушпа бошчилигига йигирма нафар «Барҳаёт жангчи» кузатиб борди.

Ўкуз дарёсидан Тарамит* яқинида кечишгач, даставвал тоғлар оша Нахшаб* воҳасига, у ердан Рамтан*га йўл олишиди. Кейинги куни тушга яқин қадимий шаҳристон четида дағн этилган Сижовуш* қабрини зиёрат қилишди. Зиёрат маҳали шерикларининг нафрат аралаш тикилганларини илраб қолган Бўзқурт Эрон ва Турон ўртасидаги адоват сабабчиларидан бири шу мақбарада макон тутган кимсага тақалишини сезди.

Йўл юрган сари обод кентлар тобора камайиб, чор теграни чексиз ёбону қумтепалар ўрайверди. Аҳён-аҳёнда барханлар ортидан кўриниб қоладиган чўл кийикларини демаса, атрофда илону чаёндан бўлак зоф йўқ.

Саҳро бошланганидан уч кун ўтгач, карвоннинг егулиги тугади, ичишга суви қолмади. Яна тўрт-беш соатдан сўнг йўловчиларнинг мадори қуриб, лаблари иссиқ шамолдан тарс-тарс ёрилаверди. Ўша куни амал-тақал чидашди. Эртаси қуёш тик кўтарилиганда, саҳрода ўлишларига бутқул ишониб, тўғри келган ерга гуппа-гуппа ағанашди.

Бўзқурт шу алфоз ётаверишдан фойда йўклигини англаб, боши қотган маҳал қайдандир мудхиш увиллаш эшитилди. У сакраб ўрнидан туриб, беш-үн қадам нарида таниш кўланкани кўрди. Сўнг лўкиллаб жўнаган эски қадрдони изидан боқиб, узокларда элас-элас ялтираётган айланасимон иншоотга кўзи тушгач, қувваи ҳофизасида яна узук-юлук хотиротлари жонланди-ю, туясини етаклаб, олга юрди. Ортига

қайтаркан шериклари қийқириб юбориши, чунки уларнинг қақроқ нигоҳи олисдан туяга юкланган мешларни илғаб олганди.

Боя Бўзқуртга кўринган сароб аслида чўл қудуғи – мужанлиқ бўлиб, Кирнинг Тўмарисга жўнатган совчилари унинг тош айвонида дам олмоққа келишиши.

* * *

Кўнуктоз йигитлари билан барханма-бархан ошиб унумли ов қилгач, нихоят қароргоҳга йўл бурди. Шикор мобайнада отилган икки юзга яқин кийикни ичак-чавоқлардан тозалаб, тузли мешларга согланча орқага қайтаётиб, улар яқин ўртадаги қудуқда дам олишни режалаштириши. Аммо манзилга яқинлашгач, айвон остидаги арқишни кўриб ҳавотирга тушиши. Чунки бегона отлар сахро тулпорларига ўхшамасди.

Кўчманчилар сахродаги жами йилқи зотларини беш кўлдек билар, ҳатто, ҳар бирининг наслигача бехато айта олишарди. Ҳозир кўриб турганлари эса на сак, на масйоғут ва на хуну дахларнинг уловларига ўхшамасди. Шундай экан, охирги тахмин қолади, эронликлар...

Кўнуктоз ўнг қўлини юқорига кўтаргач, ҳаммалари ҳақиқаткорлик билан яқин ўртадаги бархан ортига паналаши. Икки дақиқалик кенгашда келгиндиларни қуршаб олишга келишилди. Мўжанлиқ ичига, нари борса битта карвон сигади. Шунга қараганда, душман кўпчилик эмас. Тўсатдан ҳужум қилиб ҳаммасини кириб ташлаш мумкин.

Улар дастлаб яширинган барханларидан икки томонга доира ясад жўнашди. Сардобани ўртага олиб туташгач, ҳақиқаткорлик ила ҳалқани тобора қисқартира бориши. Айланада-айланада маррага эллик қадамча яқинлашгач, бирданига наъра тортганча қий-чувлашиб от чоптиравериши. Вахимали садолардан уйғониб кетган элчилар чор теграда шамолдек елаётган суворийларни кўриб, бир четда сочилган яроғларига интилиши. Ташқари чиқишгандаги чавандозлар аллақачон айланани қисқартириб, нақ тумшуқлари тагида қад ростлаган, устига-устак, қуролларини ҳам отишга шайлаб ултуришганди. Рақибларининг эгар узра гоҳ ёнбошга, гоҳ ортга бурилиб камон тутишларини кўргач, улар курашиш бефойдали-

гини сезишиди, қиличларини ташлаб, қўлларини кўкракка қовуштиришиди. Навкарлар гурӯҳни тамомила ўраб олгач, тўхташди.

Баногоҳ қулоққа чалинган чала таниш сўзлардан Бўзқурт бир сесканди. Сўнг бошқа ҳеч ким кўчманчилар лаҳжасига тушунмаслигини эслаб, олға одимлади. Ўртага оир сукунат чўқди. Ҳатто, жангарилиги билан ном қозонган Кўнуқтоз ҳам қархисида тек қотгач, салмоқлай-салмоқлай гапира кетди.

— Эй сахро фарзандлари, қулок тутинг, биз юртингизга әлчиликка келдик!..

Атайин совчиликка демади. Зеро, узоқ йиллик тажрибалири туфайли ҳар бир жумласини обдан ўйлаб, шошмасдан сўйлашга одатлангани боис арқишини асир айлаганлар кимлигини билмай туриб, дабдурустдан гап очолмасди. Унинг айни сермулоҳазалиги барчаларини ўлимдан сақлаб қолди. Элчилик деган сўзни эшитиб, Кўнуқтоз ўшқирди.

— Сўйла, желкин, сўйла. Кимдан әлчиликка келдинг, кимга борурсен?..

— Эрон шоҳи Кир Ахомандан масйофутлар маликаси Тўмарисга борурмен.

Кўчманчилар бирдан ҳайқириб юборишиди ва уларни оёқ-қўлларини боғлаб, номаълум тарафга олиб кетишиди. От устида журжундек шалвираган Бўзқурт назаридан ўтаётган яккам-дуккам буталардан бўлак ҳеч вақони илғамас, орасирада дам олиш мақсадида тўхташгандагина чор атрофга назар ташлаб, йўлни эслаб қолишга уринарди.

Тинмай от сурган карвон кечалаб саноқсиз тулпорлар кишинаётган жизар*га етиб келди. Уфқ ортигача чўзилган қароргоҳ улкан черик йиғилганидан дарак берса-да, Тўмарисга шу ерда учрашишни Бўзқурт хаёлига келтиролмасди. Адашмаган экан, тонгда асирларни бўқовдан бўшатиб, бадар кетишиди. Юра-юра олти йиғоч* чамаси йўл босиб, навбатдаги қароргоҳдан чиқишиди. Бўзқурт сафари поёнлашганини англади.

Гурӯҳ жондори* отдан тушиб, марказдаги оқ ўтовга жўнади. Бироздан кейин асирларни ҳам ўша тарафга судрашиди. Бўсағада андак нафас ростлаган әлчи қўмондон қархисида гапни нимадан бошлишни ўйлаётганда, ўтовнинг

пардаси кўтарилиб, аллақачон кенг сарабара ва каттон камзул кийиб олган Кўнуктоз кўринди. Бўзқурт аввалига тушунмади, наҳотки... Демак, шаҳаншоҳ алдаган. Саҳройи аёлни эса назарга илмаган, чакирсам бас, қучоримга отилади, деган...

Шуларни ўйлай-ўйлай капага бош сукқан йигит ичкарида ўзгача манзарага дуч келди. Ташқаридан одатдагидай кўринса-да, ўтов хийла кенг экан. Гулдор кигизлар устига яккам-дуккам ташланган қоплон ва йўлбарс терилари хонага жанговар рух багишлайди. Адоқда оқ пўстак қопланган икки курси қўйилган. Курсилар орқасида узун найзага илингган байроқ қадалган. Байроққа эса зарҳал рангда қозиқ тишини кўрсатиб ириллаётган бўрининг калла сурати чизилган.

Курсиларнинг бирида табиий ҳусни малоҳати қатъиятли чеҳрасига бенихоя ярашикли аёл ўтирибди. Унинг белигача чулғанган тим қора соchlари, чақноқ кўзлари ҳар қандай кимсани шошириб қўйишга қодир. Бўзқурт бир қарашдаёқ жувоннинг кимлигини англади, Эрон шоҳи бекордан-бекорга ошиқи бекарор бўлмаган кўринади.

У ичкарига киргач, Кўнуктоз пардани тушириб, иккинчи курсига ўтирди...

«Тушунарли, уни шу йўл билан маҳв этишмоқчи. Аммо бундай бемаъни ўлим шоҳга керакмас, совчилик Гауматнинг найранги. Шунга қараганда, у ростдан ҳинд элидаги рожага алоқадор. Йўқса, бегуноҳ мусофири бекордан-бекорга ўлдиришни истаб қолмасди. Индамай розилик берганига қараганда, Кирнинг ҳам ўз мақсади бор. Негаки, салтанатида минг-минглаб бокира маликалар турганда, эрлик аёлга уйланишни бекорга хоҳламаган».

Бўзқурт Ахоманийлар салтанатининг жами сир-асрорларидан воказиф эмасди. Акс ҳолда, Дониёл пайғамбар кароматлари-ю, Гауматнинг турли баҳоналар ила шаҳаншоҳни қасамга тираганини, охир-оқибатда Кир онтини оқлаш ҳамда вазиятдан беталафот қутулиш учунгина шу йўлни танлаганини сезган бўларди. Масаланинг нозик жиҳати шундаки, Эрон урф-одатлари бўйича никоҳдан сўнг хотиннинг маҳридаги бор мол-мулк эр қўл остига ўтади. Яъни, шоҳ Тўмарисга уйланса, кўчманчилар ўз-ўзидан вассалликни қабул қилишарди. Демак, эл-юрт соғинчидаги мусофири совчиликка жўнатиш

фикри бир кишидан чиқмаган. Бундан ҳамманинг кўзлаган улуши бор. Фақат Гауматнинг асл мақсади тўлиқ очилмаяпти, холос.

Аслини олсак, унинг шаҳаншоҳ ҳали болалигида узоқни кўзлаб пиширган режалари амалга ошиш палласига кирганди. Илло, маг мақсади сари интилган ёвузликнинг айнан ўзи эдики, ўлжасини ҳали-вери қўйворадиганга ўхшамасди. Шундай экан, шоҳнинг касофат мактубини топширишга мажбур бўлган Бўзқурт ҳам хавфли вазиятдан кутулиш чорасини изламоги лозим...

17-БОБ

Дониёл пайғамбар

Навуходносир*дан давр ўтгач, Бобил таҳтидан қут-барака қочди, унинг ўғли Набонид майшатга муккасидан кетиб, ҳуқумат ишларини батамом унудди. Мамлакатда фиску фасод, наҳс, оммавий бузуқчилигу фохишабозликлар авж олди, ички тартиб-интизомлар сусайиб, давлат инқироз ҳолатига етди. Сарой аъёнлари ўртасида ҳукмдор ҳақида нохуш фикрлар уйғонди. Қарам эллардан ҳайдалган ҳалқларга жабрситам ҳаддан ошди. Ахоли ўртасида норозиликлар кучайиб, исён хавфи турилди. Набонид эса муваффақиятсизликлари аламини қуллардан олишга тушди. Аммо, улар орасида отаси замонидаёқ ақл фаросати, зукколиги билан довруғ қозонган бир донишманд бор эдики, қаршисида, ҳатто, малик*ни суст босар, бироқ ўрни келганда маслаҳат сўрашини-да ор билмасди.

Ўз вақтида Навуходносирга сидқидилдан хизмат қилган қарияга сарой аҳли алоҳида эҳтиром-ла қаради. Уларнинг эҳтиёткор муносабатларида аллақандай ибтидоий қўркув ҳам сезилиб тураг, чунки бу машхур пайғамбар Дониёл эди.

Болалигидан қулликка олинган Дониёл ҳалдейлар мактабида ўқиётгандаёқ диний масалалардаги событ эътиқоди туфайли аҳли уламо эътиборига тушади. Сабоқни якунлагач, ҳукмдор хизматида бўлиб, хушхулқлиги, донолиги, оғир муаммоларни ҳал этишдаги оқилона тадбирлари, туш тъбирини ҳаққоний изоҳлаши билан ҳурмат қозонади. Набонид ва

Валтазар* бирга юрт сўраган, зўравонлигу майшатбозликлар авжига чиққан кунларда уларни хатарли йўлдан қайтаришга кўп уринади. Насиҳатлари кор қилмагач, узлатга чекинади. Шу-шу, пайғамбарни унудишиди.

Бир куни Валтазар ва аъёнлари кўзи ўнгидаги сарой деворига ғойибдан ғалати сўзлар ёзилади. «Мене, мене, текел, упарсин...»

Зудликда салтанатнинг жами олим-уламолари саройга тўпланади. Бироқ ҳеч ким ғойибона битикнинг асл маъносини айттолмагач, малик Дониёлни эслайди. Етмиш ёшларга яқинлашган пайғамбар олдинига сирни очишдан бош тортади. Сўнг ҳукмдорнинг қистови билан гапиришга мажбур бўлади. Эшитганларидан Валтазарнинг уйқуси қочади. Ўтирасям, турсаям тилида ёлғиз ўша сўзлар айланаверади. Кунлардан бир кун Бобилга форс шоҳи уруш очганини эшлиб эса каромат амалга оша бошлаганига икрор бўлади. Дониёлни чорлаб, яна маслаҳат сўрайди. Пайғамбар бу галҳам ўшалардан ортигини айтмайди.

Бэла Мардук ҳимоясига ишонган Валтазар қисматдан қочиб, деворидан зоғ учиб ўтолмайдиган қўрғонга беркинади. Аммо, Гауматнинг оқилона маслаҳати ўлароқ, Киршаҳарни эгаллайди. Малик қатл этилади. Шундай қилиб, неча йиллар бурунги башорат амалга ошади. Илло, Дониёл ўшандада Бобилни форсий эгаллаб, Валтазарнинг қатл этилишини таъбирлаганди.

Шаҳаншоҳ ўзини Бобил ҳукмдори деб эълон қилгач, шаҳарни турли талон-тарожлардан омон сақлайди, кулликда яшаётган мазлум халқларни юртларига кетишга ижозат беради, олиму уламоларни яхши амаллар билан сийлади. Ана шундай хайрли ишларга андармон чорида, кўзи мункиллаган Дониёлга тушади. Улуғвор қариянинг, «Сен Парвардигор ярлақаган халоскорсан», деган жумласи ўзгача таассурот ўйғотса-да, буни одатдаги хушомадга йўяди.

Ўшанда Кир салтанатни мустаҳкамлашга овора бўлиб, пайғамбарнинг қадр-қимматига эътибор бермаганди. Негаки, атрофига Аҳурамаздадан ўзгани тан олмайдиган маслақдошлар йигилган ва форсийлар учун маздаизм яккаю ягона дин ҳисобланарди. Пайғамбар деганда эса ёлғиз Зардуштниги на тушунишарди. Шу сабаб Дониёлнинг кимлиги шоҳни

мутлақо қизиқтирмас, бор-йўғи оқилона маслаҳатлари учунгина саройда сақлаётганди.

Бобил истилосидан уч йил ўтгач, у Куддуси шарифни қайтадан барпо этиш, Сулаймон ибодатхонасини тиклаш тўғрисидаги фармонларга имзо чекади. Ана шунда Дониёл саройга ташриф буюради ва сарғайган вараклардаги юз эллик йил муқаддам битилган сатрларни ўқииди.

*Яратганга эргашиб Куруш,
Бобил сари қиласи юриш.
Озод этиб мазлум халқларни,
Жўнатади Ватанга сари.
Куддус шаҳри қурилар қайта,
Халоскорга санолар айти...**

Кир аввалига бу башоратни сафсата ҳисоблади. Бирок, уламолар китобнинг ҳақиқатан қадимиyllигини айтишгач, қарияга чинакамига қизиқиб қолди. Уни дам-бадам ҳузурига чорлаб, зукко сухбатига қулоқ тутаркан, ўрни-ўрни билан келгуси ҳаёти ҳақида ҳам сўрайдиган бўлди. Шундай дамлар Дониёл оҳиста шивирларди: «Фақат сўнгти манзилгоҳим ортига ўтмагин зинҳор...»

Чолнинг сўнгти манзилгоҳи қаердалигини ҳали ҳеч ким билмас, шусиз ҳам ташвиши бошидан ошиб ётган ҳукмдор эса бу мавҳум жумлага қўл силтаб қўя колганди. Бирок Куддус ва Сулаймон ибодатхонаси тўғрисидаги гаплар унда аллақачон болалик таассуротларини уйготган, чунки Кир ёшлик кезларидаёқ фавқулодда буюк ишлар учун туғилганини сезар, айникса, оғир вазиятлардан осонгина кутулиб кетаверишини илоҳий тасодифларга боғлаб ўрганганди. Ана энди ўша думбул орзуларини маълуму машҳур донишманд ҳам тасдиқлагач, ўзини алоҳида шахсдек тутаверди. Бора-бора болалик нуурлари мақтанчоқ ҳиссиётга айлангач, қалбида дунёни эгаллаш ҳирси уйғонди.

Шоҳ нақадар ўзига бино қўймасин, олис юришлари олдидан аъёнлари билан маслаҳатлашишни унутмас, хусусан, эски қадрдони Гаумат ва қария Дониёлсиз бирор ишга жазм этмасди. Уларнинг илк бор саройда бақамти келишлари ҳам ғалати кечган, пайғамбар ва маг гарчанд эндиғина учрашган

эсалар-да, ногох дуч келган эски рақиблардек бир-бирларига маъноли тикилиб қолишганди.

Сўнг Кирнинг узоқ саклар ютига бостириб бориш ҳақидаги гапларини сукут сақлаб эшитган Дониёл очик гапирмади, эски одатича ерга тикилиб, қандайдир қора кучлар — ёвузликлар, иблислар, велиарлар* ҳақида минғирлади. Дикқат-эътибори мўйсафидга қадалган фотих, айни дамда, болалик устозигаям бир қур назар ташлаганда, эҳтимол хатарли сафаридан воз кечармиди?.. Чунки чолнинг айқашуйқаш жумлалари давомида Гауматнинг ранги бўзариб, кўзи қизарган, вужудини аянчли титроқ тутаётганди.

...Кишининг ёши ўтавергач, бўлар-бўлмас сафсаталарни лақиллайверишини яхши тушунган шоҳ қарияга ишонмади. Илло, бу сатрларда эътиборга арзирли маънолар деярли йўқ эди:

*Менинг сўнгги манзилим иироқ,
Ўша томон юрма сен бироқ...**

Орадан тўрт йил ўтиб Дониёл вафот этгач, унинг боғланган қўллари батамом ечилди. Чунки пайғамбарнинг охирги башорати ижобат бўлмаганига нафақат ҳукмдор, бошқа уламолар ҳам энди узил-кесил ишонишганди.

Бироқ, пайғамбарлар ҳеч қачон адашмаслигини дунёнинг ярмини эгаллаган жаҳонгир билмаскан. Йўқса, барибир, тутган жойидан кўймай, хатарли урушга отланармиди?.. Ҳа, Кир аҳён-аҳён икки ўт орасида қийналаркан, ҳокимиятни эгаллаган йили Гауматнинг маслаҳати натижасида қудратли Лидия устидан ғалаба қозонганини эслаб, ўзини овутарди. Ўшанда маг боши қотган шоҳга йўл асбоб-анжомлари, қурол-яроғ ва озиқ-овқатлар ортилган туяларни илғор сафга ўтказиши буюрган, оқибатда хунук бўкириб, олдинга интилган юзлаб бегона махлуклардан чўчиган душман отлари суворийларини итқитиб, тумтарақай қочган ва жанг тақдири осонгина ҳал этилганди. Кейин эса Бобил истилоси...

Шундай одамга ишонмай бўларканми?..

Шаҳаншоҳнинг кўнгилхижиллиги Дониёл Форс пойтахтида дафн этилгандан сўнг сал-пал ёзилган, олис масйофутлар ютига юриш бошлаганда эса мудҳиш башорат аллақачон



оддий сафсатага айланиб улгурғанди. Зеро, пайғамбарнинг сўнгги манзили қачондир айнан ўша юртга кўчиши кимнинг тушига кирибди, дейсиз?.. Аммо, сермулоҳаза Кир олис Хиндан ташриф буюрган мусофири Тумарисга савчиликка жўнатгач, ҳар эҳтимолга қарши шитоб билан изидан йўлга тушди. Мақсади, ҳали элчилари манзилга етмай, Ўқузнинг ўнг томонида нафас ростлаш. Рости, у режаси амалга ошишига унчалик ишонмайди. Сабаби, кўчманчиларда ахлоқий муносабатлар қаттиқ, заифанинг иззати эркакницидан кам эмас. Шуларга қараганда, ови бароридан келмаслиги аниқ. Лекин ноумид шайтон, мабодо қандайдир мўъжиза боис Тўмарис эридан воз кечса, нимани назарда тутганидан қатъи назар, у пайғамбарнинг охирги кароматига қарши бормаган, боз устига, ҳеч ким чиқолмаган чўққига ўрлаган, енгилмас ўлкани забт этган бўларди. Бу – бир ўқ билан икки қуённи уриш, дегани. Ўйлаганлари амалга ошмаса, бетўхтов хужум уюштиради. Эмасам-чи, нақ олтмиш минг сара сарбоздан иборат Темир интизомли қўшин яйдоқ ёбоннинг олис бурчакларига сочилган тарқоқ аҳолини енголмасинми?.. Тўғри, сак – турма жангчи. Ҳатто, аёллари камондан отиш, қилич чопишни ёшлиқдан ўрганишади. Айни дамда, уларга тенглашадиган қўшин ёлғиз Ахоманийларда мавжудлигиям бор гап.

* * *

...Ўкуз ортидаги сафар Бўзқуртнинг йўналиши бўйича давом этди. Қўшин дарёни Тарамит яқинида кечиб, олға юрди-да, Темир қалиф*дан ўтгач, Чак-чак довони орқали соя-салқин увага чиқди. Кенг майдонда чодир тикканларининг олтинчи куни Тарамит ҳокими озиқ-овқат ва совғасаломлар келтириди.

Товғичхон аслида сак, бироқ қизи Кирнинг ҳарамида. Шу сабабли хукмдорга қарши боролмайди. Лекин ўрни келса, тап тортмайди, дилида борини бемалол ағдараади. Улар илк бор Балҳда учрашганларида шоҳ аввалига бу дағал одамни хушламаган, кейин бўлғуси урушда фойдаланишни ўйлаб, қизига оғиз солган, кекса скиф эса рад жавоби муқаррар ҳалокатлигини англаб, розилик берганди.

Бугун иккинчи марта учрашишди.

Сұхбат дастлаб вилоятдаги ақвол, ақолининг турмуш тарзи ва ниҳоят, сиёсат түғрисида борди. Орадан ярим соатлар ўтиб, хукмдор муддаосини қисман баён этди. Товғиқхон унинг барча режаларидан хабардор эса-да, сир бермади, ўзини биринчи марта әшитаётгандай тутди. Сүнг озрок ўйланди-да, шоҳга тик боқиб, эътиroz билдири. Хусусан, саклар ерига бостириб кирган саркарданинг аниқ мақсади бўлмоғи лозим. Дейлик, бойлик орттириш... Аммо, бу хомхаёл. Чунки уларда олтин кўп, қайда сақлашлари эса номаълум. Камбис айтганидек, шахру шаҳристонлариям йўқ. Демак, ягона тахмин қолади, дунёга машҳур Қолоқсои* туллорлари. Агар шугина бўлса, буни тинч йўл билан ҳал этиш мумкин-ку...

Мана шу ерда Кир асл мақсадини махфий тутди. Товғиқхон ҳам бундан икки ҳафта бурун ўтган әлчилардан боҳабар эса-да, сездирмади. Кейин кўнгли бир шумликни ҳис этдими, зимдан тикилиб, Кўнуқтоз ҳақида гапирди. Айтишича, саҳрова маликанинг эрини билмайдиган кас йўқ. Ёлғиз ўзи ўнлаб ёғийга бас кела оладиган бу йигитга қарши чиқишга манаман деган паҳлавонларнинг ҳам юраги довладмайди.

Товғиқхоннинг ҳикоясидан Кирнинг онгида янги режа шаклланди. Мабодо малика яхшиликча кўймаса, илк тўқ нашувда эрини ўлдиради. Шунда мақсадгага эришиши осонроқ кечади. Хуллас, барибир, Тўмарисга уйланади.

Нахшабда уларни Бониёт кутиб олди. Шаҳристондан ярим йифоч берида улкан сайҳонлиқда чодирлар тикилди. Бутун-бутун буқалар оловда тобланиб, дастурхонга тортилди. Сүнг подшо амри вожиб, чор тегралик сак аёлларидан олтмиш нафари чодирларга киритилди.

Албатта, бу фикр шаҳаншоҳдан чиқмаган. Тунов кун Бониёт хукмдор амрига мунтазирлигини изхор этиб, шоҳона чодирни тарқ этгач, ногаҳон анчадан буён қорасини кўрсатмаган Гаумат пайдо бўлган, совуқ илжайганча, кечки базми жамшилда скиф аёллари ҳорғин саркардалар чодирини безашлари фақат фойда келтиришини уқтирган, Кир — сермулоҳаза хукмдор, қалтис таклифга унчалик қўшилмасада, шу пайтгача пири сира адашмаганини ҳисобга олиб, розилик берганди. Қолаверса, унинг айни масалага оид шахсий фикрлари ҳам йўқ эмас. Чунончи, кўчманчи уруғларда

жориялар ўсмирлар ҳирсини қондириш учун сақланаркан, бу шармандаликка ўзини жавобгар ҳисоблади. Ушбу туйғу ҳар бир мағрур инсонда учраши табиий. Ахир, қайсиدير қаланғи-қасанғи әл буюк халқингни хор-зор этса, сен индамай кетаверасанми?.. Йўқ, модомики қонга – қон, жонга – жон экан, бу кўшмачилик улкан хўрликларнинг митти қасосига айлана қолсин!..

18-БОБ

Жаэо

Гаумат нимани ўйлаганди, бизга қоронғи, аммо олис аждодлари қасосига бел боғлаган шаҳаншоҳ бу гал ростакамига чув тушди. Чунки атрофдан танланган кийиксимон аёлларнинг асовлиги ҳам кийикмонанд экан, олдинига бўйсунмай гаранг қилишди, иложсиз қолгач, сарабаралари остидан тикилган филофлардан митти ханжарларини чиқаришди. Қарабисизки, Кирнинг ёвкур саркардаларидан тўрттаси шу ондаёқ бемаъни ўлим топди. Йигирма нафари оғир жароҳатланди. Қолганларига ё омад кулиб бокди, ё ўзлари кутилмаган ҳолатга тайёр эканлар, охирги дамдагина тўшакдошларини қуролсизлантириб, мақсадга эришишди.

Ҳалокатни эшитган шоҳ эртасига тунни чодирларда ўтказган аёлларни қатл этишга буюрди. Хукм кенг саёҳонликда, узок-яқиндан йигилган туб аҳоли кўз ўнгиди ижро этилди. Аввалига уларни узун соchlарини қиртишлаб, қип-яланғоч давра айлантиришди. Сўнг қўлларини чопиб, таналарини сиртмоққа илишди...

Кир шафқатсиз жазо орқали маҳаллий аҳолини қўрқувга солишини ўйлаганди, режа амалга ошмади. Қайтанга, халқ орасида ўзларига нисбатан бекиёс нафрат уйғотди. Алҳол тўрт кундан сўнг номаълум кимсалар қўшин орқасидан ҳужум қилиб, икки юзтacha суворийни асир олишди. Эртаси лашкар устига чодир ёпилган гаройиб тепаликка йўлиқди. Нимадандир кўнгли безовта шоҳ чодирни кўтаришга буюриб, даҳшатдан донг қотди. Тепалик ўша икки юз сарбознинг кўзлари ўйилиб, қулоқ ва тиллари кесилган бошларидан тикланганди. Бу ноҳақ жазоланган аёллар қасоси эканини

дархол англашди. Бироқ, начора, аламдан тилларини тишишдан нари ўтишолмади.

Машъум кунлар шу билан тугамади, қўшин уйкусидан ҳаловат қочди. Гоҳ озиқ-овқат захираси таланса, гоҳ ортда қолганлар дом-дараксиз йўқолаверди. Буниси, майли, жазо гурухи бор-йўғи ўша аёлларнинг ёр-биродарлари эканини билиб, шаҳаншоҳ баттар талвасага тушди. Орият қасосига интилган кичиккина тўда шунчаликка қодир экан, юрт ҳимоясига отланган бутун бошли жанговар черикдан нимани кутиш мумкин?..

Ха, Гаумат илк бор қовун туширди, Кир тахтта ўтириб, бу қадар тубанликка юз тутмаганди. У ишрат ва уруш алоҳида-алоҳида эканлигини яхши билар, шу боис давлат қонун-қоидаларидан ташқари чиқмасди. Нима бўлди-ю, ишонган тори панд берди...

Ўрники, яна бир нарсани айтиб ўтиш лозим. Кир нақадар шафқатсиз бўлса-да, ўз қарашларига эга. Хусусан, ожизалар, чоллар, болалардан қасос олмайди. Инчунин, саркаш жувонларни сўнгиз қийновлардан сўнг сиртмоққа тортиши бор-йўғи оддий англашилмовчилик натижасидир.

...У ўзини шундай овутмоқда.

Бироқ, инсон катта муаммо экан. Негаки, ҳозиргина изтироб чекаётган шоҳ қалбida тўсатдан эриш туйгулар уйғониб қолар, қарабсизки, гоҳ айни ҳолатлар сабаб ўзини айблай кетар, гоҳ боши кумга кўмилган сарбозлари учун олинајак шафқатсиз қасос иштиёқи мидёний қуллар чеккан азоблар натижасида улкан тўфонга эврилар ва бу ҳалокатли орзудан воз кечиши иложсиз юмушга айланиб борарди. Ха, худонинг пайғамбари ўгитларини назарга илмаслик кечирилмас оқибатларга олиб келаётган бўлса, сўқир қасоскорлик мудхиш кўргиликларни янада яқинлаштироқда эди.

19-БОБ

Учрашув

Бу тўқнашувни ёлғиз мен эмас, ўша даврнинг энг ҳасос муаррихлари ҳам буюк жанг сифатида эътироф этишади. Каминанинг билганлари эса ғойибона таассуротларим ва

Холчаёндан топилган Будда ҳайкали танасига яшириңган буқа терисидаги битиклар ҳосиласидир. Ҳа, аллатовур ажабужи ҳарфларни ҳижжалаш баробарида мозий тафсилотларини онгимда тиклайвериб, бора-бора шу даражага етдимки, гүё ёруғ жаҳонда энди мазкур муҳораба ҳақида мендан кўра яхшироқ биладиган одам йўқдай...

Гапнинг индаллоси, ғалаба аслида босқинчилар томонида эди. Чунки Эрон сарбозлари дунёнинг деярли ярмини забт этиш давомида истилочиликнинг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган тажрибасига эришган, қолаверса, ўттиз йиллик ҳарбу зарблар мобайнида ғалаба нашидасини анчайин тотиб улгуришгани боис, айни дамлар уларга тенг келадиган зафарёр кўшин қолмаганди, оламда.

Аммо, туронийларнинг-да баъзи устунликларини таъкидлаш лозим. Ҳусусан, улар шафқатсиз ёбоннинг жами сирсиноатларини мукаммал билишади. Боз устига, эгарга чунонам жойлашиб ўтиришадики, шамолдек елаётib кўрсатган хунарларидан кишининг ақли шошади. Асосийси, улкан пасттекисликни макон туттган барча кўчманчилар юрт ҳимоясига отланишган. Босқинчининг йўқотар нарсаси йўқ, жилла курса, изига қайтади. Овул учун от сурган мардум чекинса, ватанин бой беради. Бундан ўлим афзал. Холисона айтсан, ватанпарварлик — жонни жабборга бериб олишишга арзидиган энг олий туйфудир.

Саҳро қабилаларининг ягона түғ остида бирлашишларига бошқа сабаб ҳам бор. Масалан, қўмондонликка бирор эркак сайланганда оммавий сафарбарлик шу даражада давом этармиди-йўқми билмадим-у, даврнинг энг сулув ва жасур аёли чорласа, киши беихтиёр олис ўтмиш қаҳрамонликларини эслаб кетаркан. Ахир, жумлайи жаҳонни титратган ўша ёвуз гўзаллар* аслида саҳроийларнинг аждодлари эмасмиди? Йўқса, камонбоз аёлларни яна қай миллатда кўргансиз?

Эркак гавдаси жангнинг турли усулларига мослаб яратилган. Ҳонимларнинг шамшод қоматлари-чи?.. Ҳа, афсонавий амазонкалар ҳам, сак ёхуд масйофут аёллари ҳам, ўнг кўкраклари гўдаклигида куйдирилиб, гирик тортишга халал бермайдиган жанговар жуссага эришишган. Шундай экан, ўша эммисоқлар маликанинг махфий қуролига айланганди.

Хақиқатан ҳам, бошқа бирор бархан ортидан отилиб чиқиб, бехато пайкон йўллайдиган аёлни тасаввур этолмайди. Саҳройилар эса бундан унумли фойдаланишади. Хусусан, Дубчароқдан...

Дубчароқ хақида эса шунчаки гапиролмайман. Негаки, дунё яралгандан бери нафақат масйоғут, балки хунлару сакларда ҳам ўзга бундай моҳир камонбоз ўтмаган. Ўтмаган деган гапни қўяверинг, қўшон черик таркибида Дубчароқдек афсонафий мерган бор эди, қолаверса, Тўмарис ғалабасининг тенг ярми айнан мана шу эммисоқларга боғланганди, дейиш ўринли бу ерда.

...Хулласи калом, барча қабилалар ўз вазифаларини келишиб олганларидан сўнг малика масйоғутнинг Улуғ Энасини оқ ўтовга чорлади. Ўша тун қайнона-келин тонггача сухбат қурди. Уларга ҳеч ким, жумладан, Кўнуктоз ҳам халал бермади. Ҳатто, хотини ва онаси не мавзуда гаплашганидан-да бехабар қолди. Бирок, бекор ҳам ўтирумади. Ўз гурухининг жанг тадориги билан шуғулланди.

Кўнуктозни сахро аҳли ўтакеткан жizzаки кимса сифатида танийди. Пайти бўлганки, тўю томошаларда хаома таъсирида масиққан улфатларининг ўнтаси якқа ўзига бас келолмаган. Ҳозир шу бебош йигит қачонлардир жон аччиғида тепалашган жўралари даврасида бўлғуси муҳораба режаси билан овора.

Уни тушуниш мумкин. Эртанги жангта хасми-ҳалолининг бор обрў-эътибори тикилган. Бирок, Кўнуктоз ёлғиз хотинини деб олишмайди, қурашга ундовчи ўзга нарсалар ҳам бисёр. Масалан, йигитлик иззат-нафси... Ахир, ёбоннинг энг донгдор қиличбози аёли ортидан обрў орттирсингми?.. Қолаверса, бошқа бирор кўмондан бўлган тақдирда ҳам, у айни муҳорабадан бўйин товламасди. Негаки, бу — ҳаёт-матомот тўқнашуви. Қайта бундай жанг бўлмаслиги аниқ. Чунки Ватан — битта, Ватан — ягона!.. Шугина бисотини бой берган номарднинг эса, яшашга ҳаққи йўқ!..

Тўмарис ҳам фурурли ҳиссиётлардан холи эмаса-да, аёллиги сабаб мушкул муаммони тинч йўл билан бартараф этмоқчи. Шу боис у элчи узатган номани эридан хуфёна ўқиди. Сўнг ўз таклифини баён этди, ҳукмдорнинг тўнрич

қизи Атосса*ни ўғлига сўради. Шоҳ ростдан қариндошлиши ниятида бўлса, энг мақбул йўл шу. Аммо, унинг саҳройиларга хос тийрак фаросати бошқа нарсани сезмоқда, таклифига шоҳ унамайди. Чунки унинг асл мақсади кўчманчилар ҳисобига ҳарамини бойитишмас, улкан пасттекисликда Ахоманийлар туви니 қадашдир.

* * *

Ўша куни Тўмарис қароргоҳида махфий кенгаш ўтказилди. Кенгашда ҳар бир қабиладан алоҳида-алоҳида учар гурухлар тузишга келишилди. Улар рақибга олди-орқасидан кетма-кет хужум уюштиришади. Майда-чуйда бўлинмаларни кувиб, ҳолдан тойган Кир саҳро ўртасига етгач, қўшон черик бирданига тўрт тарафдан ёпирилиб, сўнгги зарбани беради.

Дўст-душманни адаштирмаслиги учун иттифоқчилар эгнига алвон белги ёпишириш буюрилди. Масйофут ва сак жангчилари азалдан қизил кийишган. Энди шу рангнинг барчага татбиқ этилиши ҳеч кимда норозилик уйғотмади.

...Қизил ранг саҳрода азалдан муқаддас саналган. Чунки кўчманчилар қонли жанггоҳларда турилиб, қонли жанггоҳларда улрайишган. Муҳорабалар тугагач, қонга бўялган кийимларини бир уюмга тўплаб, ҳалок бўлганлар учун мотам тутишган, душмандан ўч олишга онт ичишган. Бора-бора бу жой азиз маконга айланган ва Қизил майдон деб аталган. Ҳозирги режа бўйича душманни адаштира бориб, маҳв этиш мўлжалланган ер ҳам аслида ўша минг йиллик саждагоҳdir. Илло муҳорабага муқаддас туйгулар аралашса, қиёмат кўпади. Рақибининг нақадар зўрлигидан қатъи назар, киши ўлса ўладики – бош эгмайди. Қолаверса, бу майдон – Туроннинг буюк саркардалари қадамжолари экан, аждодлар руҳи ҳам мададкор бўлгай...

Тўмарис сардорларидан битта нарсани, мабодо, ўйлаганлари амалга ошмаган тақдирда, кўзлаган сўнгги режасини сир тутди. Рости, ўзиям мазкур имкониятга кўпроқ ишонар, чунончи, ўтган кеча масйофутнинг Улут Энаси Дубчароқ билан тонгтча қилган сұхбатида ҳам айнан шу масала хусусида сўз юритганди...

Бу томонда эса ёв аллақачон даштга кириб, икки қүшин ўртасида атиги уч-түрт күнлик масофа қолганди. Бундан вокиф Тұмарис зарур чораларни күрган, хусусан, ўғли Сипархан бошчилигидаги ёшлар гурухыга буйруқ этиши ҳамон яшин тезлигіда хужум уюштириш топширилганди. Буюк Күнүқтоз зурриёти ота-онасига муносиб фарзандлығини исботлаш дамлари келганини ҳис этиб, гижинглаган ғүнөн тойда хужум буйругига интизор саҳро кезарди.

Яна бир томонда муқаррар ҳалокатни сезган Бұзқурт Күнүқтоз chanгалидан омон чиққанидан миннатдор ҳолда туясини лўқиллатиб, Малика номасини шаҳаншоҳ манзилига әлтаркан, тез орада бошланажак жангда Ватани тарафида қилич чопишига халал берәётган сўнгги ноқулайликларни узил-кесил бартараф этиш йўлини излар, Кир Ҳиндикушнинг жануб томонидаги чўпонлардан олти тиллога харид қилган ўламса хўқизнинг қадрли терисини бермаган тақдирда, қай қарорга келишни ўйларди. Ана шундай чалкаш фикрлар оғушида кетаркан, унинг назари тўсатдан Теушнага тушди. «Барҳаёт» негадир унга гайир қарашиб қилаётгандай. Ўйхаёлларидан боҳабарга ўхшайди. Бирок ўзидан кўнгли тўқ элчи вазифасида экан, жонига ҳеч ким қасд қилолмайди... Дарвоқе, устози айтганидек, ҳаёти дахлсизлигини ҳисобга олсак, шоҳ қаҳридан қўрқиши ҳам ортиқча, номани топшира солиб, ватанга қайтишга ижозат сўрайди.

Бўзқурт манзилга етгач, йўлдаги шубҳа-гумонлари ўринисиз эканини англади, Тимориснинг жавоб мактубини ўқиб, ҳаддан ташқари сурбетликдан ғазабга келган Кир сўнгти топшириқни бажарса, яъни масйофут маликасини белгиланган манзилга музокарага олиб келса, озод этишини айтди. Олдиндан билдирилган ишонч сифатида хўқиз териси ва ноёб камонини қайтарди. Кафасга солинган бир жуфт номакаш кабутар ҳам берди.

У сафарга обдан тайёргарлик қўрди. Аввало қурмонни ўққа тўлдириди, беш-ён кунга етарли озиқ-овқат, сув фамлади. Кейин саройга бориб, кетишга изн сўради. Худди шу пайт, тушига ҳам кирмаган, бора-бора эса хотирасига тоабад муҳрланган воқеа рўй берди, шоҳ тўсатдан ўрнидан туриб, элчи томон юрди. Келиб қоқшоқ елкаларидан тутди,

күэига маъноли тикилиб, омон бўл, иним, деди-да, бағрига босди.

Бўзқурт аввалига ногаҳоний ҳодисани англамади. Англамади эмас, бир неча дақиқага ҳушини йўқотиб, талвасага ҳам тушди. Сўнг кўзлари ёшланди. Ярим оламни тиз чўқтирган жаҳонтир қандайдир мусофири мусофири багрига босаркан, деб ким ўйлади, ахир?

...Саҳарлаб йўлга чикқан Бўзқурт Елмоя*да тебраниб бораркан, сўнгти дамда шаҳаншоҳ садоқ*дан эски ўқни олаётуб айтган гапини эслашга уринди. Бироқ эслолмади, қайтанга, хаёлларичувалашиб, ёдидагиларни ҳам унуди. Шу кўйи кетавериб, уч кунда масйофут тусқовулларига йўлиқди. Оқшомга яқин малика қароргоҳига етди.

Тўмарис бугун ҳарбий либосларини ечган, кабаз*дан тикилган узун кўйлаги устидан ташланган енгиз гулдор артири*, елкасини тўлдириб, ингичка белига сирғалган қора соchlари чиройини чунонам очгандики, бекиёс малоҳат қошида ҳушини йўқотган Бўзқурт дастлаб тузук-куруқ гапиролмай каловланди. Сўнг қисматини пешонасига йўйиб, тилга кирди. Шоҳ ниятини англаган Тамиртош сир бермади. Кўнуқтоз эса тура солиб қиличига ёпишди. Шунда Бўзқурт ҳам ётиб қолгунча отиб қол, қабилида шартта кўйлаги ёқасини йиртди.

У мазкур режани олдиндан тузган-у, бунчалар таъсир этишини ўйламаганди, яланюоч кўкрагидаги митти суратга назар ташлаган саҳройилар бехос салгичиб тушишди. Негаки, илк бор Эрлик хоқон тўшида қаварган бу шакл минг йиллар давомида саноқли инсонларга насиб этган бўлиб, келгуси авлодлар назарида муқаддас тамрага айланганди. Энди шу ялангоёқ қаршисида тиз чўкишлари лозим.

Йўқ, униси ҳам, буниси ҳам бўлмади, сардорларни ноўрин хижолатпазлиқдан Бўзқуртнинг ўзи қутқарди – сўзлашга изн сўради. Нутқи давомида Кирни сира ёмонламади, аксинча, мақтади. Айни дамда булар вассаллик учун асос эмаслигини таъкидлаб, томонларга маъқул муросани таклиф этди, маликани шаҳаншоҳ билан учрашувга унгади.

Тўмарис азбаройи ўша тамға учун рози бўлди.

Темир қафасдаги кабутарларнинг қанотлари қизилга бўяб учирилгандан икки кун ўтиб, малика эллик чоғли хос

соқчи ҳамроҳлигига йўлга тушди. Тўғри, сал олдинроқ у Дубчароқни яна бир бор ўтовига чорлади. Аммо, сухбат мавзуси бу гал ҳам сирлигича қолди.

* * *

Белгиланган жойга қуёш кунчиқардаги тепалиқдан бўй кўрсатар маҳали етиб келишганда, шаҳаншоҳ шерикларидан ўн беш қадамча берида, чўедай тўшама устидаги олтин тахтда савлат тўкиб ўтиради.

Тўмарис қамчисини кўтарди. Соқчилар тўхтагач, олга юриб, гилам четида от жиловини тортди.

— Марҳамат, маликам, сухбатингга муштоқман. — Мен симаган оҳангда илтифот қилди Кир рўпарасидан жой кўрсатиб.

Унинг мақсадини англаган Тўмарис бирдан жиловни бўшатди, депсинаётган тулпори чангитиб, алвон гилам атрофига айланаркан, эгилиб миннатдорлик билдириди.

— Раҳмат, шаҳаншоҳ, такаллуф ўзингдан. Саҳрова қўноқ отадан улув...

— Шаҳаншоҳ ўз жойида, — тушунмай елка қисди ястаниб олган Кир.

— Масйофут ҳам ўз тахтида, — истеҳзо аралаш жавоб берди малика от бўйини силаркан.

Ўртага нокулай сукунат чўкиб, Кир уч-тўрт сония хаёл сурди. Сўнг музокара кўчманчилардан кўра кўпроқ форсларга кераклигини сездими, тахт пойига тиз чўқди. Зум ўтмай рўпарасида енгил сакраб, эгарни тарк этган Тўмарис чордана курди. Эгнидаги олтин совути, бошидаги мовутдан тайёрланган гулдор чўққи қалпоғи, қалпок учидаги тиркишдан чиқарилиб, ранг-баранг пиликлар аралаш ўрилган бўлиқ соchlари унинг хуснига-хусн, викорига-викор қўшарди. Малика шоҳни бежизга тахтдан тушишга даъват этмагани ана шунда аён бўлди. Чунки, ҳозирги ҳолатида у рақибидан салобатлироқ кўринарди.

— Элчи етказган номам ёдингдадир, — соқчилар орасидаги Бўзқуртга ишора қилди шашти пасайған шоҳ, — Тўмарис рози бўлса, таклифим ҳамон ўз кучида.

У сўзининг исботи сифатида ёнидан чети нақшинкор кўзгу олиб узатди.

— Сен иложсиз нарсани сўрагансан, — қатъий жавоб берди Тўмарис кўзгуни кўш кўллаб олгач, — масйофт ма-ликасининг Эрон шоҳидан-да улуроқ хоқони бор. Шу боис мамлакатларимиз учун бирдай маъқул фикрни билдирган-дим. Афуски, Куруш Туронга масйофт ила қариндошлиши мақсадида келмаган кўринади...

— Малика тўғри топди, мен Туронга қариндош излаб келмадим, — иқрор бўлди шоҳ, — мақсадим олам яралгандан бери ҳеч ким енголмаган элни бўйсундириш. Форсга бошқа нарса керакмас. Бинобарин, енгилганингни тан олиб, имко-нинг етганча ўлпон тўлашга рози бўлсанг, ортимга қайтаман.

— Менга эса ўлпон тўлашдан кўра, мағлуб халқ деган лаънатни кўтариб юриш оғирроқ. Майли, саҳродан истага-нингча бойлик ол, фақат сўраганларга скиф буларни Эронга садақа қилди, дейсан...

Ўзаро манманлик оқибатида музокаранинг авж нуқтаси тўсатдан хавфли тус олди, қархисидаги ожизанинг сурбе-тона сўзамоллигидан шоҳ ғазабга минди. Нафақат ғазабга минди, балки жазаваланиб бақиришга тушди. Тўмариснинг мийифида кулганча, бамайлихотир ўтирганини кўриб эса жанжал кўзгамоқчи бўлдими, ёхуд сиёсати шундайми, очиқча ҳақоратга ҳам ўтди, оғзидан тупук сачратиб, ўшқирди.

— Балиқчиларга ким қўйибди урушни? Яхшиси, Яксарт бўйларида зогораларга қармоқ ташлаб юраверишсин...

Малика қаҳри келса-да, ўзини босиб, хотиржам оҳангда таъкидлади.

— Масйофт учун одам ўлдириш балиқ тутишдан ҳам осон. Бироқ, у беҳуда қон тўкишни истамайдилар!..

— Қон тўкишни истамаганлигининг боиси масйофт кўрқоқ халқ, — ростакамига ҳайқирди Кир энди, — мен эса қонга ташнамен. Токи, чанқорим қонмагунча бу саҳроларни тарк этмасмен!..

— Яхши, — вазмин жавоб берди Тўмарис, — модомики, жаҳонгир истаркан, саҳро маликаси унинг чанқогини бостиришга баҳоли кудрат ёрдам беради.

Қисқа ва хатарли мунозарадан сўнг Кирнинг тушигаям кирмаган ҳодиса рўй берди. У иложсизликда асқатадиган охирги чорани аввалдан ўллаб қўйганди. Энди шуни кўллаш учун кўз қирини ташловдики, икки юз чоғли «Барҳаёт»

бирданига қиличларини қинидан суурди. Бу Кўнуқтозни бефарқ қолдирмади, зум ўтмай, эллик нафар сара навкар Тўмарис ортида қад ростлади. Натижада ростакамига хавфли вазият вужудга келди, арзимас ишора оқибатида шоҳ ҳам, малика ҳам ер тишлаши ҳеч гапмас ҳозир.

Қалтис ҳолатни вақтида чамалаб улгурган Тўмарис кўлини кўтариб, барчани хотиржамликка чорлади. Сўнг қулай имконият ўзидалигини ҳис этиб, ошкора кариллаётган шаҳаншоҳга терсига зар, ўнгига кумуш қопланган бояги кўзгуни қайтиб узатди. Кир ҳеч нарсага тушунмагач, кунчиқардаги бархан томонга имо қилди. Баногоҳ, биёбон уэра гулдурос қаҳқаҳа янгради. Чунки қумтепа устида камон тутган қандайдир аёлнинг хиёл әгик қомати кўкарған ва бехуда тадорик сабабини англаған шоҳнинг истеҳзоси вазиятга жуда мос тушганди. Ахир, беш юз қадам наридан мўлжалга аник уришни қўя туриңг, масофанинг ярмига етказиш катта гап. Шундай экан, шўрлик кампирнинг ночор ахволидан кулмай бўларканми?..

Тўмарис барибир ҳам ўзини йўқотмади. Аксинча, аввал гидан ҳам жиддийроқ қиёфада нишонни баланд тутишни сўради. Ҳамон ҳахолаётган Кир тура солиб, илкини бор бўйича кўтариши билан туйкус кўз кўриб, кулоқ эшифтмаган ҳодиса юз берди, қандайдир баҳайбат пайкон шувиллаганча кўзгуга урилди. Мислсиз зарбадан шаҳаншоҳ қалқиб тушиди. Яхшиям вақтида кафтини очиб юборди, акс ҳолда, ўтирган жойидан тирга илашиб жўнарди...

У амал-тақал эсини йифиб яна ўша томонга қараганда, әгик қоматли кампир аллақачон гирикка навбатдаги шибани жойлаб, кўкрагини мўлжалга олганди.

Шоҳ шундагина енгилганини сезди. Аста имо қилиб, сарбозларни чекинишга буюрди, сўнг ҳамон мағрур қиёфада ўтирган Тўмарисга эгилиб, шивирлади. «Кутаман, ё чанқоғимни қондирасан, ёки ҳирсими!..»

20-БОБ

Самовий тулпор

Дубчароқнинг мислсиз мерганлиги натижасида Кирнинг тарвузи қўлтиғидан тушиб, маликанинг кайфияти кўтарилиб, қароргоҳига йўл олгач, Кўнуқтознинг бокишиларида яна ав-

валги қаттол шуур йилтиллай бошлади. Сабабини анлаган Бўзкурт уларни шубҳали учрашувга алдаб олиб бормаганини, бор-йўғи шоҳга берган ваъдасини бажарганини қандай тушунтиришни билмай боши қотди.

Қароргоҳда у хос тавочи* орқали малика ҳузурига ружсат сўради. Тўмарис розилик бергач, учрашувга чин дилдан тайёрланди. Аввало сўйлар гапларини обдан пиширди. Сўнг яrim саҳифасини жимжимадор ҳарфлар безаб улгурган укпани қайта-қайта очиб ёпди. Нихоят баҳайбат камонини салмоқлаб, ўқларни курмонга жойлади.

Тонгда икки соқчи етовида хонўтовга ташриф буюрган элчини одатдагидай Тамиртош, Кўнуқтоз ва Тўмарис кутарди. У ўтган гал худди шундай шароитда беихтиёр сўйлаб, барчанинг диққатини тортганди. Бу гал ҳам ўшандай ҳолатни нақадар истамасин, нияти амалга ошмади. Ноилож дангалига гапирди, ваъда бермаганида бор бисотидан айрилиши мумкинлигини таъкидлаб, ашёларига нисбатан суҳбатдошлари кўнглида сирли қизикиш уйғотди.

Хизматкор келтирган баҳайбат ёй ва укпани қўргач, Тўмарис Бўзкуртнинг асл вазифасини англаб етди. Сўнг шериклари билан ниманидир келишиб олиш ниятида имоқилиб, элчига ўтов қапуфини кўрсатди...

Маликанинг ишорасини ўзгача тушунган Бўзкурт нохуш кайфиятда ўтовдан чиқди. Бирок уч-тўрт қадам босиб улгурмай, орқасидан Тамиртош етиб келди.

— Агар ростдан кўчманчи авлоди эсанг, буни исботлайдиган пайт келди!..

Бўзкурт саркарданинг сирли жумласи тўғрисида бош қотирапкан, хонўтов ёнига қатор курсилар қўйилди. Гўйлихон, Тўмарис, Кўнуқтоз, Дубчароқ ва Тамиртош бориб ўтиришгач, жатанни келтиришди. Қадимий қуролни кўрганда Дубчароқ сапчиб тушди, сўнг ҳушини йўқотгандай титраб-қақшаб олға юрди. Йўл-йўлакай атрофдагиларни лол қолдириб, пайдар-пай алжираиверди. Алок-чалоқ жумлаларга қараганда, камонни қаердан олганини суриштирмоқда. Элчи ҳадеганда сўзлайвермагач, даҳшатли қиёфада ўшқирди.

— Қасос шибасини кўрсат!..

Гапларига ҳеч ким тушунмади. Кампир жаврашда давом этди.

— Қасос ўқи қани?..

Бўзқурт соқчининг қўлидаги қурмонга ишора қилди. Дубчароқ ўқларни олиб, бирма-бир кўздан кечирди. Сўнг излаганини топмади, шекилли, хафсаласи пир бўлиб, жойига қайтди. Бўзқурт хайрлашиш они шоҳ бекорга бисотидаги ягона ўқи эвазига садогини тўлдириб бермаганини қисман англаса-да, ўша шибанинг асл вазифасига ҳалича тўлиқ тушунмади...

Ўртага нокулай сукунат чўқди. Тамиртош ўрнидан туриб, савол назари билан мўлтираган элчига яқинлашди.

— Ҳозир саҳронинг энг зотдор йилқилари қаршингдан ўтади. Ўзингга муносиб тулпорни танла!..

Унинг гапи охирига етмай, оёқ остидаги тақрон текислик дастлаб секингина, бора-бора даҳшатли зириллай бошлади. Сал ўтгач, уфқда саноқсиз от уюрлари пайдо бўлди. Бўзқурт ички бир сезгиси ила бўрон каби елаётган тўда орасидан асов бедовларни кўрсатаверди. Каманд тутган актачилар ўша заҳоти танланган жониворлар изидан от кўйиши. Ярим сатдан сўнг гижинглаган ўттиз тулпор оломон қаршисига келтирилди. Бўзқурт турнабўйин, қамишқулоқ тўпчоқларни ораларкан, иложи етганларига қўл тегизар, ўта асовларига эса зийрак нигоҳини қадаб, ниманидир аниқламоқчи бўларди. Айни пайтда четдан кузатаётган халқ ёшуллилари йигитнинг тахминлари оддий тасодиф эмаслигидан таажжубланиб бош силкишар, зеро, эндиги элчи ҳамма билган ўша инсон эмасдики, ҳайратга молик ҳаракатига энг донгдор синчилар ҳам тан беришган, факат мўъжизавий танловини изоҳлашга келганда тиллари лол эди, холос.

Ўттизта тулпорни бирма-бир синчиклаб кузатган Бўзқурт уларнинг ичидан тўққизтасининг саррисига шаппатилади. Даврада ўтирган Гўйлихон сукунатни бузиб, кафтини кафтiga урди. Зум ўтмай қарсакбозликка ён-атрофдаги оломон ҳам қўшилди. Олқишлаётган халойик олдида тамом ўзини йўқотган Бўзқурт қилган ишларига тушунмай гарангсирапкан, масйофутнинг кекса ябғу*си аста яқинлашиб, бағрига босди..

— Ташрифинг қутли бўлсин, ўғлоним!..

Бу гап уни заррача ажаблантирмади, ҳатто, ҳушига келтирмади. Шу алфоз ҳануз бошини чангллаб айланадиганда,

Тамиртошгина ногаёнин ўйларидан чалғитолди. У юигитнинг билагидан шаҳд тутди-да, бор кучи билан силкилади.

Бўзқуртнинг кўз ўнги ёришиб, қаршисидаги саркардани илғади.

— Сен Туроннинг энг учқур тўққизта тулпорини ажратса олдинг. Энди ичидан ўзингнинг сафар йўлдошингни танла!..

Ҳал қилувчи лаҳза етганини тушунган Бўзқурт писиб бориб, уюр бошида ер тепаётган тулпорнинг белига сакради...

Ўрники, бир нарсани айтиб ўтмоқ жоиз. Қабила оқсоқоли боя насл-насаби номаълум мусофири бекорга кутламади. Чунки, танланган аргумоқлар бурун ковакларидан олов пуркамоқда. Бутун бошли йилқининг ичидаги атиги тўққизта шундай бедов борлигини эса, Гўйлихондан бўлак ким ҳам биларди?.. Алқисса, Бўзқурт сакраб минган асов тўпчоқ бели бир майишиб, олис-олисларга отилди.

— Хуллала!..

Бўзқурт тулпори фавқулодда тезлик-ла олға интилгани туфайли сал бўлмаса ортига йиқиларди. Сўнгти дамда ўзини тутди, оёғи ерга тегмай елаётган жониворнинг ёлларини маҳкам тутамлади-ю, беихтиёр қаҳқаҳа отди. Ҳа, узок замонлар бурун бепоён сахромат омонат чўзилган чаламурда энди донғи дунёни туттган қабиланинг бурро вакилига айланиб Туронзаминнинг энг учқур тулпори елкасида осмону фалакларга интиларкан, танлаганига Гўйлихондек ябғу ҳавас қилганидан кўп нарсаларни тушунган, бинобарин, бекорга яшамаётганини ҳам англаган, қора қуюнга айланган зулукдек той пишқира-пишқира яккам-дуккам күмтепаларни ортда қолдираётганда, ёнбошига енгил оғаётисиб, кўз қири отнинг олд оёқларини қўлтирига туташтирган балиқ сузғичи монанд митти қанотларга тушгач, мазкур гаройиботдан баттар ажабланганди.

...Энг олис бархангача айланиб келгач, хизматкорлар қора терга ботган отни совитгани жўнашди. Чавандозни ўтовга олиб киришди. Ўтовда Бўзқурт малика қўлидан қадаҳ кўтарди. Хаома қуйилган каркидон шохи бош бармоқларини тилиб бир томчидан қон томизгач, аввал Кўнуктоз, кейин Тамиртош, охирида Бўзқурт симирди. Бу маросим натижаси ўлароқ, ўртадаги гиналар унутилиб, уч авлод ўртасида биродарлик робитаси боғланди. Қисқа тановул тугаб, ташқари чиқишганда эса ўзгача манзара намоён эди. Майдонга узун

тапчан күйилган. Тапчан устида турли-туман от абзаллари. Бир четда ўткир оқиноқ қадалган...

Бўзқурт тапчанга зимдан кўз ташлаб, икки қорабош етovidаги тулпори сари юраркан, унчалик ўйлаб ўтирасдан енгил ҳаракат билан абзаллардан бирини кўлга илдирди. Яқинлашиб отнинг пешонасини силади. Сўнг эркалаган бўлиб устидаги жанда жул^{*}ни терлик^{*}ка алмаштириди. Тулпор саркашланиб бир-икки сапчиши. Юк олдингисидан оғирмаслигини сезгач, тинчланди. Терлик устидан эни-бўйи баб-баравар тириғ^{*} ёпилганда эса депсиниб кўйди. Шу пайт кимдир ҳовучида арпа тутиб, қолгани рисоладагидай кечди. Ичлик^{*} босилгач, устига узанги ташланди. Сўнг уч-тўрт чилвир билан туташтирилган азрим^{*} кўйилди. Навбат эгарга етгач, Бўзқурт хиёл энгашиб, ўнг томонда шалвираган тартиғ^{*}ни отғун^{*}га солиб тортиди. Шу тариқа айил тили боғлангач, чаби^{*}нинг четидаги ҳалқаларни эгар атрофидаги учи ичкари қайрилган митти илгакларга қистириб чиқди.

Энди ё чиктан*, ё диккак^{*} босилади...

Агар от тантанага тайёрланса – диккак, жангта бўлса – чиктан ёпилади. Оний лаҳза мушоҳадага чўккан чавандоз таваккал қилди, бирваракайига иккала ёпинчиқни ҳам босиб, навбатдаги юмушга тутинди. Арғумоғининг бўйнидан кучоқлаб, манглайнини қашлади, сўнг авайллаганча орқадан узатилган сувлиқни оғзига солди. Лунжини шиширган темирнинг эриш таъмидан бегонасираган от бир сапчиши. Бироқ бу пайтгача Бўзқурт жиловни асовнинг бошидан ошириб, жеткан^{*}ни жаноғ^{*}га илган ва бамайлихотир бурилганча ерга қадалган оқиноқ сари равона бўлганди.

Курол ёнига етгач, у чап оёғида тиз чўкиб, кафтларини ўнг тиззасига тиради. Тамиртош оқиноқни олиб, боши узра тўққиз марта айлантиргунча жойидан жилмади. Қиличга сажда маросими тугагач, бошчи тифни бояги жойга қадади ва баланд овозда ҳайқирди.

— Қадаминг қутли келсин, ўғлон!..

— Қадаминг қутли келсин, ўғлон!.. — Ҳайқирди халойик.

Шундагина Бўзқурт ўрнидан туриб, оқиноқни тапчан устидаги охирги ашё – қинига солди. Сўнг денгиздек мавжланаётган оломон жўрлигида ер тепаётган тулпори томон отилди.

Дүнөн баногох жон ҳолатда кишинааб, олға интилди. Бунгача Бўзкурт яна уч-тўрт амални бажарди. Аввал қисмақ*ларни ушлаб, узангига оёқ илдирди. Йўл-йўлакай жетканни чап кўлида тутамлаганча, ўнг қўлини баланд кўтарди.

Халқ момоқалдириқдай гувуллади.

— Қадаминг кутли келсин, ўғлон!..

Зум ўтмай, буюк Турон пасттекислигининг энг учқур тулпори елкасида тош қотган чавандози билан қум тўзонлари ичра ғойиб бўлди.

21-БОБ

Сишархан

Форс қўшинлари ташки томонлама киши кўнглида қутқу үйғотарди. Улар сафланишни мидёнлардан ўрганишган, мидёнлар эламлардан олишган. Бироқ барчалари учун ҳам камонбозлик қучли амал ҳисобланмас, гирик тортишлари муваффақиятсиз эди. Турон элатларигина бу қуролдан отиш сирини мукаммал эгаллашганди.

Антик дунё бошқа халқларининг бу соҳадаги оқсанларига сабаб шуки, улар камонни қорин баравар ушлашган. Натижада ўқ эллик-олтмиш қадамдан нари бормаган. Туронликлар эса ёнбош туриб, гирикни қулок учигача тортишган. Шу арзимас тафовут натижаси ўлароқ, етти юз-саккиз юз қадамдаги рақибни ҳам мўлжалга олишган. Аммо, айни усул минг йиллар давомида сир сақланган. Алалхусус саҳроийилар учун пайкон йўллаш, форсийлар учун найза улоқтириш самаралироқ туюлган.

Хуллас, қўшин олдида найзабардорлар, уларнинг ортидан оғир қурол-аслаҳа кўтарган пиёдалар тизилишган. Найзакашлар зиммасидаги вазифани бажаргач, қаторларини очиб, аввал орқадаги пиёдаларга, сўнг калта қиличли сарбозларга йўл беришган. Шоҳ эса қоқ марказда, маҳсус аравада юрган.

...Кўчманчилар мухораба учун муқаддас майдонни танлаганидан бехабар Кир тезкор ғалаба илинжида юриш бошлагач, уруш муқаррарлигини англаган Тўмарис аллақачон форслар атрофида изғиётган ўғлига «элчи» (суюкли лочини

оёғига қызил мато боғлаб учирди) юборди. Сўнг аллатовур хатоликни сезиб, фаромуш тортди.

У томонда эса қызил боғичли сорни кўрган Сипархан зудликда ракиб устига от солди. Жанг сабоқларини ҳали тўлиқ ўзлаштириб улгурмаган йигитча фақат шахсий жасорати ва куч-кудратигагина ишонар, маккорлик ғалабанинг асосий омили эканлигини хаёлига ҳам келтирмасди.

Кирнинг тажрибали саркардаси Гўҳар кутилмаган вазиятларга тайёр эса-да, ёш масйоғутнинг кетма-кет хуружларидан эсанкираб, сарбоzlарини бой бериб қўйишига оз қолди. Фақат охирги дамдагина фикру хаёлини йиғиб, ракибнинг қизиқонлигидан фойдаланишга аҳд қилди. Эртаси кулай жой танлаб, барчани меҳмоннавозликка чорлади. Саркарданнинг кутилмаган ҳимматидан шодланган қўшин пишир-куйдирга тутинди. Базм авжида босди-босди бошланиб, форслар чекинишиди...

Ана шу ерда Тўмарисни безовта этган воқелик содир бўлди. Рақиб сардори жангариликда Сипархандай бўлмасаям, айёрликда устаси фаранг экан, саҳро маликасининг курагига номардларча найза санҷди. Ўспиринлар хушбўй хаома ва ёлланма юонлар тайёрлаган шаробдан ичиб, ғалабани нишонлашаётганда, боягина тум-тарақай тўэфиган қўшин ердан чиқдими, кўқдан тушдими, кўккис уларни курсаб олди. Шундагина Кўнуктоznинг эрка ўғлони хатосини англади. Бироқ, хушини йиғишига нечоғлик уринмасин, шалвираган илкида қиличини осилтириб, гандираклашдан нари ўтолмади. Рақиблар эса ҳимоясиз болаларни бир бошдан қўйдай сўйишиди.

Орадан ярим соатлар ўтгач, базм майдонида тартибсиз сочилган ичимлик кўзалари ва бўғизланган жасадлардан бўлак ҳеч вақо қолмади. Қотиллар фақат сардорни ўлдиришмади, пайт пойлаб асири олишиди. Оёқ-қўли чандиб боғланган йигитча шундагина урушда нафақат ботирлигу жасурлик, балки айёрлик ҳам сув билан ҳаводек зарурлигини тушуниб етди. Бироқ шу икрори йўлида икки юз чоғли жонжўрасидан аж-ралганини ўйлаб, аламдан дод солаверди.

Энди Тўмариснинг аҳволидан сўранг. Масйоғут ўспиринларининг бошлари танасидан жудо этилган маҳал булжарда йосол*га машгул маликасининг юраги бехосдан санчиб, қандайдир фалокат содир бўлганини англади. Анлагандаям,

ёлғиз фарзандининг ҳаёти хавф остидалигини сезиб, ўтли ох урди. Зум ўтмай ўтовига қайтиб, хузурига эрини чорлади. Оёғи күйган бургутдай типирчилаб, кўнгилхижиллигини тўкиб солди. Кўнуқтоз завжасини овутишга уринди, аммо, айни дамда, ўзининг вужудига бемаврид нотинчлик оралади. Тахъликали ҳолат уларни эртаси пешингача тарк этмади. Ниҳоят, даҳ учарлари қатлгоҳдан хунук хабар келтиргач, эр-хотин шумшайиб, бир-бирларига мўлтираб қолаверишиди. Бироқ она, барибири, она экан, ҳалок бўлганлар ичида ўғли йўқлигини эшлитиб, кўнгли таскин топди. Ҳатто, пинҳона пичирлаб, Яратганга ҳамду сано ўқиди.

Кўнуқтоз эса хотинига қарама-қарши ўлароқ, ўғлининг тирик қолганидан безовта. Ўзини тутишга ҳарчанд уринмасин, ана шу ташвиш онда-сонда совуқ башарасига кўпчийди. Шунда шавкатли жангчининг тўртбурчак афти-ангорида, маллатоб чағир кўзларида, сийрак мўйлабиу юпқа лабларида шармисорлик излари кўрингандай бўлади: «Бундан кўра, ўлса яхшимасмиди? Йўқ, уни асир олишган. Эҳтимол бўлун*ликни ўзи афзал кўрган, номард бола. Жонжўраларини кўйдай бўғизлашаётганларига тек қараб тураверган!.. Энди бепоён пасттекисликнинг Кўнуқтоз номли жангчиси ҳам йўқликка юз буради, хоин жигаргўшаси ўрнига ўлим топади, ўз кўксига тиф санчади...»

Тушкун вазиятдан дарак топса, навкарларнинг жанговар руҳидан асар ҳам қолмаслигини ўз вақтида англаган Тамиртош оқ ўтовга югорди. Йўл-йўлакай Бўзқуртни ҳам эргаштириди. У бекорга вахимага тушмаган, фожиани хис этган, Бўзқурт эса кўл қовуштириб тураверса, минг йиллик умри абасга айланишини тушунган. Шу сабаб яна бир бор кўкрагини яланчоchlамоқчи. Фойибона сурат қаршисида бош этган сафдошларига оловли нигоҳи-ла тикилмоқчи, ўртага виждонини солиб, тантанавор хитоб қилмоқчи...

«Мен – Эрлик хоқондан буён ўтган жами хоқонлар элчisi Бўзқурт ўзимнинг жундақ* тегмаган тоза виждоним билан онт ичаманки, Тўмарис ва Кўнуқтоз ўғли Сипархан душманга бош эгмаган!.. У шонли ота-онасининг, элиниг ор-номуси йўлида жонидан кечишига кафилмен!»

...Кўчманчиларнинг тўққиз тилли қуёшга сифинишлари бежизга эмас. Ёлғиз шу тамғанинг ўзи урушда минглаб

жангилар ўрнини босиши, ҳаттоки, бутун бошли халқлар тақдирини ўзгартиб юбориши мүмкін. Буни учала саркарда ҳузыридаги ўша учрашувдаёқ англаған Бўзқурт, беихтиёр юқоридаги сўзларни такрорларкан, қалбининг гурсиллаб уриши-ю, бошини зирқираб фувуллашидан бўлак садони эшиитмас, боз устига, нелар деяётганини ҳам англамас, чунки сўйлаёттан қаломлари ўзга буюкроқ зот ихтиёрига боғлиқ эди...

* * *

Ҳали нима қилиб кўйганини тўлиқ англомаган Сипархани ўша куниёқ шоҳ ҳузырига элтишди. Деярли яrim мақсадига эришганини сезган Кир кенг елкали ўспириннинг кўзларига назари тушиб, аъзойи бадани жунжикиб кетди. Чунки бу нигоҳда ўзгача ёлқин гурулламокда. Чунки қаршисида буюк курашлар учун туғилган ботир турарди. Унинг кекса қалбида кенжа фарзанди тенги ўспиринга нисбатан ўринли ҳурмат уйғонганининг сабаби шунда.

Бўқов ечилгач, увшган қўлларини уқалаётган Сипархан улкан чодир ичра тош қотган соқчиларга зимдан кўз ташлади. Атрофдагилар унга кўпам эътибор беришмади, назарларида руҳи батамом синган маҳбус қаршилик кўрсатадиган аҳволдамас. Шаҳаншоҳ эса йигитчанинг осонликча бош эгмаслигини сезган-у, кутилмаган таваккалчиликка қодир-қодирмаслигини унугтанди.

...Ҳақиқий сак гўдаклигидан қиличбозликка ўргатилиши хусусида бурунроқ таъкилагандик. Нихоят, буни форслар ўз мисолларида синааб кўриш вақти етди. Яъни, қўллари тушовдан бўшаб, анча-мунча ўзига келган Сипархан елкасидан босиб, тиз чўқтиришга уринаётган соқчининг акинагини шартта суғурди-ю, қайтиб томорига сермади. Қўққис тош қотган жангчининг аввал оғиз бурчлари, сал ўтгач, бўғзи айланасига қизариб, қон томчилади. Сўнг бир мункиб қийшая бошловдики, кутилмаган ҳодиса юз берди, боши танани тарқ этиб, тахт пойига юмалади. Чор теграда ногаҳоний ҳайрат хитоблари янгради. Ҳукмдор ҳаётига хавф туғилганини сезган соқчилар эса дарҳол атрофини ўраб олишди ва ёлриз йигитчанинг ўнлаб душманга қарши ҳаёт-мамот жанги бошланди. Ҳаш-паш дегунча, яна тўрт

«Барҳаёт» қон қусди. Шунда орқадан келган Теушпа хавфли бўлишига қарамасдан, охирги чорани қўллади... Ёш масйоғут бехос қураклари ўртасига қадалган найзани лопиллатганча гандираклаётганда, пайт пойлаган Гўҳар биқининг ханжар урди. Буюк Кир қошида тиз чўкишни истамаган шавкатли ўғлон ёнбошига қулади.

Шоҳ надоматда бош чайқаб, пойида ётган йигитчага тикиларкан, томоғидан киринди ўтиб, ютинди. Қанийди, мана шу ботир ўз ўғли бўлса? Афсус, афсус... Гаумат бир сафар сакнинг енгилмаслигига, аксар Худо берган омад, қолаверса, жанговар ҳийла-найрангни рўкач қилганди. Энди билса, уларни ғалабага етакловчи бошқа омиллар ҳам бор экан. Дейлик, она сути оғзидан кетмаган болакайнинг қилган ишлари... Мингтагина шундай сарбози бўлса, икки йилда дунёни эгалларди. Ростданам, олий эҳтиромга муносиб жангчи экан Сипархан.

Кир хизматкорларига қора қонига бўялган жасадни ювибтарашни, шоҳона либосларга ўраб, ота-онасига жўнатишни буюрди. Мулозимлар чекиниб, танҳо қолгач, қўзларида филтиллаган ёшли тўхтатолмай, бош эгди. Аллақайлардадир Гауматнинг ингичка нидоси янграмагунча, елкалари титраб ўтираверди.

Маг унинг аҳволидан, ҳозиргина кечган тенгсиз олишувдан ҳам хабардор. Бинобарин, бу ерга шунчаки келмаган. Шоҳ фикри ўзгарса, асрий орзулари оёқости бўлади, минг йиллик умри чиппакка чиқади. Бетартиб чўэйлган мурдалар бошида айюҳаннос солишининг сабаби шунда.

Дафъатан ўзига келган Кир астойдил фирон чекаётган пирини кўргач, аслида ҳалқ отаси сифатида ўзи дод солиши лозимлигини тушунди ва қалбининг туб-тубида масйоғутлар ютига юриш бошлашга ундаган ўша ғализ ҳислари қайта уйғонди. Магни елкасидан тутиб ўрнидан турғазгач, икки ўт ўртасида тўлғана кетди. Ахир, ҳалиги айттанларини инкор этмаса, ўз ҳалқини хўрлаган, сўзидан қайтса, номардлик бўлади. У сал ўйлаб, маъқул қарорда тўхтади, ёш скифнинг бошини олтин товоқда қайтаришга буюрди. Тўғри қилдими, ёхуд нотўғрими, ўзига аён, аммо бу қарор уни узоқ йиллар бурун Худо ёрлағаган зот сифатида таърифлаган пайғамбар кароматларига анча-мунча яқинлаштириб қўйди.

Бу ёқда эса шўрлик она ёвқур ўғлонининг танасиз боши тепасида дод солса, суюнган тоғидан бевақт ажралган ота сокин пичирлаганча, онт ичмоқда. Худди шу тун даҳшатли қасам натижаси ўлароқ, черик хизматидаги кулларнинг анча-мунчаси қўйдай бўғизланди. Фалокат оқибатини кутмаган Тамиртош қатлгоҳга етиб келганда, батамом эс-хушини йўқотган Кўнуктоз ваҳшиёна наъра тортиб, гоҳ ўнгта, гоҳ сўлга қилич сермаганча, талвасада тум-тарақай юргурилаётган мидёний қорабошларни чалғидек ўради. Жикқа ҳўл соchlари орқасига ёйилган мотамсаро Тўмарис олдини тўсиб чиққачгина, у ўзига келди ва қонли қўллари или хотинини бағрига босиб, ўтовига чекинди.

Масйорутнинг мард ўғлонларига мотам тутган қўшон че-рик шу кун тонгтacha кўз юммади.

Тўмарис эса Кирнинг чанқоғини қондиролмаса, хирсини қондириш онлари тобора яқинлашаётганини сезиб, армонла-рини унтишга уринди, фикру хаёли ёлғиз фарзанди эмас, бутун бир ҳалқнинг келажагига андармон бўлди...

22-БОБ

Кентаврлар*

Учарлар ортидан қизил майдонга чиқиб келган Кир тузоқни сезмади. Майдон бўйлаб узоқ юришди. Шомга яқин осмону фалаклардан аввалига вишиллаган хунук садолар, изидан сон-саноқсиз оловли пайконлар ёғилгачгина хатола-рини англашди. Еру қўкни ажал кучаеттган кимсаларнинг оҳ-воҳи тутди. Шундагина оддий камон кўчманчилар қўлида қаттол куролга айланишини тушунишди. Ярим соатлик ти-рандозлик оқибатида юзлаб сарбозлар ер тишлади.

Тунда заррача мижжа қоқишимади. Ҳар дақиқада саҳройилар ҳужумини кутиб тонг оттиришди. Атроф ёришгач, уфқларга ёйилган худудда бирор зор кўрмай, баттар ваҳимага тушишди. Ҳайҳотдек текислик улкан қатлгоҳ мисоли қизариб, қурбонларини авварди, гўё. Кир қай тараф юришни билмай боши қотди. Бекор тураверса, ожизлигини сезиб қолишларидан хайиққач, кеча ҳалок бўлганлар усти-ни оҳактошлар билан ёпишни* буюрди. Пешингача дағн

маросимиға тутинишди. Сўнг тунов кунги ваҳималар боз тақрорланди, дастлаб майдоннинг тош қатлами ожизгина зириллаб, изидан саноқсиз отлар кўринди. Кўшин олис-олислардан ёпирилаётган тирик қуюнга тикилиб, беҳуш анграяркан, ногаҳон эгарда буқчайган чавандозлар қад ростлашди-ю, илгор қисм ёлланма греклари сафида саросима бошланди. Барига кимнингдир оҳиста янграган хитоби сабаб бўлди: «Кентаврлар!..*»

Бу сўз кўпчиликка тушунарсиз эса-да, кўшинни аллақачон ваҳимага солиб улгурган, издиҳомда даҳшатли парокандалик бошланганди. Шунда шоҳнинг ишонган саркардаси иккинчи бор айёргини кўрсатди, тантанавор ҳайқириб, олга интилди. Унинг ногаҳоний ҳаракатлари барчани оний лаҳзага тўхтатди, ҳисоб. Ва шу қисқагина муддат кифоя, дарҳол ўзларини ўнглаб олишди.

Барчанинг дикқати Гўҳарга қадалди. Кўшин уни ботир жангчи сифатида тан олади. Муҳораба олдидан кечадиган яккама-якка олишувларда, асосан, Теушпа икковининг қатнашиши ҳисобга олинса, янграган алоқ-чалоқ қийқириқлар ҳам тушунарли. Бироқ, улар ҳалича ракиблари орасида бундайларнинг ўнтасига бас келадиган баҳодир борлигини билишмайди. Йўқса, тўйдан олдин норора қоқиб, йўқ ғалабани нишонлашмасди.

Майдоннинг қоқ ўртасида отдан тушиб, кўксига муштлаётган форсга отилган зўрлар талайгина эса-да, Кўнуқтознинг ҳайқириғи барчани жой-жойига михлаб кўйди. Кечагина ёлғиз фарзанди увол кетган хундор ота қасос мақсадида олға юрди...

Ҳар иккала томон ҳам юрак ютди. Курдан шахдам одимлаб чиқсан Кўнуқтоз шиддат-ла рақибиға яқинлашди-да, енгил қилич сермади. Кечётган воқеликни англаб улгурмаган Эрон лашкари ишонган паҳлавонининг туйқус муккасидан кетганини, боши чирпираганча уч-тўрт қадам нарига бориб тушганини кўриб ночор оҳ тортди. Янада даҳшатлиси кейин содир бўлди, қийшшаяётган жасадни кутилмагандан суяб қолган Кўнуқтоз дафъатан эгилиб, юксиз елкадан отилган қирмизи фавворага оғзини тутди. Бемаза ва ачимсиқ ҳид юз-кўзига урилишига бепарво ютоқиб қон симиргач, ҳамон оёқ-кўли типирлаётган чўлтоқ жуссани четга улоқтириб, юзтубан

йиқилди. Бир муддат шу кўйи ётгач, аста қўзғалиб тиззала-ди ва икки қўлини кўкка чўзиб, бехос хунук ув торгди. Зум ўтмай этни жунжиктирувчи садога ўзга саҳройилар қий-чуви қўшилиб, издиҳом ваҳшиёна тантана оғушида гурсуллайверди. Мудҳиш сасдан форслар баданида «чумоли ўрмалади». Айримлари эса дир-дир титраб, қўлларидаги куролларини тушириб юбордилар. Шундагина ҳукмдор калласига «таёқ тегди». Пешонадан хунлар, ўнгдан тохару саклар, сўлдан жузэжонлар, орқадан масйоутлар қуршайвергач, зудликда чорасини топмаса кеч бўлишини тушуниб, саркардаларига ҳайқирди. Шаҳаншоҳнинг баногоҳ наъраси зум ўтмай олис-олисларга етдики, сарбозлар қайтадан сафланишди. Бироқ, ҳаракатлари барибир ҳалокатга маҳкум. Негаки, улкан супа пасттекисликдан эллик қари юксакликда жойлашган бўлиб, икки ёнбоши тубсиз ўнгирдан иборат. Ортга қайтишнинг иложи йўқ, кеча айёrona қатл этилган жигаргўшалари қасо-сига чоғланган хундорлар сафини ёриб ўтиш жарликка сакрашдан-да ҳалокатлироқ. Жангмисан жант бўлди...

Мислсиз ғайрат ила айланасига қилич сермаб, рақибларини ўтдай ўраётган Кўнуқтозни кўрганда Кир ботиний ҳиссиёти-ла ана шу паҳлавон маликанинг эри эканини сезди ва сар-кардаларига ниманидир деб ҳайқиргач, элликтacha сарбоз ўша томонга отилди.

Иккаласининг ҳам мақсади аниқ. Бири эсиз кетган жигар-банди қасосида куйиб ёнса, иккинчиси шу азаматнинг ўлими ушалмас орзулари сари йўл очишини англаб от сурмоқда. Ҳа, бир-бирига айрича манфаатлар кураши, икки ҳалқнинг ҳаёт-мамот жанги, зафарёр шаҳаншоҳ ва эркпараст малика тўқнашуви бу.

23-БОБ

Муҳораба

Оловдек жибаси қадди-бастига ярашиқли Бўзқурт ол-дидан чиқсан фортса найза санчиб, қирғинбартот ўртасига нигоҳини қадади. Ўша тарафларда азалий рақиби Теушпа наъра тортмоқда. У асирик дамларини ўйлагандага Гауматни әслайди. Аммо, очиқ озор етказмагани боис магдан аламзада

эмас. Теушпа эса әлчилик даврида икки-уч бор нафратини сочган. Қолаверса, юртдошларига қўшилиб, Тамиртош ва Кўнуктоз каби номдор жангчиларга биродар тутинган кимса фавқулодда мардлик кўрсатиши лозим.

...Теушпа ҳам уни кўрди. Аввалига кечаги ожиз каснинг нафрат тўла нигоҳи ўзига қадалганидан таажжубланди. Сўнг орияти тутиб, отига қамчи босди.

Бўзқурт Эроннинг ишонган паҳлавони ўзига тир эмаслигини сезса-да, пинак бузмади. Тўғри, у ҳарбий салоҳиятда Теушпа олдида ип ҳам ечолмайди. Аммо, ички ҳиссиётлари олға ундумокда. Модомики устози айтганидек жони мудом омонда экан, бундан унумли фойдаланиши керак!..

Қасос истаб чиққан паҳлавонларни кўрганда атрофдаги жангчилар, беихтиёр ортга чекиниб, ўртада узунгина йўлак очишиди. Рақиблар шу йўлакдан олға интилишди. Масофа сал қисқаргач, Теушпа зарб ила қўл силтади. Шувиллаган найза мўлжалига етиб улгурмай, кора тулпор қаттиқ кишинади. Консираган издиҳом тош қотди. Чунки бир неча лаҳза оёғи ерга тегмай елиб боргач, қўққис баланд сакрашдан сўнг дўнон ростакамига уча бошлади. Мўъжизавий парвоздан талмовсираган чавандоз охирги дамда эсини йиғди ва рақиби узра ўтаётганда кескин энгашиб, қўлидаги оқиноқни сермади. Ерга тушгунча эса боши ўртасидан иккига ажралган душманининг йиқилганини, йиқилибоқ пишқириб айланаётган саноқсиз от туёклари остида чанг тўзонга қоришганини илғаб қолди. Бирдан назарида ҳанузгача тинчлик бермаган ўша рўёлари жонланди. Оний мушоҳададан сўнг кўнгли таскин топиб, оғир уф тортди. Қарангки, устози билан видолашув онлари у ўзганинг қисматига юзма-юз келган экан. Айни дам хаёлида ўзгача фикр ҳам чарх уради. Мана, ёвқур жангчилигини исботлади. Энди ҳақиқий кўчманчига айланиши учун сўнгти маросимни бажариши лозим. Шундай қарорга келгач, ҳайрат ва қўркув аралаш тикилган ёйига нафрат-ла боқиб, қиличидан томган қонни ялади ва узангига оёқ тираб, бор бўйича кўтарилиди-да, даҳшатли ув тортди. Кутилмаган ёввойи сас душманлар талвасасига, дўстларнинг шоён қийқириувларига сабаб бўлди.

...Жанггоҳда бош узра кўтарилиган дулдулни кўрмаган кас қолмади. Айниқса, Кирнинг капалаги учди. У барча

аслзодалар каби минг-минг йилқи соҳиби эса-да, бунақасини хаёлига келтирмаганди. Шу боис кўрган-билганларини эслай кетди. Ниҳоят, хаёлидан пириллаб ўтаётган манзаралар ичидан керакли воқеликни ажратиб олди. Ёлланма греклар ахён-ахён аллақандай кўшиқни куйлашар, она Ватанга баришланган ўша сатрларда юонн гўзаллари Қолоқсой тулпорларига менгзаларди* Энди билса, қасидадаги отлар чинакамига парвоз қиласкан.

Шоҳ ҳайратининг иккинчи сабаби — чавандоз. Адашмаса, бу — ўша, Ҳиндикуш ортидан ташриф буюрган мусофири. Унинг илкида қаттол қуролнинг йўқлиги янам эътиборга молик. Илло, қўркқани шу эди. Ахурамаздага шарафларким, ажалга чап берибди. Мусофири асирга олган кезлари кўрган тушида саклар камонидан узилган пайкон юрагига санчилган эди. У жатанин курмонга қўшиб ёқиб юборса бўларди. Аммо, қочсанг — тутиласан, яхшиси, унга пешвозд чиқ!.. Зеро, Кичик Осиёга уюштирган сафарлари чоғида ибратли афсона эшитган, ўша афсонада бир шоҳ қисматта тош отиб курбонга айланган, яъни ўғил билмай ўз отасини ўлдирган, туккан онасига уйланганди* Қолаверса, тақдир ўйинлари бекорга эмаслигини ўз танасида синаган, бобоси Иштувоқ bemavrid туши боис киндиги кесилмаган норасидани ўлимга буюрганда, ҳозирги аъмолига эриша олмасди, эҳтимол?..

Хуллас, мусофириниң кетишига изн бериб тўғри қилаётганига у минг карра ишонган, фақат бағрига босиб ҳайрлашаёттанди бирровгина огоҳлантирганди. Асирниң ваъдасида туришини яхши биларди, бугунги мўъжизавий парвоздан сўнг янам ишонди. Энди хотиржам яшайди, туши чапиасидан келгани тайин.

* * *

Илоҳий тамғали зотнинг жасорати черикни анчагина руҳлантириб юборди. Натижада улар беш-ўн дақиқага ташаббусни ўз кўлларига олишди. Бирок, бу узоқ давом этмади. Барига енгилмас паҳлавонининг аянчли ўлимига қарамай, рақиби мардлигидан руҳланган хукмдор кайфияти сабаб бўлди. Кир ёшлиқдан ҳарбу зарблар ичida улғайтани туфайли, қачон, нима қилиш кераклигини яхши биларди.

Шу боис, ҳозир күнглидаги салгина күтаринкиликни атро-фидагиларга юқтира олди. Натижада Бўзқурт қон ялаб, угуллагандан сўнг саклар фойдасига оғган тарози паллалари тескарисига ўзгарди. Даставвал дахлар саркардаси ер тишлади. Буни Тўмарис олисдан илғаб қолди. Кейин не кўз билан кўрсинки, чекка-чеккадан камон отиб, душманни қириш топширилган қариялар гуруҳи тузоққа тушди. Найзага илиб, кўкка кўтарилган масйоғут улуғи Гўйлихоннинг жасадини яққол кўрган кўшон черик руҳияти батамом синса-да, кечга яқин душманнинг кичикроқ қисми хунлар ҳалқаси ичида маҳв этилди. Шу билан бугунги жанг якунланди, чарчаган кўшинлар ортга чекинишиди. Хизматкорлар машъала ёқиб, ўликларни йиғишига тутиндилар.

Хон ўтовга қайтгач, малика саркардалари билан мажлис ўтказди. Тонг гира-ширасида икки навкар қарама-қарши тарафларга – Жуэжон ва Даҳ қароргожи сари жўнади.

Саҳармардондан янграган бургулар яланюч қиличларини чанглаб ухлаган минглаб одамларни оёққа турризи. Аслаҳаларини шиқирлатиб тизилишаркан, уларнинг қалбида бугунги ғалабадан умидворлик ҳисси туғён урад, деярли ҳеч қайсиларида тушкун кайфият сезилмас, мабодо кимдир ташвишли қиёфада эса, бу бор-йўғи мислсиз чарчоғу уйқусизлик натижасидир. Илло, бири ҳукмдорига кўр-кўронга эргашган мутаассиблардан, иккинчиси пойдеворсиз иморатлар-у, иморатсиз шаҳристонлари ҳимоясига ошиқкан фидойилардан ташкил топган кўшинлар орқага йўл йўқлигини энди узил-кесил англаған, шу боис мардларча сафланиб, сўнгги жангга отланишмоқда эди.

Яккам-дуккам тепаликлар оғушидаги қонли майдонга шахдам яқинлашган босқинчилар дастлаб атрофдаги мудхиш суннат туфайли уч-тўрт дақиқага тўхтаб қолишиди. Кўп ўтмай, оёқ остидаги замин зириллай бошлагач, жанговар тўдаларга бўлинниб жой-жойларини эгаллашди. Кўшин ўртасида келаётган Кир тонггача ухламаган эса-да, бардам кўринарди. Буни ҳозиргина мойланган соч-соқолию эгнидаги янги либослардан билиб олиш мумкин. Сафари давомида у кўчманчиларнинг ҳарбий усуулларини анча-мунча ўрганган, тунги машваратда қарши ҳаракатларни келишиб ҳам олганди. Боз устига, кенжা ўғли Бардий ўн минг нафарлик бўлинма билан ҳализа-

мон етиб келиши түғрисидаги хабар насия ғалабани шундок қўйнига солиб қўйганди...

Бугунги муҳорабани тонгдаги навкарлар етказган буйруқ натижаси ўлароқ, даҳ ва жузжонлар бошлаб беришди. Улар рақиблари атрофида айлана-айлана тамом қуршаб олишгач, ёнбошлама ўқ ёғдира кетишиди. Кир осонликча жон бермади. Худди шундай ҳол аввал Лидия билан кечган жангда рўй берган, ўшанда ёлланма греклар сардори Аркабус тошбақа усулинни қўллаб, қўшинни муқаррар ҳалокатдан сақлаб қолганди. Ҳозир шуни такрорлашди, қоқ марказда шоҳ атрофини аввал «Барҳаётлар», кетидан суворийлар ўрашди. Пиёдалар эса чор теваракда алоҳида-алоҳида фужланиб, қалқонларини боши узра кўтаришиди. Майдонда юзлаб «тўнкарилган косалар» пайдо бўлди. «Косалар» тагида жон сақлаган форслар пайт пойлашга тушишиди. Ҳимоя кутилган натижани берди, жуэжон ва дахлар душманнинг писиб ўтиришидан жўшиб, ўқлар тугагач ортга қайтиш ўрнига, найзабозликка ўтишиди. Тўмарис бу ҳаракатларнинг ҳалокатли оқибатини сезиб, зудликда сарик яловни кўтаришни буюрди. Бадлук ва кеча ҳалок бўлган Могур ўрнига тайинланган Тахтон шартли белтига эътибор бермай «тошбақалар» устига отилди. Бундан фойдаланган сарбозлар шундоқ пешонада айланаётган отларнинг оёғига баб-бараварига қилич ургач, баногоҳ гурсиллаб йиқилган минглаб жониворлар залворидан Қизил майдон зириллаб кетди. Малика фожиа миқёсини бирдан англади. Бироқ кеч англади, бошқалар ёрдамга келгунча, ҳалқа гирдига ёғилган форслар яёв биродарларига қўшилиб, узангидан оёқ чиқаролмай типирчилаган навкарларни аёвсиз қирдилар.

Зудликда қизил байроқ кўтарилди. Бу — ҳамма ёппа ҳужумга ўтсин дегани. Душман устига қумтепалар ортидан Эрвуз бошлиқ саклар ва Моден Гулнинг хунлари, бу томондан масйофтлар ёпирилди. Кир яна ўша усулини қўллади. Кўчманчилар энди уларга яқинлашишмади, садоқлари бўшагач, узоқдан айланиб, тошбақа боши косасидан чиқишини кутишиди. Рақибнинг анча-мунча эҳтиёткор бўлиб қолганини сезган Кир барчани олға юришга ундали. Дастрлаб туралар* ортига яширинган ёлланма юон ва ҳабаш, изидан мидён, ниҳоят, форслар жангта кирди. Саклар пиё-

далар ҳалқасини ёриб ўтиши ҳамон орқадан суворийлар от кўйишиди. Натижада вазият тескарисига ўзгариб, саҳройилар икки ўт ўртасида қолишиди.

* * *

...Эртадан бери қалтис аҳволдан кутулиш йўлларини излаётган Кўнуқтознинг кўзи дафъатан хос соқчилари орасида келаётган шоҳга тушиб, кўнгли ёришиди. Шу боис, ҳаялламай навкарларига ҳайқирди. Эллик чоғли масйоғут буйруқни эшитибоқ, душман сафини пароканда айлаганча, шаҳаншоҳ томонга отилди. Уларни кўриб, жангтоҳнинг олис бурчагида олишаётган Бадлукнинг кўнглига ҳаётбахш умидлар оралади. Изидан Моден Гул ва Тахтон марказга интилди. Бу бир ҳисобдан ўзини оклади, жангчиларнинг рухи қўтарилиб, майдон узра яна совуқ увллаш янгради. Аммо, Кир кутилмаганда рақиб томон пешвоз юрди. Пиёдалар эса шартта бурилиб ортга қайтдилар.

Вазиятни баҳолаш ниятида тепаликка от сурган малика ниманидир сезгандай, черикни эҳтиёткорликка чорлади. Куроллар жаранги овозини босиб кетгач, йўл-йўлакай қаршисида улоққан пиёда ҳабашга қилич солиб қулатгач, қайта тиф санчаркан уфқдан кўринган тўдани таниб, хурсандлигидан қичқириб юборди, ёрдамга шошаётган олони Шемоқ бошчилигидаги Марокент саклари эди. Кейин нигоҳини қарама-қарши тарафга тикканда, қўтаринки кайфијатидан асар ҳам қолмади. Негаки, Қизил майдонга йўналган иккинчи йўлакдан бегона издиҳом ўрмаларди...

Бу ҳам етмагандай, учар тулпорида чарх уриб душманни қираётган Бўзқурт ҳалокат ёқасида, ҳаддан зиёд қизишиб кетганиданми, ёхуд Яратганинг ҳукми шундаймиди, ис-канжага олган қотилларини сезмай тобора ажали комига яқинлашмоқда. Мана, зарбасига чап берган ёлланма грек эпчиллик ила ортига ўтди-ю, узун дастали ойболтасини сермади...

Шавкатли ўвлони бошчилигидаги лашкар майдонга ёпирилиши билан Кир соқчиларини тарқ этиб, олға ташланди. Ҳукмдорнинг кутилмаган жасоратидан руҳланган қўшин ҳам қараб турмади. Жонини Жабборга бериб сўқиша кетди. Вақтида курашга қўшилган темир интизомли «Барҳаётлар»нинг бехато

хатти-ҳаракатлари эса форснинг ғалабасини, кўчманчиларнинг мағлубиятини янайам яқинлаштириб қўйди. Буюк халқнинг минг-минг йиллик шон-шуҳрати аласга айланадиган шармандали дамлар келди.

Олдинроқ боши олтин товоқда қайтарилган арзандаси-ю, душманлари найзага илиб азот кўтарган падари бузруквори ўлими сабабли кўз ёши тирқираётган маликанинг маъюс нигоҳи қонталаш уфқлардаги элас-элас нуқталарга қадалди. Илло бошқа ёрдам келмаслигини аллақачон сезса-да, бирнинг тушкунлиги мингга уришини тушунгани боис ўзини тетик кўрсатаётган, фойибона нажотни эса энди улкан пасттексислиқда қаққайган саноқсиз қумтепалар ортидан эмас, ўша назар етмас келажақдан кутаётганди Тўмарис.

Назар етмас келажақда эса...

24-БОБ

Қуёш тамғаси

Мен олис ўтмиш тафсилотлари битилган саҳифаларни безаган жимжимадор сатрлар ўртасида чизилган пайкон нимани англатишини билмай бошим қотган ва ўқиётган мисраларимдаги оламшумул воқеликларга бутун вужудим билан шўнгифиётган маҳалда янада кутилмаган воқеликлар юз бермоқда эди. Хусусан, институтимиз дарбони Аҳмад оғанинг гайритабиий ўлими туфайли ҳафсаласи тамомила пишган Максим Азизий ўта хомушланиб, қазишмаларга қатнашмай қўйган, каминани эса вилоятдан келган терговчи туман Ички ишлар бўлимига чорлаб, ўзим билмаган, тўғрироғи, истамаган мавзуларим тўғрисида сўзлашга мажбурлаётганди.

Ёмони, уч-тўрт кун бурун пойтахтта жўнаган Тамара Содиковна, домланинг топшириғи натижаси бўлса керак, тегишли идораларга Аҳмад оғанинг ўлими тасодиф эмаслигини шипшиштгани туфайли бениҳоя хавф-хатарга йўлиққанини ҳеч ким билмас, мен эса бу сирни ошкор этолмай баттар қийналардим.

Бунинг устига, Зармонинг ҳам тўсатдан кайфияти бузилган, лекин сабабини билдирмай, ошиғини азобда қолдирганини қолдирган эди. Мен ортиқ шу тахлит яшолмаслигимни се-

зар, аммо ўша иримкашлигим сабаб айни воқеликларни да тақдири азалга йўйиб, шикаста кўнглимга тасалли беришга бехуда уринар, ниҳоят, бошқа макала топмай яна ҳарф ҳижжатлаб, сирли тафсилотлар бағрига сингиб кетардим.

Тўмарис мадад истаб олис келажакка кўз тиккан маҳал анчайин думбуллигим сабабми, ёхуд кўпроқ юкоридаги масалаларга андармонлигимданми, унинг асл муддаосини англамадим. Чунки айни дамда менга ўтмиш воқеаларидан кўра отамдек меҳрибон устозим, ҳаётини олдиндан белгиланган режа асосига куриб, номзодлик диссертациясини ёқлагачгина турмушга чиқишига аҳд қилган қарикиз қасбодшим, айниқса, жисми жонимни забт этган маҳбубам тақдири азизроқ кўринганди. Шу боис мутолаани тўхтатиб, шамоллаш баҳонасида кўчага чиққанча, Холчаёнга жўнадим...

Манзилга етгач, тепалик айланиб чодирга яқинлашдим. Чодирнинг этаклари ярим белигача қўтарилганидан ичкаридаги ашқол-дашқоллар аниқ кўринади. Синчиклаб разм солувдим, назаримда, тиргаклари бақувват курсига чўккан Махсим Азизийнинг шашти анчагина пастдек туюлди. Сесканиб кетдим. Сўнг устоз чарчаганда қийшайиб ором олишларини эслаб, кўнглим жойига тушди. Ростданам, боши кўкрагига осилган, чап томонига сал тоб ташлаб мизиёттан кимсани кўрганда, беихтиёр бошқача хаёлларга бораркан киши...

Аста чодирга етиб, четроқдаги иккинчи стулга чўқдим. Шу туришда чорак соат ўтирувдимки, орқадан енгил қадам товушлари эшитилиб, Зармо кўринди. У кутганмиди ёки ўзини атайин шундай тутдими, ташрифимдан заррача ажабланмади. Имо килиб, қарама қарши томон йўналди. Зарур гали борлигини дарҳол сездим.

— Бу дейман, ако, келаркансиз, бизга ҳам хабар бермадингиз?.. Ёки бундан буёғи яширинча келиб, яширинча кетишга ўрганяптиларми? — Нарироқ боргач шартта ўгирилиб, тумшуғим тагида пишиллаганча истаза қила кетди у.

Нима деб жавоб беришни билмай, дудуқлана-дудуқлана минғирладим.

— Уйда ўтириб зерикдим. Сизларни кўргим келди...

Қиз, тарки одат — амри маҳол, шаддод қаҳ-қаҳ урди. Бироқ хурсандлиги узок чўэйлмади, бирдан маъюс тортди.

- Уч-тўрт кундан бери домланинг мазалари оби-тобида эмас. Аҳмад оғанинг ўлимидан қаттиқ қайфуряптилар.
- Биламан...

Бошқа сўзга тилим келмади. Зеро домлам нафақат қайфуриш, балки ботиний хавотир туфайли ҳам тушкун кайфиятда эканлигидан огоҳман. Бироқ бу ҳақда бировга оғиз очолмайман, ишонишлари даргумон, қандайдир ғойибона кучлар ва ғайриоддий мўъжизаларга лаққа тушадиган даврлар аллақачон ўтган.

Каминани дилдори қархисида озроққина эҳтиёткорликка чорлаган эҳтиёж эса унинг эртами, кечми ҳозирги сирасрорларни аниқлаш масаласи. Бунинг учун эски алаҳсирашлари бошланса, кифоя, яна нималарнидир билиб оламан.

...Кеча милиция бўлимидан келишганди, — Зармо кўлидаги чақирув қофозини узатди, — бугуноқ бораркансиз...

Денов Ички ишлар бўлимида эски танишим Хуршид Низомович ва шаҳри азимдан ташриф буюрган Карим Ниёзович Боймуҳаммадов кутиб олди. Мен атайин бепарво саломлашдим-да, рўпарадаги курсига ўтириб, қулогим сизда дегандай уларга термилдим. Пойтахтлик вакил сал хаёл сурди, муҳим саволи бордай тараффудланди, сўнг фикрини йиғиб тин олди-да, синовчан гап қотди.

— Ёрдам бермасангиз бўлмайди, дўстим. Камина милиция терговчисиман, сиз Илмий текшириш институти тадқиқотчиси. Хуллас, биздай одамларнинг турли хурофотларга ишониб юришининг ўзи бўлмағур гап. Бироқ, бошқа илож йўқ. — Карим Ниёзович нутқи ўзгариш ясадими-йўқми, кўрмокчидаи, афт-башарамга тикилди. Мен эса унинг нимага шама қилаётганини тушунсан-да, бирдан ҳамма қартани очиб ташлашни истамай меровландим, ниятим, мақсад-муддаодан ўзи гап очсин. Шундай ҳам бўлди, у сигарет бурқситиб чуқур нафас олди-да, давом этди. — Рости, аввалига ишонмагандим. Лекин, гувоҳларнинг гапи бир жойдан чиқавергач, начора? Кўлингиздан келса, ёрдам беринг. Сизни бунга мажбурлай олмайман, аммо сукут сақлайверсак, яна беш-ён бегуноҳнинг бошига етамиз. Қурбонлар орасида сизнинг ҳам, менинг ҳам яқинларимиз бўлиши мумкин...

Шундайлигини ўзим ҳам биламан. Ҳолбуки, ўша ҳало-катга ҳаммадан кўпроқ бақамти келгани ҳозирча Тамара

Содиковна. Мабодо, унинг айтганлари ошкор этилса, ёхуд Аззо Кабировичнинг қулоғига етса, худо урди, деяверинг.

Туйқус тараффудланганимдан Боймуҳаммадов сергак тортиди. Сўнг чўчитиб юбормаслик ниятида назарини бошқа томонга буриб, «Гапираверинг», деди.

— Аввало Тамара Содиковнани бутунлай унугасиз!..

— Сабаб?..

— Сабабини айттолмайман. Шу шартимга кўнсангиз, саволларингизга жавоб бераман.

— Маъқул, — жиндай ўйланиб рози бўлди терговчи, — аммо ҳамкасбингизнинг кўрсатмаларини текшириб кўриш фойдадан холи эмаслиги ўзингизга ҳам аён. Сизнинг икрорингиз шундай имкониятни қўлдан чиқаришимга арзийдими?..

Тушундим, у ҳозир ўсмокчилаб сўраётса-да, натижа қандай тугаши ўзига сир эмаслигини сездирмоқда. Бундан анчагина хотиржам тортдим, фаросатли одам бекордан-бекорга бироннинг азият чекишига (ҳалок бўлиши нари турсин) йўл қўймайди. Айниқса, давлат одами...

Карим Ниёзович сир бой бермай, давом этди.

— Ўша қизил кийимли шотирлар ҳакида батафсилроқ сўйласангиз.

— Ўтган гал Хуршид Низомовичга айтганларимдан ортигини билмайман.

— Аммо, сизни айнан ўшалар пичоқлашган. Наҳотки жароҳат ўрни битмай, нафратингиз сўниб улгурди?..

— Қанақа жароҳат? — Ажабландим мен беозор шумлини дилга тушиб.

— Кўкрагингиздаги чандик... Ҳали ҳам ўқтин-ўқтин санчиб қўяётгандир?..

Кўйлак тумаларимни ечиб, ҳамон истеҳзоли жилмаяётган сухбатдошимнинг нақ пешонасида кўксимни яланрочладим. У-ку, икки ҳафталик асоратдан асар қолмаган баданимга унчалик эътибор бермади, ҳисоб. Аммо шеригига дуппа-дуруст одамнинг ғалати қилиғи эриш туюлди, шекилли, аввалига ўртамиздаги хижолатпазликни кўтариш учунгина ҳаммаси менга аён дегандек бош иргаб, бепарво назар ташлади. Сўнг ранги оқарди. Гоҳ қўзимга, гоҳ кўкрагимга аланг-жалаңглаб, таажжубланди ва бирдан қорачиғлари кенгайиб, оғзи очилди. Ана шундагина пойтахтлик терговчи ҳам бехос сесканди.

Рости, унча-мунчага сир бермайдиган жицдий кимсаларнинг бунақа аянчли аҳволи етти ухлаб тушимга кирмаган. Карим Ниёзович дудуклана-дудуклана кўрсаткич бармоини юрагим устига никтади.

— Бу нима?..

— Ўша пичноқнинг изи, — бепарво кулимсирадим мен. Чунки шу тобда кимсан, Тошкентдек шаҳри азимдан келган терговчини фавқулодда холатидан янам фурурим ошгани устига, Термиздаги касалхона Бош врачининг кулгили аҳволи ҳам кўз олдимга келганди. Тажрибали табиники ҳайратлантирибманни, оддий одамларни қўяверинг.

Сал ўтгач, Карим Ниёзович ҳали-вери ўзига келмаётганидан шубҳаланиб, кўз қишимни ташладим-у, баданимда кўрганим ўэзимният саросимага солди. Ҳа, икки ҳафта муқаддам касалхонадалигимда ярим қаричлик асорат шундоқ кўз ўнгимда битганидан нечоғлик ҳайратланган эсам, буниси янада ошиб тушди. Ўша чандиқ ўрнида энди кафтдай доира қаварипти. Бошимни эгиб, юқоридан пастга қарашибирмунча қийинлиги туфайли ҳозирча шунигина илғадим, холос. Аммо мазкур ноаниқ айлананинг ўзи ҳам оёғим қалтираб, вужудимдан дармон кетиши учун кифоя қилди. Беихтиёр Жалайир момонинг гапларини эсладим. Ахир, у кўкрагингда порлаган қуёшга ишон, демаганмиди? Нечакунки, бунинг маънисини қидираман, мана — кўкрагимда порлаган қуёш!

Ночор аҳволимдан терговчиларнинг ҳайрати ошса-да, ба-рибир ҳам сергак экан, ўтирган курси-пурсим билан ағанаб кетаётганимда қайсисидир ушлаб қолди. Сўнг бир-бири мизга ён бердик. Ҳа, менимча энди учаламизнинг ўзаро яширадиган сиру синоатимиз қолмаган, боз устига, хатарли сўқмоқдан ягона мақсад сари интилган ҳаммаслакларга-да айланиб ултургандик. Эҳтимол, шу сабабли мен итоаткорона термилар, улар саволларни қалаштираверишарди.

- Қотиллар қандай кийинишганди?
- Қизил, ёки қирмизи...
- Сиз уларни кутганмидингиз?
- Ҳа...
- Нима сабабдан?..
- Ўзим ҳам билмайман...

Сўзларимга сал-пал ўтрик аралаши. Чунки ўшанда хуфя қазишмаларимдан ғойибона хабар топган Илмий текшириш институтимиз раҳбари ишни шундай қолдирмаслигини англаганим туфайли кимнидир куттандим. Ҳозир буни тан олсан, ўз-ўзидан ўшалар ҳакида гапиришга мажбур бўлишимдан кўркиб, рад жавобини бердим. Тўғрироги, барча гаройиб ҳодисалару сирли жиноятлар калити биргина исм-шарифда яширинганини энди аниқ билсам-да, ҳалича Аззо Кабировичга на милиция, на прокуратура тенг келолмаслигини сезганимдан ортиқ гапирмасликни истаяпман.

— Сиз уларнинг қадам товушларини эшитдингизми?..

Дафъатан хотирам уйғонди. Ростдан ҳам бегона ёёқ товушларини эшитган-эшитмаганимни ўйлаб, улар кетаётганда бирор ортиқча сасни илғамаганимни, остоңада фужанак тортиб инграётганимда, эшикнинг шарақлаб ёпилишидан сўнгги совук сукунатни хушсиэлигимга боғлаганимни эсладим. Энди билсам, ўшанда ўзимда эканман. Фақат кўксимга пичоқ санчган валломатларнинг сассиз ғойиб бўлишганини бошқа нарсаларга йўйиб кўя қолганман.

Шундай ҳам дейлик. Бироқ, улар арвоҳмидики, сузуб кетишса? Бирдан фикр-хаёлимни ўзга савол тўзитти. Нега энди?.. Ахир, ўзимнинг қоракушга айланиб институтимизга борганим, саҳродаги кўргиликларим-чи?.. Шуларни эътиборга олсак, қизил кийимли котиллар тўғрисидаги таассуротлар тамомила ўзгаради. Масаланинг бошқа томони эса — арвоҳнинг чирқиљашини бирор эшитмаскан (бунга ўзим гувоҳ), ростакамига пичоқ санчишини не деб изоҳламоқ жоиз?..

Карим Ниёзовичга қайтариб савол бердим.

— Уларнинг сассиз йўқолишганини қандай тушунмоғим керак?

— Билмадим, лўли қизнинг иши бўйича чақирилган гувоҳларнинг айтишича, улар сузуб ҳаракатланишган. Ўлжани Бўрижарга ташлагач, сув сатҳидан йигирма метрлар баландда варрак сингари парвоз ҳам этишган.

...Вужудимга аллақандай таҳлика инди. Йўқ, одамзоднинг дафъатан парвоз этгани туфайли эмас, гап қандайдир лўли қиз ҳакида бораётганини эшитиб шу ахволга тушдим. Қолаверса, Аззо Кабировичнинг заррача эътиroz билдири-

май, Зармо Зирромовани қазишиларгага сафарбар этилгандар рүйхатига қүшганиям ҳалигача тушунарсиз эди. Демак, ўшанда у бошқа бегуноңни ўлдириб, күнгли осойиш топган. Аммо, қандай қилиб адашди экан? Мана шу саволга жавоб топсам, янада кўп нарсалар аён бўлишини сезганимдан терговчига илтижоли термилдим. У шубҳа-тумонларимни баттар ошириди.

— Бўрижардан топилган устухон ўта эски бўлиб, камида икки минг ёшда экан.

— Икки минг беш юз қирқ тўрт ёшда...

Туйкус сескандим. Негаки, рақамларни қайдан олганим ўзимгаям номаълум. Аммо шу гапни айтаётганимда, хаёлимда рожа саройидан сочи қиртишланиб ҳайдалган йўловчи учратган икки шотир етовидаги пуштиранг либосли қиз ва ўша сохибжамолни қўриқчиларидан халос этган бўзбўри гавдалангани рост. Бошқа нарсани эслолмадим. Бироз ўтиб эса шулар ҳам хотирамдан ўчди-кетди.

Билиб-бilmай валдирашимдан ранги бўзарган Карим Ниёзович бошқа ҳеч нарсани сўрамади. Фақат учрашувимиз бошидагидек синовчан назар ташлаб, шивирлади.

— Уларни қандай тўхтатамиз?..

Ночор елка қисдим, «тўхтатиш йўлини билганимда, олдинроқ ўзим таклиф этмасмидим?..»

Шу кўйи қотдим. Ниҳоят, Боймуҳаммадов столга биринки чертиб, шеригига маъноли тикилди-да, сигарета тутатди. Беш-олти бор ҳузурланиб, чукур-чукур тортгач, бамайли хотир бош иргади. Ўрнимдан қўзғалдим. Ташқарига чиқсан, кун пепшинга оғибди. Гарангсиб озроқ турдим. Сўнг шаҳд машинамга ўтирдим-у, йўл-йўлакай новвойхонадан тўртта иссиқ нон, чогроққина гузар бозорчасидан мева-чева сотиб олиб, Холчаён жўнадим. Ҳали домлам билан сухбатлашполмай қайтгандим, қолаверса, ҳозирги мушкулотдан кутулишнинг ягона йўли ҳам ўша томонларда ниҳондек туюлмоқда, назаримда.

Машинамни газлаб, ҳаш-паш дегунча, манзилга етдим. Тепаликни боягидаи ёнбошидан айланиб, яна этаклари кўтарилиган чодирга келдим. Бу сафар домла уйғоқ экан, кучоклашиб қўришдик. Кейин қофоз пакетдаги бозорликни столга қўйдим. Зум ўтмай, Зармо пайдо бўлди. У сир

бой бермай саломлашди-да, чой дамлади. Даастурхон устида ора-сира ташланган ўринсиз луқмаларга қараганда кутилмаган учрашувдан учаламиз ҳам нокулай ахволда қолганга ўхшаймиз.

Домланинг гаплари анча-мунча йигилиб қолган, шекили, сал ўтмай Зармони ишчилардан хабарлашишга йўллади. Курсига жойлашиб ўтирганча, жон қулогимни тутдим.

- Ёмон ишларга араласиб қолмадикми, бўтам?..
- Узр, домла...
- Кўп нарсаларни биладиганга ўхшайсиз...
- Ҳа... Аммо, буларни сизга айттолмайман, домла, айттолмайман!..

Максим Азизий мавхум нуқтага тикилиб, ўйга чўмди. Тушунишимча, бъязи тасодифлардан хабардор устоз эшитган-билғанларига ишониш-ишонмасликни ўйлаб, аросатда қолган. Ҳозир шунга аниқлик киритиш ниятида гап очмоқда. Мен эса жисми жонимни телба-тескари айлаган файритабиий ишларга тортиб, бу мўйсафиднинг ҳаётига хавф туғдирмайманми, деган ҳақли андишадаман. Майли, ҳаммаси хайрли тугасин ҳам. Аммо изоҳ беришга тўғри келса, кўргиликларимни нимага боғлайман?..

Шундай ўтираверишда ортиқ бирор нарсани билолмаслигини англаган домла ниҳоят қўлларини дуога жуфтлаб, кетишимга изн бердилар. Хайрлашаётib эса ўзингизга эҳтиёт бўлинг, бўтам, дедилар-у, ҳасратхонам қулфи-калитини очиб юбордилар. Қайрила солиб елкаларидан тутдимда, эҳтимол илк бор кўзларига тик бокқанча, тўхтамай бақиравердим:

«Жонимга қасд этишга ҳеч кимга рухсат йўқ, домла. Улар қадрдонларимни маҳв этиб, мендан ўч олишмоқчи. Шунинг учун ўзингиз эҳтиёт бўлинг. Тамара Содиковнани бу ишларга аралаштируманг. Зармони эса қўриқлайдигани бор!..»

Буларни домла қандай тушунди, номаълум, бироқ қорачиқлари одатдагидан каттариб, таажжубли киёфага кирганидан ўқим нишонга текканини англадим. Сўнг бошқа гаплар ортиқчалигини ҳис этиб, капани тарк этдим. Йўл-йўлакай ном қолдираман, деб шубҳали ишларга араласиб қолганимни ўйлаётib, бир вақтлар ўнгимдами-тушимдами гав-

даланган зарбоф либосли зотни эсладим. «Нима қилдийкан, бечора, иморатини тиклаб бўлдимикин? Ё ҳалиям телбанамо нигоҳини аланг-жаланглатиб, қулаётган чордеворлар аро югураётганмикин?..»

Изимга бурилиб чайла тепалик ортида кўринмай қолганини иллагач, нафас ростлаш учун чўнқайдим-да, учкур хаёлларим жиловини бўшатдим. Кўз олдим қоронfilaшибоқ, нигоҳим ўша азим майдонларга кўчди. Бироқ, ҳалиги жонбоз қурувчи — мен билған басавлат зот энди соч-соқолини кир босган аллақандай яктакчан қарияга айланган... Иморати анча-мунча кўтарилиб қопти. Деворлари бўй баравар қад ростлаган. Лекин, не мақсадда қурилаётгани ҳануз номаълум. Чол жонсарак ҳаллослаганча, атрофдаги хонавайрон бинолар пойида сочилган катта-кичик фиштларни ташишга овора...

Тўсатдан жаранглаган овоз хаёлимни тўзғитди.

— Бу дейман, ако, индамасам, шундай ўтираверасизми? Тулинг, ўқдай отилиб манзилга жўнанг!..

«Нима, нима?.. Ўқдай отилиб манзилга жўнанг, дейдими?.. Қанақа ўқдай?..»

Бирдан хаёлимга кечаги ўқиганларим келди. Ахир, ўшаларда ҳам ўқ ҳақида гап бормаганми?.. Сатрлар орасидаги найзасимон таёққа назарим тушганиям рост. Зармо ҳозир шунга шама қиляпти, деб айтольмайман, доимгидек алаҳсираётган бўлиши мумкин... Бироқ у бекордан-бекорга алжирамайди, тўрт ҳафтаки, бунга ишонганман.

Бошимни кўтариб Зармонинг қиёфаси ногоҳ алаҳсирашдан кейинги афтода ҳолатига қайтганини кўрдим. Демак, гапларидан хулоса чиқаришим лозим, ёки таваккал ҳам қилишим мумкин. Масалан, шартта қайриламан-да...

Танишганимиздан бери илк бор фикримни тасдиқлатмоқ учун юрак ютдим.

— Қайси манзилларга жўнай?.. Қандай ўққа айланай, Зармо?..

Фарибона аҳволимдан қизнинг чехрасига дарду алам кўпчиди. Сўнг ошиғига синовчан тикилиб, сўроғим оҳангига шивирлади.

— Ўша манзилларга жўнанг!.. Қасос пайконига айланинг!..

Қасос пайкони

Холчаёндан қайтганимда онам эгниларида қават-қават кўйлак, юз-кўзларини тангиб, тандирга нон ёпмокда эканлар, саломимга бош иргаб алик олдилар-у, яна ўз ишларига машғул бўлдилар. Менга ҳам шуниси маъқул, ҳозиргина Зармодан эшитганларимни изи совимай, ўйлаб оламан. Шу ниятда ичкари уйга кириб деразани очгач, бебаҳо «китоб»имни гиламга ёздим-да, маҳбубамнинг хайрлашар дамдаги илтижоларини эслаб, хаёлга чўмдим. Албатта, Зармо Аззо Кабирович тўғрисида сўзлагани аник. Бошимни қотиргани эса мабодо, қасос олишни истаб қолсам, буни қай йўсинда амалга ошириш масаласи. Қолаверса, қизнинг иккинчи жумласи ҳақидаям айрим саволларим бор. «Қасос пайконига айланинг!..» Хўш; буни қандай тушунмоқ даркор, кўчма маънодами, ёхуд?..

Хуллас, ўйлайверсам, гумонларим талайгина.

Иккиланишнимнинг кейинги сабаби, ўртамиздаги машмашалардан бутунлай бехабар лўлининг оддий аспирантни Илмий текшириш институти директорига қарши йўллаётганидир. Ҳа, айни пайтда, тўппа-тўғри Кир Ахоманий ва малика Тўмарис ўртасида кечаётган улуғ муҳорабалар майдонига сафарбар этилишим тушимга киргани йўқ. Рост-да, аввалроқ қайлардадир чор-ночор сандироқлаган эсам, бариси вужудим ўлим тўшагида ётиб, руҳим парвоз этган онлар маҳсули. Ҳозирги ўйлаганларим эса энг ўйноки тасавурларга ҳам сифмайдиган ҳомхаёл экан, таваккал тахминларни йиғишириб, диссертациямга уринганим маъқул. Ҳусусан, ўқиб-билганларимдан аниғи шуки, аввалимбор тўғри йўлдаман, бунга асосларим етарли. Чунончи, йигирма беш асрлар бурун Турон пасттекислигида от сурган кўчманчи қабилаларнинг кўпчилиги аслида туркийлар бўлганига ишончим комил. Эски буқа терисидаги битиклар мутолааси давомида туғилган охирги қарорим шу. Негаки, Будда замондошининг каминага тушунарли тилда ёзганларидан бошқача фикр уйғонмайди. Ўзимнинг изланишларим мобайнида англаганларим ҳам мазкур тахминларни тасдиқлайди.

Ўша машхур Ишпагайни олайлик. Эрамиздан икки минг етти юз йил бурун дунёнинг деярли ярмини забт этиб, Ишакуза давлатини барпо эттанининг ўзи мислсиз воқелик. Энди муддаога ўтайлик – биз милоддан олдинги даврларни ё хитой манбаларидан, ёки юон мозийшуноси Геродотнинг «Тарих» асаридан ўрганамиз. Геродот эса кўрган-билганларини миллий дунёқарашига нисбатан баҳолайди. Бундан ташкари, унинг айрим атамаларни ўзига маъқул талаффузда юончалаштириб ёзганинг бирор рад этолмайди. Модомики, қадим-қадим замонларда жой ва шахслар туриш-турмушига қараб номланган экан, Геродот таъкидлаган «Ишпагай» ва «Ишакуза» сўзининг асл маъносини ўз тилимииздан излаш мақбулроқ, назаримда...

Кабилачилик барча замон ва маконларда деярли бир хил тамоиллар асосида ривожлангани ҳаммага аён. Шу томонлама қарасак, бизга энг яқин ибтидоий жамоалардан маълум бўладики, шахсга исм беришда, аввало, ота-она орзулари, сўнг гўдакнинг ижтимоий келиб чиқиши ҳисобга олинган. Масалан, атиги юз йил бурунги Америка ҳиндуларининг отлари, албатта, аниқ маънони англатган. Австралиялик аборигенларда ҳам исм қўйиш олдидан пухта ўйланган. Шундай экан, Шарқдаги башарият уруғчилик асосида яшаган замонларда бу маросим бошқача йўсинда кечган, деб ким айта олади? Максадга келдикми? Энди бу ёғини эшитинг. «Тарих» асарида кудратли Оссурияни тиз чўқтирган сак Ишпагай, давлати Ишакуза деб аталган-у, буларнинг маъноси ёзилмаган. Ваҳоланки, Геродот ўзига тушунарли номларни батафсил шарҳлагани ҳаммага маълум. Ҳатто, мидёнийларнинг исмларга берган изоҳлари мавжуд. Демак, антик тарихчи форс тилини қисман тушунган ёки билагонларнинг ёрдамига таянган. Бегона сўзлар учраганда эса бундай сермашаққат муаммодан қочган. Эҳтимол, шу боис Ишпагай исми шарҳланмай қолгандир. Ҳолбуки, бу шахс ҳарбий лаёқати жиҳатидан Кир ёхуд Искандардан ўтса ўтадики, қолишмайди...

Ҳамма гап юқоридаги атамаларнинг аслида бизга таниш Шапағай ва Ишўғиз сўзининг юончалашган вариантилигига. Шапағай – чапақай, Ишўғиз эса (ич ва таш) ўриз уруғлари маъносини англатишини ким билмайди, дейсиз?..

Қадим замонларда кишининг жисмоний имкониятларини илохийлаштириш оддий ҳол саналган. Жумладан, гўдакнинг ўзгага ўхшамаган томонлари бирдан кўпчиликнинг назари га тушган ва ундан керакли хулосалар ясалган. Искандар Мақдуний ва Кир Ахомандан анча бурун дунёни зир титратган кимсани ташки жиҳатларига қарабина Шапағай аташганининг сабаби ҳам шунда. Қолаверса, бундай шахсларда фотиҳлик иқтидори ривожланган бўлади. Алҳол Александр, Спитамен, Чингизхон ва Соҳибқироннинг сўл қўлда бемалол қилич ўйнатгани ҳеч кимга сир эмас. Демак, чапақайлик азалдан Яратганинг неъмати саналган.

Айни дамда яна бир фикрни ўртага ташлашни истардим. Геродот даврида бугунги тараққиёт, бинобарин, ҳозиргидай батафсил маълумотлар йўқ эди. Шу сабабли жаҳон халқлари хусусидаги билимлар ҳам чекланган бўлган. Алалхусус, ўша замонларда ер юзида ҳозиргидан (икки минг) зиёдроқ миллатлар ёйилган эса-да, тарихчи атиги эллик-олтмиштасини қайд этиб, ўзига номаълумларини буларнинг қариндошлари сифатида келтираверган. Қарабизки, саклар Шарқий Эрон лаҳжасида сўзлашувчи қабилага айланган-у, биз гумроҳ бандалар ҳалигача мазкур таваккал таҳминга асосланиб, бутун бошли халқни эронийлар сифатида таниймиз. Аслида-чи?.. Қадим аждодлардан қолган беш-олти сўзни синчиклаб текширсак, уларнинг кўпроқ кимга яқинлиги аёнлашади. Дейлик, «сарабара» — кўчманчининг белдан пастки кийими... Энди шаравор ёхуд чоловорни олайлик. Фақат туркийларгина кенг иштонни шундай аташади.

Кейингиси «барта», болта дегани. Сўзлар ўртасида яқинликни сездингизми? Албатта!.. Устига-устак, бўғинлар ўрнини алмаштирангиз, табар деб ўқилади (навбатдаги авлодлар томонидан ясалган атама). Икки сўз ҳам ягона маънени англатишини инобатга олсак, мақсадимиз янайм ойдинлашади. Хулласи калом, сарабара — чоловорни, барта — болта, табарни англатаркан, уларнинг форс тилига алоқадор жиҳатини топинг-чи?..

Гап шундаки, боя таъкидлаганимиздек Геродот Кичик осиёликларни, асосан, шумерлар, аккадлар, халдейлар, лулубейлар, кассийлар, арамейлар, эламийлар, мидёнийлар, хеттлар, хурритлар, эронийларга ажратгандек, нарироқда яшаган



бегона қабилаларни таниш миллатларнинг бирига боғлаган-кўйган. Натижада, скиф форснинг тус қариндошига айланиб қолган.

Ваҳоланки, Библия пайғамбарларидан бири, эрамиздан олдинги VII–VIII асрларда яшаган Еремийнинг тарихий фактларга асосланган китобидаги баъзи мисралар тўғри йўлдан бораётганимизни кўрсатади. «...Яратган деди: тавба қилмасангиз, қонхўрлиги ва қаттиққўллиги жиҳатидан бошқа одамларга ўхшамаган, тилию талаффузи сиз билган шевалардан кескин фарқ қилувчи ёввойи қабилаларни устингизга жўннатаманки, туғилганингизга пушаймон чекасиз...»

Айни сатрларни бекорга келтирмадик. Гап скифлар ҳакидалигини зътиборга олсак, мабодо тили эронийларга ўхшаганда, пайғамбар юқоридаги жумлаларни таъкидламасди. Чунки ўша замонларда Бобил, Оссурия, Эlam, Мидия сингари салтанатлар бутун дунёга машҳур эдики, Арабистон яриморолида яшаган элу элатлар барини яхши билар, устига устак, форс-мидён лаҳжалари давлатлараро савдо-сотик тили ҳисобланиб, агар скифларнинг жиндак яқинлигини сезишса, назардан қочирмаган бўлишарди. Еремей эса уларни етти ёт бегона қабилалар сифатида зътироф этади...

Энди шунга мантиқан боғланадиган бошқа мисол, Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луготит турк» асарида куйидаги мисралар бор. «...Қошғарлик Халаф ўғли имом Шайх Ҳусайн деган одам охирзамон ҳакидалини китобида пайғамбаримиздан шу ҳадисни ривоят қиласди. Улуг Тангри айтди: менинг бир тоифа аскарим бор, уларни турк деб атадим ва кунчикарга ўринлаштирудим. Бирор халқдан разаблансан, туркларни унга қарши йўллайман» (М. Кошғарий. «Девону луготит турк». 1-том. 334-бет).

Ҳар иккала мисолнинг туб моҳиятидан келиб чиқсак, гап аслида битта халқ тўғрисида бормаяптими?..

Вақтики, яна бир фикрни ўртага ташламоқчиман. Негадир, баъзи тарихчилар қадимда Турон пасттекислигига от сурган кўчманчиларни туркийга боғлашдан қўрқишиди. Очиқ-ойдин белгилари кимлигидан дарак бериб турса-да, бошқача хулоса чиқаришга уринишади, исм-шарифи ёки ташки қиёфасининг айrim ўхшаш жиҳатлари туфайлигина форсийзабон ҳисоблашади. Ана энди дўппини олиб, мундоқ ўйлаб кўрайлик.

Хозирда барча мусулмон давлатларида арабча исмлар урф. Шундан келиб чиқса, бир неча асрлардан кейинги тарихчилар йигирманчи-йигирма бириңчи асрларда дүнөнинг ярмида, хусусан, Ўрта Осиё ҳудудида ҳам бадавийлар яшаган деган қарорга келишлари керак экан-да?..

Дарвоқе, ҳудуд ҳақидаям озми-кўпми таъкидларимиз борки, бу фикримизни янада исботлашига ишончимиз комил. Тарихдан маълум, айрим ҳалқлар фақат ўрмонларда, бошқалари тоғ ёнбағирларида, баъзилари эса чўлу биёбларда умргузаронлик қилишган. Бундай турмуш тарзи қонқонига сингиб кетганлиги сабаб, минг йиллар давомида заррача ўзгармаган. Инчунин, форсийлар бугунга қадар тоғ бағирларини маъқул кўришади. Демак, минг йиллар илгари ҳам скиф тоққа интилмаган, форсий саҳрода... Шундай экан, кўчманчиларни тоғликларга боғлаш беҳуда сафсата.

Шу ўринда ҳурматли тарих отасига нисбатан яна айрим эътиrozларимизни изҳор этмоқчимиз. Маълумки, скифлар Оролбўйи, Аму ва Сайхун қирвоқлари, қадимий Олтой, Тувадан тортиб Каспий, ҳозирги Днепр ва Дон соҳилларигача бўлган бепоён ҳудудни эгаллашган. Булар ҳақида батафсил тўхталган Геродот Дон дарёсини Танаис, Амуни Окс, деб атайди. Сўзларнинг маъноси хусусида эса сукут сақлайди. Модомики, машхур мозийшунос бу сермашаққат юмушдан қочган экан, биз зиммамизга олайлик. Чунки Окс Ўкуз (дарё, сой маъносини англатади)нинг грекча вариантидир. «Танаис» ҳам юонинг нисбатан туркийга яқинроқ. Илло, дарёнинг азалдан ҳудди бугунгидек сокин оққанлиги борлиқни ички-ташки кўринишига қараб баҳолашга мойил қабилалар диққатини тортган. Қарабсизки, шунга мос ном топилган.

Тыныс—қадимий тилимизда тинч дегани. Хозирда ҳам айрим туркий ҳалқлар тинч сўзини юқоридагидай талаффуз этишади. Шундай экан, юончалашгач, Тыныс Танаис бўлиб жарангламаганига ким кафолат беради?..

Михаил Шолохов ўзининг машхур асарини дарёнинг айни хусусиятларидан келиб чиқиб номлаганини ҳисобга олсак, фикримиз янада ойдинлашади...

Менинг далилларим шу билан тугамайди. Панжа орасидан қараш оқибатида бутунлай ўзгача тусда гавдаланган воқеалар

тариҳда бисёр топилади. Масалан, XIX аср охирларида скифларни номи ўхшашлиги учунгина герман қабилалари, деб эътироф этувчилар бўлган. Қаранг-а, қадимги саклар ҳозирги саксларнинг узоқ аждоди эмиш. Ахир, Туронзамин қаерда-ю, Германиянинг Саксония ерлари қаерда?..

Бу гапни бекорга келтирмаяпмиз, модомики, ушбу янгилиш тахминни ўртага ташлаганлар мозийшунослик оламидаги маълуму машхурлар экан, уларнинг ҳозирги нуфузли издошлиари ҳам адашмаяпти, деб ким айта олади?..

Бундан ташқари, тарих фанида биргина кишининг масъулиятни сезиб-сезмай билдирган фикри келгуси авлодлар учун бошкотирмага айланиши мумкин. Геродотнинг фикрича, дунёнинг деярли ярим ахолисининг эллинлар каби Зевсни асосий худо санаганлари бунинг ёрқин мисоли. Ваҳоланки, ҳар бир ҳалқнинг ўз дини, ўз маъбудлари, худолари бўлган.

Дарвоке, худолар ҳақида...

Манбаларда сак, масйофут, хун, даҳ, жузжон, хуллас, кўплаб кўчманчилар, асосан, куёшга сифинишлари таъкидланиб, кетидан бошқа маъбудлари санаб ўтилади. Шулардан бири уруш пири Ойтосир, она тилимизга ўғирсак Ойтўсар. Навбатдаги туркча атама... Қадимги Миррихни бундай номлашда, балки қизил сайдеранинг бизга ноаён хусусиятлари ҳисобга олингандир. Билмадим, изоҳлаш мунажжимлар иши, эҳтимол, қачонлардир қадимда Марс бекорга Ойтўсар деб аталмаганини исботлашар...

Вақтики, яна бир нарсани эслатиб ўтмоқчиман. Юқорида айrim тарихчилар сакларни туркийларнинг аждоди сифатида тан олишдан қўрқишлари айтилди. Шунга боғлиқ мисол, VI асрда яшаган византиялик тарихчи Менандр деган зот император Юстинианга турк хоқонидан жўнатилган номани эски скиф ёзувида битилганини, элчилар ҳам мазкур тилда сўзлаганларини эслаб, туркийлар ўша жанговар қабиланинг авлоди эканлигини таъкидлайди. Бундан келиб чиқадики, саклар туркча гаплашишган, кейинчалик замона зайлар билан номи ўзгарган-у, бугунги муаррихлар шу баҳона, буюк ҳалқни дом-дараксиз йўқолган, деб айлоҳаннос солишимоқда.

Энди сизга савол, мабодо бирор тарихий баҳсга дуч келсангиз, у ҳақда яқин замондошларининг далилларига ишонасизми, ёхуд минг йиллардан кейинги уламоларга?..

Хозирда саклардан атиги уч аср беридаги тарихчидан кўра икки минг йиллик масофада яшаган олимларнинг саф-саталари урф. Шундай экан, асл ҳақиқатни VI асрда яшаган Менандр айтганми, ёки йигирма биринчи аср уламоси?..

Гапнинг қисқаси, Геродот ва кейинги муаррихларда ҳам бугунги Самарқанд Суғдиёна пойтахти сифатида эътироф этилиб, ўша пайтдаги номи Маракана – Маракент дейилган. «Кент» атамаси эса туркийларда шаҳристон маъносини англатиши Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону лутотит турк» асарида қайта-қайта такрорланган. Бундан навбатдаги масала қўндаланг бўлади, модомики шундай экан, қарийб уч минг йиллар бурунги шаҳарни олимларимиз таъкидлаганидек, бирор туркий яшамаган даврларда ким бундай номлади?

Энди шу масалага оид бошқа исботни эшитинг. Фирдавсий «Шоҳнома»сида, ундан олдин «Авесто»дек буюк китобда ҳам эронийларга қарши турган Турон ҳукмдори ҳақида сўз боради. Тўғри, мазкур асарларда Афросиёбни ўта жохил, қаттол, хуллас, салбий шахс сифатида таърифлашади. Бу бошқа масала. Бизга муҳими Афросиёб томонидан Маракентнинг курилиши. Ўзингиз ўйлаб кўринг, шаҳристонини туркча номлаган инсон қайси миллат вакили бўлиши мумкин?..

Мен юқорироқда тақдири азалга ишонишимни (мазкур синоатнинг муаллифи кимлигини англасак, янайм қадри ошади), қодир Эгам доимо қўллаб-куватлаб келганини айтганман. Инчунин, ўзимни билағон туркийшуносдек тутаётганим ҳам эриш туюлмасин. Нимадандир воқифманки, мозий тафсилотларида зинҳор адашмаяпман. Ахир, Ишпагай – Шапағайлигини, Ишакуз – Ичӯғизлигини, Ойтосир – Ойтўсар, Окс – Ўкуз, Танаис – Тыныслигини ким ўйлабди, дейсиз?.. Айни дамда оз-моз шаккоклигимдан ҳам тонмайман. Йўқса, Геродот билан баҳслашармидим? Бошқа томонлама эса ҳақиқатни галиришга тўғри келса, ортиқча даҳмазаларни ўйламаскан киши. Айниқса, миллий фууррга алоқадор туйғулар уйғонса...

Нафсиlamри, буларни миллий туйғуларим туфайлигина бажараётганим йўқ. Мушкул юмушларга йўллаган нарса иммий ишимни яқунига етказиш илинжи ва Аззо Кабировичга қарши муносиб курашиш иштиёқидир. Булардан кўпроқ роль

ўйнагани кейингиси десам, янада адашмайман. Илло, Сулаймоновлар бор экан, мен жиҳодимни давом эттиравераман...

Кўрдингизми, гап айлан-айлан яна Аззо Кабировичга тақалди. Ваҳоланки, уни бир неча кунга унугиб, ўз ишларимга, яъни хўқиз терисидаги битикларга шўнғимоқчийдим. Айни дамда, шу фикрларга келишимга ўша ўқиганларим сабабчи эканинният унутмайлик. Йўқса, камина қаёқда эдим-у, икки ярим минг йиллик тафсилотлар қаёқда эди...

Алқисса, қайтадан хаёт-мамот жангি кетаётган майдонларга яқинлашдик. Бу майдонларда эса олдинроқ таъкидлагани-миздек, гоҳ Эроннинг, гоҳ Туроннинг посангиси оғир келаётган, икки кун бурун яккаю ягона эркатойини бой берган Тўмарис кечада падари бузрукворидан айрилиб, қалбини аёвсиз азоб ғажиётса-да, дикқат-эътиборини тўрт сония бурун қиличи зарбидан қулаган барзанги ҳабашдан узиб, сўнгги бор назар етмас келажакка илтижоли тикилаётганди.

Эллик-олтмиш қадамча нарироқда душманлар ўртасида ярадор йиртқичдек кутуриб, ўнгу сўлига тинмай қилич сермаётган Кўнуктоз ҳайқираарди. Жуфти ҳалолининг ваҳшиёна наъраларини бошқалар ҳам эшитиб, зарур чора кўришга уринишаётганини назардан қочирмаган Тўмарис яқинроқдаги Тамиртош сари интилди. Маликаларининг нигоҳи қайси тарафга йўналганини вақтида сезган беш-олти жангчи дархол ўша тараф от сурди. Зум ўтмай, Эртуз ўғлини ўраган сарбозлар чекинишди. Қуршовдан қутулган саркарда биродари томон отилди. Бу пайтда шахсан Кирнинг имоси ила етиб келган ўн нафар «барҳаёт» сакнинг бекиёс маҳорати олдида «думи қисилган» шерикларига қўшилиб, атрофдаги доирани қисқартира-қисқартира ўлжаларига яқинлашган, буни вақтида сезган Кўнуктоз яқин масофадаги қиличбозлик ўзи учун анча ўнғайлигини ҳис этиб, уларга атайн имконият яратиб берганди.

Барibir ҳам умр йўлдошининг ҳаракатлари ҳалокатга маҳкумлигини сезган Тўмарис ногоҳ баланд овозда қичқирди. Аёлнинг наъраси муҳораба майдони узра ўзига хос ишорадек жаранглади ва яқинроқда жанг қилаётган масйофтлар йўлларидаги душманларни хазондек чирпиратиб, олга интилишди. Үнлаб ёғий ичра нотенг чопқин кетаётган жойга етган Тамиртош қиличини ракиби бағрига санчиб, назарини

куршовдаги инисига олганда, кеч бўлганди. Тўғрироғи, кўзи кўкрагига тиф санчган ёв бўғзига ёпишиб, қонини ичганча, отдан йиқилаётган Кўнуктозни зўрға илғаб қололди. Буни Тўмарис ҳам кўрди. Бироқ ортиқча дод-войлар муқаррар мағлубият эканини англаб, кўзларидан ёш тирқиратганча жангни давом эттираверди.

Сардорнинг қатъиятлилигидан руҳланган саклар юзага келган қалтис ҳолат фойдадан холи эмаслигини ҳис этишди чоғи, сўнгти мадорларини йигиб, наъра тортишди. Улкан жанггоҳ узра янграган даҳшатли садо Кирнинг эътиборидан четда қолмади. Отни қамчиламаса кеч бўлишини англаб, жиловдорга олисдаги Тўмарисни кўрсатди. Шаҳаншоҳнинг олға интилганидан руҳланган қўшин ҳам тек турмади. Яқинроқдагилар дарҳол жипслашиб, атрофда жонли девор ясаса, олдиндаги юз эллик-икки юз чоғли сара сарбоз шахдам ҳаракатланганча, шоҳ аравасига йўл оча кетди.

Бархан устида уч кун бурун Бўзқурт берган жатандан пайкон йўллаб, рақиб суворийларига қирон келтираётган Дубчароқ баногоҳ шоҳ тез орада ўқ етарли масофадан ўтишини илғаб сергак тортди. У шу тобда уруш тақдирини ҳал этадиган сўнгги имконият туғилганини, мабодо шуям бой берилса, бошқа мўъжиза юз бермаслигини ҳис этиб садоққа кўл узатаркан, қалбida аллақандай ғуур үйғонган, мазкур хиссиёт туфайлигина сўнгги шибани гирикка ўрнатгач, ҳоргин нигоҳини шоҳона аравага тикиб, пайт пойлаётганди. Нариги тарафда эса шаҳаншоҳнинг кутилмаган жасоратидан руҳланиб хуруж қилаётган душман қаршисида эсанкираган Тўмарис ҳам унга илтижоли кўз тиккан...

Ха, фарзандларидан бевақт ажраган бу оналар, айни дамда бир-бирлари ила ғойибона сўзлашаётгандилар. Аммо, фавқулодда тадбир ҳамишаем дилдагидай амалга оша-вермаскан. Йўқса, бир неча дақиқадан кейин шаҳаншоҳ кўкрагига санчилажак пайкон ўзга бировга насиб этармиди?.. Қарангки, соchlари оқарган қотма аёлнинг кулай ўрнашиб, камонни шай тутганидан воқиф икки «барҳаёт» тўсатдан, дўнгликка от солди. Улар юқорига ўрлашаркан, Дубчароқнинг мияси шошилинч қарорда тўхтади. Агар Куруш тепага тирмашаётган соқчиларидан аввал нишонга тўғри келса, ер тишлайди. Суворийлар тезроқ ҳаракатла-

нишса, начора, сўнгти ўқини олдиндагисига йўллайди-да, тақдирига пешвоз чиқади...

Яна бир бор Дубчароқ томон назар ташлаган Тўмарис юзага келган қалтис ҳолатни тушуниб етди ва душманни чалғидек ўраётган Модэн Гулга хайкирди. Моден Гул ўша заҳотиёқ тепаликка от қўйди. Аммо қалтис ҳолатдан нигоҳ узмаган форслар ҳам шаҳаншоҳ учун хавфли вазият туғилганини сезишган, шу боис эллик-олтмиштаси хунларнинг йўлини кесиб чиқаётганди. Энди нақадар уринмасин, башған Дубчароққа вақтида етиб боролмаслиги аниқ.

...Беш-олти сониядан кейин шиба йўллашга ҳам кечикишини тушуниб етган Дубчароқ Тўмарис томон ноилож кўз ташлади-да, гирикни тортди. Шувуллаб учган ўқ тепаликка чиқа солиб, олға интилган ёш сарбозни эгардан тўрт газлар орқага улоқтириб юборди. Мислсиз зарбадан хаёли қочган иккинчи «барҳаёт» тезда ўзини ўнглаб, наъра тортди. Дубчароқ ҳаёт-мамот жангига ҳозирланди. Жатанини чеккасидан маҳкам ушлабон, суворийга пешвоз чиқди. От ҳуркиб, четга сакради. Шу аснода кўлини сермаган аёл узангига оғи илашиб қолган рақибини боши қумда судралиб, узоқлашаётганини кузатаркан, оғир хўрсинди. Чунки, айни дамда, шоҳ ўқ етар масофага яқинлашган, бироз ўтгач, мўлжалдан узоқлашиши ҳам тайин эди. Куролини ерга тираб, теваракка маъюс назар ташлаётган кампир энди ўзга мўъжиза юз бермаслигини, боз устига, саноқли дакиқалардан сўнг кўшон черик мағлубият аламини тортишини-да ҳис этарди.

Кечган воқеаларни кўз кири билан илғаб қолган Тўмарис ҳам ҳафсаласи пишиб, ҳорғин уф тортди. Сўнг йиғламоқдан нари-бери аланглаб, ҳар жой-ҳар жойда пароканда олишаётган ҳалқига термилди. Мағлубият онлари тобора яқинлашар, ҳалича на ўғли, на эри ва на отасига аза очишга ултурмаган малика қондош-жондош юртдошларининг бирмабир қон қусаётганларини кузатаркан, сўнгти илинж сифатида кимга суюнишни билмай ўйлангани боис гирдини ўраб химоя қилаётган йигитларнинг талвасали ҳайқиришларину куроллар жаранги ҳам, инграй-инграй жон таслим этаётган қурбонларнинг аянчли нолалари ҳам қулогига чалинмас, жангу жадаллардан чарчаган нигоҳи муҳораба майдонидан анча-мунча йироқдаги нукталарга қадалган эди.

Ха, уфқлар ортидан ўзга нажот келмаслигини яхши англаса-да, тушкунликка тушганини билса, черик муқаррар мағлуб бўлишини тушунгани сабаб, у ўзини руҳан бардам кўрсатар, аслида эса фойибона мадад кутиб, бор дикқат-эътибори билан ўша назар етмас олис келажакка кўз тутганди...

Боягина таңдиридан узилган бўрсилдоқ нонни онам косада келтирган сувга ботириб, паққос туширганимдан кейин диссертациям битилган папкани очиб, икки-уч сахифани қоралаш баробарида Аззо Кабировичга қарши жиҳодимни давом эттиришга қатъий қарор қилгач, яна мутолаага тутиниб, муштларимни қисганча, шундок кўз ўнгимда кечётган қонли муҳорабаларга шўнғирканман, дафъатан охирги жумлани аввал ҳам ўқиганимни эслаб қолдим. Сўнг бундан ҳайратлана-ҳайратлана юқорироққа назар ташладим. Аммо, бефойда... Негаки, Тўмариснинг тушкун аҳволи тасвиirlанган сатрлар кутилмаганда ўринларини ўзгартирган, камина эса бу мўъжиза ўзимга қаратилганини сезсан-да, сабабини билолмай қийналар, боз устига, илмий ишни бошлаганимдан бери файриоддий воқеаларга етарли даражада қўникканимдан ҳозир рўпарамдаги эски укпага битилган баъзи жимжимадор ҳарфларнинг бехос ўринларидан сочилиб, бошқа жойда қайтадан тўпланишлариниям одатдагидек қабул қиласдим. Бошимни қотиргани эса мазкур синоатнинг асл муддаоси эди.

Ниҳоят, ўйлай-ўйлай шу туришда барибир ҳеч нарсани тушунолмаслигимни ҳис этгач, яна Зармога қайтдим. Ўзи шундай, охирги пайтларда сал ҷарчасам, маҳбубамнинг ёди билан ҳордик чиқаришга ўрганибман. Ҳозир ҳам бирдан фикрим равшан тортди. Вабаногоҳ сўнгти учрашувимизни эсладим.

«Қасос пайконига айланинг!..»

Нима-нима?.. «Қасос пайконига айланинг?..» Ахир, бу Тўмариснинг начор ҳолатига ишора эмасми? Камина айни дамда шу мушкул муаммони уддаласам, Дубчароқ бор маҳоратини ишга солиб, рақиб саркардасини маҳв этмайдими?..

Бирдан бошимга тушунарсиз оғриқ кирди. Чаккаларим лўқиллааб, кўз ўнгим қоронғилашди. Кейин ўтирган ўрнимдан

ёнбошимга оғдим, ўзимни тутишга мажолим қолмади. Назаримда, факат онгим тирик. Нимадир қилиб фикримни жамласам, мэррага етишнимни биламан. Аммо, оёк-күлим ўзимга бўйсунмайди. Ўлганни устига тепгандек, вужудимни аллақандай мурроклик босиб, иккала кафтимни бошим узра ошириб, бирлаштирганимга нима дейсиз?.. Амаллаб керишолсам-ку, уйронишим тайин. Агар шу ожиз ҳаракатниям эпломасам-чи?.. Ҳар ҳолда, уриниб кўриш фойдадан холи эмас...

Сўнгти мадоримни тўплаб, оёғимни узатдим-у, балоға қолдим. Ишонасиими, тўсатдан аъзойи баданим тарашадай қотди. Ноқулай ахволдан кутулиш учун энди ёлғиз ўзимнинг уринишларим камлик қилишини сезгач, ноилож тақдирга тан бердим. Тақдир эса асирини номаълум томонларга учирди-кетди. Ҳа-ҳа, ишонаверинг, мен ростакамига парвоз қилмокдаман...

Ногаҳоний парвоз асносида қизил кийимли шотирлар юрагимга тиф санчгач, арвоҳга айланганимни эслаб, яна бир карра ўша қушни томоша қилиш ниятида ўзимга назар ташладим-у, қулогим остида шувуллаётган ҳуштак садоси ва юз-кўзимни чимчиллаётган муздай шабададан бўлак ҳеч вакони илғамай, қайтанга ўзга улуғроқ синоатни сезиб, хурсанчиликданми-аламданми, бехос бор овозда кийкириб юбордим. Чунки Зармонинг бу сафарги даъвати ростакамига амалга ошган, камина қасос пайконига айланиб, кумтепа устида чеккаси ерга қадалган баҳайбат жатанин чангллаган қўлларига иягини тираганча, ўқ етар масофадан бемалол ўтиб, олға интилаётган шоҳона аравадаги Курушга ноумид кўз тиккан Дубчароқ сари учеб борардим.

Мен — Археология илмий-текшириш институтининг тадки-қотчиси, шўролар давлатида улғайиб, истиқлол шарофати или диссертациямга эришган аспирант, айни дамда, ўзимнинг ҳолатимдан ҳайратдаман. Аввалроқ арвоҳим сарсон-саргардон сандирақлаган онлар буни ўлганимга йўйганим рост. Аммо, ҳозирги аҳволимга нима дейсиз? Ҳеч замондаям тирик одам қаттол ўққа айланиб, икки ярим минг йиллар бурунги даврларга борганми?.. Унда мана исботи, мен уча-уча манзилга етгач, масиょғут маликасига исм бағишлиған Дубчароқ ёнига қуладим, ерга тушишимга икки баҳя қолганда таққа тўхтаб,

узала чүзилганды гоҳ ўнгга, гоҳ сүлга чархпалак мисол шоҳ ташлайвердим. Оқарган соchlари елкасига чувалашган она буни сезмагач, уч-түрт дақиқадан сүнг кеч бўлишини сезиб қичкирдим. Ожизона хирқираган сасни ўзим ҳам эшитмагач, камтарона бурчим беҳуда саргардонликдан иборат экан-да, дея тақдирга тан бердим. Ахир, осонми, қайси дунёлардан келсанг-у, бирор эътибор бермаса. Йўқ, нимадир қилиб мавжудлигимни билдиришим керак. Акс ҳолда, шоҳона арава ҳалокат доирасидан узоклашади.

Мана шу ҳавотир таъсирида каллам (икки газлик шибага айлансан-да, бот-бот фикрлаяпман-ку...) фавқулодда тез ишлай бошлади. Ва, дафъатан, ҳавони кесиб айланишимдан пайдо бўлаётган ғалати овозни илғаб қолдим. Қарангки, мудом жисми жонимга қувват бағишлаган Оллоҳим бу сафар ҳам бандасидан меҳрини дариф тутмабди. Шундай экан, ҳаракатларимни кучайтира-кучайтира оний бир шиддатта эришдимики, изимдан тараалаётган садони энди фақат гаранг одамгина эшитмаслиги мумкин. Дубчароқ эса анчайин қариган эса-да, ҳалича сергак...

Ишонасизми, тўпигимга унинг қоқшоқ илки текканда, баногоҳ, унутилаёзган хотиротим уйғонди. Яъни, илиқ таассуротлар болалик дамларимдаги инжак ҳолатларимни ёдга солди. Ростдан, масйогутнинг улур энаси ва волидамнинг қўллари шунчалар ўхшаш эдики, беихтиёр гўдакликдаги тотли ҳиссиётларим қайта жонланди. Ахир, узок йиллар меҳрибони тиззасига бош кўймаган бемехр ўғлон яна қандай аҳволга тушсин? Ҳа, мен онам қўлида әркаланиб, у истаган томонга учишга, у ҳоҳлаган ҳар қандай ишни бажаришга шайланарканман, аслимга қайтсан, қошида тиз чўкиб, оёрини тавоб айлашга қарор қилдим.

Ва Дубчароқ мени сўнгти нишонга йўллади...

Мана, кетаяпман! Айни дамда йўлимда учраган темир мудофааларни ҳам ёриб ўтишга қодирман. Аммо, ўша ғовнинг ўзи қаерда?.. Наҳотки, олис келажақдан ташриф буюрган аллатовур дайди ўқ Искандар Мақдуний эъзозига мушарраф зот тарафга йўналаркан-у, бирор қаршилик кўрсатмаскан?.. Ёки шунчалар буюкмиди она қудрати?..

Тўгри, ҳозирча қаттол пайконга эврилсам-да, аслида кимлигимни унугтаним йўқ. Чунончи, мен — оддий бандада

ларга қоронғи табиат қонунларига мувофиқ ғойибона сир-синоатларга аралашып қолган аспирант бошдан кечиргандарим давомида яна бир ҳақиқатни тушундим. Модомики, жонли ва жонсиз жисмлар тафовути икки лаб ўртасидаги масофадан ошмаскан, имкониятларимизнинг бекиёслиги ҳам айни ҳақиқат. Йўқса, Ўзбекистоннинг олис вилоятида улғайган оддий йигит фан номзодлигига интилганда, тушигаям кирмаган тилсимотларга йўлиқишини ким ўйлади, дейсиз?

Устига-устак, келгуси тақдиридан-да қўнглим тўқ, зиммадаги оламшумул вазифани адo этгач, илмий ишимни давом эттираман. Дарвоқе, сал илгарироқ сирли мўъжизалар туфайли муқаррар ўлимдан омон қолганим ва ўша машъум кундан эсдалик асоратнинг қўққис битишидан фавқулодда маъно туйганимни, яъни Оллоҳ бандасини, балки ўзга ишлар учун асрәётганини айтувдим. Ҳозир мозийга қайтиб, улуг халқнинг қасоскорига айланишим ўша мўъжизаларнинг изохи эмасми?..

Энди йўл-йўлакай туйган таассуротларим ҳақида...

Боя Дубчароқнинг тўпифимдан тутган илки онамнинг қўлларини эслатганини сўйлагандим. Ҳануз ўшани такрорлашдан чарчамайман. Чунки бу уйқумдами, алаҳсирашимдами, ўлимимдами — мен эслаган ягона қадрдон туйфу... Ўша дағал бармоқлар сўнгги манзилим сари йўллагач, неча муддат ҳаракатланганимни билмайман. Сабаби, отилганимдан сўнг учдимми ёки яшин мисоли кўчдимми, ўзимгаям но маълум. Оний тезликда елаётib илк кўрганим эса эски қадрдоним Бўзкурт бўлди. Ёлланма грекнинг болтаси курклари ўртасига қадалгач, у ўзидан кетди, отдан оғаётib, чап оёғи узангига илашиб қолди. Ажабо, биз бир-биirimизга шунчалар боғланибмизки, уни йиқитган курол гўёки, менга тегди. Тўғрироғи, елкамни иккига бўлган совуқ тиф заҳмидан эс-хушимни йўқотдим. Хаёлимда ўша жаллод дўстимнингмас, менинг кифтимни мўлжалга олган. Шунда аэбаройи оғрик таъсиридан қайтадан инсонга айланишни истаб қолдим. Чунки мозийлик қисматдошим эндиликда шоҳ қалбини мўлжаллаган пайконнинг эмас, тирик жоннинг ёрдамига муҳтож. Бироқ тақдир амри вожиб экан, ночор нигоҳимни унинг қумда судралаётган гавдасидан олиб, нишонимга тик-

дим. Аммо, илғамадим. Сабаби, қаршимда ростланган ўн чөли танқоровул ҳукмдорга садоқатларини кўрсатмоқчи, қаттол ўқни тутиб қолишмоқчи.

Агар ҳозир йўлимда кўкарган тирик девордан ўтолмасам, ҳаммаси тугайди, шоҳона арава масйофтлар маликаси қошига етади-ю, зафар бургуси чалинади. Тамиртош, Моден Гул, Хулуг, Догон, Бадлук, Тахтон, Шэмок, Тўмарис ночор куролларини ташлашади. Сипархан, Қарлиғоч, Гўйлихон, Эртуз, Могур, Эрвуз Кўнуктоз каби минглаб аждодларимиз-нинг арвоҳлари саргардонликка қадам кўяди... Даҳшатлиси, келгуси тақдиримиз ўзгаради. Мен «Қадимги туркийлар ва уларнинг башарият тараққиётига таъсири» мавзуидаги илмий ишимни тутгата олмайман. Сулаймонов ғалаба нашидасидан гулдурос қаҳқаҳ отади...

Бироқ Оллоҳ ёрлақаса, бошқача ҳам бўлиши мумкин. Хусусан, қаршимда қад ростлаган ботирлар кўксини ёриб, бадар кетаман. Ўзга чора йўқ!..

Фикрим ўзимга маъқул келгач, тиззаларимни сувда сузаётган каби буқдим-да, шитоб ила ортга силтаб, олға интилдим. Билмадим, ростдан айни ҳаракатларни қилдимми, ёхуд назаримда шундай туюлдими, ҳар ҳолда, амалим ёрдам берди, тўсатдан мислсиз шиддат-ла ғалати маъвога урилдим. Вужудимни аллақандай босим куршаб, димоғим кўланса хидни туйди. Сўнг бирданига онгим ёришди, ёруғ дунёга чиқиб, йўлимда давом этдим. Мушкул вазиятдан қутулиш бу қадар осонлигини билганимда юқоридагиларни гапириб ўтирамасдим, аммо айтилган гап — отилган ўқ!..

Эсласангиз, бир пайтлар қоракушга айланиб дунё кезганимда, ўлим олдидан кишининг ҳаёти оний лаҳзадек кўз ўнгидан ўтаркан, дегандим. Ҳозир буларни эслаганимнинг сабаби шундаки, туйкус гирдимда кечеётган воқеалар ҳайратга солмоқда. Йўқса, бирварақайига ҳам ўтмишни, ҳам келажагимни кўрармидим? Ўтмиш им шуки, мен айни дамда туғилганимдан ҳозиргача яшаган кунларимни хотирлашим устига, Кир Ахоман даврида ҳам кезяпман. Келажагим эса...

Шу ерда ҳаёлимга туйкус бошқа таассурот инди. Назаримда бирдан Жалайир момо гавдаланди. Сўқир кўзлари

ила бамаъни тикилиб, нималардир демоқда. Лабларининг қимирилашидан Эрлик хоқон ҳақида гапирмоқда.

« – Тўққизинчি хоқон!.. Туркнинг сўнгги саркардаси!..»

Бирдан туркнинг қисмати бугунги кунда ёлғиз менинг саъй-ҳаракатларимга боғлиқлигини англадим. Айни дамда, бошқа нарсани ҳам сездим. Билишимча, Жалайир кампир қасос пайконини бекорга йўқламаган, нимадандир хавотирда. Шундай экан, юқоридаги жумлаларидан куч олиб, янада тезроқ учишм керак.

Билмадим, киши машақатли дамларда бошқача фикр юритарканми, ҳозирги аҳволим ўзимга эриш туюлмоқда. Негаки, мислсиз тезликка айланиб, онамдек тафт берган Дубчароқдан узоқлашарканман-у, Худонинг элчиси Ишаъё ҳамду сано ўқиган жаҳонгирга яқинлашарканман, бевафо дунёнинг ишларидан қайта-қайта ҳайратда қолмоқдаман. Йўқса, мен қаердаман-у, минг йиллик кароматлар қаерда? Колаверса, буюк хукмдорни ҳалок этишга йўллабдими, Оллоҳимнинг бандасига қоронги синоатлари бисёрга ўхшайди. Илло, уч-тўрт лаҳза ўтиб, замонлараро саёҳатимга якун ясашим, яъни шаккок Кир бағрига санчилишим, назаримда, олий қонуниятдек туюлмоқда. Бўлмасам-чи, шуни истамаганда шоҳ Дониёлга қулоқ тутган, Маракент ортидаги чўлларга ўтмаган бўларди. Ялавоч йўриғига юрмадими, энди ўзидан кўрсин!..

Бошқа томонлама эса буларнинг бари хомхаёлга ёхуд осмондаги орзуларга ўхшайди. Масалан, ўзингиз ўйланг, камина икки ярим минг йиллик сарҳаддан ҳатлаб, рӯё манзилларида пайдо бўларканман-у, ракиб хотиржам пашша қўриб ўтиравераркан. Бундан заррача ҳақиқат сезсангиз, икки қўлимниям кўтараман. Болалигимда вақт машинаси тўғрисида кино қўргандим. Ўша бош-адоқ олди-қочди фильмгаям ярашмаган гаплар бу. Йўқса, қандайдир ношуд аспирантнинг энг илғор техникаданам чаққонроқ ҳаракатланиб, ана-мана дегунча, кўз илмас манзилларга этишини қандай изоҳлаш мумкин?.. Шавкатли саркарда бағрига қадалишини-чи?.. Ҳа, гап айнан шу ҳакда, хоҳлайсизими-йўқми, бир нарса аниқ, Дубчароқ йўллаган экан, қандай жисмдан ясалишидан қатъи назар, пайкон нишонга санчилади! Тамом-вассалом!..

Қайтиш

...Кураги ўртасига ёлланма грекнинг ойболтаси қадалган Бўзкорт дафъатан силкиниб, ора бошлади. Кўз олди қоронfilaшаркан, охирги илғагани кумтепа устида улкан камонга иягини тираган Дубчароқ қошида у ёқдан-бу ёққа шоҳ ташлаётган фойибона пайкон бўлди. Шундан кўнгли таскин топиб, кўзларини юмиб, ҳушидан айрилаётганда эса дикқатини шоҳ кўксига санчилажак ўқдан олиб, шарафли умрини бошлаган ибтидога қаратди. Ахир, олис-олисларда қолган бепоён сахро четида дунёдан бехабар чўзилган кезлари бир куни келиб, шундай ночор аҳволга тушишини ким ўйлаганди?.. Боз устига, «тирилганидан» сўнг илк сабофини ўқитган устози ҳам тақдирини белгилашда адашганга ўхшайди. Йўқса, баҳайбат дарахт соясидаги суҳбат охирлашганда, «Жонингга қасд қилишга ҳеч кимга рухсат йўқ!» демасди.

Нафсиlamри, у яна салгина ўйлаганда, айни ҳолатга аввал ҳам йўлиkkанини эслаган бўларди. Ҳозир эса беаёв оғриқ азоби боис пешонасидан шувуллаб тўкилаётган совуқ тер ҳалал бердими, ё ўйладиганлари бисёрмиди, фикрини охиригача давом эттиrolмади. Қайтанга, барини тезроқ унтишга уринди. Шу кўйи әгардан оға-оға елкаси ерга тегиб судрала бошлаганини, оёғининг Қора куюн узангисига илашганигина бошини жанггоҳда гурсиллаб айланәётган сон-саноқсиз отлар туёғи остида мажақланишдан сақлаб қолганини сезмади.

Сўнг, кимнингдир қурратли билагига таяниб ердан кўтарилди. Судралганида оғиз-бурнини тўлдирган кумни тупуриб, қаддини ростлади. Сал-пал ҳушига келибок, ўзини ҳаётга қайтарган зотнинг ғалати овозда пишқираётганини ҳам эшилди. Ва... кўзларини очди-ю, онгига сифмаган ҳайрат қаршисида оҳ тортиб юборди, жонини асрраган халоскори инсон эмасди. Шундагина устози ҳузурида кўз ўнгидагав-даланган таниш ҳолатни эслади.

Ўшанда ёнбошидан суяган маҳлук энди пешонасида турар, кора чармсимон тумшуғидан осилган шилимшиқ сўлаги юз-кўзига сизиб, нигоҳини тамомила тўсиб қўйса-да, халос-

корининг шаклу шамойилини, тана — инсон, бош ҳайвонот оламига тааллуқлилигини аллақачон кўрган-у, бу эртакнамо ҳодиса даҳшатини ҳис этибми, ёхуд оғриқ азобиданми, боз эсини йўқотаётганди. Хушини йўқота-йўқота қайтадан ер-парчин бўлишини англаб, тақдирига тан бераркан, тўсатдан фаройиб воқеа рўй берди, ногоҳ енгил силкинди-ю, ҳозиргина ҳўкизкалланинг кўмагида жойлашган эгардан кўзғалди ва кулаш ўрнига юқори кўтарилиб, ростакамига суза кетди. Сўнг тобора қоронгиликка юз тутаётган онгининг бир чети билан бу парвозни хушидан айрилаётганига йўйди.

У азалдан қисмат бандаси, ҳаракатлари, барибир, бехудалигини англағани сабаб, ўзини ушлашга уринмаяпти. Илло, неча йиллар мурдадек қотиб ухлагач, дашту биёбонда уйғониши, қизил никобли шотирлар етаклаган соҳибжамолга учраши, буюк фотихдан Турон маликаси Тўмарисга совчиликка бориши-ю, кўз кўриб-кулоқ эшитмаган муҳорабаларда қатнашиши ҳам ўз ихтиёри билан бўлмаганди...

Энди эса ўша тақдири азал хаёл етмас юксакликларга олиб кетмоқда.

Бундан хурсанд бўлса арзиди, чунки ҳозир пастга қулаб, минглаб тулпорлар туёғи остида қолиши ҳам мумкин эди. Йўқ, модомики, борликдан йўқликка риҳлат қиларкан, тубанликдан кўра осмони фалакларга йўналгани маъқул...

У шуларни ўйлаётганди, тўсатдан онги тиниқлашаётганини сезди. Бора-бора вужудини чангллаган исканжалар чекиниб, укубатлар барҳам топди. Хаёлида гоҳ айни ҳолати, гоҳ олти тиллога сотиб олган қари ҳўқизи ўлимига интизор дамлари, яна бир маҳал каркидон шохидан дўстлик қадаҳини ҳўплаётган тотли лаҳзалари айланаркан, паймонаси тўлганига ишонди.

Унинг ахволидан розилигича бор, боя кураклари ўртасидаги асоратдан азоб чекаётганди. Энди эса на оғриқ сезилади, на чарчоқ. Аксинча, парвоздан куч олиб, ўтмиши томон интилгани-интилган...

У шу кўйи бепоён сахрода қўним топишидан олдинги ҳаётига талпинаркан, тўсатдан безовта ҳаракатлари натижаси ўлароқ, оний тезликка эришди ва ўзини тоғ даралари оралаб чўзилган улкан издиҳом узра кўрди. Қараса, ғалати жангчилар, кийимлари ҳозиргига ўхшамайди. Хусусан, со-

вуту қалқонларга уч-түрт қават хом тери тортилган. Найза туч*, пайкон туч, килич туч, хуллас, қурол-яроғи мукаммаллашмаган күшин... Улар ортидан озиқ-овқат юкландын ёғоч филдиракли аравалар гичирлайды, минглаб оч-наҳор қуллар судралади...

Черик күплаб мамлакатларни фатх этиб келмоқда...

Олдинда ўйноклаган түпчоқ тулпорда қийик күзларидан қатъият ва матонат, вужудидан мислсиз куч-қудрат ёғилаёттан ўрта ўшлардаги саркарда бормоқда. Атрофини хос навкарлар ўраган. Ўнг қўлида юган, сўлида қамчи.

Енгилмас фотиҳ Ҳинд сари юзланган... Унгача афсонавий Ҳиндни ҳеч ким забт этмаган. Фақат савдогар ва дайди атраванлар ҳикоясидан маълум бу юрг. Шундай экан, сирли диёрни эгаллаган биринчи скиф бўлади у...

...Ишпагай дастлаб Кофқазни чап томонидан айланиб, икки дарё оралигини забт этди. Сўнг Ҳимолай сари юзланди. Йиллар ўтиб, келгуси авлодлар ҳам «Қайтиш учун отланинг!» дея ҳайқирганча, Эрлик хоқон очган йўл орқали* от қўйишади. Зеро, скиф – худо ёрлақаган ҳалқ, томирида жангари аждодлари қони жўш ураркан, шон-шуҳрат сари тинмай интилаверади.

Олдинроқ Турон пасттекислигидан Олтойгача чўзилган ҳудудни эгаллаган қабилаларни зафарёр юришларга Турноми бирлаштирган. Энди Сакалғут*лар байроғи остида от суришмоқда. Бегона эллар уларни қандай атасидан қатъи назар, учар тулпорлари туёғидан еру осмон зириллаганда, азбаройи даҳшатдан айюҳанинос солишади. Чақалоқларини йигидан тўхтатиши, адашганларни куфр йўллардан қайтариш учун скиф номи билан пўписа қилишади. Буюкликка интилган ҳалққа шунинг ўзи кифоя эмасми?..

Аслида улар ҳам ҳамма қатори яшашади, тўй-тантаналарда ўйнаб-кулишади, уйланиб, бола тарбиялашади, ер ҳайдашади, бугдой экиб, нон ёпишади. Фақат буларни урушдан бўшаганда, зерикмаслик учун қилишади.

...Бош-адори кўринмайдиган күшин уэра сузаётган Бўзқуртгоҳ-гоҳи таниш чеҳраларни ҳам учратгандай бўлар, ўша кас кечаги кунини ёдга солса, ўйлана-ўйлана тайин фикрга келолмагач, буни ўйноқи хаёлотнинг натижасига йўярди. Аммо, ҳозир саф ўртасида бораётган ёшгина жангчининг

ортидан эргашишга ахд қилди. Чунки унинг наинки ташки, ички дунёси ҳам сирли туюлмоқда.

У кузатишга чунонам берилганидан қоронги тушганини сезмади. Машъаллар ёқилгач, чор теградан овланган кулонлар бутунлигича оловда тобланиб, ўртага тортилди. Мешларда сақланган салқин хаома тарқатилди. Натижада давра ахли ҳаш-паш дегунча, сархуш ҳолга келиб, кўрган билгандарини ҳикоя кила кетди.

Дастлаб сўз олган эллик ёшлардаги новча қария Алп Эр Тўнга ҳакида ҳикоя бошлиши билан Бўзқуртнинг хотиралари уйғонди, хаёлига ҳикоянинг давоми келди. Кейинги бахши ҳам ҳали барбадни созлаб улгурмай, куйланажак достон мазмунини эслади. Шунда ногаён, гулхан атрофидаги давраларда олдин ҳам бўлмаганмидим, деган шубҳага борди. Чунки эшитганлари хаёлий эса мутлақо тўғри тахминга келиши ҳайратланарли, туши бўлса, боя кураклари ўртасига қадалган ойболта туфайли тортган азоблари ёдидан чиқмаган...

Ҳа, кечмишлари рўёмас, йўқса, жон талвасасида фарёд чекмаган, қўлтиғидан суяган ҳўкизкалланинг қора чармсимон тумшуғидан афт-башарасига томган шилимшиқ сўлакнинг бадбўйи ва шўртак мазасини сезмаган бўларди. Шундай экан, изоҳни бошқа жойлардан излагани маъқулмасми?..

Ҳозиргина ўтмишига интилаётганди. Бироқ, тарих заргалдоқ тусли сахродан бошланмайди. Демак, инсониятга ноаён хилқатлар ҳам бор. Хўш, ўшалар айни давра-ю, ҳозир эшитаётган афсоналарига боғланса-чи? Унда устоз ёнида уйғонишидан юз йиллар бурун туғилган бўлиб чиқмайдими?.. Шундай десак, ким уни чек-чегараси йўқ сахроларга ташлаган-у, қанақасига жон сақлаган?

Диққатини тортган йигит эса сухбат мобайнида лом-мим демас, кўзларини гулханнинг мавҳум нуқтасига қадаб, жон қулоғи илиа тингламоққа машғул эди.

...Жиров* бир лаҳза тин олди-да, унга маъноли қўз тикиди.

— Туронбек сўйлаганларимни эслаб қололдими?


— Сўйлаганларинг Туронбекнинг хотирасида чунонам жойлашдики, энди уни энг ўткир оқиноқ ҳам кўчиролмайди.

Тошга ўйилган битикни оқиноқ кўчиролмаслиги мумкин, бироқ, йиллар ҳар қандай хотираларни ўчиришга қодир.

Бўзқуртнинг гоҳи-гоҳи онгининг қай бир пучмоқларида тўсатдан йилтираб қоладиган хира учқунларни жонланти-ролмай қийналиши бунинг яқъол мисолидир. Ана шу тал-васа уни олисларга, ўзи илк бор дунёни кўрган дамларга йўлламоқда. Зеро, бутун бошли достонларда яшай олган кас табиятнинг одатдаги қонунларидан каттароқ ҳаётни умид қилишга ҳақли.

Шундай инқилобий хаёлларга берилиб, қадрдон сахро-ларига қайтишни истаётган Бўзқуртни дафъатан бошқа шубҳа тўхтатиб қолди, таваллуди ожиз тасаввуриданам узоқларга бориб тақалса-чи?..

Алҳол, кўк токида пайдо бўлган қарғага бирров назар ташлаб, эҳтимол, ўша ибтидони аниқлашни шу қушга топ-шириб, устоз айтган қиёфага эврилди у...





ІІІ ҚИСМ

ҚОРАҚУШ

27-БОБ

Тақдир әшиги

Күёш айни тик күтарилигтан чор бепоён саҳро ўртасига йўқлик уммонидан бехос гурсиллаб тушган тошбақа чўл калтакесакларини уйғотиб юборди. Чор тарафга тиркираган судралувчилар эса ўзга жонворларни хуркитишиди. Дастлаб орқа оёқларига таянганча олисларга тикилиб, кўл қовуштирган юмронқозиқлар инларига кириб кетишиди. Уларнинг шитирлашидан кўрқсан шалпангқулоқ товушкон кўзи илган томонга жуфтакни ростлади. Бу нарироқдаги тулкининг дикқатини тортди... Хуллас, ногоҳ ҳодиса туфайли бошланган бесаранжомлик улкан талатўпга айландики, бу ёқда илонлар вишиллаб қум кечган, нари ёқда кийиклар диконглаб, чангут тўзон кўтарган биёбон ичра энди чалажон дунёни макон тутган жами тирикликтининг айқаш-уйқаш саслари янграб, ўлик сукунат фужрон издиҳом тусини олди.

Айни кўргиликлардан бехос вахимага тушган тошбақа фужанак отиб, ярим соатлар донг қотди. Атрофдаги айюҳаннослар тиниб, табиат олдинги оромига қайтгачгина бошини косасидан чиқариб, атрофга эринчоқ назар ташлади. Сўнг уч-тўрт одимлади-ю, бирдан яна йўқликка айландими, ёки қум зарраларигами, кўздан ғойиб бўлди. Ўрнида навқирон бир йигит қад ростлади. У теварагига бирров тикилгач, ўзининг борлигига ишонмагандай, қулоқ-бурнини чимчилай кетди. Бундан жойига қайтган бояги юмронқозиқ қаққайиб тош қотди. Йигит эътибор бермади. Эътибор берганда, ўша жажжи маҳлук ёнидаги товушконни, ундан нарироқдаги олд оёқларига тумшуқ тираган тулкини

ва сўл ёнбошида маъюс фийқиллаётган ёғоч эшик тавақасини кўрган бўларди.

У азойи баданини чимчилай-чимчилай чарчагач, дикқатини ағдарувди, назари оёғи остида қумга қоришган сарғимтири чўпга тушди. Дарҳол тиз чўкиб кўтарса, бўйи баравар хиёл эгик таёқ экан. Таажжубланиб, атрофига тикилди. Кўзи нарироқдаги ўзга буюмни илғагач, яна эгилди. Аммо, бирдан сапчиб қад ростлади. Гоҳ топилдиринга, гоҳ уфқа бокиб, хотирасини ишлатмоқчидай, таёқ учиди тугилган муштига ияқ тираганча, манглай тириштириди. Шу кўйи уч-тўрт дақиқа сукут сақлади. Сўнг ниманидир эслагандай чўккалаб, тугунни ечди. Ичидан жимжимадор ҳарфлар ёзилган укпани олиб, кўнгли таскин топди чори, тугунни ечаётганда ичидан тушган икки қулочлик чилвирни қўшиб, қайтадан тугди. Ана шундан кейингина, аянчли фийқиллаётган ордонага эътибор берди. Эътибор берди-ю, эндиғина қониқиши қоплаган афтида қайта таажжуб уйғонди. Алламбалоларни эсламоқчидай чаккасини чанглаб, кўзларини юмди. Асабий сас ўчавермагач, шартта ортига бурилди. Бурилиб кўзини очгандা, орқасидаги эшик рўпарасида пайдо бўлганди. Бу синоатга тушунмай яна айланди... Таъқиб давом этавергач, иккиланиб остона ҳатлади. Ҳали нариги тарафга ўтиб-ўтмай, ёғоч тавақа қарсиллаб ёпилди, таниш очун кўздан йўқолди.

Тошкосали махлукдан инсонга эврилган кас тақдир эшигидан ҳатлаши билан ҳалигина атрофида ястанган ночор дунёдан асар қолмади, бунинг устига, замон ўзгарди. Бояги ўлик саҳро кутилмагандаги барқ уриб яшнади, оёқ ости қумлари тақрон ялангликка айланди ва дафъатан кўкарган анвойи чечаклар жумлаи жаҳонга хушбўйларини таратади. Айни дамда сайроқи қушларнинг инжа оҳанглари борликка жаннат тароватини индирар, файзиёб манзарадан кўзлари порлаган йигит ўйноқи хаёлларга берилганди...

Ўйноқи хаёллар узоқка чўзилмади, тўсатдан ер қаърида ожизгина зириллаш уйғонди. Бу титроқ кучайган сари йигитнинг чеҳрасидаги мамнуният ўрнини тушунарсиз таҳлика эгаллади. Фойибона сасга қулоқ тутиб бироз ўйлангач, у шошиб тугундан чилвирни чиқарди. Таёқни қайириб, икки учини ўша билан туташтириди. Сўнг бисотидаги ягона ўқни

жойлаб, гирикни тортди. Шу алфозда номаълум томонларни мўлжалга ола бошлади. Гоҳ ўнгга, гоҳ чапга қайрилиб, лочин кўзларини узок-узоқларга тикаркан, унинг озғин гавдаси қўйма қоматга айланган, ингичка бели, кенг яғрини афсонавий паҳлавон сиймосини эслатиб, туғма жангчилигини исботлагандек бўлар, қолаверса, неча замонлар муқаддам масйофутлар ҳузурида Гўйлихоннинг учар бедовини жиловланган онларини эсга туширганди. Ўшанда узлуксиз мудроқдан уйғонганидан буён илк бор отга минишига қарамасдан, абзалларни тўғри танлаб, оломонни ҳайратга солганди. Энди орадан беш асрлар ўтиб, ғойибона нишонни мўлжаллаганда, бизнинг ҳам айrim хотиротларимиз жонланди.

...Рости, ҳўқиз терисидаги битикларни ҳижжалаб ўкиш жараёнида воқеаларга кўр-кўрона шўнғишим оқибати бўлса керак, беихтиёр, ўтмиш қаҳрамонлари ҳаётини ўзимнинг камтарона умримга менгзагандек, баъзи-баъзида эса мозий тафсилотларига бевосита аралаша кетгандек бўламан. Масалан, масйофутнинг Улуг Әнаси йўллаган пайконга айланган дамларимни эсланг. Ўша синоатларни изоҳлашга ожизман. Бироқ, эски қадрдонимга ғаддор грекнинг болтаси теккан ондан бошлаб куракларим ўртасида даҳшатли оғриқ уйғонгани, аҳён-аҳёнда йўқ асоратдан силқийдиган қон томчилари дўстимга қадалган тиф мени ҳам шикастлантирганининг далолати эмасми?..

Шундай дамлар қизил либосли валломатлар кўкрагимга пичноқ санчишгандан сўнг шифохонада ҳушимга келган пайтларим Максим Азизийнинг диссертация мавзуини ўзгартириш тўғрисидаги таклифига кўнмаганимга пушаймон чекаман. Аммо энди кеч, танлаган йўлимдан қайтолмаслигимни англаб, истаб-истамай яшарканман, алоқ-чалоқ шубҳа-гумонлар хавотирга солади. Дейлик, аллақачон кўнишиб ултурганим — файриоддий ҳодисалар қачондир йўлдан адаштирса, нима қиласман? Зеро, Аззо Кабирович билан кечаётган курашлар мобайнида такрор-такрор иккиланганим рост-ку. Ўша вақтларда тасодифларгина ёрдам берганини эсласам, бир кунмас бир кун чора топмай, тақдирга тан беришимдан ичимга зил кетади. Йўқ, мен ютқазишданмас, мағлубиятим бутун бошли элатларнинг аянчли қисматига айланишидан кўрқаман. Шу боис камонбознинг лочинкўз мерганлар син-

гари гоҳ у-гоҳ бу томонни мўлжалга олишидан танимга безовталик инган, ҳозир учадиган ўқ сал адашса, ҳаммаси тугайди. Давр сайёхи йўл кўйган хато осуда замонларнинг оёғини осмондан келтиради.

Ўрники, бошқа нарсани ҳам айтиб ўтмоқчиман. Боя қаҳрамонимиз йўлиқкан гаройибот ёдингиздадир. Энди кўргиликларим ибтидосида тушимга кирган эшикни эсланг. Менинг ўша рўёларим камонбознинг айни ҳолатидан заррача фарқ қиласдими?..

Хуллас, мақсадга яқинлашганим сайин хавотирларим ҳам ортмокда. Сабаби, диссертациям мавзуси аниқлангандан бери элас-элас кечган сирли ҳодисалар қаҳрамонига айланишим мумкинлиги хавфи кучаймоқдаки, бундан на хурсанд, на хафа бўлишни билмайман. Фақат бир нарса аён, бугун кўнглимга тинчлик бермаётган тахминлар сабаб ўзга синоатлар бўй кўрсатса, барини бошдан-адоқ англағунча яна нечаче умрларни яшашимга тўғри келади.

Бу ҳақда кейинроқ батафсил тўхталарман. Ҳозир ҳикоямизнинг навбатдаги қисми бошланган даврларга ҳатлаган пахлавон таранг тортилган гирикни қай томон бўшатишини кузатайлик. Бунинг учун айни воқеалардан сал олдинроқقا қайтишга тўғри келади. Негаки, улкан дараҳт соясидаги устознинг эндигина асрий мудроқдан уйғонган шогирдига уқтирган хунукроқ фикрлари амалга ошаётган, мудом ғолиб ҳалқ ўзаро келишмовчиликлар оқибатида пароканда сочилган машъум онлар эди бу. Чинданам, накадар олисларга кўз ташламанг, туркнинг фақат бир-бирига етказган жароҳатлар боисгина мағлубият аламини тотганига гувоҳ бўласиз. Шундай экан, уч-тўрт дақиқа бурун инсонга эврилган кас учраган дамлар ҳам доруломон эмас, хонавайрон замонлар бўлиб, бундан бехабар ҳолда чор тарафга камон ўқталаркан, у яна бир неча лаҳзалардан сўнг умрига татигулик танловга йўлиқишини билмас, куваётган ҳам, қочаётган ҳам ўз қардоши эканидан қаттол ўқига нишон топмай, доғда қолажак эди.

Ха, Искандар Мақдуний кўҳна Осиёни босиб олгандан роппа-роса икки юз йил ўтгач, Турон пасттекислигининг кўчманчилари яна қилич яланючладилар. Бироқ бу гал босқинчиларни маҳв этиш учунмас, куролларини чархлаш

учун бир-бирларига қарата наъра тортиши. Зеро, буюк жаҳонгир замонида ҳам қинида қолган оқиноқлар аллақачон занглаб улгурғанди...

Ўшанда Дорони енгис орзусида сафарга отланган Александр Ахоманийлар салтанатининг энг чекка сатрапларигача бўйсундиргач, Яксарт бош кўшадиган денгизга етган, охирги дамда устозининг ибраторумуз ҳикоятини эслаб, ўринли мушоҳадага чўмганди.

Арасту одатда тарихга бағишлиланган сабоқларида осиёлик кўчманчиларнинг жанговарлигини такрорлашдан эринмасди. Хусусан, скифлар ҳали бирортаям душманни ўлдирмаган элатдошлари дастурхонида ўтиришни ор билишларини айтганда, шаҳзода бу ҳалқ билан муҳораба майдонида учрашишни орзу қилган, Маракентни босган дамлари сак йўлбошчисининг ўспирин ўғли асир тушганда эса унинг ҳарбий салоҳиятини синаш мақсадида яккама-якка жангта чиқариб, уч нафар паҳлавонидан ҳам ажралганди.

Яксарт қўйиладиган денгиз бўйида у устози ҳикояси ва скиф болакайи билан кечган олишувни эслаб, узоқ иккиланган, атиги ярим кунлик масофада ҳаёт-мамот жангига отланган кўчманчилар кута-кута тоқатлари тоқ бўлиб ўзлари олға интилганда, майдондаги қуриган от тезаклари рақиб аллақачон саҳрони тарк этганидан далолат берганди. Ўшанда ёш жаҳонгир жадал ортига қайтиб, беш ҳафтада Тарамитга етган, яна уч-тўрт кун ичида Ўкузни кечиб, афсонавий Ҳиндистон сари юзланганди. Йўқ, бу марлубият эмас, аксинча, Искандар буюк ўтмишдоши Кир Ахоманий йўл қўйган хатодан қочиб, ҳаётидаги энг тўғри йўлни танлади, демакдир. Ахир, пойдеворсиз иморатлар-у, иморатсиз шахристонлардан иборат яйдоқ далалар кимга керак? Скифни енгган саркарда, деган шарафли аъмолни ҳисобламаганда, аслида шундай. Улуғ Искандарнинг эса ич-ичидан ана шу шуҳратга дъявогарлиги бор ва бу ҳиссиёт асаб торлари таранг тортилиб, юзига алам кўпчигандагина сўнганди.

Хуллас, қонсираган қиличлар қинларини тарк этмагунча, икки юз йил ўтди. Донрига кўланка тушиб, жангари ҳалқ деярли унутилди. Ҳатто, номи мозийга сингиди. Аммо, қонли муҳорабаларга чорлагувчи хитоблар ёддан чиқмаганди.

«Хуллала!..»

«Хуллала!..»

«Хуллала!..»

Ва шавкатли қўшин навбатдаги улув сафарга тадорик кўрди. Кўмондонликка сайланган Херра нигоҳини жанубга тикиб, Ўкуз қирғоқларидан юқорилаганча серунум ерлар илинжида олға интилди. Йўл-йўлакай айrim тарқоқ уруғларни бўйсундира борди. Ана шундай уринишлардан навбатдагиси поёнига етаёзган онларда тақдир эшигидан ҳатлаган йўловчининг бўлуси ҳётларида асосий ўрин тутишини ҳали ҳеч ким билмайди. Унинг ҳозирча камонини шайлаб, нишон қидиришининг сабаби ҳам жонини асраш йўлидаги уринишлардир.

...Нихоят, узок-узоқлардан минглаб чавандозлар кўрингач, у ўйланиб қолди, қуваётганни отса, лоақал ўз жонини асролмаган мағлуб банда унинг ҳаётини сақлаб қололмайди. Фолибга ён босишга фуури йўл қўймайди. Нима қилмоқ керак?..

Туйкус, кутилмаган ҳодиса рўй берди. Рўпарадан жатан ўқталган паҳлавонни кўриб, олға елаётган издиҳом таққа тўхтади. Таъқибчилар ҳам, қочқинлар ҳам аллақандай ғойибона буйруққа сўзсиз итоат этишди. Кутилмаган воқеликлар моҳиятига тушунмаган камонбоз дастлаб иккиланди, сўнг қуролини ташлаб, ўтган сафаргидек шартта ёқасини йиртди. Қаварган қуёш расмига кўзи тушган жизар жангчилари шу заҳоти отларидан гуппа ағдарилиб, тиз чўкишди. Илғор сафдагиларнинг файритабиий ҳатти-ҳаракатлари орқадагиларни ҳам бепарво қолдирмади. Чалғида ўрилгандек ялпи ағдарилаётганлар мавжи охирги қаторга етгач, қўмондон ҳам бўйсунди...

Қўшин ёппасига тиз чўккач, йигит издиҳом оралаганча, қимматбаҳо абзалли тулпор тизгинини тутамлаган девқомат кимса қошида тўхтади. Херра кўз қири билан йўловчига назар ташлаб, тарихий ҳақиқат амалга ошганини сезди, ушбу сафарни танлаган куни қабила бошлиқларини йигиб маслаҳатлашганда, коҳин Термуч башорат қилганди.

«Сенга аждодларинг мададкор, мақсадинг сари бораверсанг, худо ёрлақаган одамга йўлиқасан. Ўша зот барча юришларинг мазмун-моҳиятидир».

Даъват

Уч кунлик ҳордикдан сўнг черик йўлга тушди. Бунгача эса оппок хонўтовда аввал Херра ва Бўэқурт алоҳида учрашишди, сўнгра уруғ оқсоқоллари билан умумий йигин ўтказилди...

Дастлабки сухбат қуидагича кечди.

— Сен кимсан? — сўради Херра сирли зот қорнини тўйдириб, ўзига келгач.

— Кимлигимни ҳалича ўзим ҳам анлаганим йўқ. Аммо, дафъатан қошингда пайдо бўлишимга қараганда, оламшумул ишлар учун яратилганман, — жавоб берди мерган.

— Оламшумул ишлар учун яратилганингни яна қандай исботлайсан?

— Оламшумул ишлар учун яратилганимни яна шундай исботлайманки, — давом этди мерган, — илкимдаги камон Ўғузхонга тегишли.

— Нечун сафсаталарингта ишонишим керак, — синовчан тикилди Херра.

— Буюк Кир Ахоман кўксини поралаган қасос ўки мана шу камондан отилган.

— Унда ўша ўқни кўрсат! — энди буйруқ оҳангода гапирди Херра.

— Ўша ўқ қаршингда! — викор ила қад ростлади йигит сухбатга якун ясад.

Кейинги куни уруғ башғанлари, урагут йўлбошчилар, оқсоқолу шомонлар маслаҳатлашиб, йўловчини кенгашга чорлашди. Йўловчи туни бўйи эртанги сўзлайдиганларини ўйлаб олганди. Шу боис, ўз галида иккиланмай Херранинг йўли тўғрилигини, оталар шуҳратини тиклайдиган замон аллақачон келганини сўйлаб, ҳаммани рағбатлантириди. Ҳаёт-мамот жангига ҳарбий салоҳияттина камлик қилишини айтганда эса, аҳли йигин саросимага тушди.

— Сен нималар ҳакида гапирайсан, илохий тамғали зот? — сўради Термуч.

— Жисмоний қудратга маънавий қувват даркор, — жавоб берди камонбоз, — англашимча, Херранинг чериги Ўқуз бўйлаб юқориламоқда, шундайми?

— Жему*!.. — бараварига ҳайқирди ўтирганлар.

— Фақат мол-дунё ва ҳосилдор ерларни кўзлаган уруш инқизозга маҳкум, уни тўлдирадиган ўзга нарсалар ҳам даркор. Масалан, маънавий мувозанат, — нотиқ фикрини давом эттиришдан олдин ҳамсұхбатларига синовчан тикилди. — Бу кучли эътиқоддир. Тўғри, бизнинг яккаю ягона Тангirimiz бор. Аммо, ички дунёмиз буткул нафс маконига айланмаслиги учун яна нималардир керак. Бинобарин, инсон ҳаёти фақатгина босқинлардан ё бола-чақа бокиш-у, қорин тўйдиришдан иборат эмас. Хоҳлардимки, бизнинг ворисларимиз ҳам дунё сирларини тушунсинлар, нега ой ботгач қүёш чиқишини, нега тунда кўринган лак-лак юлдузлар кундуз дийдорларини яширишини, башарият яратилишидан муддао нелигини англасинлар. Ана шунда биз шунчаки яшамаган бўламиз. Дунё таниб, онгли зотлар сингари умр кечирамиз. Тўй-томушаларда ораста кийиниб дам олишни, ҳазил-мутойбалар или хафа кўнгилларни чоғ этишни, узатаётган қизимизни пешонасидан ўпид бахт тилашни; келинга фарзанд, хотинга зурриётимиз онаси сифатида қараши, эшигимиздаги сочи супурги жориялар ҳам кимларнингдир нурийдаси эканини тан олишга ўрганамиз...

— Жему, жему!..

— Бунинг учун узок замонлар учратганим — улуг устоз сабоқларини ёдлашимиз даркор. Мен болаларимизга ўшаларни ўргатаман.

— Жему, жему!..

— Бас, рози экансиз, Алп Эр Тўнга каби мангу шаҳар*лар тиклайликки, булар набираларимизга олис бобокалонлари кимлигини эслатиб турсин, салтанатлар барпо этайликки, келажак авлодларнинг фурурига айлансин!..

— Жему!.. — такрор гувуллади ҳалойиқ.

— Ва ўз ёзувимизни тузайлик. Ўшаларни ўқиб, сабоқ чиқарайлик.

— Бизнинг шундай битикларимиз бор! — эътиroz билдириди Термуч.

— Уларнинг сири йўқлилкка юз бурган, янги ёзув топморимиз лозим. Токи, уни бошқалар ҳам бемалол ўқий олсинлар. Ёхуд биз ҳам ўшалар орқали бегона миллатларни тушунайлик. Бу битикларда элнинг ясоқ ва тузуклар*ини,

турмуш тарзи ва анъаналарини, маросим ва урф-одатларини ёзиг қолдирайлик.

Нутқи ниҳоясида Бўэкурт қўлидаги тугунни ўртага ёйди. Сўнг улкан укпада битилган жимжимадор белгилар сабаб, қардошларининг юз-кўзида кўкарган таажжуубга жавобан оҳиста давом этди.

— Бу битиклар сизга бегона. Уни бутун Туронда ўқий оладиган кас ёлғиз ўзимман. Минг йиллик тарихимиз шу сатрларда акс этган. Энди ўз хатимизни яратгач, буларни ўша ҳарфларга ағдариб, укпани тайин жойга бекитайликки, туркнинг шон-шуҳратини мангуда эслаб юрсинлар!..

29-БОБ

Кушон империяси

Ростини айтсам, мактаб давримда Кушон салтанати ҳақида илмий-оммабоп журналларда анча-мунча ўқигандим. Ўшанда, нима учундир, Марказий Осиё худудида барпо этилган жами қадимий давлатларни ўзбекнинг аждоди қурган, деб ўйлаганман. Бугунга келиб, фикрим озми-кўпми ўзгарди, «ўзбек» атамасини «туркий»га алмаштиридим. Нафақат юқоридаги ҳикоялар боис, балки илмий изланишларим туфайли ҳам шу қарорда тўхтадим.

Аксар манбаларда Кушон империясини Шарқий Эрон лаҳжасида сўзлашувчи юәчжи қабиласига мансуб гўйшан урури барпо этган, деган тахминлар бор. Бизнингча, юәчжилар Эрон лаҳжасида гапирмаган. Ҳикоямиздаги замонлардан роппа-роса беш аср олга юрсак, бунинг исботига дуч келамиз. Эрамизнинг V асрода юәчжининг бир қисми Кидар исмли хон бошчилигида Хинд ерларига босиб киради. Кейинчалик уларни саркардаларига нисбат бериб «Кидарийлар», дейишган. VII асрда яшаган араб муаррихи Ат-Табарий эса бу ҳалқни туркий бўлганини таъкидлайди. Колаверса, Гўйшанга боғлиқ гаплар ҳам уйдирмага ўхшайди. Уни Кушонга уйқашлиги учун ўйлаб топишгандай, назаримда...

Кейинги эътирофимни эшигинг. Тарих билан шуғулланаётуб, яқинда яна бир нарсани сезиб қолдим, ўтмишдаги

тақдири мавхум халқларга тавсиф берганда, олимлар тилини тусмоллаб белгилашаркан. Инчунин, «фалон қабила Шарқий ё Фарбий Эрон лаждасида гапирган», каби жумлаларга так-рор-такрор йўлиқсам-да, лоақал, бирор марта ўша элатлар тилидаги ўхшашлик сўзларнинг аниқ таҳлили билан исботланганини учратмадим. Аксинча, доимо «Текширишларга қараганда...» каби ибора билан бошланадиган қуруқ сафса-тага дуч келдим.

Энди тарихдаги айрим жумбоқлар хусусида. Эрамиздан аввалги IX – VIII асрларда Каспий бўйи худудларида Киммерийлар яшаган. Шу давр Оссурия сопол ёдгорликларида бу қабиланинг икки дарё оралиғига бостириб киргани ҳақида узук-юлук маълумотлар бор. Орадан бор-йўғи юз йиллар ўтар-ўтмас, улар изсиз йўқолади-да, тарих майдонида скифлар пайдо бўлади. Яна 5–6 асрдан сўнг скифлар ҳам дом-дараксиз кетиб, ўрнини сармат, усун, қангли каби янги элатлар эгаллайди. Мозий йўлакларидан олға босаверсак, бу халқлар ҳам кейинчалик тўсатдан сувга чўккан тошга айланиб, йўқ жойдан санбий, тоба, теле, жўжан, турук келиб чиқади...

Бундан ташқари, олимларнинг айрим исботларигаям қойилмасман. Дейлик, бирор халқнинг дабдурустдан ғойиб бўлишини ишонарлироқ тасвиrlаш учун улар доимо қайсиdir чўллардан ёпирилиб келган ярим ёввойи кўчманчиларни рўкач қилишади. Масалан, киммерийлар скифлар босқини натижасида ватани ташлаб, жуфтакни ростлаганмиш. Аслида эса археологик қазишмалар мазкур қабилани урушлар оқибатида қирилиб битганини тасдиқлай олмагани сабаб, кимдир шундай зўрма-зўраки фаразини ўйлаб топган бўлса, ажабмас...

Скифларнинг йўқолишига ҳам шу гапни рўкач қилишади. Кейин ҳам, бири ўрнига келганини бошқаси қириб ташлайверади. Натижада тарих саҳифасидан изсиз ўчган халқлар сафига фақат Туron пасттекислиги, шарқий Туркистон, Қора ва Каспий денгизлари атрофи, Дон, Ўрол, Волга бўйи сарҳадлари, Олтой-Муғул худудларида кун кечирган киммерий, сармат, савромат, скиф, масйофут, тоҳар, хун, юэчжи, эфтал, хазар, савир, қангли, усун, теле, абар, кидар ва юзлаб бошқа миллатлар қўшилиб кетади. Уларнинг ўрнида эса

тўсатдан Турукнинг аввал йигирма тўрт қабиласи, бизнинг давримизга келиб эса тўқсон икки элати пайдо бўлади.

Балки юқоридаги халқларни ана шулар ичидан қидирмомимиз маъқулдир?..

30-БОБ

Суиқасд

Тўғри, камина ҳалича улуғ бобокалоним, қолаверса, халқим ўтмиши ҳақида шахсий фикрларимни баён этиш даражасига етмаганман. Бунинг учун киши ўта зукко ёхуд мактанчоқ бўлиб туғилмоғи лозим. Мен эса, Оллоҳга шукурки, эътиқодли мўмин-мусулмон банда, алҳол буюк халқлар булоқбошисида турган зотга камтарона таъзим бажаришгагина арзийман, холос. Эмасам-чи, тушунган инсонга муносиб набира сифатида аждодлар қошида бош эгишнинг ўзи катта шараф. Бироқ, масалага бошқа томонлама ёндашсак, шугина билан чекланиш ҳам нафсониятимга тўғри келмайди. Чунки камина — шавкатли Ёфас ибн Нух авлоди, археология билан шуғулланаётуб, минг йиллик пучмоқлардан энг ноёб бисотини топиб олган баҳтли аспирант аслида кимлигимиз, қайдан келиб қаён бораётганимиз ҳақида ўйларканман, кутилмаган хуросага келдим. Айни сабаб, масйофут маликасига совчи бўлганимдан, ҳатто, онтимга қарши ўларок, буюк шоҳ кўкрагига санчилганимдан хижолат эмасман. Илло, ватанпарварлик жами инсоний қадриятлардан-да улуғроқ турарканки, эвазига жондан кечган кимса зинҳор пушмон чекмаскан.

Шошманг, шошманг, алаҳсираяпманми?.. Наҳотки, жисми-жонимни умрбод исканжада сақлаган тилсимларга яқинлашдим, кимлигимни англадим? Демак, мушкул муаммолардан осонгина қутулиб кетаверишларим бекорга эмаскан-да. Агар шулар рост эса, Зармонинг учраши, нақ юрагимга урилган пичоқдан омон қолишим, элас-элас ўнгимдами, тушимдами гавдаланадиган мавхум синоатлар, боз устига, сирайм хаёлимга келмаган ҳодиса — кутилмагандан кўкрагимда қуёш шаклининг қавариши ҳам табиий ҳол. Бироқ, ушбу қарама-қарши воқеликлар гирдобида Илмий текшириш инс-

титутимиз директорининг ўрни кўринмаяпти. Дарвоқе, Аззо Кабирович... Қаранг, воқеаларга шу қадар шўнғибманки, ҳатто, ҳурматли устозим Максим Азизийни ҳам, номзодлик диссертациясини ҳимоя қилгачгина, ўзи каби фан арбобига турмушга чиқишини режалаштирган Тамара Содиковнани ҳам унугибман. Рости, энди сезишимча, манави китобимдан кўра ҳам қадрлироқ азизларим бор экан. Иккитаси хусусида ҳозиргина тўхтаидим. Бошқаларига келсан, аввало, меҳрибон волидамни эътироф этишни истардим. Эҳтимол, ушбу сатрларни ёзишимгаям онам сабабчидир. Чунки боя мутолаам авжида хонам эшиги оҳиста фийкиллаб, бирров кўриниш бергандилар. Мен дикқатимни чалғитмаслик ниятида унчалик эътибор қилмасам-да, уларнинг кўзларида яна ўша хокисорликни кўргандай, бурдойранг чехраларида миямда ўқтин-ўқтин айланиб қоладиган «Гул вақтида очилади, болам!» деган жумлани уққандай бўлдим. Шу боис нигоҳимни Холчаёндан топилган укпадан олиб, турмуш қуриш ҳақида ўйлайвердим.

Тўғриси, икки-уч ҳафтаки, ўзимнинг «Ит ётиш, мирза туриш...» ҳаётимга чек қўйиш вақти етганини сезмоқдаман. Айни қарорга Аззо Кабирович ҳузуридан таъбим тирриқ аҳволда чиққач, овқатланиш мақсадида «Мовий гумбазлар» чойхонасига жўнаганимда учратган «такдирим» ундагани аниқ. Аммо, ўзимни нечоғлиқ ботир тутмай, мушфиқ волидамни шодмон этадиган хабарни айтишга келганда, вужудимни ваҳима босади. Негаки, хат-саводли йигитнинг лўлига уйланиши ақлга сиғмас ҳол. Бир гал шу ҳақда гап очувдим, домлам хотиржам боқиб, жа бўлмаса, келинни институтдан кузатамиз, бўтам, деб ҳазиллашдилар. Гапларида жон бор, тўйда ҳамкасларим ҳам қатнашишади. Ўшалар вақтингча ота-она ролини бажаришлари мумкин. Аммо, Зармонинг тукқан онаси-чи?.. Тўсатдан тўрвасини орқалаб келиб қолса борми, қиёмат қўпади.

Гапнинг қисқаси, ушбу жумлаларни ёзишдан олдин эртangi куним ҳақидаги мубҳам фикрлар кучогида мутолаага машғул эканман, юқорида айтганимдай онам кирдилар-у, фикру хаёлим чалғиди. Даставвал Максим Азизий, сўнг оила аъзоларим ҳақида ўйлайвердим. Ўйлай-ўйлай катта йўл бошида эканман, уйланиш ҳам қочмас, ҳозирча бошқа иш-

ларга уринганим маъқул, деган фикрга бордим. Дейлик, умрим занжирида Сулаймоновнинг ўрни масаласига... Олий мақсад шуни аниқлаш экан, хоҳлайманми-йўқми, институтга даримогим керак. Илло, улуғ юмушларни зиммага олган одам ён-атрофидан, ракибларидан огоҳ турмоғи лозим. Шу истак оғушида ёнарканман, баногоҳ, мозий саҳросидаги учрашув ёдимга тушди. Ўшанда устоз бугунги кунда бўйнимга осилган тошни кўрсатиб, ночор дамларда тикилсанг, мушкулинг енгиллашади, демаганими? Шундай экан, мен ҳам ўша сўнгги имконимни қўлимга олиб, илк бор бош-адоқ шошилмай кузатиб чиқдим. Юқориси гумбаз шаклида. Япалоқ тубида, илгари айтганимдек, тирнокдай кизфиш доира — офтоб ва унинг лопиллаган тиллари мавжуд. Атайнин чизилганми, аслида шундайми, текшираёттандимки, тўсатдан сурат кенгая бошлади. Бебошвоқ тасаввурларим натижаси бўлса керак, деган хаёлга бормасимдан шу даражада кенгайдики, беихтиёр ичига чўмид кетдим. Чор теграм аввал сарғиш тусга кирди. Сўнг оқарди. Бир маҳал қарасам, мовий осмондаман. Ахён-ахёнда оппоқ булутлар учрайди. Демак, мақсадимга етдим, кўринмас жисмга айланиб сузаяпман. Энди ҳаё-хуй дея қадрдон масканимга учаман. Сафар олдидан Холчаёнга ташриф буюриб, домламдан хабарлашсам ёмон бўлмайди. Бироқ ҳар дақиқа фанимат, йўлни тиккага солдим...

Нафсиlamри, тағин жиндак Тошкент тарафларга тортаётган баҳона — Тамара Содиковнанинг омон қайтиши. Сал олдинроқ унинг қалтис ишларга аралашиб қолгани ҳақида ёзгандим. Институтимиз дарбонининг бевакт ўлимига боғлиқ фикрлари шўрлик қариқизнинг ўзиниям дорулбақога олиб кетиши мумкин эди. Шундай экан, бир ожизанинг муқаррар ўлимдан қандай кутулгани хусусидаги болаларча қизикувчанлигим сафарга янада рағбатлантирумокда.

Қаранг, гап билан бўлиб манзилимга ҳам яқинлашибман. Мана, ўша чойхона узра учяпман, мовий гумбазлари жилваланиб, бағрига чорлайди. Бу манзарага кўз ташлаб, бир нарсани сездим. Назаримда уларнинг сони... Ҳа, ишонаверинг, мен шу тобда тўққизта гумбаздан иборат иншоотни кўриб туардим. Ўнгимми, тушимми? Наҳотки, боз ўша тилсимларга йўликсам-у, ҳаммаси охир-оқибатда қўкрагимдаги қавариқقا тақалса?..

Қадрдон институтимизга яқынлашаёттанимда юрагим соғинчдан алланечук гурс-гурс ура кетди. Эшик тирқишидан сирғаларканман, құлларини жүфтілаб иягига тираган Ахмад оға ўрнида бегона кимса ўтирганини, олдинги ҳамкасби не боис бокійга риҳлат қилганидан бехабар, яхши иш топғанидан күзлари чараплаёттанини күрдім. Қабулхонага етгач, ярим очиқ эшиқдан уч кишининг пайдар-пай гурунги чалинди. Алоқ-чалоқ жумлаларидан ҳеч вақо тушунмадим. Гап директор котибасини чорлаб, Деновга куйидаги мазмунда телефонаграмма жүнатишни буюрганда аёналашды. «Археология илмий текшириш институти профессори Азизийга. Эрта тонгда Холчаёнга чет әллик олимлар ташриф буюришади. Мемонларни кутиб олишни Содиковнага топшириб, ўзингиз Тошкентта қайтинг. Сулаймонов.»

Тушунарли, чет әллик олимлар эски танишларимиз. Вазифалариям аник, яна бир бечорани нақ икки ярим минг йиллар аввалги даврларга әлтиб, ҳалок этиш. Кечикмасдан Боймуҳаммадовни бундан огоҳ этмоғим дарқор. Эхтимол, йўл-йўлакай ўша алмисок устухон ҳакида ҳам батағсилроқ билиб оларман.

...Охирги пайтларда вақт-бевакт алжирај бошлаганимни сезгандирсиз. Мисол учун Карим Ниёзович билан илк учрашуви мизда тасодифан оғзимдан чиққан аник рақамларни әшиштан одам ижобий фикрға келмаслиги аник. Тўғриси, шундай дейман-у, кўнглимга таскин берәётган ўзга ўйлар қошида бош эгаман. Ахир, айрим рўёларим бора-бора ўнгланган экан, ногаҳоний алжирашларим ҳам бир куни келиб, ҳақиқатга айланиши мумкин-да...

Телба-тескари фикрлар оғушида шаҳар милиция бўлимига етиб қолибман.

Энди бирор хилватда уст-бошимни тузатишим керак. Мана, бино ортидаги гулзорда пайдо бўлдим. Кийимларимни коқиб, буталар орасидан чиқарканман, нарироқдан ўтаётган ёшгина посбон кесатди:

«— Ока, анетда ҳожатхона бор-ку...»

«Анетда ҳожатхона борлигини ўзим ҳам биламан, ўртоқ. Илло, гулзорингга ҳожат баҳонасида кирмадим. Буни сенга қандай тушунтирай?...»

Бамайлихотир бинога йўналдим. Дарбон ичкарига қўнфироқ килгач, тисланиб йўл берди, юқорига қўтарилидим. Кидирган хонамни топиб, эшикни чертдим.

«Киринг!..»

Терговчи эски мижозини дарҳол таниди. Туриб саломлашгач, диванга ўтқазди. Олдинига қуюқ мулозаматларидан ҳайратландим. Сўнг буни одатдаги хушмуомаликка йўйдим. Бироқ адашганга ўхшайман, моҳир изқувар ўтган кунлар ичиде бекор ўтирганини билан айёrona жилмайиб, «Хўш, қандай янгиликлар бор», дермиди? Иккиланувдим, фавкулодда ташрифим сабабини суриштириди. Ҳозир ҳакиқатни очсан, кўп сирлардан бехабар қоламан, яхшиси, ташаббусни қўлга олай...

Саволга савол билан жавоб беришимдан дастлаб Бойум-ҳаммадовнинг жаҳли чиқди. Сўнг қаршисида бўлғуси олим, қолаверса, нотекис ҳаёт сўқмоқларидан юравериб, дийдаси аңча-мунча қотган кимса ўтирганини эслаб, бажонидил тилга кирди. Айтишига қараганда, Бўрижардан топилган суяклар қайта-қайта текширилсаям, натижа ўзгармабди. Шоҳ-шаббага илашган дағал жунлар эса олдин таъкидланганидек, улкан мушуксимонларга тегишли...

Энди мен ҳам қарзимни узишим, Бўрижардан топилган суяклар ҳақидаги маълумотларга жавобан Холчаёнга отланган ажнабийлардан дарак беришим мумкин. Фақат ҳозирча Аззо Кабирович хусусида лом-мим демайман.

...Айтиб балога қолдим, тажрибали терговчи бирдан тишларини ғижирлатди. Сўнг, қизикқон ҳолатидан хижолат тортди чоғи, узр сўраб, телефонга ёпишли, зудлик билан қўлга олиш гурухини тўплашни буюрди.

Бу – яхши режа. Бироқ у бошқа нарсани, Сулаймоновнинг имкониятларини билмайди. Дейлик, чор атрофимиизни ўраган деворларнинг қулоғи карлигига ким кафолат беради?..

Билмадим, билмадим, ҳар ҳолда, яхшироқ ният қилганимиз маъқул. Инчунин, пойтахтдан жўнатилган маҳсус гуруҳ эртага Холчаёнга боради-ю, чет элликлар қиёфасида ташриф буюрган икки котилни қўлга олади. Қарабисизки, чап оёғига қўзмунчоқли қўнгириоқчалар таққан лўли қизнинг из-

сиз йўқолишига оид тергов жараёни тугайди. Аммо, менинг масъулиятли умргузаронлигим холиқи азал белгилаган тарих бекатлари бўйлаб давом этаверади, этаверади...

31-БОБ

Тамара Содиковна

Шу куниёқ Холчаёнга қайтдим-да, тепаликни айланиб, омонат капага етдим. Максим Азизий икки-уч соат бурун олинган телефонаграмма бўйича пойтахтга жўнаган, шекилли, чодирда лаш-лушлари кўринмайди.

Энди туғилган хавфни бартараф этиш йўлини ўйлашим зарур. Домланинг оромкурсисига ўтирганча ўйга чўмдим. Қанча вақт ўтди билмадим-у, бир пайт одатдаги оёқ товушларидан ўзимга келдим. Бошимни кўтариб эса ҳайратдан ёқа ушладим. Не ажабки, Зармо ёлғиз келмаётганди. Орқасидан баҳайбат бўри эргашган. Ўрнимдан тургунимча жондор икки ҳатлаб олдимни тўсди-да, уст-бошимни ҳидлай кетди. Қотиб, оқибатини кутарканман, тағинам қизиқ воқеа юз берди, йиртқич атрофимда бир айлангач, бамайлихотир оёқларим остига чўзилди. Панжаларига бош қўйиб, мудроқ кўзларини юмди. Фалати синоатдан маҳбубам ҳам, мен ҳам ҳайрон қолсак-да, воқеликнинг туб моҳиятига тушуниб турардик, бўрининг иккимизгаям бегона эмаслигини сезгандиг-у, бунчалик тез фош бўлишимизни ўйламагандик. Энди ортиқ сичқон-мушук ўйнолмаймиз. Шу сабаб қаршимдаги курсига чўккан қизга савол назари билан тикилдим.

— Сизнинг қаерларга бориб келганингиздан хабардорман, аммо буни Тамара Содиковнага қандай тушунтирамиз? — сухбатни бошлади у ноилож.

- Билмадим, агар ҳозир улгурмасак кеч бўлади.
- Очиқчасига гаплашсак-чи?
- Очиқчасига?.. Изингизга тушганлар бундан икки яrim минг йил муқаддам яшаган одамлар, деймизми?..
- Билмадим, аммо воқеликларни аниқ тушунтиришимиз керак, акс ҳолда, мақсадимизга етолмаймиз.
- Майли, шундай бўлди ҳам дейлик, кейин уни қаерга яширамиз?

— Асли деновлик экансиз. Бир кун Тамара Содиқовна қанийди ҳовлим бўлса, маза қилиб яшардим, деганди...

Унинг нимага шама қилаёттанини тўлиқ англамасам-да, бир нарсани сездим, ҳозирча бизнинг ҳовлимиз энг ишончили жой. Шундай экан, зудликда муддаога ўтиш лозим. Зармо чиқиб, беш-олти лаҳзада Тамара Содиқовнани олиб қайтди. Тамара Содиқовна эркакчасига саломлашаркан, меҳнатдан қаварган қўлини ушлаб, сесканиб кетдим ва бирданига унтуилаёзган хотираларим тасаввуримга қўйилди, мен яна ўша даҳшатли муҳорабалар майдонига қайтдим. Кўз ўнгимда пириллаган воқеликлар кинотасмаси айланга-айланга масйоғутнинг Улуғ Энаси йўллаган қасос ўқига эврилган дамларимда тўхтади. Буни қарангки, Дубчароқ, волидам ва манави қариқизнинг қўлларида жисми жонимга қадрон аллатовур уйғунлик бор экан...

Хотиралар таъсиридан амал-тақал қутулиб, кафтини бўшатдим. Сўнг ўзимга тикилган шахло кўзларида аллатовур сеҳрли шуурни илғаб, бу эркаксабзининг ҳам аёл эканини эсладим. Айниқса, бехос қизарган чехраси боис менда ушбу фикр уйғонган бўлса, ажабмас. Боз устига, боя дағалроқ туюлган қўллариям илиққина эдики, осонликча қўйворгим келмади. Зармонинг синовчан боқиши хаёлларимни тарқатиб юборгач, истар-истамас мақсаддага ўтдим, Тошкентдаги хуфёна маслаҳатдан гап очдим. Тамара Содиқовна аввалига хотиржам эшилди. Сўнг бегараз қиқирлади. Беихтиёр, бу жозибали кулгини Зармонинг шаддод қаҳқаҳасига қиёслаб, яна асосий масалага қайтишга уриндим. Аммо тобора назокатли тус олаётган ҳамкасбимнинг эрка ҳолати хоҳиш-иродамдан устун чиқиб, толқон ютдим. У эса ночор аҳволимга жавобан, «Тошкентга самолётда учдингиҳими, ракетадами?..» деб сўради. Ана шундагина кулгисининг сабабини тушундим, икки-уч соатда етти юз чақиримлик масофага бориб келганимга ким ҳам ишонарди, ахир?..

Навбат Зармога келди. У томоқ қириб, Аззо Кабировичнинг аслида бутунлай бошқа одамлигини, бизнинг ҳам шунчаки сандирақлаб юрганимизни айтди. Сухбатдошимиз тушунмай, мен тарафга кўз ташлаб, бирдан башараси бўзарди. Сўнг қўлларини пайдар-пай силкиб, фулдиради. Назари пойимдаги йиртқичга тушганини сездим. Бўри

ўзини очиқ-ошкор күрсатибдими, демак ниятимиз холис. Ҳар ҳолда, содда күнглимини шундай овутдим. Чунки бу пайтда Тамара Содиковна шалпайиб тушган, Зармо эса стол устидаги чойнакдан сув пуркаб, уни хушига келтиришга уринарди...

* * *

Қаватымдаги жинси шимли «рўдапо»ни кўриб, онам дастлаб эсанкиради. Сўнг айвонга бошлади. Дастанхон устида уларни бир-бирларига таништириб, ҳовлига чиқдим. Мақсад бегона аёлнинг ҳовлимизга қўчиб келишига арзирили важтопиш. Кўп ўтмай, бу юмушни ҳам уddaлагач, мўъжазгина иморатимиздан меҳмонга алоҳида хона ажратдик. Тушки овқат маҳали эса ҳамкасбимни янада яхшироқ билиб олдим. Ҳайратланганим боиси ҳамма билан эркакча муоммалаға ўрганганд Тамара Содиковна онамнинг ёнида мулоийим ўзгарди. Айниқса, эски йўлтўрвасидан чиқарган одмироқ кийимларини кийгач, қадди-қоматини ўзгача тароват эгаллаб, суксурдай нозанинга айланди-қолди. Ва қарабизизки, орзулари ушалиш арафасида турганини англаған волидам атрофида гиргиттон бўларкан, эртанги фан номзоди ҳам у ёқ-бу ёқдан бемалол гурунглаша кетди. Мен энди бу ерда ортиқча эканимни англаб, машинамни ўт олдирдим. Дарвозани очар чоримда, ногоҳ янграган эркакшода ҳамкасбимнинг хандон кулгиси кўнглимини тамомила тинчлантириди. Ҳаш-паш дегунча она-боладай гурунглаша бошлаган аёлларни ташлаб, машинамга ўтиредим...

Холчаёнда одатдагидай Зармо кутиб олди.

— Тамара Содиковнани уйингизга олиб бордингизми?..

Мен бош ирғагач, «Яхши бўпти, жойини топиби» — деди. Олдинига илмоқли жумлага беътибор эртанги ишларга тўхталдим. Кейин масъулиятли дамларда ҳамкасбим қаватида туришим лозимлигини айттаётуб, бошка нарсани сезиб қолдим, Тамара Содиковна билан ўртамиизда туғилаётган янгича муносабатдан Зармо норозимас.

Эртанги кун ҳақида боз гап очувдим, у хотиржам назар ташлади.

— Тамара Содиковна ҳовлидан чиқмасин... Онангиз тўйга атаб бокаётган ҳўкизни бўшроқ боғланг...

Маҳбубамнинг сирли гапларига яна тушунмадим.

Кўнглимдан ўтганини англади, шекилли, у улуғ сирни ошкор этаётгандай, эҳтиёткорлик-ла пичирлади.

— Жалайир кампир...

Гуё калламга бирор гурзи билан туширди, наҳотки, териси тошбақаникидай тиришган алмисоқ кампир ва менинг айни ҳолатим ўртасида узвийлик бўлса?..

— Очикроқ гапир, Зармо, нимага шама қиляпсан? Тамара Содиковна қайдо-ю, Жалайир кампир қаерда?..

...Маҳбубамнинг юз-кўзидан ортиқ жавоб ололмаслигими-ни сезиб кўзгалдим. Ҳовлиқиб кўчага чиқарканман, ортимдан Зармонинг деярли шивирлаб айтган сўзлари эшитилди. «Фақат тезроқ, тезроқ!..»

32-БОБ

Улуғ Эна

Жалайир момонинг ўлими кўпчиликни безовта қилиб кўйди. «Фоз кўтарилса, кўлни ўрдак босади», деб бежизга айтишмаскан, узоқ-яқиндан туркнинг турфа уруғлари ташриф буюра бошлади. Аввал ваҳтамғали, жилонтамғали жузлар, қўнғирот, жобу, кенагас, боймоқли, тўғиз, изидан увоқтамғали, ҳалач, уйчи, қавчин, калачи, қипчоқ, қурама, болғали, нурота, туғали, ойтамғали, арлот, барқут, сирғали, тубойи, ўтарчи, дўрмон, қўшчи, тоймас, қамчили, боғлон, минг вакиллари келиб, туркнинг Улуғ Энаси бошида қўл қовуштиришди. Улар қурултойда яқдил овоз беришмоқчи.

Тўрт соатлар ўтиб, узоқлардаги баҳрит, тунгут, уйғур, ийжон, жағалбайли, калтатой, мажор, қўштамғали, ойрот уруғлари кал баракахон бошчилигига; увоқтамғали, садирбек мажорлари, сарот, тума, узлар (гагауз), тухси, ших, уйшун каби ўнлаб уруғлар Қамчуғ бошчилигига етиб келишди. Ҳар қайсиси мархум бошида ўзларича хурмат бажо этгач, эски тамғага даъвогарлик қилиб, барадла гапираверишди. Туркнинг тўқсон олти уруғи ўртасида ворислик учун очиқдан-очиқ кураш бошланди.

Ховлининг нари четидаги хонада эса қишлоқ жувонлари Барчинга маросим либосини кийдиришмоқда. Қиз ҳозир ҳаётидаги энг қувончли, шу билан бирга, масъулиятли ҳодиса рўй беришини, ўзи халқининг Улуғ Энасига айланишини сезиб, беғубор ёшлиги ва эрка болалиги билан бараварига хайрлашмоқда.

Бироқ, у ҳозир кечадиган мунозарадан ҳам огоҳ. Хусусан, узоқлардан келган қариндошлар қарши чиқишиларини сезса-да, қалб хилватларида аллатовур ишонч уйғонганки, ташвишли нигоҳларга сирли табассум ила жавоб бермоқда.

Кўнғирот бошчилигига бирлашган уруғлар йиғинларини туттатгач, ташқарига чикдилар. Вакилларнинг олдида келаётган Сори бобо оқсоқолни четта тортиб, нимадир шипшиди. У беш-олти ёш-ялангни чорлаб, тегишли кўрсатма берди. Бироз ўтиб, ҳамма сув сепиб супурилган қўшни ҳовлида йиғилди.

Дастлаб Қамчуг, сўнг Баракахон сўз олди. Улар жала-йирларга чуқур ҳурмат изхор этиб, навбат ўзларига етганини, қадимий аждодлар келишувига биноан, навбат алмасиш лозимлигини эслатиши...

Кенгаш узоқ чўзилиб, кун пастга оғди. Қариндош-уруғларнинг сабри тугади. Ташқарига чиққан оқсоқол авзойи ўзгариб қайтгач, бошқалар жанг майдонида ўzlари қолганларини сезиб, навбатдаги олишувга тайёргарлик кўришди.

Мунозара олдин даҳанаки жангга, кейин муштлашувга айланиши аниқ. Энди мушкул вазиятдан қутулиш учун оқилона тадбир даркор. Бироқ, ҳамма шахсий манфаати йўлида ёнаётганлиги боис бундай орзу – хомхаёл. Ўлганнинг устига тепгандек, мусоҳаба майдонига ташриф буюрган қишлоқ имоми тезда жаноза ўқилмаса, қайтиб кетишини айтди.

Сори бобо тарафкашларини эргаштириб, машваратга чекинди. Улар қайси даъвогарни қўллаш мақсадга мувофиқлигини маслаҳатлашаётганда, дарвоза олдида аллақандай машина тўхтади. Ховлига Тошкентдаги Археология илмий-текшириш институти аспиранти кириб келди. У давра ўртасида қадростлагач, кенгаш аҳлига бир-бир тикилиб, эсар-бесар гап бошлади.

«Кулок бер, ахли туркүт!.. Улут бобокалоним Турк номи билан гапираман. Мен – бугунги кунда юртим ўтмиши билан шуғулланиб юрган оддий муаррих изланишларимда давом этаётиб, кутилмаган тилсимварларга йўлиқдим. Хусусан, халқимнинг олис кечмиши гувоҳига айландим. Йигирма беш аср бурун Кир Ахомандан малика Тўмарисга совчилик қилиб, тарихдаги энг қонли жангда қатнашдим. Мағлубият яқинлашганда қасос шибасига айланниб, масйоғутнинг Улут Энаси Дубчароқ тутган камондан шоҳ кўксини мўлжаллаб учдим. Аммо, умргузаронлигим шу билан тугамади. Мен бадар яшашга, доруломон кунларга етишга мажбурман. Ўша дамларда эса Эрлик хоқон омонатини жалайирлардан олади. Тамғани эгасига топширинг!..»

Бир неча сониялик сукунатдан сўнг бирдан шовқин кўтарилиди.

- Гапларинг ёлғон!..
- Жўнаб қол бу ердан!..
- Ур, ёлғончини!..

Вақтида аралашмаса, жаноза муштлашувга айланишини пайқаган Сори бобо зудлик-ла аспирант ҳимоясига чорланди. Элбошининг ўртага чикқани кутурган жанжалкашларни бир он тўхтатди. Пайтдан фойдаланган Сори бобо қичкирди.

– Бу йигитни мен танийман, гапини охиригача эшитайлик!..

Сори бобо уни аслида юзаки таниса-да, ҳозир вақтни чўзиб, даврани совитиш учунгина гапирганди, тарихий иш қилганини кейин тушунди. Ҳамма тинчиши билан аспирант атрофига ўтли назар ташлаб, шартта ёқасини йиртди. Аввалига ҳеч ким воқеалар моҳиятини тўлалигича англамади, англағач эса қўзларидан ёш тирқиради. Уч-тўрт лаҳза ўтгач, бошига тўққиз лачагли қубба қўндирган Барчин кўринди. Олдинга чўзилган қўлларида нақшинкор тилла қутича...

Оломон гурра қўзғалиб, буюк халқнинг ўн тўққиз яшар Улут Энасига таъзим бажо келтирди. Охирида яқинлашган аспирант ҳорғин пичирлади.

- Қийин аҳволдаман, эна, ёрдамиңг керак?..

Кийган либослари туфайли бекиёс улуғворлик касб этган Барчин қўзларини олис нуқталарга қадаб, жавоб қайтарди.

- Эрлик хоқон тирик. Эрлик хоқонга юкин!..

Қасам

Эрталабдан буён кечиргандаримни бир жойга жамласам катта китоб бўлади. Бироқ мени ажаблантираётган нарса бошқа, кўргандарим ўнгимми, тушимми? Жалайир кампирнинг жанозасига машинамда борганим рост. Аммо, олдинги воқеалар, яъни Тошкент сафарим-чи? Саноқли лаҳзаларда етти юз чақиримлик масофага етишимни қандай изоҳлаш мумкин?..

Бариси ўйноқи тасаввурларим меваси бўлмасин тағин?..

Бунга эртага аниқлик киритамиз. Агар Сулаймоновнинг гумашталари чиндан ташриф буюрса, камтарин қулингиз учун янги бошқотирма туғилади — истаган вақтда бутунлай ўзга манзилларда пайдо бўла олиш тилсимоти...

Тўғри, бундай ҳол аввал ҳам учровди. Бироқ, ўшанда руҳим (ёки арвоҳим) саёҳатга чиқкан. Loшим ётган жойида кўкариб қолаверган. Энди эса... Йўқса, Сулаймонов ҳузуридаги тафсилотлар-ку, майли, Карим Боймуҳаммадов билан саломлашмаган, юзма-юз ўтириб гаплашмаган бўлардим.

Алқисса, кейинги масалага келсак, Жарқўргонга борганимдан тонмайман. Аммо, бехос талатўп оломонга қаратса сўзлаган нутқимга нима дейсиз? Худо ҳаққи, даврада ўз ихтиёrimдан ташқари, кимдир тилимдан тортаётгандек хуш-бехуш алжирадим. Шуларни инобатга олсак, Ёфас авлоди тўғрисидаги афсона ҳақиқат экан-да. Қолаверса, Термиздаги касалхонани тарк этиб, Жалайир момо билан учрашганимда калламга ўрнашган жумбокнинг жавобини — жалайирлар зиммасидаги вазифани билиб-билмай ошкор этганим-чи?.. Энди айтинг-чи, бу «сафсата»га ким ишонади?..

Нафсилемри, гапларимга кўпчиликнинг ишониши ҳам шарт эмас. Асосийси, Зармо, Барчин, Максим Азизий ва Тамара Содиковна... Ҳозирги олий вазифам эса халоскорлик. Аммо, бу савдода тўсатдан Эрлик хоконнинг пайдо бўлиши бироз ажабланарли туюляпти. Бу ерда бошқа сир йўқмикан?.. Зармо Тамара Содиковнани уйимга олиб боришни маслаҳат берди. Барчин минотаврсимон маҳлукқа ишора

қилмоқда. Шуларга қараганда, шўрлик ҳамкасбимнинг омон қолиши худди бизнинг хонадонга борлиқдай, яъни чоғроққина ҳовлимиизда мақсадимга етакловчи алланима бордай!..

Ва бирдан сесканиб кетдим, нахотки?.. Жарқўронга ёлғиз шуни англаш учун борибман-да? Астойдил ўйласам, ҳаммаси тушунарли эди-ку. Зармога ҳам ҳайронман, гапини ваҳимага айлантирмасдан шартта сўйламайдими?..

Шундай дейман-у, яна тан бераман, ахир, у ҳамма гапни дангал айтганда, мен Жарқўронга бормасдим, Барчин Улуг Энага айланмасди.

Камина ушбу жумбоқни англаш жараёнида Эрлик хоқон тўғрисидаги айrim саволларимгаям жавоб топдим, фикримча, унинг ҳўқизбошга айланиши атайин уюштирилган. Мақсад ўша — ўз раҳнамолари орқали ракибни маҳв этиш. Бу ҳақда кейинроқ батафсил тўхталарман. Ҳозирча юкоридаги маслаҳат бенаф кетса, нима қилишни ўйлай. Тўғри, энди мен дахлсизман. Бироқ бу — Тамара Содиковна ҳам тирик қолади, дегани эмас-да...

Алоқ-чалоқ хаёллардан бошим фувиллаб, машинани газларканман, аста-секин аниқ фикрга келдим, учрашганимиздан бери Зармо бирор марта ҳам адашмади. Шундай экан, ҳозир уйга боргач, ҳамма гапдан онамни огоҳ этаман. Аммо болаларини тарбияли фарзанд сифатида алқаб келган муштипар аёл тўсатдан бемаъни савдоларга аралашиб юрганимни эшитса, қандай ахволга тушади, кутилмаган янгиликдан эси оғиб қолмайдими?..

Остонадан ҳатлаганимда, тандир бошида гангир-гунгурлашиб нон ёпаётган азизларим хаёлларимни баттарчувалаштириди.

— Болам, биз нон ёпгунча, сен усти-бошингни алмаштириб, молингга қара, эрталабдан бери на емиш еди, на сув ичди. Ҳализамон тўйни бошлаб қоламиз...

Онамнинг маъноли жумлаларига беэътибор, ҳўқизни оғилхонадан чиқардим. Томорқага ўтказиб, қозигини қоқдим. Олдига пакирда сув қўйдим. Жонивор ютоқиб-ютоқиб ичди. Иккинчисини яримлатгач, чанқори қониб бошини бир-икки силкиди-да, бўғиқ пишқирди. Айтмоқчики, «Раҳмат, ҳўжайин, энди озроқ емиш ҳам берсангиз, нур устига аъло нур бўларди...»

Ўроқни олиб, ариқ бўйидан ўт ўриб ташладим. Қайтиб тандир бошига келсам, бўрсилдоқ ионлар узилган, ҳиди димоғни китиқлайди. Оловдан юзи қизариб, ял-ял товла-наётган Тамара Содиковна нозли иршайиб, яримта кулча узатди. Олаётиб тасодифан қўли қўлимга тегди-ю, кеча саломлашганимизда уйғонган инжа ҳиссиётларим қайта гуркураб, кутилмаган ҳодиса юз берди. Бехосдан эс-хушимдан айрилдим. Ҳовли манзаралари юқоридан пастга, пастдан юқорига мавжлана-мавжлана қайларгадир йўқолиб, кўз олдимда ўша таниш жанггоҳлар пайдо бўлди. Мен беихтиёр яна ўтмишга, аниқроғи, масийофутнинг Улуғ Энаси Дубчароқ йўллаган қасос пайконига айланган дамларимга қайтдим...

«...Вужудим юмшоқ маъво ичра сузиб, димоғим аллақандай шўртаъм хиддан бўғилай деганда, бирдан атрофим ёришиб, озодликка чиқдим. Нима бўлганига қизиқсам-да, ортга қайрилишга вақтим йўқлигидан учишда давом этарканман, йўлимда учраган тафсилотлардан ҳам нигоҳ узолмасдим. Негаки, ўзлигимга қайтганимдан кейин кечирганларимни қайтадан тасаввур этишим лозим. Бас шундай экан, манави, нақ рўпарамда пайдо бўлиб, зудликда ўзини четга отган таниш қиёғани ёдда сақлашим керак. Одатда, мураккаброқ юмушлар ҳам унга чўт эмасди, мени тутишга эса уринмади. Демак, ўзини ожиз сезди. Модомики, Гауматдек маг аралашмадими, Кирнинг ҳалокати мукаррар.

Нихоят, охирги тўсиқлар -- худди скиф жангчилариdek қизил кийинган икки нафар ёвқурнинг ўртасидан ўтарканман, улар қоқ белимдан бўлиб ташлаш ниятида қилич сермаб қолаверишли.

Энди бошқа ғов йўқ, бемалол қурбонимга қовушишим мумкин.

Мен санчилишдан бурун сўнг бор шаҳаншоҳга назар ташлашга жазм этдим. Аммо бекор қилибман, шугина хатоим жами саъй-харакатларимни чиппакка чиқаришига сал қолди. Негаки, айни дамда, у ҳам нигоҳимни қидираётган экан, кўзларимиз тўқнашганда охирги марта Тўмарис ҳузурига жўнашидан олдин элчини бағрига босганда нима деганини эсладим. «Отмасликка!..» эмас, «Отилмасликка!..» онт ич, деган экан ўшанда шоҳ. Мана, энди қасамини бузган но-

мардга тик боқиб ўлимини қарши оляпти, назаридан ёғилган аччиқ таънаю дашномларга қараганда, Бўзқурт ва мен аслида бир одаммиз...

Беихтиёр, қаттол сафарим ибтидосида гавдаланган бир воқеа ёдимга тушди. Эсласангиз, шаҳаншоҳ тансоқчилари сафига яқинлашганимда ногоҳ қаршимда пайдо бўлган Жалайир кампирнинг сўқир кўзлари маънили тикилиб, лаблари «Тўққизинчи хоқон!.. Туркнинг сўнгги саркардаси!..» дея пи чирлаган, мен эса унинг мақсадини тушунолмагандим. Энди билсам, ўшандаги хавотирлари ҳозирги ҳолатимга ишора экан. Барибир саросимага тушишимни билган момо олдиндан огоҳлантирганига қараганда, мушкул ахволдаман. Қасамдан қайтиш оғир гуноҳ эканлигини халқ онаси билмай, ким ҳам билсин, ахир...

Ха, бундай бўлишини кутмовдим, ўз-ўзимдан нафрлатланиб, вужудим титрай бошлади. Сўнг бўшашиб, аслимга қайтаётганимни сездим. Тезлигим сусайиб, ҳатто қулайдиган жойимни ҳам чамаладим. Яна икки лаҳзадан сўнг ҳозиргина ҳукмдор кўксини мўлжаллаган пайкон шалвираган жуссага айланиб, итдай қутурган сарбозлар ўртасига тушади. Зум ўтмай аъзойи бадани бурда-бурда чопилади-да, ракибнинг зафар бурғулари чалинади. Натижада жангчиларидан айрилиб оҳ урган Тўмарис шаҳаншоҳ ҳирсини қондиришдан ўзимни маъқул билиб, кўксига тирсанчади. Ўки нишонга етолмаган Дубчароқ эса улуг элнинг фожиали қисматига ўзини айбдор сезиб, умрини тавқи лаънатда ўтказади. Энг даҳшатлиси, мен замонамга қайтолмай, ёт манзилларда кўз юмаман, турклар тарихи ёзилмайди. Аэзо Кабирович эса тантанали қаҳқаҳа уради, ҳалигина ўзи қўрқиб, ўтказиб юборган тир шоҳнинг бир нигоҳи-ла маҳв этилганидан ғала-ба нашидасини суради...

Шошманг, нималар деяпман?.. Ахир, бу — ўша, ҳозиргина қасос пайконини ушлаб қололмаслигини сезиб, четга сакраган Гаумат ва Сулаймонов аслида бир одам! Кўзию сочлари, сипо жилмайиб, вазмин гапириши — ҳамма-ҳаммаси икки томчи сувдек ўхшаб турибди. Мана, ўзаро адоватимиз бошланган нуқта!..

«Аэзо Кабирович ғалаба қозонди!..»

Энди шу фикрдан оёқ-кўлларим қалтирайверди. Бироқ, бу боя вужудимни бўшаштирган титроқ эмас. Аксинча, мен яна пайконга айланмоқдаман...

«Онт ич!» эмиш?.. Ўртада ҳалқинг ҳаёт-мамоти турганда, онтга бало борми? Гаровга Ватан тақдирни тикилганда, ўткинчи мардлигинг кимга керак?..

«Эшит, Кир Ахоман, мен қасамни буздим! Ўртамиэда ўнлаб қабилаларнинг, Дубчароқдек оналар, Гўйлихондек оталар, Сипархандек ўғлонлар, Тўмарисдек аёлларнинг орномуси турганда, ожиз бир каснинг қасами нимага ҳам арзирди? Ажалингни қалбинг билан кутиб ол!..»

Беихтиёр беш-олти сония бурунгидай юмшоқ бир маъвони, изидан яна ўша ачимсик ҳидни сездим. Кон ҳиди... Санчганим эса ҳукмдор юраги... Тамом, ҳаммаси тугади. Назарим қоронфилашиб, хушимни йўқотдим...

34-БОБ

Тўқнашув

Ушбу ҳалокатли аҳволдан ўзимга қайтишимга баногоҳ кўз ўнгимдан ўтган шарпалар сабабчи бўлди. Нигоҳим элас элас ниманидир илғаганда, хаёлимда Тамара Содиқовна гавдаланди, кимгадир ёлбораётгандай...

Бехос куракларим ўртасида таниш оғриқни сездим. Додлаб ўрнимдан турсам, атрофда зоф йўқ. Сўнг кўлим куйди. Бояги кулчанинг тафти... Тандирдан узилган нон совимай, шунча воқеалар гувоҳига айландимми?..

Дарвозахонадан онамнинг қаттиқ-қаттиқ бақиргани эши-тилди. Ўша ёққа югурдим. Худди шу пайт кириб келган икки кас ёнимдан бепарво ўтиб, олға интилди. Миям фавқулодда тез ишлай кетди, мен негадир, уч-тўрт сония бурун ўтмишдаги буюк муҳорабага қайтганим-у, қасос пайконига айланиб нишоним томон елганимда қоқ белимдан бўлиб юбориш ниятида қилич силтаб қолган жангчиларни эслаб, томорқага отилдим. Аммо ёрдамга ҳожат қолмаганди, кўққис қозигини судраб пайдо бўлган хўқизим хунук пишқириб, чақирилмаган меҳмонларнинг олдиндагисини шохига илиб отди. Иккинчиси бурила солиб, жуфтакни ростлади. Шун-

дагина қадам ташлашларига эътибор бердим, ростдан ҳам уларнинг оёғи ерга тегмасди. Боз устига, дарвоза олдига етганда, силкина-силкина осмону фалакка кўтарилиши.

...Тамара Содиқовна ранги бўздай оқариб уйдан чикқанда, қисқагина давом этган олишув тугаб, атрофда яна эски сукунат хукм суроётганди. Онам охирги антиқа воқеаларни илғрамай қолдилар, шекилли, патнисдаги нонларни ошхонага элтаётиб, йўл-йўлакай гап қотдилар.

«Ким эди бу шўртумшуқлар?..»

Елка қисдим. Тамара Содиқовна ҳам ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолсин, деди, шекилли, шоша-пиша соchlарини тўғрилаб, аввалги ҳолига қайтди.

Апил-тапил машинамни ўт олдирдим. Томошанинг зўри Холчаёнда кечади. Ўн-үн беш дақика ўтиб, манзилга етдим. Уловимни ёнбағирликда қолдириб, йўлни тиккасига тортдим. Тепаликнинг ярмига етмасимдан, илкис ердан чиқдими, кўқдан тушдими, бош-адоқ қора кийинган уч-тўрт йигит қўлларимни орқага қайириб, нариги томонга чоптириб кетишиди.

Мўъжазгина чайламиз ичиди, одатда Максим Азизий бош қийшайтириб, дам оладиган оғма креслода ялпайган одамни кўрганда ҳаммасига тушундим.

— Қўлларини ечинг!..

Дагал чилвир қизартириб юборган билагимни силарканман, Карим Ниёзович энди менга мурожаат қилди.

— Узр, ўртоқ! Англашилмовчилик...

— Зарари йўқ, — хўжакўрсинга минфириладим мен.

— Бирор янгилик борми?..

— Улар аллақачон келиб кетишиди.

— Бўлмағур гап, йигитларимнинг назаридан зоф ҳам яширинолмайди, — эътиroz билдириди Боймуҳаммадов.

Ҳалигина бўлиб ўтган воқеани оқизмай-томизмай сўйлаб бердим. Аввалига Карим Ниёзович ишонмагандай, менга маъноли назар ташлади. Сўнг бошини чангллаб, ўйга чўмди. Аҳволини тушундим, бекордан-бекор етти юз чақирим наридан келиб-кетиш осонмас, ахир?..

Биз нокулай ҳолатда сукут сақлаётганимиэда ташқарида кутилмаган шовқин кўтарилиди, бехос чор теваракни даҳшатга солган хунук увллашдан юрагим увушиб, ташқари отилдим.

Изимдан Карим Ниёзович әргашди. Тўппончасини қинидан чиқарганини кўриб, йўл-йўлакай бақирдим.

— Бўрини отманг!..

Билмадим, гапларимни эшитдими, ёхуд одатий ҳолларда тўғри қарорга келиб ўрганиб кетганми, бехос нақ эшакдек маҳлукқа йўлиққанда қуролини кўтариб, изоҳ кутгандек, менга назар ташлади. Мен унинг дикқатини йиртқичдан эллик қадам нарироқда сузаётган оловранг қушларга қаратдим. У анграйганча, улкан паррандаларга тикилиб қолди. Бўри ҳамон олга интилар, бот-бот ириллаб, рақибларини таъқиб этарди. Чор атрофдан чиқсан йигирматача қора кийимли йигитлар ҳам галати манзарадан лолу ҳайрон туришарди.

Оловранг қушлар кўтарила-кўтарила митти нуқталарга айлангач, бўри изига қайти-да, ҳарсиллаб ёнимиздан ўтганча узун сакраб, тубсиз бўшлиққа сингиб кетди. Йиртқичнинг бехос йўқолиши-ю, осмондаги бояги шарпалардан боши қотган терговчига сирни қисман очишм лозимлигини тушундим.

Ортга қайтдик. Чайланинг орқа бурчагига бамайлихотир суюнган Зармони кўриб, у тўппончани қинига солди. Сўнг бизга синчиков назар ташлаб, кескин оҳангда гап қотди.

— Эшитаман!..

Энди карталарни очиб ташлашдан кўрқмаймиз. Гапни нимадан бошлашни билмаётганимиз туфайли сукутдамиз. Шу ҳолда чамаси, беш-олти сония ўтди. Карим Ниёзович гоҳ Зармога, гоҳ менга тикилиб, жавоб кутмоқда. Айни пайти, ташаббусни кўлга олишим керак.

— Авваламбор, барча гапларимизга ишонишга ваъда берасиз...

— Шартни сизлар эмас, мен қўяман!

Унинг кескин эътирозига бўйсунишга мажбурман. Аммо, бекордан-бекорга лақиљашниям хоҳламайман. Фикримни Зармо ҳам тушунди чоги, маъноли кўз уришириб, ортига тисланди. Боймуҳаммадов шошиб йўлини тўсди. Мен норози минғирладим.

— Ишонмайдиган бўлсангиз, бехуда сафсатага не ҳожат?..

— Нимага ишонишм керак?

— Бизнинг гапларимизга.

- Агар ҳақиқатни сўйласангиз, ишонмай қайга ҳам борардим?.. Бошланг!..
- Ҳақиқат шундаки, барча ҳаракатларингиз бехуда. Сиз арвоҳларни таъқиб этмоқдасиз.
- Қанақа арвоҳларни?..

Рости, унинг ўзи ҳам ҳаракатлари абаслигини аллақачон сезган, бироқ аниқ исботи йўқлиги боис йўлидан қайтмаётганди. Энди тахминлари тасдиқлангач, андак ўйланиб, бизни эсанкиратган навбатдаги саволини берди.

- Яхши, қизил кийимли шотирлар сиз айтгандек арвоҳ экан, уларни бошқариб турган кас ҳақида нима дейсиз?..

Карим Ниёзович жон жойимииздан тутди. Ўша кас — Аззо Кабирович, нуфузли Илмий текшириш институти директори, таниқли академик. Аммо, буни айтсак, оқибати қандай тугаши номаълум. Толқон ютганимизнинг сабаби шунда.

Бу масалада ортиқ гап ололмаслигини англағач, у Зармога ишора қилди.

- Бу қиз ким?..
- Максим Азизийнинг котибаси...
- Аниқроқ гапиринг!

Мен кўзларимни унинг тийрак назаридан яшироммагач, пойтахтлик изқувар бу сирни ҳам билишга ҳақли, деган қарорга келдим.

- Зармо... лўли... бояги бўрининг эгаси...

Карим Ниёзович ўрнидан туриб кетди. Ҳа, у айни лаҳзада барча тилсимларга тушуниб етган, олти ҳафта бурун Бўрижарга улоқтирилиб, алмисоқ устухонга айланган бегуноҳ қизгина ўрнида аслида мана шу котиба бўлиши кераклигини ниҳоят англаған, алалхусус, энди вужудини ўзга савол кемираётганди: «Нега?..»

Жавоб ўз-ўзидан Аззо Кабировичга тақалишини ўйлаб, яна мум тишладик. У ўрнидан туриб чайладан чиқаркан, ортига қайрилди.

- Эртага соат ўнда туман милиция бўлимида кутаман. Иккалангизни ҳам...

Биз милиция бўлимига боришдан қўрқмаймиз. Ўйлантираётгани, терговда берадиган жавоблар масаласи. Ҳозир жами воқеа-ходисаларни унутиб, айтар гапларимизни батафсил келишиб олишимиз зарур.

Икки соатлик қызғин мунозарадан сўнг, ниҳоят аниқ қарорга келдик. Шунга мувофиқ, арвоҳларнинг мақсади аввалига Зармо бўлганини, кейинроқ, иложи топилмагач (қиз бўрининг химоясида), Тамара Содиковнани ўлдиришга жаэм этишганини, бунга аслида бевақт жон берган Аҳмад оға эмас (бу барибир Аззо Кабировичга боғланади), ўзга сабаб борлигини гапиришга келишдик. Бироқ Зармонинг сирли воқеликлардаги ўрни тўғрисида маъқулроқ баҳона ўйламаган эканмиз, хаёлларимиз пучга чиқди. Ноилож, лўли қиз тарихини, унинг бот-бот алмойи-алжойи алаҳсирашини, ўша алжирашларга мувофиқ топилган гаройиб ҳайкалчаю ҳўқиз терисидаги битиклар боис пичоқ ейишмни, хуллас, учинчи марта илмий ишим мавзуси тасдиқлангандан бери нимаики ўтибди, ҳаммасини шошилмай гапирдим. Ана шундан ке йингина Карим Ниёзович ҳам ғайриоддий сирларга ишониб, вазиятдан қутулиш тўғрисида чинакамига бош қотираверди.

Энди биз бир-биримизга суюнишимиз, ўрни келса, бир-биримиз учун жон олиб, жон беришимиз лозимлигини тушунсак-да, терговчидан асосий сирни яшираётгандим. Сулеймоновнинг мақсади диссертациямнига эмас, балки туркий халқлар тўғрисидаги ҳар қандай янгича фикрларни рад этиш. Кўзлаган муддаоси қоронилиги туфайли ҳозирча бу масала хусусида «мум тишлаш»га мажбурман.

Карим Ниёзович гўё кўнглимдагилардан воқифдай, диссертациямни ўқиш нияти борлигини изхор этди. Мен чала ишни ҳеч кимга кўрсатолмаслигимни таъкидладим. Шунда у кескин тарзда бука терисини сўради. Ноилож, бир даста фотонусхани столга кўйдим. Боймуҳаммадовсанскритча ёзувга узоқ тикилди. Сўнг кўкрагимга ишора қилди. Тугмаларимни ечдим. У гоҳ юрагим устидаги митти күёшга, гоҳ ҳат бошидаги штурвалсимон шаклга термилиб, ўйланиб қолди. Менимча, улар ўртасидаги узвий алоқани қидирмоқда. Чамамда, ҳатто, қуёшнинг тиллари-ю, айлана қовурғаларини ҳам санаб чиқди. Охири, тайинли фикрга келолмай, ашёларимни қайтарди. Мен кейинрок бу суратлар тўғрисида сўйлаб беришни дилимга тугиб, хонани тарк этдим. Ўрнимга кирган Зармони кутиб, коридорда у ёқдан-бу ёкка юра бошладим.

Коридордаги безовталигимга сабаб маҳбубамнинг бирор гапни беҳуда айтиб юборишимас, Зармо етти ўлчаб

бир кесадиган ўйловли қиз... Сулаймоновнинг гумаштала-ри яна қайтишлари мумкинлигидан кўнглимда хижиллик кўкарған. Шундай экан, зийракликни йўқотмаслигим, бугунги тўқнашувдан зарур хулоса чиқармоғим даркор. Ишга ҳовлидан қатнаш маъкул, назаримда. Холчаёнда эса ишончли ха-лоскоримиз — бўзбўримиз бор, очиқ ҳужумдан қўркмайман. Аммо, Аззо Кабирович қўл қовуштириб кутадиганларданмас. Унинг эндиги қадамини аниқлаш учун орамиздаги адоват тарихини батафсил ўрганишим лозим. Демак, истайманми-йўқми, зарғалдоқ тусли биёбондаги дараҳт соясида кўним топган файласуфга суюнишга мажбурман. Илло, мозийга эл-түвчи энг қисқа йўл унинг сирли жумлаларида яширин...

35-БОБ

Қарға

...Мен қарғага айланиб қолдим. Ажабланманг, айни дам-даги чорасизлигим боис шундай қилдим. Тўғри, бунақаси ав-вал ҳам учровди. Бироқ, ўшанда ажиб ҳолатим вақтинчалик бўлиб, ҳар сонияда ўзимга қайтишим мумкин эди. Энди хоҳлаганимча учавераман, чунки жудаям узоқларни кўзлаганман. Кўзлаганим, ҳатто, инсониятнинг илк пал-лаларига бориб тақалиши мумкин. Аззо Кабирович билан ўртамиздаги адоват илдизини топмагунча, ортга қайтмайман. Шу ниятда ҳозир аллатовур кўринмас ўқ атрофида қайта-қайта доира ясарканман, назарим олис мозий воқеликларини элас-элас илгагандек бўлар, ўшалар таъсирида уйимдан, за-монамдан тобора узоқлашиб борарадим.

Тўғриси, вужудимдаги хунук эврилишни бирданига сезма-дим. Аввалига боя таъкидлаганимдек, силкина-силкина кўкка кўтарилаётуб, буни аллақачонлар ўрганган ботиний ҳолат-ларимга йўйдим. Тушунарсиз мавҳумлик давом этавергач, атрофни яхшироқ кузатмоқчи бўлдим-у,баногоҳ икки ёнбо-шимдаги қандайдир шарпаларга кўзим тушди. Қизиқсиниб яқинроқ келтирсам, қанотлар экан. Амаллаб башарамга на-зар ташловдим, бесўнақай тумшуқдан ўзга нарса кўринмади. Шунда калламга олти ҳафта бурун кечирғанларим келди. Ўшанда ҳам қоракушга айлангандим. Бироқ номини эслол-

магандим, ортиқча бош қотиришга вақтни қизғанғаним учун бошқа хаёлларга машғул бўлғандим.

Хозир руҳимни безовта қилған нарса – парвозим. Олдинлари кузатганимда қарғалар бошқача учишарди, тез-тез қанот қоқишарди. Мен эса эврилганимдан бери кенг қулоч ёзиб, катта-кичик доиралар ясашга машғулман. Шу боис бўлса керак, балки қарға эмасдирман, деган фикргаям бордим. Кейин аниқ тўхтамга келолмай, тақдирга тан бердим. Пешонамда қушга айланиш бор экан, начора?..

Иккинчидан, бу ўзимнинг хоҳишим, яхшиси, кўрган- билгандаримдан сўйлай.

Мана, беш-олти доирадан кейин тиши-тирногигача қуролланган суворийларга дуч келдим. Улар ҳоргин отларини кичаб, олис манзилларга кўз тутишган. Саф ўртасида кенг елкали, мош-гуруч соқол-мўйловли, эгарда ғоз ўтиришидан узун бўйли саркарда бормоқда. Унинг гўштдор манглайи, чўзинчоқ афт-ангоридаги чуқур чандиқлар умри ўтган нотинч сафарлардан нишона. Чимирилган бароқ қошлири тагидан тикилган ўткир нигоҳига унча-мунча киши дош беролмайди.

Соҳибқирон ҳазратлари...

Мен беихтиёр таъзимга бош эгмоқни истайман. Аммо, шаклу шамойилим бунга халақит беради.

Тўсатдан қулоғимга ажиб қироат чалиниб, бир лаҳзага дикқатимни йигаман. Ана шу онийгина муддат жисми жоним-ла мунгли садолар қаърига шўнғишим, қолаверса, бебош хаёлларимни асосий фикримдан узиб, ўзга нарсалар ҳақида ўйлашга мажбур қилиш учун етиб ортади. Сўнг муқаддас Куръон оятлари не мақсадда янграётганини билишни ўйламай, яна қанот қоқаман. Чунки ногаҳон сафарим сабаби ёдимга тушади, айни дамда, малика ва шаҳаншоҳ ўртасидаги муҳораба натижаси муҳимроқ. Шу боис бетгўхтов айланавериб, бошқа черикка йўлиқаман. Бу – донгдор аждодлари каби мислсиз чўққиларни кўзлаган, илк бор турк номи билан жаҳон саҳнасига чиқиб, улкан хоқонлик барпо этган Истамихон, шуҳрати авлодларига тўлигича етиб бормаган зот...

Мен қасос пайконига айланиб, Дубчароқ тутган жатандан Кир Ахоманинг кўкрагини қўзлаб отилган майдонларимга етгунча, яна талай саргузашталарни бошдан кечи-

ришимни сезиб, бадар кетаман. Йўл-йўлакай, жуда олис юртларни мўлжаллаган олтинчи хоқон — Атуллини айланиб ўтаётганимда, диссертациям мавзуси тасдиқлангандан бери аҳён-аҳён тасаввуримда пайдо бўлиб қоладиган эски танишм ёдимга тушади. Балки, келажакда буюк кўчиш номини оладиган сафар туфайли туғилгандир бу хаёл.

...Шон-шуҳрат илинжида ҳаллослаган ҳалклар орасида турк биринчи ўринда туради. Хатти-ҳаракатлари кейинги авлодларига ё мохирона жанг усуслари ё яшашга яроқли янги худудларни очган қашшофлик сафарлари ёхуд ёт ҳалклар ичидаги миллат мавқенини мустаҳкамлаган фойдали босқинлар сифатида етса-да, уларнинг ўзлари бу ҳакда ўйлаб ҳам кўрмаганлари аниқ.

Менимча, аниқ мақсади борми-йўқми, қатъи назар, буюкликка интилган зот, барибир, ҳурматга ноил. Шундай экан, ғаройиб саргузаштларим бошлангандан бери ҳар замон-ҳар замонда кўз ўнгимда пайдо бўлиб қоладиган ўша ибратли манзаранинг охирига етморим даркор. Илло, абадият қадар машаққат чекиб, сон-саноқсиз чордеворлар ўрнида ўз тимсолини яратиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Баски, қиёмат майдонларида улкан иморат тиклаётган чолнинг улардан нимаси кам?.. Колаверса, бу телбанамо саъи-ҳаракатларнинг ўзимга ўхшаш жиҳатлари ҳам йўқ эмас.

Аввал айтганимдек, қарға қиёфасида ҳам хоҳишларимга эришиш тилсимини йўқотмабман, кейинги айланишим баробарида мўлжаллаган манзилимда пайдо бўлдим. Қарасам, шаҳристондаги манзара анчагина ўзгарган, бир вақтлар чор теграга сочилган гишталар алоҳида уюмга йиғилган. Аникроги, ўшалардан улуғвор инишот кўтарилган. Уст-бошидаги зарбоғ либослар аллақачон жулдурга айланган, юз-кўзини бекитган пахмоқ соч-соқоли кўкрагига тушган қоқшоқ қария ҳамон ўзишига машғул, қаршисидаги қоратошга нималарнидир ўйиб ёзмоқда. Ниҳоят, битикни тугатди чоғи, ҳоргин тин олиб, ортига қайрилди. Кўзларимиз тўқнашди. Бу нигоҳга илк бор йўлиқкан онимни эслаш ниятида қаттикроқ тикилувдим, у сескангандай бўлди. Йўқ, қаршисида қаққайган қарғанинг хунук қиёфасидан эмас, оддий күшга бу қадар аламзада тикилмайдилар, нафрат ва армон йилтираган хира нигоҳ ўзга нарсадан далолат бермокда. Ҳа, мен балки аслимни

таниб қолгандир, деган ташвишли тажминга бориб улгурмай, чолнинг башараси қорайиб, кесак тусини олди-да, уқалана-уқалана тўкилиб кетди. Дуппа-дуруст одамни тупроққа айланиб қолганидан аввалига капалагим учди. Сўнг эсимни йифиб, пойимдаги шамол тўзғитган ўша бир сиким хок-у, тарвақайлаган бинога назар ташлаб, ҳайратим баттар ошди.

На эшиги, на дарчаси бор, нималиги номаълум иморат...

Кўзим рўпарамдаги икки газлик харсангтошга тушди. Ажи-бужи ҳарфларни синчилаб ўқидим. «Мен — шоҳ, Кир Ахоман...»*

Бошимга бирор гурзи билан ургандай бўлди, кўз олдим қоронfilaшди. Ахир, «Мовий гумбазлар» чойхонаси олдида Зармони учратганимдан бери узлуксиз давом этаётган сирли воқеликдан шу фалсафани қидирганимидим?.. Тўсатдан бемисл иштиёклар тўлиб-тошган қалбим ҳувиллаган бўшлиққа, ҳаёт деганлари кераксиз даҳмазага айланди. Наҳотки, бу оламда фақат кун кечириш учунгина яшаган митти одамлар ҳам, тарихни ўзгартирган буюк шахслар ҳам охироқибатда бир қисматга маҳкум?.. Йўқ, мен қаҳрамонимнинг тақдиридан эмас, бевафо дунёнинг телба-тескари ишларидан ҳайратдаман. Искандардек буюк зот эҳтиромини қозонган шахснинг сон-саноқсиз шаҳристонлар қолдигидан тиклаган иморати шугина ғариб мақбара бўлдими?..

Шалпайганча ортимга бурилаётуб, фавқулодда жавобгарлик ҳиссидан баттар ташвишландим. Ахир, у менга бекордан-бекорга нафрат ила тикилмади. Шоҳ ўлими учун масъул эмасман, деган ўтрик фикр билан ўзимни овутишга қанча уринмай, кўнглим таскин топмаяпти. Чунки қасос пайконига айланганимдан кейин йўлимни тўсган соқчилар қуршовини ёриб ўтиб, кўкрагига қовушганим аниқ эса-да, ёлғиз шу сабабли ўзимни қотилликда айблолмайман. Зоро, унинг айнан ўша ўқдан ер тишлаганини ҳеч ким кўргани йўқ...

Яххиси, яна қанот қоқай, шунда ҳаммаси ойдинлашади.

Айлан-айлан таниш манзилларимда кўз очдим... Ҳар замон-ҳар замонда яккам-дуккам жаранглаб қоладиган қилич садоларини демаса, жанг тўхтаган. Атрофда ғалаба бургулари янграмоқда. Сакнинг зафар қучгани аниқ.

Шоҳона ўтовда Моден Гул, Дубчарок, Тамиртош, Тўмарис кенгашга машғул. Яқинроқ бордим. Малика бот-

бот күзларидан ёши тиркираб, масйоғутнинг Улуғ Энасини қучоқлади.

— Раҳмат, эна!.. Халқинг сендан ўла-ўлгунича қарздор.
— Агар шиба бўлмаганда, мен нима қила олардим,
Тўмарис?..

— Биламан, эна, биламан. Аммо, уни йўқотиб қўйдим...
— Фалабамиз аввалдан маълум эди, — гапга қўшилади
Тамиртош.

— Барибир ҳам, усиз эпломасдик.
— Келинглар, яхшиси Курушни нима қилиш ҳақида
ўйлайлик. Сал кечиксак, мурдасини бурдалаб ташлашади.

Ҳаммани ҳушёрликка чорлаган жумла хунлар йўлбошчисига
тегишли...

Тўмарис апил-тапил кўз ёшларини артди. Қаддини рост-
лаб, ҳорғин тин олди-да, ўтовдан чиқди. Изидан бошқалар
эрғашди. Ташқарида уларни гувуллаган оломон кутарди. Ма-
лика ўртага қўйилган тумса*га чиқиб, кўриниш бериши би-
лан ҳалойик тинчланди. У баланд овозда хитоб қилди.

- Масйоғутнинг мард ўғлонлари!..
- Ҳуллала!.. — қичқирди оломон.
- Сакнинг ёвқур чавандозлари!..
- Ҳуллала!.. — яна жўр бўлишди улар.
- Хунинг моҳир жатанчилари!..
- Ҳуллала!..
- Дахнинг енгилмас учарлари!..
- Ҳуллала!..
- Жузжоннинг қайтмас ботирлари!..
- Ҳуллала!..
- Масйоғутнинг Улуғ Энаси, Дубчароқ!..
- Ҳуллала!..

Шу пайт жангчилар орасидан кимдир бор овозида
қичқирди.

- Малика Тўмарис!..
- Ҳуллала, ҳуллала!..

...Тўмарис Тамиртошнинг қулогига нимадир шипшиди. Та-
миртош ёнидаги шеригига эгилди. Ўртага чўккан оғир сукутдан
сўнг соч-соқолига қон аралаш хас-ҳашаклар ёпишган, кўзлари
нурсиз чақчайган хунук каллани келтиришди. Тўмарис унинг
узун соchlаридан жирканиб тутамлаганча, баланд кўтарди.

— Эшит, қүшон черик! Мана, дунё ҳукмдори Куруш Ахоман! Тириклигига ё ҳирсимни қондирасан, ёки чанқоғимни, деганди. Мен чанқоғини қондиришга онт ичгандим. Энди ана шу азиз эндкач*ни бажараман, қон тўлдирилган урсук* келтиринг!..

Уч-тўрт лаҳза ўтиб, беш қабиланинг беш вакили қонли меш оғзидан тутди. Тўмарис айни ҳолатига эриш армон билан аста шивирлади. «Ташна эдинг, тўйгунингча ич, Куруш!..»

Шалоплаб тушган калла чор атрофга бадбўй томчиларни сачратиб, қирмизи денгизда ғойиб бўлди...

Олис-олислардан Дониёл пайғамбарнинг каромати янгради.

*Менинг сўнгги манзилим йироқ,
Ўша томон юрма сен бироқ,
Йўқса, қонли мешда бирор кун
Танасиз бош сузмоғи мумкин...*

36-БОБ

Қўнуқтоз

Эртаси тонгдан улкан маросим бошланди. Дастрлаб оддий навкарлар, изидан кичик қўмондонлар мавқеларига яраша иззат-икром билан дафн этилди. Сўнг Шемоқ, Гўйлихон, Хулуг, Могур каби саркардалар қулу оқсоchlари кузатувида алоҳида-алоҳида қўрғонларга қўйилди. Охирида тенгсиз дабдабаю тантаналар ила Кўнуқтозни сўнгги манзилига кузатишиди. Кир Ахоман устидан қозонилган ғалабанинг иккинчи куни уч минг нафар қорабош пасттекисликнинг энг катта қабрини қуришга киришди. Бунинг учун Қизил майдоннинг қоқ ўртасида бўйи олтмиш олти, эни ўттиз қадамдан иборат, ичма-ич жойлашган беш хоналик қўрғонга пойдевор ташланди. Унинг деворлари харсангтошлардан тикланиб, баландлиги йигирма қарига етгач, тўрт бурчакли гумбаз шаклида туаштириб юборилди. Олдидан тўрт, орқадан икки от сиғарли туйнук қолдиришиди.

Тўққизинчи куни эхромга ўхшаш улкан иншоот қурилиши тугаллангач, ҳар бири икки жангчи етовидаги тўп-тўп от-

лар пайдо бўлди. Тулпорлар устидаги тиш-тирноғигача қуролланган жонсиз форс сарбозлари узокларга тикилиб, тош қотишган. Улар кириш туйнугининг икки ёнбоши бўйлаб сафга тизилишганча ўликлар салтанатига элтувчи узундан-узоқ йўлакча ҳосил қилишгач, ногоралар чалиниб, ахли ма-росим сукутга чўқди. Қизил майдоннинг олис бурчидаги сочи-ни ёйган азадор аёллар пайдо бўлиши билан, бир томондан мидёний қорабошлар, иккинчи томондан жориялар ҳайдаб келинди. Устидаги мурдалар боис безовта депсинаётган тул-порлар орасидан ўтиб, қисматлари сари юраётган қулларнинг оҳу нолалари авжига чиқди. Бегуноҳ қурбонларни ичкари ҳайдаган жангчилар ярим соатларда орқа туйнукдан ёлғиз чиқишигач, яна мотам садолари янгради. Энди қўлида қизил мато ёпилган тилло товоқ кўтариб Тамиртош, изидан икки жиловдор етовида жанговар либосдаги ажиб суворий таш-риф буюрди. Қордай оппоқ тулпорининг жиловидан маҳкам тутиб, ҳиссиз нигоҳини олис-олисларга қадаган Кўнуктоз гўё тириқдек. Ҳа, буюк жангчи улуғ маъбуд Ойтўсар ёнига равона бўлиш олдидан вақтингчалик ухламоқда.

Тилло товоқ ёнидан ўтаётганда, Тўмарис бор овозида ўкириб юборди...

Кўнуктоз боқий маконига киргач, жангчилар ўлик суво-рийларни ичкарига етаклашди. Жониворларнинг пишқириши, кишинаши, хириллаши; одамларнинг норози тўнғиллаб сўки-нишлари тўрт соатлар давом этди. Таниқли зотга нариги дунёда ҳамроҳлик қиласидаган шерикларининг қиёфаси бу-зилмаслиги керак. Шу сабаб маросимда бир томчи ҳам қон тўкилмади. Олти юз одам, икки юз тулпор пишиқ чилвирлар воситасида бўғиб ўлдирилгач, туйнуклар бекитилди. Сўнгги тош қолганда, Тўмарис дарчага яқинлашиб, фарёд чекди.

«Мана, хоқоним! Улуғ Ойтўсарга етишинг учун ҳамма нарса муҳайё. Икки юз форс жангчиси манзилингга кузатиб боради. Икки юз мидёний қул абадулабад хизматингда бўлади. Яна икки юз сулув жория токи мен етгунча, бўшуғингни қондиради. Энди ёнингда фақат садоқатли ма-ликанг йўқ, холос. Аммо, кут! Тез орада бораман. Ўшангача ботир боламни эҳтиёт қил, хоқоним!..»

Сўнгти жумлаларни айтиётганда, у хўнграб юборди...

Кўз кўриб, қулоқ әшитмаган воқеликлари сабаб ушбу маросимдан сўнг анча вақт ўзимга келолмадим. Йўқ, олти юз одамни бешафқат бўғиб ўлдирилишини айтмаяпман, ёлғиз отларнигина курсон қилишганининг ҳам даҳшати етарди айни маросимнинг. Ҳозир маликанинг ночор ахволидан эзиляпман. Тўмарис, айни дамда, урф-одатларига нақадар ишонмасин, на фарзандини, на ёстиқдошини қайта кўролмаслигини ҳис этар, боз устига, бегуноҳ курсонларнинг аянчли қисматлари учун ўзини айбдор ҳам сезарди.

Энди бу ерда қололмайман, улкан мотамда очиқчасига оҳ уролмаётганимдан хижолатдаман. Бор иродамни йифиб, бадар кетаман. Олдимда бунданам оғир кўргиликлар, машиққатлироқ манзиллар кутмоқда.

Лопиллаб кўкка кўтариларканман, қарғага айланиб қолганимдан минг-минг пушаймон чекдим. Қайтанга тинчгина юрсам, бу уқубатларни кўрмасмидим?.. Аммо, хоҳласам-хоҳламасам, Сулаймоновнинг элимга қарши адоватлари қайси нуктадан бошланганини англамофим керак.

Кудратли қанотларимни уч-тўрт силкиб улкан доира ясадим-да, шаҳаншоҳ ва малика ўртасида шафқатсиз муҳораба кечган машъум замонадан узоқлашдим...

Олдимда фаоллиги билан ҳозирги дағн маросимидан қолишмайдиган ўзга синоат турибди. Бу ҳам бўлса, азалий рақибим Аззо Кабировичнинг, аниқроғи, Гауматнинг тақдири...

37-БОБ

Гаумат

На ўзининг, на барҳаёт жангчиларнинг сидқидил ҳаракати жаҳонгирни қасос пайконидан асраб қололмагач, Гаумат бир неча муддат узлатга чекинди. Шу аснода келгуси репжаларини тузди. Гарчи, Кир Ахомандан кейинги ҳукмдорни йўриғига юргизиш унчалик муаммо түғдирмаса-да, айни истаги Камбис ёхуд Бардийга тақалганда унинг қалбида тушунарсиз хижиллик кўкаарарди. Негаки, иккала ўғлон ҳам бузрукворини фожиали йўлдан қайтаришга уринган, устига-устак, ҳаммаси маккор магнинг иши эканиниям сезишганди.

Шу боис у йўлни чаппасига олди, ҳашаматли шоҳ саройини четлаб, нисбатан одмироқ кошонага етгач, ўзга бир хушқомат йигит билан мулоқотга берилди, ўзини ота қадрдони, сайёҳ донишманд сифатида танишитирди.

Доровуш — Ахоманийлар кенжা сулоласига мансуб аслзода, марҳум падарининг кўпдан-кўп ошна-օғайнилариға ўрганиб қолгани боис, ўртасидан икки тарафга силлиқ таралган соchlари елкасига ёйилган нуроний чолни бепарво кутиб олди. Бироқ унинг маънили қарашлари ва чехрасидаги алламтовур сирли ифода ўз таъсирини ўтказмай қолмади, тез орада сохта донишманд эъзозли меҳмонига айланди. Боз устига, ҳар галги ташрифи орқали ёш аслзоданинг илтифотигаям мушарраф бўлаверди.

Кунлардан бир куни у сирли шивирлаб, тайёрланаётган аллатовур суиқасд ҳакида сўйлади. Йигит дастлаб ишонмади. Орадан ўн беш кун ўтиб, пойтактга Камбиснинг сирли вафоти тўғрисидаги овоза етгач, қарияни ҳузурига чорлади.

Бу орада Камбисни ўз иниси ўлдиргани тўғрисидаги овозалар тарқалди. Мамлакатда саросима бошланди. Оғага тиф кўтарган кас таҳтдан абадулабад мосуво этилишини билганлар ҳайрон, наҳотки салтанат тузукларидан воқиф бўла туриб, Бардий суиқасдга кўл урди?..

Ана шундай таҳликали кунларда ташриф буюрган магжами чалкашликларга аниқлик киритди, фитналарнинг асл сабабчиси номини шивирлади.

— Гаумат!..

Шу биргина сўз Доровушнинг баданида саноқсиз чумолилар ўрмалаши учун етарли, мўлжалга бехато урганини сезган маг келгуси минг йиллар давомида кўплаб олимларни чалкаш йўлларга етаклаган афсонани бошлади...

Ёш аслзода энди олиймақом қариндошлари учун уятли эмасди. Устозининг айтишича, барча фитналар орқасида Гаумат турибди. Оға-ини шаҳзодаларни сирли равишда ўлдирган ҳам, Бардий қиёфасида давлатни эгаллашга асосий дъавогар ҳам ўша. Мамлакатни ёвуз сеҳргардан қутқаришни кимdir бўйнига олиши керак...

Тезда барча Ахоманийлар Доровуш саройида тўпланишди. Тундан-тонгтacha чўзилган махфий машваратда исён кўтаришга

келишилди. Кейинги куни ярим кечаси ғайратли шаҳзода бошчилигидаги йигирма жангчи саройга яширинча кириб, Гаумат (Бардий)ни асир олди...

Шу ўринда Доронинг асл мақсади магни ўлдиришдан кўра салтанатни кўлга киритиш бўлганини сезиш мумкин. Негаки, Гауматдек жодугар оёқ-кўлидаги кишандан ҳам, ҳар қанақангি мустаҳкам зиндандан ҳам бемалол қутулиб кета оларди. Наҳотки, буни на сардор, на ўзга бирор ўйлаб кўрмади?.. Ваҳоланки, масалага жиддийроқ ёндашишганда, асир шаҳзоданинг ўзи, «денишманд» эса аслида Гаумат экани очилган бўларди.

Буниси майли, ҳақиқатни англаш учун исёнчиларга ўзга имкон ҳам түғилди, навбатдаги сўроқ маҳали Бардий Доровушнинг ёнида ишшайиб ўтирган касга кўл ниқтаб, «Гаумат, Гаумат!..» деганини ҳамма эшилди. Аммо, маг уларнинг оғзига қулф солиб қўйганмидики, асл фитначи омонда қолиб, ўрнига бегуноҳ шаҳзода қатл этилди?

Гаумат олдинам бундай қалтис ўйинлардан фойдаланган, аммо бирортаси ҳозиргидек самара бермаганди. Охир оқибатда танадан жудо этилган каллалар қийматини айтмайсизми?..

Аслида-чи?.. Ота ўлимидан сўнг тахтга ўтирган Камбис Пасаргадада укасини қолдириб, Миср истилосига киришди. Саноқсиз кўшин бошида фиръавнлар юртига отлангандеёқ, ёвқур саркарда тўғрисидаги гап-сўзлар кўшни қитъага етган, бироқ йигирма олтинчи сулола кенжакиши Псамметих ҳарбу зарб фириби отамерос шаҳзодага қарши курашиб йўсинглари тўғрисида ўйлаб ҳам кўрмаганди. Қарабисизки, замин деб аталмиш сайёранинг энг сирли ҳудудида йигирма еттинчи сулола тўнричи Камбис иккинчи Ахоманий ўз туғини тикди. Бундай ғалаба эса кўпчиликнинг ҳасадини уйғотиши табиий.

Шаҳаншоҳнинг сафарда узоқ қолиши Эронда турли мишишларни уйғотди. Жумладан, исён дебочасига айланган «Камбис ҳали сафарга жўнамай, инисини ўлдирганди, ҳозирги Бардий эса аслида Гауматдир» деган шубҳалар шулар жумласидан.

Бевақт овозалар, табиийки, Бардийнинг ҳам қулогига етган ва у айни гап-сўзлар ўзининг аянчли тақдирини ҳал

этәтганини ҳис этиб улгурганди. Шу боис зудликда салтанатдаги сирли ишлар хусусида Камбисга нома ёзилди. Элчиларни Арабистон чўли этагида қизил кийимли икки барзанг тўхтатди. Бу пайтда Гауматнинг енгилмас жангчилари ҳақида эшитмаган одам қолмагани боис кичик карвон бежанг таслим бўлди. Орадан уч-тўрт соат ўтиб, саҳро шамоли Эрондан Мисрга отланганлар жасадини қумтепага айлантириди. Камбисга эса Бардийнинг қўзғолон кўтаргани ҳақидаги ёлғон хабар етиб, оға инисини жазолаш мақсадида ортига қайтди.

Деярли тўрт кун мобайнида тинимсиз от сурган қўшин дам олиш учун сўлим увада тўхтаганда, аллақандай кўчманчи араб Камбис ҳузурига ташриф буюрди.

Соқчилар орасидан бемалол ўтолган бадавийни кўриб, ёш фиръавн беихтиёр узоқ йиллар муқаддам отаси саройида тўсатдан пайдо бўлган магни эслади ва «Жаллод!..» дея ҳайқирди.

Фитнакор ҳийла-найранглар эса энди бошланмаётганди. Жаллод ўрнида роз қотганлар — магнинг ўша машҳур гумашталари иккilanмай, шоҳ бўғзига тиф тортишди. Орадан ярим соатлар ўтиб, мудҳиш сукунатдан хавотирланган соқчибоши чодирга кирганда Камбис оёқ остида бўғизланиб ётар, қўлидаги ханжарнинг қонига қараганда, «худкушлик» беш-олти дақиқа муқаддам содир этилганди...

Бу сирни ошкора биладиган ягона одам — маг (Гаумат) арзимаган хато содир бўлганини айтганда руҳан абор Доротамомила бўйсунди. Ва... ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолди. Бардий маккор Гаумат сифатида қатл этилди.

Доровуш эса тарих олдида ўзини оқлаш учун Ҳамадондан Бобилга элтувчи карвон йўли ёқасида, ер сатҳидан юз метрлар баландликдаги тик қояга бугунда Бехистун битиклари деб аталадиган форс, эلام ва бобил тилидаги бир матнни ёзишга буюрди:

«Мен Доро — буюк шоҳ, шаҳаншоҳ, форс шоҳи ва бошқа мамлакатлар шоҳи, Хуштасп ўғли, Аршаманинг невараси, Ахоманий.

Дорошоҳ айтади: «Менинг отам Хуштасп, Хуштаспнинг отаси Аршама, Аршаманинг отаси Ариарам, Ариарамнинг отаси Чишишишнинг отаси Ахоман. Биз шу боис

Ахоманийлар аталамиз. Қадим-қадим замонлардан бу ҳурматта ноилмиз. Қадим-қадим замонлардан бизнинг авлод шоҳлар авлоди ҳисобланган...

Дорошоҳ айтади: Бизнинг сулоламиздан Кирнинг ўғли Камбис деган зот шоҳ бўлди. Камбиснинг бир ота, бир онадан Бардий исмли иниси бор эди. Камбис Бардийни ўлдирди. Буни ҳеч ким сезмади. Шундан сўнг Мисрга кетди. Камбис Мисрга кетган вақтда Форсда, Мидияда, бошқа мамлакатларда бу асрор ошкор бўлди. Халқ орасида норозилик уйғонди.

Аркадриш тори бағридаги Пишаявад деган жойда Гаумат исмли маг яшарди. Виякна ойининг 1-санасида (эр. авв. 522 й. 11 март) у исён кўтарди ва халққа деди: «Мен – Кирнинг ўғли, Камбиснинг иниси Бардийман...» Халойик унга ён босди. Форс ҳам, Мидия ҳам, бошқа мамлакатлар ҳам унга бош эгди. Гармапад ойининг 9-санаси (эр. авв. 522 й. 22 апрель)да у мамлакатни эгаллади. Буни эшигтан Камбис ўзини ўлдирди.

Маг Гаумат Камбисдан тортиб олган салтанат бизнинг авлодники эди...

Шундан сўнг Гаумат Камбисдан Форс, Мидия ва ўзга мамлакатларни тортиб олиб, ўзини шоҳ деб эълон қилди. Форсда ҳам, Мидияда ҳам, бошқа юртларда ҳам Гауматдан салтанатни қайтариб оладиган киши топилмади. Ҳамма ундан кўрқарди. Чунки у Бардийни таниган барча одамларни ўлдириши мумкин эди. Шу сабабли токи мен келгунимча, унга қарши бирор киши бош кўтаролмади.

Мен Ахурамаздага ибодат қилиб ёрдам сўрадим ва Ахурамазда ёрдам берди. Багаядиш ойининг 10-санаси (эр. авв. 522 йил, 29 сентябрь)да озгина одамим ила Гаумат ва аъёнларини ўлдирдим. Мидиянинг Нисайа вилоятида Сикаявуш қалъаси бор, уни ўша ерда қатл этдим ва Ахурамазда иродаси-ла шоҳ бўлдим. Сулоламиздан тортиб олинган давлатни қайтардим. Бузилган ибодатхоналарни қайта курдим. Форс, Мидия каби мамлакатлар халқларининг аввалги мавқенини тикладим. Бу ишда менга Ахурамазда мададкор бўлди...»

Гаумат мақсадига етганди. Қачонлардир оталарини нотўғри йўлга бошлаган магта ишончсизлик билдирган шаҳзодалардан

үчини олган, айни вақтда, Эрон тахтига бошқа шахсни ўтқазиб, минг йиллар мобайнида ўртада давом этаёттан зиддиятларга янгича рух бағишилаганди. Энди қолганини гайратли Доро давом эттираверади. Негаки, ёш шоҳнинг ҳокимиятта ташналиги Кир фарзандларига нисбатан кучлироқ, янги ҳудудларни истило этиш илинжи кўзини батамом кўрқилган.

* * *

Дунёдаги энг буюк салтанатга оид машъум сирни тўла-тўкис ўргангач, йўлга тушдим, кейинги манзилим зарғалдоқ тусли сахро.

Сал олдинроқ Бўзқурт ҳам ўз тақдирини тузукроқ билиш мақсадида шу азим сахроларга жўнаганди. Менинг ниятим бошқа, дараҳт соясидаги донишманд шахсини аниқлашим лозим.

Йўл-йўлакай қорним очқаганини сездим, аммо қандай овқатланишни ўйлаб...

Одатда қарға гўнг титиб кун кечиради. Ҳозир шуни эслаб, фижинмокдаман. Бироқ вужуди зонга айланган кас зордек яшашини, бунга унинг митти миясида кечәётган галаёнларнинг алоқаси йўқлигини ҳалича билмайман. Шу сабабли тозароқ егулик излаб, оёқ остимда ястанган курраи заминга назар ташладим. Яққолроқ кўриш ниятида қанотларимни йифиб, тубанликка тошдай шўнғидим ҳам. Дараҳтларнинг ярим белигача тушувдимки, ўт-ўланлар ичидан аллатовур ёнғоқсимон мева кўринди...

Яна кўкка интилдим, пойимда тутаб ётган макон ёйилди. Юрагим соғинчдан ҳаприқиб, уч-тўрт сониядан сўнг ўша сахро намоён бўлади. Бироқ бу гал бир ҳовуч нурга айланиб, қандайдир тирик мурдага сингимайман. Учаётган кўйим давом этавераман...

Нихоят, одамларнинг қўпол сўкинишлари, отларнинг асов пишқиришию түяларнинг бўғиқ бўкиришишлари янграган, минглаб аравалар ночор фижирлаб ҳаракатланган издиҳомга етдим. Бу — Ҳинд сари отланган карvon, истасам-истамасам, унга қўшилишга мажбурман!.. Чунки келгусида диссертациямни давом эттироқчиман. Үшанда эндиғи эшитадиган афсоналарим ҳам асқатиб қолса, не ажаб?..

Ҳўқиз ва фил

Меҳтарбодулари шимолдан келаётган ёввойилар Ҳимолайдан ошганидан хабар бергач, Непал ҳукмдори Мердунинг пайтавасига қурт тушди. Боиси у Маҳабҳорат^{*}ни, Рамаяна^{*}ни мукаммал ўрганганд. Бутунги хавф ўша жангномаларда ваҳший эл сифатида таъкидланган скифнинг айнан ўзи..

Тўғри, Мердунинг лашкари бисёр, душманга кутқу соладиган филлари ҳам етарли. Аммо босқинчи қабила қўрқув деган туйғудан батамом мустасно эса, қўлидан нима келсин? Нари борса, ярмини қириб ташлар. Вале, шон-шуҳрат учунгина сафарга чиқсан элатни бу билан енгиши мушкул...

Мерду эртага тонгдан машварат белгилаб, хобгоҳга кирди, лекин таҳликали кўнглида пар тўшакка кўмилган канизакка иштиёқ уйғонавермагач, оксочни чорлаб, кийик қоматли сулувни олиб кетишни буюрди. Улар чиқибоқ, табуғчи нознеъматлар тўла олтин лаган келтириди. Булар ҳам бадига ургач, алаҳсирай-алаҳсирай ухлаб қолди. Уйқуси эса тинч кечмади, аллатовур тушлар оғушида бақириб уйғониб кетгач, амаллаб тонг оттирди. Машваратга киришдан олдин устоз Вакунсани чорлаб, тушини сўйлади:

«Ҳўқиз ва филнинг тўқнашуви юртингга босаётган хавф-хатардан нишона. Уларнинг ўрнида пайдо бўлган ёрқин шаҳар сенинг ва... (Вакунса қисқа сукут сақлади. Кейин фавқулодда бепарволик-ла давом этди) ...уларнинг ўрнида пайдо бўлган ёрқин шаҳар сенинг келгусида туғилажак буюк авлодингга ишора»

Тушунарли, энди бу ерда қиласи ишим қолмади, устознинг кимлигини англаб етдим. Майли, китобларда улур донишманд тўғрисида билганча ёзаверсинлар. Менинг ўз ҳақиқатим бор. Бу ҳақиқатни қачонлардир ошкор этаман. Ҳозирча маъзур тутинг, йўлга чиқишим керак. Ахир, зоғиёфасида яшашнинг ҳам чеку чегараси бор. Мен эса имкон қадар кўпроқ синоатларни ўрганмоғим, жумладан, туркий халқларнинг беш ярим минг йиллик тарихини ёритишига арзигулик манбалар тўпламоғим даркор.

Хайр, Ишпагай!..

Калаванинг учи

Карим Ниёзович лўли қизнинг ўлимига доир ҳужжатлар солинган папкани титкилаб, воқеаларнинг мантиқий боғланишини излаётганда, калласига янгича фикр келди. Ҳамма бало Илмий текшириш институти фаолиятида эмасмикан? Агар ғайритабиий ходисаларга ишонса, барча воқеликлар ягона ўқ атрофида айланмокда: Зулпин Фарипова «емаган сомсага пул тўлади». Дугонаси Зармо ғойибона ришталар билан институт аспирантига боғланган. Юрак хуружи боис ҳаётдан бевақт кўз юмган Аҳмад оға эса шу даргоҳнинг дарбони. Ҳолчаёндаги қазиашма ишлари аъзоси Тамара Содиковна шипшитган гумондор шахс раҳбар.

Энди бу воқеликлар тартиб бўйича тизилса, нима ҳосил бўлади?

Даставвал аспирант илмий ишига мавзуу олди. Кейин археологлар гуруҳида янги ҳодим — маълумотсиз лўли пайдо бўлди. Котиба керак бўлса, институтда каммиди? Нега айнан шуни танлашди. Ёнидаги баҳайбат «соқчи»си-чи? Тўғри, у аввалроқ ҳам шундай ҳодисага дуч келувди. Қайсиdir вилоятга борганда, икки йигит етаклаган бўрини кўрган, тўхтаб томоша қилаётганда, улар озгина пул эвазига хосиятли ҳайвонни машина атрофида айлантиришган, қорин ости юнгидан бир тутам юлиб, ҳайдовчига тутқазишганди.

Аммо бу сафаргиси бутунлай бошқача, кўзлари даҳшатли боқувчи ростакам йиртқич. Бунинг устига, бўйнида боғичи ҳам йўқ. Дафъатан ғойиб бўлиши яна бир жумбоқ. Шулардан келиб чиқсан, Зармо Зирромова масаласига ойдинлик киритмоқ даркор.

Давом этамиз... Аспирантнинг пичоқланиши, гумондорларнинг кишаңдан осонгина қутулиб, бемалол жуфтакни ростлаши. Сўнгра Тамара Содиковнани ўлдириш ниятида қайтиб келишлари?..

Тамара Содиковнанинг исм-шарифи тўғрисига ҳам сўрок қўйилди.

Навбатдаги жумбоқ бевосита аспирантнинг ўзига боғлиқ. Аниқроғи, унинг пичоқланиши ва врачларнинг гапича, ярим

соатлар ўтиб тўсатдан тирилиши... Боймуҳаммадов шу ма-салани ойдинлаштириш учун иккита медицина фанлари доктори ва учта машхур реаниматолог билан сұхбатлашди. Бешаласи ҳам эшигтганларини сафсатага йўйишиди. Чунки киши ўлгач, уч-тўрт дақиқада қони қуюқлашаркан. Қони қуюқлашдими, умидингизни узаверинг. Демак, аспирант даволанган касалхона ходимлари ёлғон сўзлашган. Қизиги, буларни маслаҳат солганда, Термиздаги ҳамкасби Хуршид Низомович касаллик варақасида ҳам медикларнинг гаплари ёзилганини таъкидлади.

Энди Аззо Кабировичга келсак, ҳалича юзма-юз учраш-маса-да, орқаворатдан суриштируви ва телефондаги қисқагина мулоқотидан институт раҳбари кўпам шафқатсиз касга ўхшамайди, аспирантнинг бошлиғи тўғрисидаги салбий фикрлари замирида шахсий манфаати ётган бўлиши ҳам мумкин...

Карим Ниёзович калаванинг учини бутунлай йўқотди, нимани ўйламасин, сирли топишмоққа айланмоқда, аниқ ҳужжатлар йўқ. Устига-устак, жиноятни амалга ошириш учун баҳонаи сабаб — мотив даркор. Ўша мотивни тополмай, баттар гарантсимоқда. Мабодо алламбалолар ёзилган ҳўқиз терисига келсак, минг йиллар олдин бекитилган асотирнинг бутунлай бошқа замон одамлари ҳаётидаги машъум роли фақат олди-қочди фильмлардагина учрайди.

Терговчи яна бир бор кўрган-билгандари ҳақида муфассал ўйлаб, навбатдаги таҳминда тўхтади, ҳамма бало аспирантда бўлса-чи?.. Дейлик, илмий ишида у кимнингдир пайтавасига курт туширадиган сирни ошкор этмаяптими?

Ҳар ҳолда, Сулаймонов билан учрашса, ёмон бўлмайди...

Терговчининг ҳаёлига лўли қизнинг беиз йўқолиши баҳонасида сўроқ қилган гувоҳлари тушди. Уларни бирмабир хаёлдан ўтказаётib, ҳар куни ўғли билан хиёбон айланадиган Розияхоннинг дабдурустдан «палон», «писмаддон», деган кесатигини эслагандা, калласига кутилмаган фикр келди. Хиёбондаги кашандада Аззо Кабировичнинг ўзи эмасмикан?.. Буни қандай аниклаш мумкин? Обрўли олимни ҳе йўқ, бе йўқ, терговга чакирса, кимнидир ҳуркитиб юбормайдими?.. Яххиси, Розияхонни бирор юмуш баҳонасида институтга жўнатса-чи?..

Узил-кесил қарорга келган Боймуҳаммадов аввал Хуршид Низомович билан боғланиб, Максим Азизий қаердалигини аниқлашни буюрди. Сўнг навбатчини Розияхоннинг изидан жўнатди. Икки соат ўтгач, телефон жиринглади. Хуршид Низомович домла шу кунларда Тошкентда эканини айтиб, телефон рақамини берди. Боймуҳаммадов телефон қилиб, ундан ҳузурига изн сўради.

Чорак соат ўтиб, эшик тақиллади. Хавотирлангани юз-кўэидан аниқ сезилиб турган Розияхон эндиғи вазифасини эшитиб, баттар ҳовлиқди. Терговчи ёнида бўлишини айтгачгина ўпкасини босди.

Улар ташқарига чиқиб, сариқ машинага ўтиришди. Ҳашамдор бинога етгач, шошилмай ичкари киришди. Айланма зинадан юқорига кўтарилишиб, дарборн кўрсатган эшикни қоқишиди. Максим Азизий аввалига сукут сақлади. Терговчи гап Аҳмад оғанинг бевақт ўлимига алоқадорлигини айтгандан сўнг жавоб беришга ҳозирланди.

Боймуҳаммадов муддаога ўтди. Домла рози бўлди. Ди-ректор қабулига кириш учун дурустроқ баҳона ҳам дарров топилди.

Үйдирмалари устида оз-моз машқ қилиб олгач, домла ва Розияхон директор ҳузурига кириб кетишиди. Карим Ниёзович уларни кабинетда кутиб қолди.

40-БОБ

Розияхон

Аззо Кабирович неча кунлардан бери тинчлик бермаёттан кўнгил хижиллиги сабабини тополмай, гарангсиб ўтирган пайтда эшик тақиллади-ю, юраги бир санчиб олди. Ноилож уст-бошини тўғрилаб, янги нохушликларга тайёрланди. Ўзи шундай, фалокатни олдиндан сезади. Ҳозир ҳам ҳузурига кирган Максим Азизий ва кўзларини яширолмай титраётган аёлни кўргандаёқ гаплари мутлақо уйдирмалигини, мақсадлари бутунлай бошқалигини, ўзининг разолат дунёси ошкорликка тобора яқинлашаётганини англади. Аммо, ғазабини ичига ютди...

— Машинкада яхши ёзасизми?

- Ха, — кўзлари жавдираб мингиллади Розияхон.
 - Котибанинг хонасига чиқиб, бирор нима ёзиб келинг!..
 - Аёл чиққач, Максим Азизийга ўтирилди.
 - Ростдан ҳам бу аёлни танийсизми?..
 - Албатта, — бироз сукут сақлаб дудуқланди Азизий...
- Орадан яна икки лаҳза ўтгач, Розияхон қайтиб кириб кўлидаги қоғозни узатди. Сулаймонов унга эътибор бермай, столга ташлади.

— Бирор ҳафтадан сўнг хабар олинг...

Хонадан чиқишаётганда директор томоқ кириб, домлани тўхтатди.

- Саволимга аниқ жавоб бермадингиз?..
- Қайси саволингизга?
- Анави аёл тўғрисидаги...

У стол устидаги варакни кўрсатиши билан Максим Азизий ваҳимага тушди. Тиззалари шакиллаб, диванга беҳол ўтириб қолди. Аззо Кабирович тугмачани босди. Эшикдан котиба кўринди.

— Домланинг мазаси қочди, сув беринг.

Котиба узаттан сувдан ичиб, хушига келган Азизий қийнала-қийнала пастга тушганда, сариқ «Жигули» анчамунча олислаб ултурганди.

...Ранги-рўйи бўздай оқарган аёл директор кабинетидан чиқиши билан, Карим Ниёзович тахминлари бекорга эмаслигини англади. Шу боис уни хиёбоннинг чап тарафидаги кўп қаватли бино ёнида қолдиргач, шошилинч хонасига қайтиб, Термизга сим қоқди. Ҳамкасбига зудликда аспирантнинг диссертациясидан нусха кўчиришни топширгач, ўйга толди. Энди барча жиноятлар тепасида нуфузли академик тургани аниқ. Бироқ, исбот йўқ. Кизил кийимли касларни ушлашгандаям, майли эди...

Шуларни ўйлаётганда, калласига ажойиб фикр келди. Аззо Кабирович одатда қийинроқ муаммо туғилганда шотирларига мурожаат қиларкан, айни ҳолатни сунъий равишида яратса-чи?.. У гўшакни кўтариб, Деновга боғлашларини сўради.

Орадан ярим соат ўтиб, телефон жиринглади. Карим Ниёзович таниш овозни эшигтгач, илтимосини баён қилди. Икки кундан сўнг Тошкентда учрашишга келишишди.

Вельзувел*

Карим Ниёзовичнинг таклифига рози бўлганимнинг сабаби шундаки, у ҳозир кўп масалаларнинг тагига еттан. Энди арзимас ёрдамга муҳтоҷ, агар рад этсам, ўзбошимчалик қилиб, ишнинг пачавасини чиқаради. Чунки Сулаймоновнинг нимага қодирлигини ҳали тўлик англагани йўқ. Бунинг устига, кеча тугаллаган диссертациямни Азизийга топшириш, ҳимоя кунини тезлаштириш учун ҳам, барибир, бугун-эрта пойтахтга боришим керак. Фақат бир муаммо туғилмокда, Тамара Содиковна кўнармикан? Қолаверса, илмий ишнимни институтда қандай кутиб олишлариям номаълум, ҳаммаси директорга боғлиқ. Тўғри, Сулаймонов иккаламиз бот-бот фойибона учрашиб турганимиздан тонмайман. Аммо, охир оқибатда на мен, на у буни очиқласига тан олмаслигимиз аниқ. Шундай экан, ҳеч нарса бўлмагандай ҳузурига кириб, қўлтифига кўл солиб кўрсам-чи?..

Шубҳасиз, у ҳам мени кутмоқда, ҳатто, курашнинг янги усулларини-да ўйлаб кўйгандир. Бироқ, энди жонимга қасд қилолмайди. Боз устига, мен вужудимда йигилган зоҳирий ва ботиний қудратниям хис этмоқдаманки, бундан бу ёғи ҳар қандай Сулаймоновлар билан теппа-тeng беллаша олишимга ишончим комил. Демак, ортиқча иккиланмай, узоқ аждодларим айтгандек қайтиш учун йўлга отланморим шарт.

Ёнимдаги зукко йўлдошим боис эса муаммоларим янада осонлашади, Аззо Кабирович билан кечадиган савол-жавобларимни пишириб оламиз. Илло, ҳаёт-мамот мусоҳабасига отланганда, кишининг шахсий қарашлари камлик қиласиди. Унга, албатта, чет кишининг аралашуви ҳам даркор.

Рости, бундай фикрга келишимнинг сабаби бор. Мен диссертациям мавзуси тасдиқлангандан бери доимо эшхушимда юрдим, деёлмайман. Вақти келганда, ўзимни билмай алаҳсирадим, вақтида ақлимни йириб, жиддий киёфага кирдим. Лекин нима бўлсаям, бутун дикқат-эътиборим халқимнинг атайнин унутилган тарихини тиклашга қаратилди. Бас, шундай экан, ниҳоят, «Мовий гумбазлар» хиёбонидаги ўша тарихий учрашувдан бошланган воқеа-ҳодисаларни бир

ерга жамлаб, ким биландир муҳокама қилишим мумкин-ку. Бунинг учун ҳозирча эркакшода ҳамкасбимдан маъкулроғи йўқ. Қолаверса, охирги қунларда рўй берган ажойиб ва гаройиб синоатлардан қисман татиб кўрган ягона ёт киши ҳам шу қариқиз. Хуллас, мен унга ишонишим, у менга тушуниши мумкин. Кейин биргаликда кўп жумбоқларни ечамиз. Дейлик, менинг кимлигим-у, зиммамдаги вазифаларим масаласини. Дарвоқе, ростданам, кимман? Кафт чизиқларимнинг маъноси нима?..

Аввало, шуни англамоғим зарур. Бу йўлда, эҳтимол бурунги сафарларимга бутунлай тескари замонларни ошарман. Ўшанда ўйноқи хаёлотимга сизмаган таассуротларни хотиржам ҳазм этишга мадорим етармикан?.. Шошманг, мен айни дамда, ўзим сезмаган ҳолда ўша синоатга яқинлашмадимми? Яъни, ягона нуктада туташган чизиқлар мозий, келажак ва бугунни билдиrsa-чи?.. Истаган оним хаёл етмас замонларда кўз очишим шунга ишора эмасми, ахир?..

Вужудимни таҳлика босмоқда. Чунки ўйлаганларим ростчиқиб, ўн-ўн беш йиллик довонлардан ўтолсан, келгуси тақдиримдан воқиф бўламан. Ана унда ҳаётга иштиёқим йўқолиб, жумлаи жаҳондан кўнглим совиши, тушга кирмаган воқеликлар гирдобида эс-хушимдан айрилиб, тўнғичига муносиб умр йўлдоши излаётган волидамнинг bemavrid дарду ҳасратлари сабабчисига айланиб қолишим мумкин... Яхиси, бир қарорга келай. Бунинг учун ҳозиргидан кулагай пайт топилмайди. Қолаверса, диссертациямни тутатганимдан кейинги асосий ишим ҳам Зармонинг қўлини сўраш эди.

Таништирсам, ишончим комил, оиласизда Тамара Содиковнага нисбатан шу лўли қиз кўпроқ олқиши олади. Фақат насл-насабидан сўйлашга шошмайман, вақти-соатини кутаман. Оналарнинг бардоши эса ҳаммага аён, йиғлаб-сиктаб, барибир, кўникишади. Ахир, жигарбанди инжиқликларини кечирмаган волида ҳам бормикан оламда?..

Машинамга ўтирдим, баҳонада Тамара Содиковна билан келишиб қайтаман.

Дарвоза олдида нега Холчаёнга бораётганимни қайта бошдан ўйлаб олдим. Ҳақлигимга шубҳа қолмагач, газни босдим. Бундек қарасам, барчаси тўғридек. Агар бир-биримизни

синашимиз лозим бўлса, икки ой етарли муддат, севгимиз сўнмаслигига тўлиқ ишондик. Устига-устак, доимий йўлдош танлаш вақти кептими, ортга чўзишдан фойда йўқ. Муҳаббат – ёш танламас, дейдилар. Мен бошқачасига ҳайқирмоқчиман. Муҳаббат – миллат танламас!..

Уйдаги гап кўчага тўғри келавермаскан. Холчаёнга етиб биринчи учраттаним, одатдагидай Зармо бўлди. Бироқ у доимгидаи виқор ила пешвоз юрганча ёнимдан ўтиб, нари кетди. Изидан эргашган бўриси ҳам қиё бокмади.

Шунда вужудимга аллатовур армонли эпкин ёғилди. Ҳа, ишонаверинг, айни ҳолатга беш-олти ҳафта илгари қўксимда қуёш шаклининг қаваришига олиб келган воқеа боис, кўкарган лошим устида видолашаётганда йўлиққандим. Не ажабки, ўша ҳиссиётга ҳадемай, боз учрадим. Рости, уларни армонга менгзаб адашгандайман, шикаста кўнглимда тушунарсиз қоникувчанлик ҳам бордай. Йўқса, ошиғи бекарори ёнидан бепарво ўтиб, маъюс нигоҳини олис-олисларга қадаган маъшуқанинг эриш ҳолатидан шундай таассурот олармидим?..

Даҳшатлиси, маҳбубам садоқатли соқчиси кузатувида олға интиларкан, уч-тўрт қадам юриб, дабдурустдан тутунгами, тумангами эврилди. Ўша губорлар эса икки лаҳза ўтмай, ҳавога сингиди, олдинига Зармо, сўнг қадди-қомати нақ эшакдек маҳлук бепоён бўшлиқ ичра ғойиб бўлди.

Эсингиздадир, беш-олти кун илгари Аззо Кабирович жўнаттан қотилларни пойлаганимиэда йўлиққандик бундай ҳолатга. Ўшанда бўри алвон варракларни ерга яқинлаштирамай, узоқларга ҳайдагач, қўққисдан кўз илғамас зарраларга айланганди. Энди эса сўнгти армонимни ҳам ўзи билан олиб кетди...

Аlam қилгани, ёнимдан ўтаётганда Зармо маъноли жилмайиб, худди «Мовий гумбазлар» хиёбонида учрашганимиздаги каби қўлларини ёйди. Атай эътибор бермадим, бевафонинг кафти энди қизиқмас менга, кетса, садқаи сар...

Шундай дейман-у, жонимдан ўтганини ўзим биламан. Ахир, зўрға топганда, бунинг устига, оламшумул воқеа-ҳодисаларга аралашиб, кимлигингни англай бошлаганингда панд берган дўстни кечириш мумкини?.. Энди илмий ишим нима бўлади?.. Туркийлар ҳақидаги ҳақиқатларимни қандай

рўёбга чиқараман? Тахминларимни исботлашга имкон тоно-
ламанми?..

Қолаверса, гап ҳаёт-мамот курашига жонини тиккан зот-
лар ҳақида бормоқда. Рақибимнинг соқчилари бисёр. Ме-
нинг эса суюйдиган нажоткорим қолмади...

Хаёлларим шу ерга етганда, бехос калламга таёқ тек-
кандай бўлди. Бирданига Зармодан-да қудратлироқ таянчим
борлигини ҳис этдим. Бу — ўша, кўксида қуёш шакли
қаварган биринчи турк. Ҳа, ҳозир айнан Эрлик хоқон сабаб
кўнглимга ҳаётбахш тасалли инди. Сўнг бу зот ҳақидаги
излинишларни давом эттиришим зарурлигини англадим. Об-
дан ўйласангиз, мушкул муаммоларни факат асл сарчашма-
ларгина осонлаштиаркан. Алалхусус, ҳўкизбош қисматини
янада тузукроқ англамоқ учун қарғага айланган дамларимга
қайтаман.

Шу фикр миямга келгач, шууримга ёруғ бир осудалик
дўнди. Бу кишининг ночор вазиятларда кўкарадиган омо-
нат овунчимас, излай-излай ҳақ йўлни топганда туйадиган
туйгуларига ўхшарди.

Ёдингида бўлса, бир сафар Эрлик хоқон тўғрисида га-
пирганда, унга атайнин ҳўкиз калласи ўрнатилган, дегандим.
Энди шу мавзуни давом эттириш учун беш минг йиллар
бурунги алмисоқ давру давронларни излаб жўнадим.

Бу — замин аталмиш сайёрада кўз кўриб, қулоқ эшитма-
ган воқеалар юз берган, ногоҳ ер куррасининг қоқ марказига
кўнган улкан учоқлар маҳаллий ҳалқлар қалбига қудратли
маъбуллар ва ожиз бандалар тўғрисидаги илк тушунчаларни
солган дамлар эди...

— Камина мазкур сафардан не мақсадни кўзлаганимни
ошкор этморим учун, аввало, бир ҳақиқатни айтморим лозим,
— гап бошлади йўлбошли эканлиги юз-кўзидағи қатъият ва
жиддий чизгиларидан яққол сезилиб турган Вельзувел маш-
варатларнинг бирида, — розилигингиз ила ана шу ҳақиқатни
баён айлай.

— Нияting саъй-ҳаракатларимиз қай мақсадга йўллан-
ганини изоҳлаш бўлса, — кўшилди Армаддон* исмли ве-
лиар, — сўзларингни эшитишга тайёрмиз.

— Мен эса ерликлар тўғрисида ҳам кўпроқ билишни
истардим, — шеригининг гапини давом эттирди иккинчиси.

— Майли, Апполион*, эшит... Биз коинотдаги яккаю ягона умрбоқийлармиз. Зиммамизга катта вазифа юкланган, дунёдаги кечмиш-кечирмишларни назорат этмоғимиз даркор. — Вельзувел фикрини исботлагандай, назарини нарироқ ағдарди. Ўгирилиб, яккам-дуккам қаққайган гаройиб иншоотларга кўзим тушди. Не ажабки, изланишлар баҳона, пирамидалар қурилаётган замонларга келиб қолгандим. Нотик давом этди. — Ерликларнинг эса ишонгандари бор. Бу қаҳрда мислсиз, меҳрда бекиёс Парвардигори оламдир. Шу эътиқодни сўндиrolсак, мақсадимизга етамиз.

— Оре, оре!.. — тасдиқлади оломон.

— Бунинг учун уларда янги худога ишонч уйғотишимиз даркор...

Шу гапни айтиб, у хаёлга чўмди. Велиарлар йўлбошли фикрини бўлмаслик учун сукут сақлашди. Чукур мушоҳададан сўнг Вельзувел маъюс шивирлади:

«Ернинг бирор ҳалқи писандмас менга. Илло, одам зотининг ўн мингтаси ёлғиз Армаддон ёхуд Апполионга тенг келолмайди. Бироқ, ораларида шундай тоифа борки, шоншуҳрат йўлида ўлган-тирилганига қарамай уришишади. Боз устига, уларга Яратган мададкор. Мен ўшалардан, яъни Парвардигор кўшинларидан қўрқамен!..»

У бошқа ҳеч нима демай, кумушранг чодири сари кетди. Колганлар сардорни қайфуга солган кўшинни муносиб кутиб олиш тадоригини кўра бошлишди.

* * *

Менга ҳалича на Вельзувелнинг, на велиарларнинг ҳақиқий қиёфаси маълум эмас. Ўзлигимга қайтгач, биринчи ишим уларнинг кимлигини англаш бўлади. Ҳозирча эшитганларимдан хулосам шуки, келгиндишларнинг ерга юришдан оламшумул мақсадлари бор. Сирли иншоотлари ҳам бекорга қурилмаяпти. Алҳол яқинроқдан кузатиш фойдадан холи бўлмас.

Мен эҳромларга яқинлашиб, шовқин-суронлари заводларимизни эслатувчи майдонни кўрдим, қатораси жойлашган улкан цехлар ҳаракатланувчи ленталар орқали борланган. Улар ўртасида баҳайбат кўтарма кранлар қад ростлаган...

Даставвал ақлим шошиб, эсанкирадим. Сүнг қилинаётган ишларни ипидан-игнасигача ўрганишга жазм этдим. Қарасам, ҳайхотдек қувурга жүннатилган уйдек-уйдек харсанглар нариги томондан түртбұрчак плиталарға айланиб чиқмоқда. Силлиқланишдан орттан майды-чүйда бўлаклар эса кейинги эҳром қурилажак жойга ташилади. Обдан ермойига қорилиб, хандақларға тўкилади ва мустаҳкам пойдеворга айланади...

Назаримни нарироқ олиб, янам ҳайратланарли синоатта йўлиқдим, фириллаб айланаётган лента орқали навбатдаги цехга етгач, кудратли бургулар тайёр плиталар ичини ковлашга тушарди. Аввалига бу амал уларни енгиллаштириш мақсадида бажарилмоқда, деган фикрга бордим. Вужудимга патларимни кўйдиргудек аланга тафти урилгач, бехос шамол эсган томонга ўғрилиб, донг қотдим. У ерда ичиғовак харсангларға улкан чўян қошиқларда эритилган олтин куйишарди.

Демак, ҳамма бало эҳромлар деворига терилган харсангларда. Қачонлардир уларнинг бузилиши аниқ, ажнабийлар ердан қазилган қимматли маъданни қайгадир жүннатишиади. Олтиннинг ноёб хусусиятлари ҳақида кўп ўқиганмиз. Унинг ёлғиз она сайдерамизда учраши эса кутилмаган ташрифлар сирини янада ойдинлаштиради.

Иккинчи масала эса жиддий бош қотиришга ундумоқда. Ўлжаларини қандай ташиб кетишиади?.. Пухта беркитишларига қараганда, бу иш ҳали-вери амалга ошадиганга ўхшамайди, кулай пайтни кутишадими?..

Шу ҳақда ўйлаётib, нохос сесканиб кетдим, боя келгин-диларнинг «Нибар, Нибар!..» дея қичкиришганини эшитгандим. Узук-юлуқ хитоблари сабабини эслолмасам-да, воқеалар хотирамни жонлантирган шу сўзга боғланадигандек...

Гумонларимни ойдинлаштириш учун Вельзувел чодирига учишим керак.

Битаёзган иншоот уэра айланаётганимда, пойимдаги қумушсимон жисмни илғаб, ҳайратим янада кучайди. Фавқулодда қизиқувчанлигим туфайли қўйига шўнгигб кўрганларим эса кўплаб сирларни ойдинлаштиrsa, айрим гумонларни орттириди. Негаки, ичкаридаги ялтироқ қурилма айнан пирамида шаклидаги уchoқ әди. Баҳайбатлигига қараганда юқ ташишга

мүлжалланган. Бундан ҳар қайси бинода ғишиларидағи олтингиларни күтаришга қодир коинот кемалари мавжуд, деган холоса чиқардим. Атрофдаги лабиринтсімөн хоналар эса күзни алдаш ниятида қурилған, қандайдир тобут қўйилса, эхром мақбарага айланади.

Биз – хом сут эмган бандалар бу Тутанхамоннинг қабри, буниси – Рамзесники, бу – Тутмосники, дея алданиб юраверамиз...

Энди шубҳа-гумонларим тўғрисида икки обиз. Модомики, келгиндиларнинг ҳаракат воситалари ҳам пухта бекитилған экан, сирли воқеликларга ойдинлик кирадиган кунларни қайси замонлардан излашим даркор? Яъни, ажнабийлар ўлжаларини ташиб кетишни қачонга режалаштиришган? Уч-тўрт минг йиллар ичидамас, ҳар ҳолда. Йўқса, менинг замондошим Дунёнинг етти мўъжизасидан энг машҳурини тушида ҳам кўрмасди...

Камина Вельзувел бошпанасида янайм гаройиб синоатларга йўлиқишимни билмовдим. Ичкарига кирдим-у, дастлаб чоғроқкина туюлган чодирнинг кўз илғамас даражадалигидан анграйдим-қолдим. Ростдан, хона ногаҳон сон-саноқсиз хужралардан иборат улкан ҳудудга айландики, беихтиёр, мактабдаги физика ўқитувчимизнинг бешинчи ўлчам тўғрисидаги сабоги ҳақиқатлигига имон келтирдим.

...Бир неча шаффоф хоналарни ортда қолдиргач, ним коронги бўлмага етдим. Қидирганим шу ердалигига ишончим комил. Негаки, чор атрофни фирға-шира ёритган чироқлар осмондаги юлдузларга ўхшайди. Ўргада оловли шар – Күёш. Теграсидаги митти зарралар Нептун, Уран, Сатурн, Юпитер, Марс, Ер... Қизик, бу нимаси?.. Кўзим бехосдан Марс ва Юпитер ўртасидаги номаълум чизиққа тушди ва мен узунасига чўзилған элипс шаклидаги орбитанинг олис бурчагида зўр-базур ялтираётган учкун бизга номаълум сайёра эканини англаб қолдим.

Бирдан, шумерларга баришланган илмий рисолаларда шундай сайёра ҳақида ёзилганини эсладим. Хотирамнинг бир четида унинг ғалати номи кўринди. «Нибиру...» Илгарироқ ажнабийлар машваратида эшитганим «Нибар»га уйқаш. Демак, ўшанда велиарлар она маконларини эслаб, ҳайқиришган. Олтинларни харсангларга жойлаб, пирамида тиклаганлари,

парвозга шай учокларини узок-узок муддатта бекитганлари сири ниҳоят маълум бўлди. Зотан, Нибиру мазкур нуқтадан ерга яқин масофа — Марс ва Юпитер ўртасига етгунча, минг-минг йиллар ўтади. Велиарлар ўша дамларни кутишга мажбур. Бизнинг замон ҳақидаги тушунчамиз эса нисбий, келгиндиларга таққослаганда, одамзод оний лаҳзалик умр кечираркан!..

Энди башариятнинг айни воқеликлардаги ўрнини топморим лозим. Шунда Эрлик хоқоннинг ер қаърига қамалиш сири очилади, сизу бизга қоронғи талай тафсилотлар ойдинлашади. Масалан, туркнинг дунё тараққиётидаги вазифаси нимадан иборат?..

Шулар ҳақида ўйлаётib, баногоҳ Еремейнинг йўлдан оғишганларни жазолаш учун Парвардигор йўллайдиган, тилию талаффизи тушунарсиз ваҳший халқлар тўғрисидаги каломини эсладим.

Тўғри, бу кейинги авлодлар тўқиган афсонаям бўлиши мумкин. Аммо, бунга пайғамбаримиз ҳадисларини қўшсак, фикримиз жиддийлашади.

«Менинг Турк отлиғ бир қўшиним бор...»

Бепоён ҳудудга айланган чодирда ташвишли киёфада кезган Вельзувелнинг тушкун тазарруси ҳам шунга ишора.

«Парвардигор қўшинларидан қўрқамен мен!»

Энди милоддан аввалги VIII асрда яшаган Еремейнинг айтганларини, жаноби расулуллоҳ ҳадислари ва велиарлар йўлбошчиси иқорини ягона мантиққа жамласак, қандай хулоса чиқади?.. Ҳа, мен қарғага айланиб, хаёл етмас манзилларга парвоз қилганимда, халқимга юқланган масъулиятни англаб қолдим...

Алқисса, туркнинг азалий вазифаси аёнлашибими, олдимда ягона мақсад қолади, Аззо Кабирович шахсини аниқлаш. Карабсизки, нафақат номзодлик, балки докторлик ишим учун ҳам муносиб хулосаларга келаман.

Сулаймонов аввалига Илмий-текшириш институтимизнинг раҳбари эди. Сўнг фойибона хатти-ҳаракати билан оддий инсон онгидан ташқаридағи қора ниятли шахсга, янаем кейин хўқиз терисидаги битиклар ва гоҳи-гоҳи Зармода уйғониб қоладиган алаҳисирашларга мувофиқ қадимги Ҳиндистон рожаси ишратшараст Марага айланди. Туркнинг эрка фарзан-

ди Тўмарис сиймосини тиклаётганимда эса Ахоманийларнинг икки шаҳаншоҳини чув туширган Гаумат қиёфасида бўй кўрсатди...

Ва ниҳоят, бугун аспирант ва машхур академик ўртасидаги зиддиятнинг илк нуқтасига етдим, ўртамиздаги қураш Эрлик хоқон замонидан бошланибди, боя ним таниш кўринган Вельзувел аслида Аэзо Кабировичнинг айнан ўзи эди...

42-БОБ

Эрлик хоқон

Велиарлар сайёralари учун сув билан ҳаводек зарур бўлган қазишмаларига андармон юрганда, заминнинг Турон аталмиш улкан текислигининг энг баланд майдонида маҳаллий халқларнинг қўшон қурултойи ўтказилди. Ўнлаб қабила ябгулари айни кенгашга Эрликнинг даъвати бўйича тўпланишиди.

Эрликни бунга дафъатан кўксига қўёш шаклининг қавариши ва ўнгидами — рўёсидами янграган ғалати хитоблар мажбурлади. У файритабиий белгининг сирига тушунмай, бош қотирган онда қулоғига аллатовур узук-юлуқ товушлар чалиниб, сафарга ундали:

«Қайтиш учун йўлга отланинг!..»

Олдинига эшитганларини алаҳсирашга йўйиб, эътибор бермади. Жумла қайта-қайта такрорланавергач, ҳузурига улуғларни чорлаб изоҳ сўради. Башганлар дастлаб сукут сақлашди, гайриоддий башоратлари-ла ном қозонган кекса шомон Геру сирли жумла янги юришларга чорлов эканини таъкидлагач, илк бор хоқон сайлашди, оқ кигизга Эрликни ўтқазиб, бош узра кўтарганча кун беткай томонда тўқкиз марта айлантиришиди. Сўнг атрофига киличларини қадаб, тантанали онт ичишиди. Эртаси куни сафар йўналиши чизилди...

Уч ҳафтадан сўнг ўн туман черик Яксартдан кечиб, Танаис тарафга жўнади. Йўл-йўлакай қардош қабилалар ҳисобига сафни тўлдириб, Понт денгизидан айланганча осмонўпар тоғлар пойидан чиқди. Икки ҳафта ўтгач, Қофқаз оша сўлим воҳага энди. Ерлик халқлар узоқ муддат от устида яшаб



ваҳшийлашган кўчманчиларга қарши курашиб ўтиришмади, четлашиб, қўл қовуштириши...

Рости, саркарда аввалига бойлик орттириб ортга қайтишни мўлжаллаганди. Қофқазни ошибоқ, онгида янгича тасаввур уйғонди. Хаёлида бот-бот бегона қиёфали кимсалар гавдаланавергач, эшитганлари шунчаки шон-шуҳрат илинжидаги даъватлар эмаслигини англади.

* * *

...Янги сайёра қўшилган коинот харитаси қархисида халқимнинг тарихий вазифасини англач, бошқа исботу далиллар илинжида навбатдаги хоналарга учдим. Бироқ энди кўрганларим, айримларини истисно этганда, қорақушнинг ожиз тасаввурига етти ёт бегона хилқатлар эди. Фақат бир хужрадаги шамшир-монанд қуроллар дикқатимни тортди. Уларнинг оддий қиличга ўхшамайдиган жиҳатларини ўрганаётганимда енгил одимлаб, Вельзувел кириб келди. Ўзимни четга олдим. У жиддий ўйларига бандлигидан парда орқасига яширинган зорни сезмади. Ҳатто, эҳтиёtsизлигим туфайли ерга қулаган темир дастали сурнайга парво қилмади. Мен унинг башарасига кўпчиған фавқулодда ташвиш сабабини аниқлаштириш учун велиарлар ва инсонлар ўртасидаги тенгсиз муҳорабалар гирдобига қўчмоғим даркорлигини англадим, беркинган жойимни тарк этиб, олга интилдим. Уринишум сезиларсиз қолмади. Қанотларим эпкини соchlарини ҳилпиratтанидан сесканган Вельзувел боя эҳтиёtsизлигим туфайли қулаган темир дастали сурнайни олиб ўқталди. Сурнай деганим тўппонча экан, оғзидан аллатовур кўкиш чизиқлар отилди. Апил-тапил чап бердим. Шунга қарамай, патларимдан бир тутами чайқала-чайқала паstтайверди. Яна уч-тўрт сония ўтиб, чодир қапуғи ортида мислсиз муҳорабалар кетаётган замонларда пайдо бўлдим. Жанггоҳ ўртасида икки илкида баб-баравар қилич сермаётган азаматга назарим тушиб, вужудимга буюк бир фурур инди.

Майдонда ҳаммадан кўра омадлиси — шу азамат эди. Унинг қиличи рақиблар бағрини тилка-пора этарди-ю, ўзига интилган қуроллар кўз илғамас қалқонга тегиб, чил-чил синарди. Буни кўриб, мўъжиза деганининг борлигига батамом



ишондим. Кейин бу нафақат мүъжиза, илохий синоатлар эканини-да англадим. Назаримда, паҳлавонни энг құдратли зот қўриқламоқда.

Сүнг ҳаётбахш фикрларимдан күнглим чоғ, егулик илин-жида бамайлихотир четта қўниб тупроқ титаёттанимда, кечирилмас шаккоклийка гувоҳ бўлдим. Эрлик хоқон рўпарасидан чиккан икки рақиби бўйнига бирварақайига қилич соларкан, бехос даҳшатли ҳайкирди.

«Эй ёвуз Жэқ*, сендан зўрининг ҳам кучи етмайди мен-га!..»

Тамом, ҳаммаси тугади. Энди умидимни узаман...

Тумшугимга илашганчувалчангни туфлаб, диккатимни жангтоҳга бурдим. Худди кутганимдек, мувозанат душманлар томонига ўзгара бошлади. Даствлаб, паҳлавон Жэқ, деб атаган кимса(Вельзувел)нинг ишораси билан Апполион ва Армаддон ҳозиргина йиқилган ракибларининг либосини ечди. Муддаоларига дарҳол тушунсам-да, ваколатимдаги юмушлардан бошқасига иложсизман, томошадан нари ўтолмадим. Зеро, ҳозир ҳам, Кир Ахоман ва малика Тўмарис ўртасидаги жангда ҳам азал ҳукми асосий роль ўйнагани ҳаммага маълум.

...Мана, оловранг либосли велиарлар ўз биродарлари каби ёвқур паҳлавонга яқинлашишди. Эрлик уларга ортиқ эътибор бермади. Зотан, ношукур бандага чиқарилган ҳукм аллақачон кучга кирганди. Рақиблар қилич сермашди. Қайчи мисол икки томонидан қарсиллаган тиглар қаршисида хоқон ноилож қолди...

Бошдан ажралган алп қомати гумбурлаб, ерга қулагандан сўнг ҳам у ҳушини йўқотмади, тетапоя гўдакдек алпанг-тал-панглаб туришга уринаверди. Аммо, Яратганинг иродаси олдида бандасининг ҳоҳиши нимага ҳам арзирди, охири ер кучди. Ўшандаям илондек билангләётган жуссасида жўш урган бекиёс шижоат яққол сезилар, жон талвасасида чўзилган қўллари эса тимирскиланиб ниманидир қидирарди. Бечоранинг истаги уч-тўрт қадам нари юмалаган каллани топиш. Топса, юксиз елкасига қўндириб, олишувни давом эттиради. Чўлтоқ тана кўкарган панжалари билан ер тирнаётганда, рўпарасида қон томчилаётган улкан ҳўқиз бошини шохидан тутамлаб олган Вельзувел пайдо бўлди. Амаллаб тиззалаған Эрлик шаккоклигидан минг пушаймон, сўнг бор тавалло этаётганда, чўзилган қўллари дафъатан ниманидир пайпаслади...

Мен азал ҳукмига қасдма-қасд қичқирдим.

«Керакмас!..»

Ожиз қағиллашимни ўзимдан бўлак ҳеч ким эшитмади. Начора, тақдирга тан бериб воқеалар давомини кузатарканман, хоқон тарвақайлаган мўгизларидан тутиб, каллани ел-касига жойлаштириди. Сўнг бўғзига бирлашган янги аъзосини салмоқлагандек, бир-икки силкиди. Яна озроқ ўтиб эса инсон танаси ва ҳайвон бошини туташтирган қонли из битиб, ўрнида сезилар-сезилмас чизик қолди.

Бутун издиҳом кўз ўнгидаги барпо бўлган даҳшатли маҳлук оғир қўзғаларкан, баданимни совуқ тер босди, ҳозир қиёмат кўпади. Туркнинг ардоқли либоси илк бор панд беради. Борлиққа маҳлук кўзи-ла боқаётган хоқон қизил рангдан қутуриб, дўстларини кирғинбарот қиласди...

Мана, у хунук пишқирди. Бегона товуш баробарида оғиздан оққан сўлаклари қора чармсимон тумшуридан сизиб пастга осиларкан, кўзларига қон куйилди. Шундагина алвон кийимли жангчилар фалокатни узил-кесил англашди. Аммо, бирортаси қилич кўтаришга жазм этолмади. Ваҳоланки, кутурган маҳлукни тўла кучга инмасдан маҳв этишнинг айни вақти эди ҳозир.

Хоқон бор бўйича қад ростлагач, иккинчи марта алвон издиҳомга тикилиб, пойидаги қиличларига энгашди. Унинг нафрати ва разаби қаён қаратилишини тўлигича хис этаёт-ганлар ҳозирча икки кишимиз. Шу фикрлар хаёлимдан ўтар-ўтмас, Вельзувелнинг мен томон бурилганини сезиб қолдим. Бирдан калламда ўринли савол уйғонди. У айни дамда кимга тикилмоқда? Азалий рақибигами, ёхуд чодирига бे-руҳсат кирган сурбет қарғагами? Кўзидағи тантанали шуурга қараганда, ҳар иккала тахминим ҳам тасдифини топадиганга ўҳшайди. Демак, ҳозирги ҳолатим чинданам айни замон ва маконга хос, келажакдан ташриф буюрган саёҳатчига бундай қарамайдилар. Боя чодирда сурнайсимон куролдан отилган кўкиш чизиклар теккач, патларимнинг тўзиб кетгани бунинг яққол исботидир.

Бирдан калламга ажойиб фикр келди. Модомики, айни замонларда яшаётган эканман, Эрлик хоқоннинг тақдирига аралашибим мумкиндири?.. Фавқулодда туғилган қарордан

апил-тапил қўэфалиб, ҳаллослаганча кўтарила бошладим. Ни-
ятимни тушунди чоғи, Вельзувел шотирларига имо қилди.
Улар зудликда ортларига ўгрилиб, қўйинларидан сурнай-
симон тўппонча чиқаришди. Қаттол қуролларга чап бериб,
боз олға интилдим. Бироқ кечиккандим, батамом ўзига кел-
ган ҳўкизбош иккинчи бор даҳшатли пишқириб, илкида-
ги қиличларни бир-бирига ўрди. Бу — туркнинг жанговар
чорлови, изидан қизил кийимли издиҳом жўр бўлди. Чор
атрофни минглаб қуролларнинг жарангни тутди-ю, мен тасал-
ли топиб улгурмай, тарози паллалари яна ўзгарди. Тушунар-
ли, ҳозир инсон қалби ва ҳайвон онги ўртасида муросасиз
кураш бормоқда. Ҳалича тарафларга ана шу кураш натижага-
си қоронғи.

Ушбу воқеа интиҳосини ҳис этолмай қийналаётганимда,
кўзим яна бир бор рақибимга тушиб, бамайлихотир афт-
ангоридан, барибир, маҳлук феъли ғолиб келишини сездим.
Ютқазишини билса, Вельзувел таваккалчиликка уринмасди,
бинобарин, мазкур режа анча аввал пишиб етилган.

Издиҳомда бегона «қий-чув» кўтарилди. Мен пастга тики-
либ, жангчиларнинг тўрт томонга пароканда қочаётгандарини,
икки илкида қилич тутган ҳўкизбош эса биродарларини
олдига солиб қуваётганини кўрдим. Бир маҳал олислар-
дан аламли увллаш эшитилди. Назарим қўёш шафағида
қақайган дўнглик устида тумшуғини кўкка чўзиб дод солаёт-
ган бўрининг кўланкасига тушиши ҳамон баданим жимиirlаб
кетди. Кўзимга ишонмадим, чунки бу маҳлуқда Зармонинг
қўриқчисини, Бўзқуртни йиллаб асрраган ҳалоскорини та-
ниб қолгандим. Боз устига, унинг бекордан-бекор пайдо
бўлмаганиниям сездим. Илло, аллақайси замонларда Кир
Ахоманий қароргоҳида кечган мусоҳаба мобайнida Бўзқурт
ҳимоя қилган ҳайвоннинг сир-асорори афсонадан ҳақиқатга
айланган, Туронда қуёш, бўри, қиличдан азиз жисм йўклиги
сабаби қисман ойдинлашганди ҳозир.

Вельзувелнинг хийласи амалга ошиб, велиарлар ғолиб
кела бошлашди.

Дарвоқе, ҳоқон олдинроқ уни бошқача атаганди. Жэк!..
Қизик, бу нимани англатаркан?.. Ўзлигимга қайтсан, обдан
лугат титкилашимга тўғри келади...

Киёмат қўпаётган майдон узра айланаётиб, не-не алп-ларни ер кучганларига гувоҳ бўлдим. Сўнг, томирларимда турк қони жўшаётса-да, мислсиз қирғинга дийдам чидамай, мудхиш замондан узоқлашарканман абрах ва ғаддор, ман-фур ва олчоқ кимсалар макон тутган кўхна дунёларга бошқа қайтмаслигимни ҳис этдим. Зотан, аввал таъкидлаганимдек, илмий ишим деярли битган. Энди бамайлихотир яшашим мумкин. Ноҳуш хотираларимни эса бемаҳал тушга йўйман. Карабсизки, беташвиш кунларим бошланади...

Тўғри, мен Жэкка зафарёр замонлардан узоқлашиб, ўзга синоатдан — Эрлик хоқоннинг ер қаърига яшириниши таф-силотидан бенасиб қолмоқдаман. Майли, шу сир очилмасин. Жилла курса, буни рисоламда халқини бешафқат қириш оқибатида пайдо бўлган номус кўргилиги сифатида эътироф этарман. Шундай экан, келинг, қонли саҳифага якун ясайлик.

«...Велиарлар зафар тантаналарини бошлагандан, ўзи учун жами эзгуликлар тугаганини англаған ҳўқизбош илкидаги оғир қиличларини судраганча, поида қалашган мурдаларни ораларди. У энди ёруғ дунёда яшолмаслигини се-зар, боз устига, елкасидаги зил-замбил юқдан осонликча кутулолмаслигини ҳам тушуниб етганди.

Эҳтимол, тиз чўкиб тавалло қилса, Тангри мушкулларини осонлаштирас?..

Конталаш шафақ оғушидан янграган ғарибона садо боис ўзига келган Эрлик ниҳоят ўрнидан турди. Мудхиш фожиага чидолмай, фарёд солаётган бўрисига армонли назар ташлаб тараффудланди. Сўнг тўсатдан гулдурос наъра тортиб, куролларини оёқ остига сермади. Ўртасидан ёрилган замин чоки кўз илрамас сарҳадларгача сўкила кетди. Қайлардадир янграган бўғиқ ғулғула кучая-кучая оламни зир титратган қасирғаларга айланди. Изидан қуюқ чанг-тўзон бўралаб, чор-тегра зулмат ичида қолди. Орадан сал ўтиб, атроф ёришганда, эҳром учун тош йўнувчи цехлар ўрнида пайдо бўлган тубсиз ўпкон тепасида қотган хоқон велиарларнинг саросимиали югуришларига тантанали назар ташлаб, охирги қарорини қабул қилаётганди...

Мажруҳ тана ўнгир ичида йўқолибок, қопқа ёпилди. Аммо, ҳўқизбошнинг мунгли пишқириғи узок-узок замонлар ер қаъридан эшитилиб турди...»

Шундай сатрлар билан Эрлик хоқон фожиасига якун ясамоқчиман...

Фақат бир нарсага ажабланяпман. Жалайир кампирнинг айтгани рост бўлса, хўкизбош нега тўққизинчи хоқонни кутмоқда? Янаям қизири, тўққиз рақамида қандай синоат бор. Аввалроқ бу ҳақда ўйлаб кўрмагандим, энди жиддий бош қотиришга тўғри келади...

* * *

Замонамга қайтганимда тепаликнинг ҳозиргина Зармо ва бўзбўриси сийрак тутунга айланиб, ғойиб бўлган бурчагидан атиги икки қадам узоқлашгандим. Қарама-қарши тарафдан Тамара Содиковна келмоқда. Зудликда ўзимни қўлга олишим даркор. Аҳволим ошкор бўлса, ҳаммасини қайтадан бошлишимга, лўли қизнинг туйқус йўкликка сингиши сабабини ҳам изоҳлашимга тўғри келади.

Йўқ, ночор ҳолатим Тамара Содиковнанинг зийрак назаридан четда қолмади. У доимгидай қўл узатиб қисқа саломлашгач, афт-ангоримга ишора қилди.

- Тинчликми?..
- Тинчлик... — ўнғайсизланиб жавоб бердим мен.
- Унда нега сувга тушган товуққа ўжшайсиз?.. — совукқина давом этди у.
- Бироз чарчаган бўлсан керак...
- Сори бобо келганди, сизни сўраб...

Қазиашма участкаси томон юрдик. Яқинлашганимиэда маҳаллий ишчилар билан гурунглашиб турган Сори бобо мени кўриб, сезилар-сезилмас эгилди. Бу таъзим оддий археологга эмас, кўксисда муқаддас тамға қаварган зотга аталган.

Тамара Содиковна ўртамиздаги муносабатга эътибор бермай, сухбатимиэга қулок тутди.

— Кеча Жарқўргон боргандим. Йўл-йўлакай Барчиндан хабар олдим. Келаси хафта турмушга чиқаётган экан. Тўйга таклиф қилди...

Унинг нега Жалайир момо демаганининг боисини дарҳол сездим ва сир бой бермай, таклифномага бепарво кўз юргутириб сўрадим.

- Барчинни ўзингиз келин қилмоқчи эдингиз?..
- Ниятимиз бор эди, тақдири қўшилмаса, начора!..



Сабабини тушундим, туркнинг қадим анъаналарига муво-
фик ўз элида қолган аёлгина улуғ эналика муносиб. Бу-
нинг яққол мисоли Кир Ахоманий кўксига қасос пайконини
йўллаган Дубчароқ тарихидир.

...Асосий мавзуга қайтдим.

- Тўйга балки бирга борармиз, Сори бобо?..
- Яхши бўларди. Тамара Содиковнани ҳам олиб кетардик.
- О, қанийди!.. Жарқўрғонликларнинг урф-одатига қизи-
қиб юрганимга анча бўлди, — жонланди Тамара Содиковна.
- Айтгандай, ўзингиз ҳам турмуш тўғрисида ўйлаёт-
гандирсиз? — кўккисдан сўради Сори бобо қишлоқилиги тутиб.
- Албатта, — жавоб берди Тамара Содиковна пинагини
бузмай. — Бир-икки ойда диссертациям ҳимояси. Ана кейин
тўй-да...

Негадир унинг тортинимай гапирганидан ғашим келди. Шу
боис бўлса керак, Сори бободанам ўтказиб ўнғайсиз савол
бердим, тўғрироғи, кесатдим.

- Сизга уйланадиган фан номзоди ҳам топилгандир?
- Аллақачон, қолаверса, уч-тўрт кун ичида Тошкентга бо-
риб келишим керак. Баҳонада ҳам ҳимоя кунини аниқлайман,
ҳам уйдагилар билан тўй масаласини келишиб оламан.

Бошқасини билмадим-у, шу ҳамкасбимни ўта жиддий
инсон, деб ўйлардим. Сурбетлигини қарангки, куёви алла-
қачон тайёр эмиш. Қиз бола дегани, нозик масалалар ҳақида
сўзлаётганда салгина истиҳола қилмайдими? Аммо гаплари
нақадар эриш туюлмасин, ичида мени қувонтирган жиҳатлари
ҳам бор...

Сори бобо қишлоғига эниб улгурмай, биз Тошкент ма-
саласини ҳал килдик. Тамара Содиковна иккиланмай маши-
намда кетишга рози бўлди. Эрта тонгдан йўлга тушамиз.

43-БОБ

Махфуз шаҳар*

Даставвал, уч соатлар чамаси сухбатимиз қовушмади.
Темир дарвозага етиб-етмай, беихтиёр икки ярим минг йил-
лар бурунги воқеаларни эслаб, шаҳаншоҳ элчисининг Турон

маликаси макон тутган дашти биёбонларга жүнагани, изма-из бораётган Кир Ахоманнинг Чак-чак довонидан ошгач, Нахшаб воҳасидаги илк хатоси, яъни Гауматнинг макрига учиб, маҳаллий аёлларни ишратпараст саркардаларига совға қилгани ва охир-оқибатдаги қонли қасос ҳакида сўзлай кетдим. Тамара Содиковна мозий тафсилотларимни индамай эшилди. Кўзим йўлдалиги сабабли ҳикоям унга қандай таъсир этганини кузатолмасам-да, Чак-чақдан ўтгач, бирор жойда тўхтаб, андаккина тин олиш ҳакидаги илтимосидан бекордан-бекорга лақиllumаганимни англадим.

Бошдан-адоқ яшилга бурканган каттакон адир бағрида тўхтадик. Машинадан тушгач, иккимиз ҳам беихтиёр юқорига ўрладик. Кир тепасига етиб эса янада фараҳбахш манзардан қалбимда кутилмаган эҳтирос жўш урди. Шеригим ҳам айни кайфиятдан холи эмасди чоғи, бир-икки энтикиб, қулайроқ жойга ўтирди.

Тизза бўйи майсалар қоплаган адир олис бурчакларигача қўй-қўзиларга тўла. Мен она табиат қўйнида ризқ-насибасини териб юрган жониворларга тикилиб, ўлкамиздаги ўзгача ободликни туйдим. Бу ҳиссиётларим шеригимга ҳам эриш эмас, дам-бадам роҳатланиб, ҳаприқиб қўймоқда. Шундай кайфият боис тўйиб-тўйиб нафас олиб ўтирганимизда, қўй-қўзилар безовталаниб қолишли. Сал ўтмай, бир-бирига қасдма-қасд ўйноқилаб югураётган икки той кўринди. Аввалига бепарво кузатиб турдик. Уларнинг бири қасрак, бири айғир эканини англач, беихтиёр Маранинг аёлларни ийдириш йўлидаги найранглари ёдимга тушди. Шу пайт қўлимни маҳкам тутамлаган Тамара Содиковнанинг оташин ҳансираши хаёлларимни бўлди. Олдинига унчалик эътибор бермадим. Кейин бармоқларим орқали дастлаб билагимга, сўнг бутун аъзойи баданимга юурган инжа ҳарорат сабабли юрагим гупирлаб ёнбошга ўгрилганимда, ҳамкасбим эс-хушидан оғиб, елкамга бошини қўйган, қўзлари хумор сузилиб, чехраси бекиёс тароват касб этганди.

Нима бўляпти, наҳот сиртдан жиддий кўринган қариқизбаногоҳ шунчалар «назокат»ли аёлга айланса?..

Бироз ўтиб у хушини йиғди ва ўшандаям қўлимни қўйвормай, сокин овозда шивирлади:

«Қизик, кишиларнинг кафт чизиқлари ҳам ўхшаш бўларкан-да?..»

Аввал нима деяётганига эътибор бермадим. Сўнг бехос ток ургандек, сакраб кетдим. Кутилмаган қилиғимдан Тамара Содиқовна чўчиб тушди. Уни баттар қўрқитиб юбор-маслик учун зўр-базур ўзимни ушладим. Кафтини ўтириб, назар ташлагач эса... Ҳайҳот, ҳаммаси ҳақиқат экан. Мен икки ой муқаддам «Мовий гумбазлар» хиёбонида лўли қиз кўрсатган тилсимга боз учрагандим. Қалбимни ногаҳоний ваҳима эгаллаб, жисми жонимни қора тер босди. Наҳотки, барча кўргиликларим қайтадан бошлансан?..

Аянчли аҳволим шеригимни ҳам бефарқ қолдирмади чори, бошимни кўллари орасига олиб, пичирлади.

— Бўлди, ўзингизга келинг, ҳаммаси ўтиб кетди...

Бу жумла қандай мақсадда айтилгани қоронфи, аммо ундан ўзимга керакли таскинни топдим. Ҳаммаси ўтиб кетди... Демак, қисмат такрорланмайди.

Барibir ҳам ўйлаб олишим лозим. Негаки, Зармонинг сирли равишда ғойиб бўлиши ва Тамара Содиқовнанинг мазкур ҳолати ўртасида мантикий узвийлик бор. Қолаверса, бояги жониворларнинг сармаст кувлашмачорини кўриб, севги ҳиссиётлари уйғонган унда. Демак, ёвуз Маранинг найрангу афсунларидан ҳам боҳабар. Бундан келиб чиқадики, тақдирим аслида шу ҳамкасбимга боғланган! Унда Зармо ким? Хоҳлай-хоҳламай, бу масалага ойдинлик киритишим керак.

— Кеча Холчаёнда Зармони кўрмадим?.. — ўсмоқчиладим сал ўзимга келгач.

— Қайтиб кетди, чамамда, қайси куни сафарим қариганга ўхшайди, деёғанди.

Тарвузим кўлтиғимдан тушиб, ўрнимдан турдим. Изимдан Тамара Содиқовна эргашди. Мен энди унга аввалгидаи эркакшода ҳамкасбим сифатида эмас, қалбимни ожизгина жизиллатган нозанин сифатида қараётгандим. Аммо Зармонинг фикри хаёлидан батамом кутулмагунча, бу учқун алангаламайди.

...Ургут довонидан ошиб, Самарқанд әтагига тушгунимиз-ча иккимиз ҳам миқ этмадик. Фақат катта йўлдан бурилиб, шаҳар ичига йўл олганимни сезгандан кейингина Тамара Содиқовна гап қотди.

- Мабодо, Самарқанднинг ичига ҳайдамаяпсизми?..
- Ҳозир бир жойга кириб ўтамиш.

Бу қарорга йўлга чиқмасимидан олдин келганман. Чунки Тошкентда, аввало, Аэзо Кабирович билан яккама-якка сухбат кутмоқда. Сўнг диссертациямнинг ҳимоясига боғлиқ масалалар... Хуллас, масъулиятли ишлар олдидан мұқаддас қадамжоларни зиёрат қылсак, зарар қылмайди.

Фикрим шеригимга маъкул келса-да, рулни Гўри Амир эмас, бошқа тараф бурганимдан салгина сергакланди. Машинани четроқда тўхтатиб, юқори ўрмалаган зиналарга оёқ босганимиздан кейин ҳаммасини тушунтиридим. У ҳайрон, наҳотки қадим дунёning учта салтанатига, бешта ҳукмдори*га хизмат қилган буюк зот шу ерда ётган бўлса?..

Биз зинадан чиқиб, Дониёл пайғамбарнинг мақбарасига кирдик...

Узунлиги ўн саккиз метрлик улкан қабр бошида ўтирган сийрак соқолли чол тиловатга киришганда, баданимга чумоли ўрмалагандек бўлди. Чунки мазкур қироатни бир неча муддат бурун қаррага эврилиб, буюк Соҳибқирон замонига етганимда эшитгандим. Боз ўша дамларга қайтдим. Қайтдим-у, эгарга мағурур кўнган манглайи гўштдор зотнинг қайларгadir отланганинимас, қайлардандир келаётганининг гувоҳи бўлдим.

...Соҳибқирон етти йиллик урушдан қайтмоқда. Бу сафарги ўлжалари салмоғи билан диққатни тортади. Узоқларга чўзилган турнақатор карвон мамнунияти бекиёс. Дараларга урилиб акс садо бераётган ёқимли овоз эса хаёлларни кўз илғамас сарҳадларга эргаштиради.

Аузибилаҳи миннашайтонар рожим...

Мен бир лаҳза Соҳибқирон узра муаллақ қотгач, бадар кетаман. Торгина тоғ сўқмоғида уфқларга чўзилган ўтиз туман черик устидан учиб ўтиш учун анча қувват керак бўларкан. Буни ўз танимда синаб кўрмоқдаман. Қанча вакт қанот қоқдим, билмайман. Қуролланган жангчилар қатори тугаб, ўлжалар юкланган уловларга етганимда кун пешиндан оғганди. Мунгли садо буларданам олисда янграмоқда. Йўлда давом этиб, кўрганларим ҳеч қандай тасаввурга сифмайди. Турнақатор тизилган соябонли араваларда тўрт-бештадан оқ либосли нуроний уламолар ўтиришибди. Сўнгти улов ор-

тидан эса оёклари ерга тегмай, уч нафар ғалати кимса сузмоқда. Ўртадагисининг сумбати институтимиз директорига ўхшаса, ёнидагилари юрагимга ханжар санчиш учун дабдурустдан тўртинчи қаватдаги хонадонимга ташриф буюрган шотирларнинг худди ўзи. Қиёфалари ташвишли!.. Наҳот велиярларни шунча олисларга отланишга мажбур қилган воқеа юз берди?..

Синчилаб қарайман, Вельзувелда унчалик қатъият сезилмайди. Сабаб? Мен ана шу сабабни топиш илинжида изимга қайтиб, карвон ўртарорида соябони ҳарир, фидираги олтин аравага дуч келдим. Устига алвон баҳмалга буркалган тобут юкланган. Яқинлашганимда, муллалардан бири нинг ўрнини бошқаси эгаллади, манзилга етгунча тиловат тинмаслиги керак, илло, уч-тўрт сониялик сукунат орқадан эргашган велиярлар учун кифоя, Оллоҳнинг каломидангина қўркишади улар...

Пайғамбар хокини ўлжа дейиш мумкинми, йўқми билмадим-у, ҳар ҳолда, уни бағрига олган тупроқ қиёмат қадар қут-баракали, осоиишта заминга айланиши аниқ. Алкисса, мен Кир Ахоманни ҳалокатли сафардан огоҳлантирган зотнинг муборак хоки сўнгги манзилига йўл олган дамларда пайдо бўлибман.

Тўғриси, ахён-ахёнда кундалик ташвишлардан воз кечиб, қизикроқ нарсалар тўғрисида ўй сурган онларим, етти ухлаб тушимга кирмаган мўъжизаларни эслаб қоламан. Дейлиқ, Дониёл пайғамбар нақ икки минг йил нарида туриб, ўзининг охирги манзилини қандай билди? Кейин карвон ортидан эргашган кимсаларни ҳам эндилиқда ҳақиқий исмлари билан атасак. Масалан, шайтон дея. Дарвоқе, инсоният ва велиярлар ўртасидаги шафқатсиз жанг тафсилотини ёзиб тутатгач, лугат титкилаб, бу фикримнинг асосий исботига дуч келганимни айтмабман. Ўшанда Эрликнинг ёрийга нима деб қичқиргани ёдингиздами? «Жэк!..» Бунинг маъноси шайтон, иблис демакдир. Қарангки, биринчи турк хоқони рақибининг аслида ким эканлигини аниқ сезган экан. Эндијам унинг Парвардигор жангчиси бўлмаганини исботлаб кўринг-чи?..

Хуллас, Жэкнинг ялавоч хокини сўнгти манзилгоҳига элтаётган ғолиб карвон ортидан эргашганига келсак, менимча,

бу ерда ноаниқ нарса йўқ, Соҳибқирон мақсадини чиппакка чиқармоқчи. Негаки, Самарқанд азал-азалдан Туроннинг дурдона шаҳристони бўлган. Вельзувел келажагини олдиндан кўра билгани боис, пайғамбар хокини маҳфуз шаҳарда макон топишини истамаган. Аммо иблис нақадар маккор бўлмасин, Оллоҳ ҳукми ҳамиша барқарордир...

— Субҳона роббика роббил иззати аъмма ясифун...

Англаган навбатдаги ҳақиқатимни миямга қуийб, қўлимни фотиҳага очдим...

Кейинги зиёратгоҳимиз Гўри Амир...

44-БОБ

Зармо

Тошкентга етгач, Тамара Содиқовна билан хайрлашдим. У уйига кетди. Мен меҳмонхонада тунайдиган бўлдим. Эртага тўққизда институтда учрашамиз.

Меҳмонхонага жойлашиб, бироз дам олиш истагида чўзилсан-да, ҳадеганда уйқум келавермади. Боз устига, оқшом салгина пинак қилсан, тун бўйи бедор юришимни эслаб ўрнимдан турдим-да, наридан-бери ювениб, кўчага чиқдим. Мақсадим — овқатланиш. Шу сабаб «Мовий гумбазлар» чойхонасига отландим. Йўқ, аллақачон Зармодан кўнгил узганман. Уни аслида мавжуд бўлмаганини англаганимдан ҳам хабарингиз бор. Ҳозир овқатланишга бошқа қулайроқ жой топмаганимдан ўша томонни кўзлаяпман.

Меҳмонхонадан чиқиб, ўнг тарафга юзланганимда шундай фикрлар оғушида эдим. Катта кўчани кесиб ўтгач, бирдан юрагим ҳаприқиб кетди. Гумбазлари элас-элас кўринган чойхонага яқинлашарканман, ҳаприқишим тобора кучайди. Четдаги ўриндиқларга ялпайган лўлиларни кўриб, аҳволим боз оғирлашди. Фавқулодда ҳаяжонимни ўзича тушунган лўлилар ўринларидан туриб, кечки «ов»лари томон интилишди. Сўнг бадар кетаётганимдан ҳафсаласиз ғурданиб, жойларига қайтишди. Мен ўша қадрдон ўриндиқقا етгач, негадир бепарво ўтиб кетолмадим, тўхтаб бирпас дам олиши иstab қолдим. Ўтириб кўзимни юмганимда эса унут кўргиликларимни қайтадан яшай бошладим, ихтиёrimдан

ташқари ҳолатларга әғалик қилолмай, алоқ-чалоқ ўйларга берилдим. Оддий турмушдан бошланиб, туппа-тузук афсоналарга уланган ғаройиб ҳәётимга ишониш-ишонмасликни билмай қийналаётганимда, кимдир қўлимдан тутди. Ҳушим аллақачон олис-олисларда бебошвоқ кезаётгани туфайли дастлаб бунга парво қилмадим. Гёё мозий пучмоқларида юрибман-у, таним ўтмишдошлар тафтини сезмоқда. Оний муддатдан сўнг вужудимга ҳарорат бағишилаган кимсага қизикишим ортди. Кўзларимни очганимда... рўпарамда Зармо турарди. Ҳа, худди ўзи. Фақат эгнидаги оқ-қора кофта-юбкаси ўрнига алмисоқмерос этаги кенг кўйлак кийган. Бокишилариям бежо.

Ҳечдан кўра кеч, ҳозир бирор нима демасам, кейин афсус чекишим мумкин. Амал-такал ҳушимни йиғдим-да, титрай-титграй фудрандим.

— Мени нега ташлаб кетдинг, Зармо?..

У энсаси қотиб тасқарасига бошдан оёқ разм солгач, дафъатан худди илгари пайтлардагидай шарақлаб кулди. Фавқулодда қаҳқаҳасидан сал-пал таскин топсан-да, гапларидан баданим музлади.

— Эс-хушиңгиз жойидами, ако?.. Намунча айғирга йўлиқ-қан байталга ўхшаб қийшанглайсиз?..

Рости, совуқ муомаласи майли, беҳаё гапидан тепа сочим тиккайди. Чунки қаршимда ўзим билган маҳбубам эмас, тўрт-беш сўм топиш илинжида овга чиққан сурбет лўли турарди. Беихтиёр, илк учрашувимизни эсладим.

«Эшитганларинг менинг гапларим эмас...»

Энди билсам, унинг бу сўзлари билан Бўрижардан то-пилган икки ярим минг йиллик устухон ўртасида ғайриоддий уйғунлик бор. Дейлик, олдинги Зармони булбулдай сайратган хилқат оёғига қўнғироқли қўзмунчоқлар боғлаган Зулпин Фарипова бориб, ўлим топган замонлардан келмаганига ким кафолат беради?.. Модомики гоҳ арвоҳга, гоҳ қарғага айланиб қилган сирли парвозларим-у, Аззо Кабировичнинг аслида ўзга сайёрадан келган велиарлигига ёхуд Бўзқуртнинг ким-кимларга эврилиб, мудом яшаётганига ҳеч ким шубҳа қилмаскан, бу икки лўли қизга боғлиқ тилсимлар ҳам айни ҳақиқат.

Бироқ умид узиш, барибир, қийин кечаркан. Ногаҳон уйғонган сўнгги илинж истагида қўрқа-писа қўлини ўғирдим.

Қадоқли бўлиқ кафтида ўзимнигига тамомила бегона чизикларни кўргач эса, ниҳоят юрагим яхлади.

Ҳафсаламни пир қилган кейинги нарса қуббалар эди. Ёдингиздами, уч-тўрт ҳафта бурун ботиний ҳаракатларим натижаси ўлароқ, оний лаҳзада Тошкентга келиб, «Мовий гумбазлар» чойхонаси узра айланганимда қуббалар тўққизта эканини айтувдим. Карангки, ўшанда адашган эканман. Ҳозир нечоғлик дикқат билан санамай, улар тўққизтадан кўп чиқмоқда.

Тарвузим кўлтиғимдан тушиб, аста изимга бурилдим. Энди овқатланиш нари турсин, қайтанга, бўғзимга тикилган шўр таъм тутундан кутулиш учун тезроқ ётогимга қайтишим зарурлигини англадим. Демак, йўл бўйи миямни кемирган фикрлар-у, Тамара Содиконнинг гаплари айни ҳақиқат. Мен аслида мавжуд бўлмаган кимсани севиб қолганман. Ҳаёлий муҳаббат... Аммо, шу муҳаббатни манави лўлига қандай боғлашни билолмай қийналмоқдаман. Қолаверса, унинг ҳаётимда нақадар катта ўрин тутганидан хабарингиз бор. Шундай экан, энди нима қилай? Тинчгина кетаверайми ёки ҳаммасини қайтадан бошлайми?.. Ҳар ҳолда, Зармонинг бурунги ҳолига қайтишига ишончим йўқ. Негаки, бу қисман ўзимга боғлик. Мен эса зиммамдаги вазифаларни аллақачон уddaлаб бўлдим. Қолган майда-чуйда юмушларга бегонанинг кўмаги шартмас. Энди у ўзлигига қайтиб, эски турмуш тарзини давом эттираверади. Дарвоқе, бир гал қишлоқ оқсоқоли ўғлига сўратгани хусусида гапирувди. Ўша орзулари ушалса, беш-олти йилда жўжабирдай жонга айланади...

Мен эса... Бекорга «Севгининг кўзи кўр...», дейишмаскан. Йўқса, бўлғуси фан арбоби оёқ-кўлинни кир босган лўлига ошиқ бўлармиди? Каранг-а, шунчаликка борганимни сезмабман. Дунёдаги энг гўзал қизга учрадим, деб юраверибман. Аммо Зармо бўлмаганда, бугунги ишларимни ўндан бирини ҳам эплолмасдим. Ахир, ҳаммасига онда-сонда хуш-бехуш алаҳсирашлари туфайли эришдим-ку. Қолаверса, кафтимиздаги эгизак чизиклар... Қизик, олдинги сафар кўрганимда, йўллар бир-бирига ўхшарди... Буни иллюзия ҳам дейишади. Эҳтимол, ўшанда кўзларим алдагандир?..

Майли, ҳаммаси ўтди-кетди, бориб бамайлихотир дам оламан...

Хануз томоғимда қотган тугундан қутулиш мақсадида, беҳуда ютина-ютина қадамимни тезлаштиридим.

45-БОБ

«Мен — ўшаман!..»

Келишилганидек институт остонасида Тамара Содиқовна, Карим Ниёзович, аспирант ва Хуршид Низомович учрашишди. Улар кеча телефон орқали барча режаларни пишишиб олишган, сўнг Боймуҳаммадов тергов ишларига бевосита аралашиб келаётган термизлик ҳамкасбини ҳам Тошкентга чорлаганди. Қисқа маслаҳатдан сўнг директор ҳузурига аспирант ва терговчи кирадиган бўлишди.

Сўроқ-истоқсиз пайдо бўлган кимсаларни кўрганда, ёғоч тувакдаги лимонлар баргига сув пуркаётган Аззо Кабирович дастлаб ажабланди. Кейин кутилмаган меҳмонлардан бирини танигач, зўрма-зўраки илжайиб тавозе қилди.

Аммо профессор нақадар уринмасин, аввалги сипо қиёфаси кескин ўзгарган, думалоқ кўзлари атрофидағи ажинлари йўғонлашиб, шунақа хунуклашгандики, уни дабдурустдан аспирант ҳам таний олмади.

Меҳмонлар ўтиргач, Сулаймонов ҳол-ахволлашган бўлдида, тортмадан бир пачка сигарета чиқариб, муроҳат қилди. Улар рад этишгач, ўзи тутатди. Сўнг ғалати воқеалар рўй бера бошлиди. Гарчанд терговчи ҳам, аспирант ҳам эндиғи ҳодиса ўз фойдаларига эмаслигини яққол англаш туришса да, сехрлангандек тош қотишиди. Аззо Кабирович сигаретани чукур тортиб, бурнидан бурқситгач, ҳавога ёйилган оқ тутун ўз-ўзидан қуюқлашаверди. Карим Ниёзович бирдан Зулпин Фариповани дом-дараксиз йўқолишига доир тергов жараёнини эслади. Оқшомлари беш яшар ўғлини эргаштириб хиёбон айланадиган Розияхоннинг айтганлари боз амалга ошаётганга ўхшайди. Чунки ўшандаги мудҳиши воқеалар ораста шахснинг сигарета чекишига боғланувди. Шунга қараганда, қари туллак яна гумашталарини ёрдамга чорламоқда.

«Апполион, Армаддон!..»

Шипдан енгил эпкин пайдо бўлиб, тутун сал-пал тарқалди.
Кизил шарпалар...

Гарчи ҳаёти дахлсизлигини билса-да, аспирант сакраб ўрнидан турди. Карим Ниёзович ҳам ниманидир эслади. Ҳа, ўшанда Сулаймонов Розияхон айтгандаи, «Палон, писмаддон» эмас, «Апполион, Армаддон», деган экан. Шулар хаёлдан ўтгач, у кашанданинг қўлига ёпишди. Сўнг воқеалар давоми янада тушунарсиз кечди, Боймуҳаммадов сигаретни кулдонга босиши билан ҳалиги шарпалар шалоплаб столга тушди. Қарашса, қизил либослар ичиди эски танишлари йўқ. Аззо Кабировичнинг эса қават-қават ажинлари баттар тарвақайлаб, соchlари пешонасига осилди. Ўзи хириллаганча, ўхчий кетди. Йўтали тингач, томорини қириб бўғизида қотган бир ҳовуч балғами оёғи остидаги чиқинди пақирига туфлади-да, межмонларга юзланди.

- Эшитаман?..
- Сизнинг изингиздан келдик, — гап бошлиди Боймуҳаммадов унинг ҳеч нима бўлмагандай ўзини тутишига ажабланиб.
- Яхши. Мана мен, қаршингиздаман, — бамайлихотир фудранди директор.

Карим Ниёзович чўнтагидан кишан чиқариб, унинг қўлига тақди.

- Зулпин Фариповани нима учун ўлдирганингизни айтиб берсангиз?
- Каминангиз бирор ишни шахсан бажармайди, факат буюради. Бинобарин, Зулпин Фарипова деганингизни ўлдиришга фармон берганимни эслолмайман. Қолаверса, дом-дараксиз йўқолган одамни токи жасади топилмагунча, ўлдига чиқаришмайди, — совуқ ишшайди у.
- Конунларимиздан хабардор экансиз.
- Бундай қонунлар доим бор бўлган...
- Демак, Эрлик хоқонни ҳам ўлди, деб айттолмайсизда?.. — сухбатга қўшилди аспирант. — Иложи бўлса, шу ҳақда гапирсангиз.
- Бажонидил... — истехзоли жилмайди Сулаймонов, — Эрлик хоқон туркнинг биринчи ҳукмдори. Буни китобларда ўқиганман. Ўшаларга мувофиқ, у жангда бошидан ажралгач,

ўрнига жўкизнинг калласини қўндириб олади. Уни ўликлар салтанатининг коровули сифатида ҳам тасвирлашади.

Сулаймоновнинг муддаоси тушунарли, ўзининг кимлигиги ни тан олмоқчимас. Айтган тақдирдаям, бирор ишонмайди. Бироқ, уни гапга солиш даркор. Чунки айнан ўзининг иқроридан нега туркка қаршилигини англаш мумкин бўлади. Бу ерда барча воқеаларни бош-адоқ биладиганлар икки киши. Очиқ ўйинга ўтиш лозимлигини сезаётса-да, ҳозирча на униси, на буниси юрак довламайди, бунга сабаб керак. Шундай экан, бири кўнгил бисотини ағдариб, рақиби қулф-калитини очиб юборадиган сехрли каломни қидирса, иккинчиси истехзоли жилмайиб туради.

Аспирант Эрлик хоқон билан кечган олишувни эслаб, керакли сўзни топди.

— Менимча, у беҳисоб олтинларни кўриқламоқда. Жэк-нинг олтинларини...

Бу гап Карим Ниёзовичда тушунарсиз таассурот уйроғотди, Сулаймоновни эса ҳовлиқтириб қўйди, шекилли, шоша-пиша терговчига фудранди.

— Рухсат берсангиз, бўлғуси фан номзоди билан очиқчасига гаплашиб олсам.

Карим Ниёзович уларга шубҳали бокиб, ташқарига йўналди. Аззо Кабирович давом этди.

— Марҳамат, сўранг, нималарни билмоқчисиз?

Аспирант бундай имкон ортиқ тугилмаслигини сезиб, та-каллуф қилди.

— Авваламбор ҳозирги қўполлигимиз учун уэр сўрайман.

— Зарари йўқ, бошлай қолинг, вақтимиз зик.

— Эрлик хоқон қандай ҳалок бўлганди?..

— Эрлик хоқон ҳалок бўлган эмас, тўққизинчи хоқонни кутмоқда, — хотиржам жавоб берди Аззо Кабирович.

— Тўққизинчи хоқон ким?..

— Шу сирни очолмайман. Кўпроқ китоб ўқисангиз, жавоби топилади.

— Мен китоблардагини эмас, асл ҳақиқатни билмоқчиман.

— Ростдан асл ҳақиқатни билишини хоҳласангиз, олис замонларга яна бир бор қайтишга тўғри келади. Ўшанда Эрлик қиличини ерга урганда, нафақат эҳром учун тош йўнувчи цехлар, балки Вельзувел, Апполион, Армаддон-

дан бошқа жами велиарлар ҳам улкан ўнгирга қулаганини күрган бўлардингиз, азизим... — ҳикоясини бошлади Аззо Кабирович, маъюс тортиб.

Аспирант таваккал ёзганлари қисман тўри чиққанига қойил қолди.

— Шундан кейин мен тоабад туркий билан олишишга аҳд қилдим. Чунки ўша дамларгача бизга бирор кимса қарши чиқмаганди... Ҳа, сиз бошқа нарсани ҳам тўри топдингиз. Турк ростдан худо ёрлақаган халқ. Мен буни ўз кўзим билан кўрганман. Диссертациянгизда эътироф этилган пайғамбарлар замонасида ҳам яшаганман. Бегонага қарши кураша оладиган яккаю ягона қуч нега мана шу қавм бўлганини энди тушунгандирсиз?..

— Уни енголмаслигингизга, ниҳоят икрор бўлдингиэми?..

— Енгган жойимизга шубҳангиз борми, азизим?.. Унда қавмингиз бир-бирига етти-ёт бегона бўлиб кеттанини изоҳланг-чи? Сўрадингиз, яна бир сирни очай. — Раҳбар ходими сергакланганини кўриб, интизор қилиш ниятида жиндай сукут сақлади. Сўнг сирли тарзда шивирлади. — Туркни ўзбошимчалик ва манманлик йўқотади. Бу туйғуларни унинг қалбига ўрнатишга қанча хизматим сингганини биласизми? Аввал уни жисмонан маҳв этишга уриндим. Эпломагач, тарихини чалкаштирдим. Натижада келиб чикишингизни исботлайдиган далил қолмади.

— Ҳўқиз терисидаги битикларни хисобга олмаганда!..

— Ҳа, ўша пўстакни хисобга олмаганда... — истамай тасдиқлади Аззо Кабирович.

— Уни йўқотишга бошқа уринмадингиз ҳам... — ўсмокчилади аспирант.

— Даҳлсиз кимсанинг мулкига тажовуз қилишга ҳаққим йўқ. Чунки бизнинг-да ёзилмаган қонун-қоидаларимиз бор. Бинобарин, нақадар ёвуз бўлмай, мен ҳам ўша тамойилларни рад этолмайман. Кўксингиздаги тамға Яратганинг совфаси. Шундай экан, ким ҳам Парвардигор иродасига қарши чиқарди?..

Унинг бу гапидан аспирантнинг қалбини ўзга жумбоқ кемира бошлади. Ахир, кўкрагига ханжар санчишганда тамғадан асар ҳам йўқ эди-ку. Шундай экан, бу гапларни қандай тушунсин? Қолаверса, ништ қолипдан кўчган, Эрлик хоқон ўз

жазосини олган экан, яна нима керак велиарларга? Бунинг ўрнига бошқа иш билан шуғулланганлари яхшимасми?..

— Бошқа иш билан шуғулланишимиз мумкин эди. Аммо, Марс ва Юпитер ўртасидаги сайёра ёдингиздадир?.. Нибар бизнинг она Ватанимиз. Унинг ерга яқинлашадиган пайтини кутишга маҳбумиз. Бу олти минг йилда бир бор рўй беради. Ўша муддатга яқин қолди. Бироқ биз бор-йўғи учтамиз, учоқларимиз кўпроқ... Бунинг устига, охирги дамда кимдир халал беришидан ҳам кўрқаман.

Колганини ўзингиз вақти-соати билан тушуниб оласиз. Кимматбаҳо пирамида тошларига келсан, ортиқча вай-саб юрманг, барибир ҳеч ким ишонмайди, олтин ғиштлар эҳромларнинг ички деворига қаланган. Шундай экан, насиya деб, буюк ёдгорликларни бузиш қип-қизил аҳмоқчилик бўларди...

Шу сўзлар билан Аззо Кабирович сұхбатга якун ясади. Аспирант эса вақтни ўтказмай, яна савол берди.

— Факат бир нарса ноаниқ...
— Менинг ҳам шартим бор. Ҳўқиз терисини йўқотасиз...
— Маъқул... Тўққизинчи хоқон?..
— Тўққизинчи хоқон даврида юрт бемисл фаровонликка эришади. Айтгандай, манавини сизга бермоқчийдим.

У ортига ўгрилиб, жавондан Лев Гумилевнинг ўша китобини олди.

— Бу асарни ўқиб чиққанингизга ишончим комил. Аммо, яна бир бор кўздан кечирсангиз зарар қилмайди.

Аспирант мухтарам академикка ҳурмат юзасидангина китобга узалиб, тўғри келган сахифани очди. Кўзи вараклар ҳошиясидаги тузатишларга тушганда эса хурсандчилигининг чеки қолмади. Негаки, сатрлар ва тузатишларни мантиқан боғлаб, ғойибона саргузаштлари таассуротларидан унумли фойдаланса, ҳўқиз терисидаги ҳикоялардан кам бўлмаган ютуқларга эришиши мумкин.

...У китобни кўлтиқлаб зинадан тушаркан, орқасидан Карим Ниёзович етиб олди. Ранг-рўйининг бўздай оқарганидан бир кори ҳол юз берганга ўхшайди.

— Аззо Кабирович ғойиб бўлди. Деразалар маҳкам, стол устида кишан, қизил либослар ва мана бундан бошқа ҳеч вақо йўқ, — у қўлидаги варакни кўрсатди.

«Мен — ўшаман!..»

Бу — сал олдин Розияхоннинг Аззо Кабирович қабулига кирганда котибаликни эплай олишининг исботи сифатида ёзганлари эди. Демак, Максим Азиэйнинг бевақт ваҳими, жувоннинг сарик «Жигули»да уйига бора-боргунча алаҳсираши сабаби аён. Бунда, албатта, Сулаймонов мўъжизалари ҳам роль ўйнаган. Чунки киши дабдурустдан айбига икрор бўлиши учун ботинийми, зоҳирийми таъсир даркор. Айни пайтда шу икки сўз аспирант учун бошқа бир жумбоқни ҳам ҳал этди. У Аззо Кабировичнинг умумий қиёфасини Оллоҳ лаънатлаган фариштага менгзаб келарди. Афтидан, директор аслида ўзининг кимлигини исботловчи варақни бежиз стол устида қолдирмаган...

Терговчи воқеаларнинг ҳар қандай ўзгаришига тайёр эди. Шу сабаб деярли икки ойга чўзилган иши якунланаётганда чиппакка чиққанидан эсанкирамади. Тергов жараёнининг сирли жиҳатларидан раҳбариятни огоҳ этмаганиям тўғри экан, ноўрин хижолатпазлиқдан кутулди. Энди сўнгги режани амалга оширади — бора солиб гумондорларга қидирув эълон қиласи. Унинг ишончи комил, Аззо Кабирович ўзининг ҳаётмамоти тикилган диссертацияни йўқотишга уринади. Мабодо, айбдорларни қўлга тушиrolмаган тақдирдаям, рисолани кенг оммага етказишса, марра уларники, инсониятнинг энг хавфли душманини маҳв этдик, дея кариллаб юришлари мумкин.

Улар атрофда нима бўлаётганига тушунолмай бош қашиётган дарбон олдида бир зум тўхтаб, нафас ростлашдида, ташқарига чиқишиди. Хуршид Низомович ва Тамара Содиковнанинг ёнидан ўтаётганда, аста имо қилиб, сарик «Жигули»га ўтиришди.

46-БОБ

Тамға

Мен илк ишимни шунчаки олим бўлиш ниятида олгандим. Енгилтаклигимми ёхуд лоқайдлигим сабабми аспирантурани ташлаб кетгач, кейинги гал амаллаб номзодликни

ёқласам, бирорта ўқув даргохига илашиб кун кечиарман, деган ниятта бордим. Учинчи дафъа эса диссертацияга дом-ламнинг насиҳатлари-ю, азалдан қонимда жўш урган ватан-парварлигим боис қўл урдим.

Аммо аввал айтганимдай, бу уринишум ҳам чипакка чиқишига сал қолган. Эндиғина ҳаммасидан воз кечиб, тирикчиликнинг ўзга чораларини излаётганда ногоҳ, «Мовий гумбазлар» хиёбонида қарашлари жон олувчи лўли қизга учраб, аҳдим қатъйлашган.

Кизиқишим институтимиз директори Аззо Кабирович Сулаймонов туфайли тобора гуруллагач, номзодликни, албатта, ёқлашим зарурлигини тушунганман. Холчаёндан то-пилган Будда ҳайкали ва ҳўқиз терисидаги битиклар эса менинг оддий мавзу олмаганимни исботлаган-у, дафъатан бошқа каттарок ишлар учун туғилганимни сезиб қолганман. Айниқса, алвон либосли безорилар юрагимга ханжар санч-гач, арвоҳим қорақушга айланниб дунё кезганида, қарорим баттар қатъийлашган. Натижада нафақат номзодлик, балки докторлик ишига арзири манбаларни тайёрлаганимдан боҳабарсиз.

Энди бундок қарасам, ёзганларим илмий ишдан кўра, бадиий асарга кўпроқ ўхшаб кетмоқда. Аммо, бундан аф-сусланмайман. Негаки, тарихга барышланган рисолалар фалсафий тушунчалар, шахсий дунёқарашлар умумлашмасидан ҳам яратилиши мумкин, далил-исботларингиз етарли бўлса, бас. Ҳақириңгиз эса бу масалада ҳеч кимдан кам эмас.

Шу боис Тошкентдалигимда Махсим Азизий ноанъанавий усулда ёзилган рисоламни ўқиб роса ўйланган, зарур одамлар билан маслаҳатлашгач, оқ йўл берган, Сулаймонов ўрнига тайинланган янги директоримиз ҳам ижобий фикр билдирганди.

Хуллас, диссертациям ҳимояси белгилангач, хотиржам нафас олдим. Энди бир муддат ташвишларга қўл сил-ташим мумкин. Баҳонада Тамара Содиқовна билан муносабатимни йўлга солволаман. Дарвоҷе, қанча ўйламай, завжаликка ундан муносиб номзод топмадим, бекаму кўст экан. Онамга нақадар ёққани тўғрисида-ку, гапириб ҳам ўтирумай. Фақат онда-сонда оз-моз таажжубланаман. Саба-

би, умр савдосидан гап очилса, ғайритабиий ишонч билан «Мен, албатта, фан номзодига турмушга чиқаман», дерди. Келажагини олдиндан күрганига қараганда, ундей-бундай одамга ўхшамайди... Зармонинг айрим белгилари унга ўтиб қолгани-чи?..

* * *

Тошкентдан қайтганимнинг эртасига Хуршид Низомович ва икки ғаввос ҳамроҳлигида Учкўл^{*}га жўнадик. Соҳилга етгач, кўзларимни юмганча ўтган воқеаларни хотирлайвердим. Кўзлаган манзилим шу ердалигига тўлиқ ишонч ҳосил қилгач, қайикда сузиб кетдик. Ўша жойни аниқ эслолмасамда, тахминан эллик метрлардан сўнг тўхташга буюрдим. Ғаввослар тўрт-беш бор шўнгигач, қўлларида нимадир кўтариб, сув юзасига чиқишиди. Устини бақатўн қоплаган тугуни тортиб олган Хуршид Низомович тўсатдан менга ажабланиб қаради. Негаки, арвоҳга айланганимга ишонмаганди. Энди жонлантириш бўлимида ётганимда чўқтирилган ашёни бехато топганимга нима ҳам десин?..

Уйда ҳайкални обдан қуритиб, иккига ажратдим-да, хўқиз терисининг пастки қисмидаги ўзим ёзган янги мисраларга сўнгги бор кўз югуртириб, ичига солдим. Саҳарлаб йўлга отландим. Машинамни қичаб, икки соатларда манзилга етдим. Холчаёнда Тамара Содиковна кутиб олди. Биргалиқда орка ўриндиққа маҳкам боғланган «Будда»ни ечиб, чодири-мизга қарама-қарши томон йўналдик. Ҳаш-паш дегунча, уни эски жойига кўмиб, устини текислаб ташладик. Туш маҳали археологларга бегона ишчилар қўшилди. Сезишимча, Хуршид Низомовичнинг одамлари. Улар бюст кўмилган ерни сўрашди... Энди сиртдан содда кўринган бу икки йигит туну кун пойлаб, велиарларни кутади. Мен эса нотавонларнинг саъй-харакатлари беҳуда эканини сезиб турсам-да, бошқа нарсадан кўнглим тўқ. Аззо Кабирович сўзининг устидан чиқади, ҳайкалнинг изидан тушмайди...

Эртаси Жаркўрғонга жўнадик.

Бизни Сори бобо кутиб олди. У иккимизга халақит бермаслик ниятида бўлса керак, тўйхонага кечәёқ келиб олган. Қайтишни эса эртага қолдирган. Ҳуллас, қисқа саломаликдан сўнг ичкарига кирдик. Кўлбола сўзаналар, гулдор

палақлар билан безатилған хонада бошидаги түқкіз қават «салла»ни ечиб, бежирим рўмол ўраганидан жиндақкина салобатини йўқотган Барчин пешвоз чиқди. Сори бобо тўй югур-югури баҳона учовимизни танҳо қолдиргач, бемалол сұхбатлашдик. Гурунг дастлаб диссертациям, кейин шахсий турмушим хусусида кечди. Орада Барчиннинг шеригимга фавқулодда диққат билан термилганини сездим. Йўқ, бу нигоҳ замирида бемаҳал rashk ёхуд ҳасад эмас, хурмат ва ҳавас бор эди.

Зармо хусусида гапиришни эса Барчин истамади. Фақат гап орасида оҳиста, «Бўри уни бекорга лўлилар орасига келтириб ташламаган», деди. Аввал гапига тушунмадим. Сўнг тўй тарқаб, уйга қайтаётганда йўл-йўлакай муроҳаза қилиб, маъносини англадим. Ахир, бутун бир халқнинг ҳаётига таъсир ўтказиш учун фол баҳонасидаги танишув энг мақбул йўл эди-да...

Чиқаётганимизда, Эрлик хоқон тамғасини кўрсатишни сўрадим. У сандиқни очиб, ичидан бурунроқ гувоҳ бўлганим — олтин қутичани олди. Мен пинагимни бузмадим. Тамара Содиковнанинг эса кўзи чараклаб кетди...

Шу ерда қутичани қўлимизга олиш шарафига хам мушарраф бўлдик. Бундай имкон қайта туғилмаслигини англаған Барчин уни Тамара Содиковнага берди. Тамара Содиковна эса менга узатди. Мен иккиланиб, Улуг Энага қарадим. У маъқуллаб бош иргагач, кумуш илтакни кўтариб, қопқокни очдим. Бироқ минг афсуски, ичида ҳеч вақо йўқ эди. Даставвал буни ҳазилга йўйдим. Барчиннинг бамайлихотир қиёфасини кўргач, тарвузим қўлтиғимдан тушди. Нигоҳимдаги саросимани сезиб, у кўкрагимга ишора қилди. Мақсадини тушунсам-да, иложим йўқ, бадандаги суратни қўпориб бўлмайди-ку, ахир...

Мен Барчинга термилдим.

— Тамға қаерда?

— Шу ерда. Уни ўз жойига қайтариш сизнинг қўлингизда.

Боз иккиландим. Сўнг олтин қутича ичидаги қизил мато тортилган қолипга яна бир тикилиб, қўзим шарақлаб очилди. Карангки, дунёдаги энг ноёб асотир икки ойлардан бўён ёнимда экан-у, мен сезмабман. Демак, ўшанда Улуг Энани сайлаётган уруғ вакиллари баданимда қаварган шаклга эмас,

бўйнимга осилган тошга сажда қилишган. Унда Тўмарис ва шерикларининг Кир Ахоман элчиси олдида нафас ютгандари, тақдир эшигидан ҳатлаган Бўэқурт рўпарасида сонсаноқсиз қўшиннинг гуппа йиқилиши сабаби ҳам шунданда. Қолаверса, охирги сұхбатимизда Сулаймонов дахлсизлигимни кўксимдаги тамғага боғлаганидан ажаблангандим. Ваҳоланки, дағънатан тирилишимгаям, жонимга сүиқасд қила олмасликларигаям аслида шу тумор сабабчи экан. Ахир, унга термилган оним истаган манзилларимда кўз очганимдан ҳам қўлимдаги тош ундей-бундай ашё эмаслигини англашим мумкин эди-ку. Ҳом сут эмган банда... Энди уни жойига қўймоғим даркор. Ҳудога шукур, машакқатли юмушларни бажариб бўлдим. На Вельзувел, на Сулаймонов ортиқ хавфли эмас. Номзодликни муваффакиятли ёқлаб, Тамара Содиковнага уйлансам, тамом-вассалом, тинч-тотув турмушни бошлайман. Бегона давру давронларга бемаҳал сафарлар-у, қонли муҳорабалар зинҳор-базинҳор безовта қилмайди.

Бўйнимдаги туморни олаётганимда Тамара Содиковна сергакланиб, яқинроқ келди-да, туркнинг мангу тамғасини ёнидаги тўпори ҳамкасиб тақиб юрганига ишонолмай, ҳайратланиб узоқ термилди. Барчин феруза тошни тилла қутичага соглаш, қўшқуллаб ушлаганча уч марта ўпиб, уч марта пешонасига сурди. Сўнг турган жойида уч бор айланиб, сандик томон йўналди. Ёнимизга қайтиб, антиқа ҳаракатларидан таажжубланган ҳамкасбимга изоҳ берди.


«Оллоҳ бутун борлиқни мартаба-мартабаси билан яратган. Бироқ, ҳеч бир нарсанинг мартабасини тўққиздан юқори қылган эмас. Қолаверса, ибтидодан интиҳогача рақамлар ичida бундан каттаси бўлмайди. Борлари ҳам бирламчи сонлар қўшилувидан иборат. Шу сабаб тўққиз рақами улуф саналади. Шу боис туркнинг жанговар туғлари тўққизтадан ошмаган...»

Чиқар чоғим ечими топилмаган яна бир сирни аниқламоқчи бўлдим. Барчин бажонидил жавоб берди:

«Тўққизинчи хоқон туғилса, Эрлик ер қаърини тарқ этиб, азалий қиёфасига қайтади, бу – бир қин икки қиличга торлик қиласиди, дегани...»

Бирдан миям яшин тезлигига ишлай кетди. Вақтни ўтказмай, мазкур фикрни диссертациям моҳияти ва Аззо

Кабирович хавотирларига мантиқиј бөгловдим, жаңон тарихидаги энг мавхұм тилсімілардан бири очилди. Чунончи, рисолам түркни ўтмиши ҳақидаги асл маълумотлар билан таниширади. Ўтмиши аниқ халқ ичидан эса буюк сиймодар етишиб чиқади. Жұмладан, түққизинчи хоқон туғилиб, хўқизбош заминга қайтади. Бу — мозийда яшаган икки пайғамбарнинг каромати амалга ошди, иблис издошларига муносиб ракиб дунёга келди, улуғ ишлар учун яратылған халқ қайтадан вазифасини бажарыпта киришди демак...





ХОТИМА

Вужудимга фавқулодда илохий қониқиши багишлаган фикрлардан рухиятим енгиллашиб ортта қайтарканман, балогоҳ йўлимни кесиб чиқсан аллақандай шарпадан шошиб, тормозни босдим. Менга шундай туюлдими десам, Тамара Содиковна ҳам дир-дир қалтирамокда. Шундагина кўрганларим рўёмаслигига ишондим, машинам қаршисида баҳайбат жондор турарди. Фира-ширада совуқ чақнаган кўзлари ва ҳарсиллаганда осилган икки қарич тилининг ўзиёқ, тайин қарорга келишим учун етиб ортди. Адашмасам, у изланишларда тўхтамаслигим тарафдори. Тўғри, мен ўзим истамаган ҳолда илмий рисола ўрнига бадиий асар ёздим. Назаримда, бежизга ўзгача чиқмади, энди уни халққа етказишим керак. Айни пайтда, бошқа нарсани ҳам унутмаслигим лозим. Зиммамдаги вазифам ҳали поёнига етмаган, Кушон империяси ва Ўғузхон, Тарғитой, Алп Эр Тўнга, Атулли, Истамихон каби хоқонлар ҳакида маълумотлар жуда кам, Амир Темур тарихи эса жиддий таҳрирга муҳтоҷ. Демак, тадқиқотларим давом этади.

Шу фикрлар хаёлимдан ўтар-ўтмас, рўпарамдаги махлук ўрнидан туриб, олға интилди. Уч-тўрт қадамдан сўнг қайтиб келди. Атрофимизда бир айлангач, яна бадар кетди. Ортидан эргашдим. Даставвал шошилмай лўкиллаган бўри бора-бора тезлашди. Мен ҳам газни босавергач, йўлнинг икки четида липиллаётган дарахтлар кичрая бошлади. Яхшироқ разм солсам, аллақандай кўзга кўринмас йўлакдан кўкка кўтарилаяпмиз. Мен-ку, сирли ҳодисаларга ўрганиб кетганман, буни Тамара Содиковна қандай қабул қилдийкан? Кўз қиrimни солдим. Унинг парвойи палак. Кўнглим хотиржам тортди. Олдимиздаги бўри эса иргиб-иргиб ҳаракатланар, ортда қолмаётганимизни кўриб, баттар узоклашарди. Шу тариқа кун ёришиб, оппоқ булатлар узра суза бошладик. Бир пайт «йўлбошчи» мизнинг сиёfi қорайиб, қиёфаси ўзгараверди. Ўзгара-ўзгара Қиронқора*га айланди. Бу гаройибот ҳам

эриш эмас, кенг қулоч ёзиб, фалак чархи узра айлангаётган қарға бизни, шубҳасиз, янги манзилларга элтмоқда...

Қаватимдаги маҳбубам эркаланиб, елкамга бошини қўйди. Диққатимни унга қаратган заҳотим кўз олдимдан деярли унутилган айрим воқеликлар ўтаверди. Уларнинг ичидан илғаганим даҳшат дарасидаги учрашув эди. Йўқ, Тамора ва роҳиб эндиликда умр сўқмоқларидан олдинги сафаргидек алоҳида-алоҳидаламас, аксинча, бирга-бирга одимлашмоқда. Бу саҳна қасос пайконига эврилганимда манзилимга етиш арафаси буюк шаҳаншоҳнинг маломатли нигоҳи қаршисида шалвираган оним, дафъатан кўкарған ўз шахсимга оид тахминларимни тўлиқ тасдиқлади. Мозий тафсилотлари битилган уклага учраганимдан бошлаб борлиғимни безовта этган жумбок узил-кесил ечимини топди, илк бор икки минг беш юз кирқ тўрт йил илгари учрашган ошиқлар бугун Археология Илмий-текшириш институтининг икки аспиранти тимсолида қовушгандилар...

Кейинги айланишда нотаниш издиҳом узра суза бошлидик. Қарасам, Тамара Содиковна ҳам пинак бузмайди. Менимча, ниҳоят ўзининг кимлигини англади. Ахир, кафти миздаги бир нуқтада кесишган учта из ўтмиш, бугун ва келажакни билдирад экан, шеригимнинг ҳам мозий саёҳатлари муқаррар-да...

Диққат-эътиборимни пойимдаги оломонга қадайман. Тарғитој замониданам ибтидоий либосларга ўранган лак-лак кўшин тоғлар оралаб йўл босмоқда. Ҳа, биз мозий бекатлари бўйлаб уча-уча, туркнинг яна бир хоқони замонасида кўз очдик. Саф бошида бораётган узун мўйлаби яловдай хилпираған алпкелбат зот ийнида илк бор муаррих ўтмишдошимда учратган таниш камонни кўргач, жисми жонимга умидбахш титроқ ёйлади. Наҳотки кўнглимга минг йиллар тинчлик бермаган навбатдаги тилсим ўз ечимига яқинлашди?..

Улкан камон соҳиби эса ўйноки тулпори тизгинини тортиб, олис-олисларга назар ташлайди. Ундан нарида енгил мас саркардасини шавкатли юришларга рағбатлантирган бўзбўри олға интилади. Жониворнинг улуғвор сиёқига боқиб, қалбимда осмон қадар ғуур туйаман. Чунки бу — боя машинам қаршисида бир тўхтаб, қарғага айланган ўша садоқатли дўст, туркнинг мангу ҳамроҳи эди...



ИЗОХЛАР:

Ясоқ ва тузуклар — турк халқларининг қонун-қоидалари.

Турук — Урхун Енисей битикларида турк эмас, турук шаклида ёзилган.

Турук бўдун ўлмазун, турук бўдун йолуғ эрмазун — Турук халқи ўлмасин, турук халқи қурбон бўлмасин!

Гирик — ёйнинг ипи.

Конялоқ — сўйилган молниинг қони тўпланадиган чукурча.

Укпа — майин тери.

Ашина — қадимги туркийлар аймоғи.

Холчаён — Сурхондарё вилоятининг Денов туманидаги тепалик.

Кўлик — улов, автомобиль.

Бобил минораси — етти мўъжизадан бири. Унинг қурилаётганидан ғазабланган худо тилларни аралашиб юборган эмиш.

Кушон алифбоси грек алифбоси асосига қурилгани учун кириллицага ўхшаш бўлган.

Кўн — от териси.

Укча — товон.

Бўзқурт — кулранг бўри.

Мара — санскритча шайтон демақдир.

Турлар — милоддан аввал буюк Турон пасттекислигига яшаган қабилаларнинг умумий номи.

Турқутлар — Туron бўрилари.

Қасрақ — ёш байтал.

Меҳтарбоду — жосус.

Табугчи — сарой баковули.

Дўнон — тўрт яшар от.

Шохол — шакал, чиябўри.

Халқини тупроққа қайтарган — Зардуштийлар мурдани баланд миноралар — даҳмаларга чиқариб, тик ҳолда боғлаб қўйишган. Кузгуналар, дайди итлар уни еб битиргач, чаноғини

алоҳида хум (оссуарий)га, устухонини алоҳида хумга солиб кўмишган. Турлар эса мурдаларни дафн этишган.

Бувак — чақалоқ.

Отулли — Европа манбаларидағи Атилла.

Лачаг — аёлларнинг саллага ўхшатиб устма-уст ўраладиган рўмоли.

Минотавр — юонон афсоналаридағи ҳўкизбош махлук.

Мидён — эрамиздан аввалги X—IV асрларда икки дарё оралиғида яшаган қабила.

Кубла — бўса, ўпич.

Мандана — Мидия шаҳаншоҳи Иштувоқнинг қизи. (Эр. авв. VI аср).

Камбиз — Мидия империяси таркибидағи форс сатрапи. (Эр. авв. VI аср).

Иштувоқ — Мидия империясининг шаҳаншоҳи. (Эр. авв. VI аср).

Гарпаг — Мидия саркардаларидан бири. (Эр. авв. VI аср).

Митридат — Мидия шаҳаншоҳининг чўпони. (Эр. авв. VI аср).

Буюк Кир иккинчи Ахоманий — Ахоманийлар династиясининг илк ҳукмдори. (Эр. авв. V аср).

Атраван — зардуштийлик динининг коҳини.

Жатан — улкан камон.

Ўқуз (Окс) — Амударёнинг эрамиздан аввалги даврлардаги номи. Ўқуз — сув, сой, дарё маъносини англатган.

Ахурамазда — оташпаратлик динида эзгулик худоси.

Ангроманью — Ахриман, Авестодаги ёвузлик тимсоли.

Мобеданмобед — мобедлар мобеди. Оташпаратларнинг бош коҳини.

Саккиз эзгулик — Будда таълимотининг асосий тамоиллари.

Агридар — Кир иккинчи Ахоманинг болалиқдаги исми.

Маздаизм — зардуштийликнинг бошқа номи.

Траэтон — Авесто персонажларидағи бири. «Шохнома»даги Фаридун.

Яксарт — Сирдарё.

Танаис — Дон дарёси.

Гиркон — Каспий денгизи.

Понт — Қора денгиз.

Қоғқаз — Кавказ.

Фраорт — Мидияни озодликка олиб чиққан шоҳ.

Сатрапликлар — дастлаб Мидияда кейин Форсда удумга киритилган ҳудудий бўлинишлар, вилоятлар.

Экбатан — Ҳамадон.

Дунё тўғони рўй берган вақт диний манбаларда эрамиздан аввалги 3264 йилга тўғри келади. Шунга нисбатан олинганда Кир эрадан аввалги беш юз эллик тўққизинчи йилда хукумат тепасига келади.

Пасарғада — Форс салтанатининг пойтахти.

Бэла Мардук — Бобилнинг бош худоси.

Ершалаимдаги маъбад — Куддусдаги Сулаймон ибодатхонаси.

Ишаъё — эрамиздан аввалги VII асрда яшаган яхудий пайғамбари.

Гаумат — маг. Кир ўлгач, Форсда давлат тўнтариши қилган тарихий шахс.

Шаҳарлар шахри — Бобил.

Камбис ва Бардий — Кирнинг ўғиллари.

Туроннинг улуғ дарёси — Амударё.

Масйоғутлар — массагетлар (масйо — балиқ, фут — киши, балиқчилар).

Башған — қабила етакчisi.

Чавоқ — майда балиқ.

Каттон — зигир поясидан тўқилган мато.

Керага — ўтов қовурғаси.

Бўшуғ — жинсий нафс.

Тапчан — уч оёқли курси.

Буғ — қабилани йифиш учун ишлатиладиган сурнай.

Барбат — қўбизсимон мусиқа асбоби.

«Хуллала!» — сакларнинг ҳайрат ва жанговар хитоби.

Буғро — улуғ.

Жишим — икки оёққа узунасига кийиладиган поча.

Жалма — пахталик чопон.

Сарабара — шаровор, сакларнинг кенг иштони.

Хаома — Эфидра шарбати кўшиб тайёрланган ичимлик.

Сўқилма — қовурдок.

Ёргучи — ҳакам, судья.

Қурмон — ўқ-ёй идиши.
Тублұғ — зотдор от.
Ақтачи, сайис — синчи, отбоқар.
Фүнөн — икки яшар той.
Күкалдош — сут эмишган оға-ини.
Қари — қүл учидан тирсакқача бўлган узунлик ўлчови.
Эммисоқ — (эмми — кўкрак, эмчак; соқ — якка, тоқ) тоқ
эмчакли дегани.
Табиту Фут — сакларнинг рўзгор маъбути.
Қирнақ — жория.
Тўмар — ғамхўр.
Алпофут — паҳлавон киши.
Турқа — ипак.
Арқиши — карвон.
Совчи — хабарчи.
Тусқавуллар — йўл соқчилари.
Желкин — отлик мусофир.
Липоқсой, Арпоқсой, Қолоқсой — сакларнинг афсонавий
бобокалони Таргитойнинг ўғиллари.
Куртға — кампир.
Қорабош — қул.
Кўмруг — жанг ногораси.
Қарлироҷ — қалдирроҷ.
Кўнуқтоз — меҳмоннавоз.
Бўлжар — қўшин кўрикдан ўтадиган майдон.
Урагут — аёл.
Куруш — Кирнинг туркча номи.
Даъватлар китоби — Авесто.
Ялавоч — пайғамбар, хабарчи.
Оқиноқ — акинак, калта қилич.
Кўшонлар — турли қабилаларнинг ягона мақсад йўлида
бирлашиши. Масалан, қўшон черик — бирлашган қўшин.
Тўпчоқ — наслли тулпор.
Қапиғ — эшик.
Бўқов — киshan.
Табақаланиш қоидаси — кўчманчиларда ижтимоий табақа-
лар учга бўлинган.
Биринчиси жангчилар — қизил рангли, иккинчиси коҳин-
лар — сариқ рангли, уччинчиси оддий халқ — оқ рангли

либос кийишган. Юрт йўлбошчилигига фақат жангчилар сайланган. Бу ерда шунга ишора бор.

Бохтарлар – бактрияликлар.

Маракент – Қадимги Суғдиёна пойтахти. Ҳозирги Самарқанд.

Дода – бобо.

Шиба – ўқ, ўқ овози.

Тарамит – Термиз.

Нахшаб – Қарши воҳаси.

Рамтан – Ромитан.

Сижовуш – Сиёвуш, Эрон шоҳининг ўғли, Алп Эр Тўнга (Афросиёб)нинг қуёви, Кайхисравнинг отаси. Уни Афросиёб қатл эттирган.

Жизар – қўшиннинг илғор қисми.

Йифоч – тахминан олти километрга teng.

Жондор – ясовул.

Навуходносир – суюкли хотини Мидён маликаси Семирамида (Амитас)га бағишилаб, Дунёнинг етти мўъжизасидан бири – Бобил осма боғларини барпо этган шоҳ.

Малик – шоҳ, ҳукмдор.

Набонид ва Валтазар – Бобилнинг сўнгги ҳукмдори ва унинг ўғли. Кир шаҳарни эгаллашдан олдин улар биргаликда мамлакатни бошқарганлар.

Мене, мене, текел упарсин – таржимаси йўқ. Дониёл пайғамбар буни Валтазарнинг тез орада қатл этилишининг ишораси сифатида тавсифлаган.

Куддус шаҳри қурилар қайта,

Яратганга санолар айта... – Пайғамбар Ишаъёнинг Кир туғилишидан бир юз эллик йил муқаддамги каромати.

Велиар – иблиснинг исмларидан бири.

Менинг сўнгги манзилим йироқ,

Ўша томон юрма сен бироқ... – Дониёл пайғамбар вафот этгач, Суза шаҳрига қўйилган. Лекин орадан икки минг йил ўтиб, соҳибқирон Амир Темур саъй-ҳаракати билан муқаддас хоки Самарқанд шаҳрига келтириб дағнি этилган.

Темир қапиғ – ҳозирги темир дарвоза.

Чак-чак – Сурхондарё ва Қашқадарё ўртасидаги довон.

Колоқсој тулпорлари – Турон пасттекислигининг афсонавий отлари. Хитой манбаларида самовий тулпорлар деб аталади.

- Даҳшатли гўзаллар (эммисоқлар) — амазонкалар.
Атосса — Кир Ахамоннинг қизи. Қадимий урф-одатлар бўйича туғишган акаси Камбисга турмушга чиққан.
- Елмоя — тез юрар тuya.
Садоқ — ўқ идиши.
Кабаз — пахтадан тўқилган мато.
Артиғ — камзул, нимча.
Ябғу — хондан кейинги амалдор.
Тавочи — хизматчи.
Жул — от ёпинчиги.
Терлик — от устига кигиз остидан ёпиладиган намат.
Тириғ — терлик устидан ёпиладиган кигиз.
Ичлик — эгар ости тўқими.
Аэrim — эгар остига икки томонлама кўйиладиган тўқим.
Тартиғ — эгар усти қайиши, айил.
Отғун — эгарнинг чап томонидаги энлик қайиш. Қайиш ҳалқасига эгарнинг ўнг томонидаги айили ўтказилиб, тили бойланади.
Чаби — эгар усти кўрпачаси.
Чиктан — эгар ёпинчиги.
Диккак — тантаналарда эгар устидан ёпиладиган попукли ёпинчиқ.
Жеткан — юган боғи.
Жаноғ — эгарнинг қоши.
Қисмақ — узангининг ён қайишлари.
Йосол — кўшинни кўриқдан ўтказиш.
Бўлун — асир.
Жундак — от тезаги.
Кентаврлар — юонон афсоналаридағи танаси от, боши одам махлуклар.
Мурдаларни оҳактош билан ёпиш — урушлар оқибатида мурдалар кўпайиб кетганда зардўштийлар тупроқни (муқаддас унсур) булғамаслик учун уларни оҳактош билан кўмишган.
Антик юонон шоири Алкманнинг аёл гўзаллигини отларга менгзаган шеърида Колоқсой тулпорлари ҳақида ҳам гап кетади.
«Шоҳ Эдип» ҳақидағи афсоналарга ишора.
Тура — узун қалқон.
Туч — бронза.

Эрлик ҳоқон очган йўллар — Кавказ орқали Кичик Осиёга олиб борадиган йўл.

Сакалғут — паҳлавон кимсалар (саклар).

Жиров — бахши.

Жему — маъқуллаш хитоби.

Мангу шаҳарлар — Марв ва Маракент.

Тумса — минбар.

Эндкач — қасам, онт.

«Мен — шоҳ, Кир Ахоман» — Кирнинг мақбараасидаги ёзув.

Урсуқ — меш.

Махабҳорат — Ҳинд халқ оғзаки ижодига тегишли қадимиј достон.

Рамаяна — Ҳинд халқ оғзаки ижодига тегишли қадимиј достон.


Вельзувел, Армаддон, Апполион — иблис исмлари.

Маҳфуз шаҳар — қадимги уламолар фикрича қиёмат қадар турадиган мангу шаҳар.

Беш ҳукмдорга хизмат қилган — Дониёл пайғамбар Бобилда Навуходносир, Набонид, Вальтазар; Мидияда Иштувок, Форсда Кир саройида хизмат қилган.

Учкўл — Сурхондарёниг Жарқўрон туманида жойлашган сув ҳавзаси.

Қиронқора — қоракуш, қарға.





МУНДАРИЖА

Бошлама	3
1-китоб	6
Күёш тамғаси.....	6
Мұқаддима	6

I Қисм

1-боб. «Қадимги туркийлар ва...»	13
2-боб. Улар қуёшга сиғинадилар.....	33
3-боб. Мара ва Тамора.....	40
4-боб. Худонинг арзандасини иблис қатл этолмайди	44
5-боб. Шакъямуни «Шаклик донишманд» дегани	45
6-боб. Энагаси бўри...	51
7-боб. Кўнғироқли кўэмунчоқлар.....	65
8-боб. Бўрижар	69
9-боб. Шак туурман, хукмдорим, шак!.....	77
10-боб. Жалайир кампир.....	86
11-боб. Мидён шаҳаншоҳи охир-оқибатни билмасди.....	90

II Қисм. Малика ва шаҳаншоҳ

12-боб. Буюк Кир иккинчи Ахоманий.....	95
13-боб. Агридар	100
14-боб. Унинг исми Тўмарис.....	112
15-боб. Дубчароқ	118
16-боб. Элчи.....	128
17-боб. Дониёл пайғамбар	133
18-боб. Жазо	140

19-боб. Учрашув	141
20-боб. Самовий тулпор	149
21-боб. Сипархан	154
22-боб. Кентаврлар	159
23-боб. Мұҳораба	161
24-боб. Қүёш тамғаси	167
25-боб. Қасос пайкони	176
26-боб. Қайтиш	193

III Қисм. Қоракүш

27-боб. Тақдир әшиги	198
28-боб. Даъват	204
29-боб. Күшон империяси	206
30-боб. Суиқасд	208
31-боб. Тамара Содиковна	213
32-боб. Улур Эна	216
33-боб. Қасам	219
34-боб. Түкнашув	223
35-боб. Қарға	228
36-боб. Құнуктоз	233
37-боб. Гаумат	235
38-боб. Хұқиз ва фил	241
39-боб. Калаванинг учи	242
40-боб. Розияхон	244
41-боб. Вельзувел	246
42-боб. Эрлик хоқон	254
43-боб. Махфуз шаҳар	264
44-боб. Зармо	269
45-боб. Мен — ўшаман!	272
46-боб. Тамға	277
Хотима	283
Изоҳлар	285

Адабий-бадиий нашр

Шавкат НИЗОМ

ТҮҚКИЗ ХОҚОН САЛТАНАТИ

Тарихий роман-эссе

Муҳаррир *Насрулло Эргаш Раҳматилла ўғли*

Рассом-дизайнер *Шуҳрат Қурбонов*

Техник муҳаррир *Бекзод Каримов*

Кичик муҳаррирлар: *Дилбар Ҳолматова, Гулбайра Ералиева*

Мусаҳхих Дилбар Маҳмудова

Компьютерда саҳифаловчи *Кира Голдобина*

Нашриёт лицензияси АI № 158. 14.08.2009.

Босишига 2016 йил 29 июлда рухсат этилди. Бичими $60 \times 90^1 /_{16}$.
«Газетная пухляя» көғози. «Virtec Peterburg Uz» гарнитурасида оффсет
усулида босилди. Шартли босма табори 18,5.
Нашр табори 17,12. Адади 3000 дона. Буюртма № 16-509.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.
100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20.

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz
www.iptd-uzbekistan.uz

Низом, Шавкат

H57 Тўққиз хоқон салтанати [Матн]: тарихий роман-эссе /
Ш. Низом. – Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ, 2016. – 296 б.

ISBN 978-9943-28-662-7

УЎК: 821.512.133-1
КБК 84(5Ў)6